


ЧИНГИЗ АЙДАМОЗ ОЛАМЫ

Асил РАШИДОВ



2016/98
43.84

АСИЛ РАШИДОВ

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ ОЛАМИ



„О'QITUVCHI“ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ
ТОШКЕНТ — 2011

821.512.154 06

УДК: 821.512.133

ББК 83.3 (5 Қир)

P 31

Давлат мукофотлари лауреати, ёзувчи, таржимон
Иброҳим ҒАФУРОВнинг умумий таҳрири остида

Қайта ишлаб тўлдирилган иккинчи нашри

Асил Рашидов кўп йиллик педагогик фаолияти билан бир қаторда, ярим асрдан бўён атоқли ёзувчи Чингиз Айтматов асарларининг илк таржимони сифатида ҳам танилган. Узоқ йиллик мутаржимлик жараёнида мунаққид Чингиз Айтматовнинг талқиқотчиларидан бирига айланди. Ушбу китоб Асил Рашидовнинг XX—XXI аср адабиётининг буюк сиймоси Чингиз Айтматовнинг жаҳоншумул абалияти хусусидаги кўп йиллик тадқиқотлари мажмуасидир.

Ҳар бир илмий ишда бўлганидек, бу ишда ҳам мунозарали фикрлар мавжуд, аммо уларнинг бўлмаганидан бўлгани яхши: зеро, ҳақиқат фақат мунозаралардагина оидиглашади. Китоб кенг жамоатчиликнинг фикри, магбуотда эълон қилинган қатор тақризларда билдирилган мулоҳазалар асосида қайта ишланиб тўлдирилган иккинчи нашридир.

Монография олий ўкув юртларининг тил ва адабиёт факультетлари бакалавриати, магистрлари, аспирантлар, адабиётшунослар, адабиёт ўқитувчилари, шунингдек, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

10-38924/203

2016/98	Alişber Navoiy
4384	noto'ridagi
	O'zbekistob MК

10-38924/203

ISBN 978-9943-02-404-5

© „O'qituvchi“ NMIU, 2008.

© „O'qituvchi“ NMIU, 2011.

Қайта ишланиб, тўлдирилган 2- нашри.



Чингиз Айтматов
(1928 – 2008)



АСИЛ МУАЛЛИМ – ТАРЖИМОН ВА ТАДҚИҚОТЧИ (Сўз боши)

Бу китоб кўп йиллик ижодий меҳнатнинг маҳсали. Таниқли адабиётшунос олим, ижодкор, таржимон Асил Рашидов эллик йилдан бери Чингиз Айтматов ҳаёти, ижодиётини ўрганиш билан шуғулланади. Уни ҳақли равишда Асил муаллим деб алқашади, ҳақли равишда Айтматовнинг ўзбек таржимони деб билишади. Шу билан бирга, у Айтматов асарларининг ўзбек китобхонларига муҳаббатли тарғиботчиси.

Асил Рашидов бободеҳқон Рашид Халилов ва кайвони она Кўйсиной Халилова хонадонида дунёга келган олти алп ўғлоннинг бири. Рашид отанинг касб-кор эъзозланадиган, эзгулик, инсонга яхшилик улуғланадиган ва бу қатъий аъмол, расм-руслум яшаш тарзига айланган хонадонидан улуғ ёзувчи, давлат арбоблари, алломалар, ташкилотчилар, халқ етакчилари, муаллимлар, йирик-йирик шахслар етишиб чиқишиди. Улар халқни дунёning очиқ уфқларига олиб чиқишига интилишиди. Асил Рашидов олти аҳил, чинакам алпона оға-инилар ичida елкама-елка мададкор бўлиб униб-ўси, муаллимлик, журналистлик касб-корини танлади, катта малака, билимлар эгаси бўлиб вояга етди. Ҳаётининг энг асл вақтларини машхур педагогика универсitetининг муаллимлигига бағишилди, Мақсад Шайхзода, Натан Маллаев, Тўхта Бобоевларга сафдошлиқ, салафлик қилди. Асил муаллим деган шарафли ном қозонди. Академик Воҳид Зоҳидов раҳбарлигида илмий тадқиқотлар олиб борди, бир қанча монографик китоблар ёзди ва нашр қилдирди.

Асил Рашидов ўтган асрнинг эллигинчи йилларининг ўрталарида Миллий университет таҳсилини тугаллаб мустақил ҳаёт, меҳнат жабҳаларига қадам қўйган кеслар алабиёт осмонида янги бир юлдуз барқ уриб уфқдан кўтарилди.

1958 йилда ёш қирғиз алиби Чингиз Айтматовнинг кетмакет „Юзма-юз“, „Жамила“ леган қиссалари Москванинг машхур „Октябрь“, „Новый мир“ журналларида босилиб чиқди. Ёшликтининг тенгсиз завқ-кудрати билан ёзилган, бир нафасда, тиг олмай, ютоқиб ўқыладиган бу мұйжаз шедеврлар дархол Александр Твардовский, Мухтор Авезов, Луи Арагон, Шостакович каби буюк санъаткорларнинг назарига тушди. Фавқулодда ёрқин тарихий ҳодисалар ҳалқа-ҳалқа бўлиб юзага чиқиб, дунё бўйлаб ажойиб-ғаройиб шов-шувларга сабабчи бўла бошлиди. Дунёга танилган француз алиби Луи Арагон „Жамила“ни француз тилига таржима қилди ва ўша пайтда 200 минг нусхада чоп этиладиган „Юманите“ газетасида сонма-сон чиқиб турди. Луи Арагон „Жамила“ни дунё алабиёти тарихидаги энг гўзал севги қиссаси, деб атади. Шундан эътиборан қирғиз алиби номи ва асарларининг жаҳон сарҳадлари оша мислсиз ғолибона юриши бошлианди. Чингиз Айтматов шу пайтгача дунё алабиётида мисли кўрилмаган эъжозий илҳом билан 60-йилларда „Сарвқомат дилбарим“, „Бўтакўз“, „Биринчи муаллим“, „Сомон йўли“, „Алвидо, Гулсари!“ сингари дунё адабист ихлосмандларини қаттиқ тўлқинлантирган, ҳаяжонлар уммонига ташлаган асарларини яна ўша буюк истеъодд эгасига хос тарзда, бир зум кетини узмай бирма-бир тақдим этди. Жаҳон бўйлаб Айтматов баҳслари ва Айтматов таржималари бошлиниб кетди.

Биринчи бўлиб Асил Рашидов Айтматовнинг илк қиссаларини ўзбек тилига таржима қилди. Ўзбек китобхони Айний, Қодирий, Чўлпон, Авезов, Кербобоев, Ойбек, Faafur Fуломларни қапдай муҳаббат билан қабул қилган, ўқиган, ўз маънавий-эстетик мулкига айлантирган бўлса, Айтматовнинг илк қиссалари ва ундан кейин кўкка кўтарилиган ёрқин юлдуз туркумларини шундай муҳаббат, завқ-шавқ билан қабул қилди, ўқиди ва ҳеч айрилмас гўзаллик мулкига айлантириди. Бунда Асил Рашидов таржималарининг табиий шоироналиги, экспрессив-ҳаяжонли интонацияси, туркисна ҳалқчил муқобилларга бойлиги ўз ўрнига эга бўлди. Таржима бу — бошдан-охир тушуниш ва талқин санъати. Асил Рашидов ўз таржималарида тушуниш ва талқин санъатини яхши эгаллаганлигини, бадиий ифодавийликда буюк алиб услубига тўла эш-йўлдошлиқ қилолганини кўрсатди. Албатта, Чингиз Айтматовнинг янгидан-янги асар-

лари дунёга кела бориши билан унинг яна янги таржимонлари ҳам сафга турди. Лекин уларниң ҳаммаси Асил Рашилов гаржималари ичидә қайнаб, унинг тажрибаларидан улги олди, ўрганди, лесак ҳақиқатга хилоф бўлмайди.

Асил муаллимнинг таржимонлик маҳорати, синчковлиги, изчиллиги, изланувчанилиги айниқса, „Оқ кема“ ва „Асрни қаритган кун“ романларини ўзбекчалаштиришида ёрқин тарзда намоён бўлди. Унинг сўз-ифода излашлаги эволюциясини тасаввур қилиш учун оддий бир-икки мисолга эътибор беринг: „Тополёк мой в красной косынке“ қиссасининг номи биринчи ўзбекча нашрида „Қизил дуррали сарвқоматим“ эди, иккинчи нашрида у „Қизил дуррали сарвқоматим“ бўлди, асарнинг учинчи ва кейинги нашрларида „Сарвқомат дилбарим“ деб ўзгарди. Асар шу ном билан шуҳрат гопди, худди „Ўткан кунлар“ деган ном каби бутунлай ўзлашиб кегди. Ёки „И дольше веска длится день“ („Бурунный полустанок“) номининг эволюциясини кузатинг: „Асрга тенг кун“ — „Асрга татигулик кун“ — „Асрни қаритган кун“... „Инжили Шариф“ манбаларида учровчи бу бағирдор ибора „Асрни қаритган кун“ деб ўзбекча қўним топиб, магизли, маъноли, пурҳикмат образли иборага айланди.

Асил муаллим Чингиз Айтматов асарларини ўзбек тилига таржима қилиш билан чекланмай, уларни кенг китобхонлар ўртасида қарийб эллик йилдан бўён муҳаббат ва изчиллик билан тарғиб-тапшвиқ қилиб келади. Ўзбек ўқувчисини Айтматов асарларининг бадиий-эстетик оламига, мураккаб мундарижа-сига, характерлар яратиш санъатига, давр ва инсон тақдирларининг динамикаси, ҳаётий муаммолар ва ғоялар дунёсига олиб киради, кейинги эллик йилликда вужудга келган айтматовшуносликда авжи бир зум тўхтамаган ва пилиги насаймаган ранг-бараиг баҳсларга тўхталали, уларга ўз муносабатини билдиради. Баҳслардаги нозик қирраларга ўзбек ўқувчисининг эътиборини тортади.

Асил муаллимнинг Айтматов асарларига таҳдиллари ва ўзига хос содда, ишонарли талқинлари китобхонни Айтматовга яқинлаштиради, муҳаббат уйғотали, бу асарларни қайта-қайта ўқишига чорлади.

Асил муаллим ўқувчисини илҳомлантирали, улар қалбига кўркам адабиётта муҳаббат уругини экали, ҳаётий, маънавий сабоқлар, хуносалар чиқаринига кўмаклашади. Ахир адабий таҳлил ва талқиндан кузатиладиган бош мақсад ҳам шу эмасми?!

Эллигинчи йиллар охири ва олтмишинчи йилларда Чингиз Айтматов, Василь Биков, Грант Матевосян, Акром Айлисли, Амир, Валентин Распутин, Олес Гончар, Владимир Дудинцев, Владимир Тендряков, Виктор Астафьев, Михаил Белов, Одил Ёкубов, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов асарлари тирик уриб турган юраги, дардли, брезовата, ҳақиқатгўй мадҳияси билан балий ва ижтимоий-балий фикрни янги мислсиз уғқуларга олиб чиқди. Адабиётшунослик адабий тақиёдни ҳам янги талқин чўққиларини эталланига даъват этди. Унинг янги сифат, мазмундорлик, таъсирчанлик даражасига кўтарилишига йўл очди. Бу, айниқса, ўна алибларнинг асарлари устила бўлган жўшқин, теран, эҳтиросли баҳс-мунозараларда жуда ёрқин кўзга ташланди.

Асил муаллимнинг Чингиз Айтматов асарларига таҳлил ва талқинлари 60-йиллардаги гўзал, ақдли, фикрга бой баҳсларнинг нафаси ва пабадаларига ҳамоҳангидир. Улардан ўша даврга хос илғор ёндануввларни уқиб олиш қийин эмас.

Узбекистонда айтматовшунослик ўз ўрни, ўз овозига эга. Файбулла Саломов, П.Мирзаҳмедова, Асил Рашидовнинг ма-лакали, ишонарли, жонли талқиқотлари Чингиз Айтматовнинг шарқона, ўзбекона англамлари каби туннунилади, қабул қилинади.

Табиийки, улар Айтматовни билиш, севиш, ўрганишда сўнгти нуқта эмас. Айтматовни ўрганинг янги замониларда янги, ҳали очилмаган, қашф этилмаган сарҳадларга чиқади. Зоро, улуғ адаб Чингиз Айтматов асарлари талқинларда туганимас қашфиётларни давом эттиришга туганимас имконлар торттиқ қиласверали. Бизни Чингиз Айтматов ижодий мактаби бағрига олиб кирганди бу китоб ўз маърифати билан қимматли.

Йирик ишларга туғилган одамлар бўлади. Асил муаллим шундай ижодкорлардан бири. Унинг кўплаб ажойиб таржималарию муҳим тадқиқотлари, шу жумладан, „Чингиз Айтматов олами“ монографияси бупинг исботидир.

ИБРОҲИМ ҒАФУРОВ

Олти фарзанд — ақаларим Камолиддин, Шарофиддин, Саҳобиддин, Исомиддин, укам Насриддин ва мени дүнёга келтириб, лекин камолотимизни күрмай, бир умр кетмөнига суюниб ўтган дәхқон отамиз Рашид Халилов ва биз ака-укаларни оқ ювиб, оқ тараб вояға еткazған камсуқум инамиз Құйсинар Халиловаларнинг ёрқин хотираларига бағишлайман.

Муаллиф

ЧИНГИЗ ОҒА ЧАЛАНІ

(Муқаддима ўриида)

Саңыат ва алабиёт халқ ҳасти ва маңнавияттін бойитиб келгани сингари, халқнинг ижоди, яратувчилик даҳоси ҳам саңыат ва алабиестті илхомланғанырып келади. Моломики, биз Чингиз Айтматов ижоли хусусида фикр үоритар эканмиз, унта соз, овоз берған ҳам, ижод манбаи бўлиб хизмат қилған ҳам ва уни камолот босқичига кўтарған ҳам ана шу воқелик ва улкан яратувчилик меҳнати эканлигини чуқур тасаввур этамиз. Янада лўтица қилиб айтгандла, янги муҳит, янги воқелик сазувчи учун ижол манбаи бўлиб хизмат қилиди. Инсонни севиш, унинг маңнавий қалғиятларини улуғлаш, унга чин кўнгилдан ва жондилдан хизмат қилиш, разолатта, қабоҳатта қарши муросасиз кураш Чингиз Айтматов ижодининг руҳини, пафосини ташкил этади.

Алабиестла ҳар бир ижолкорнинг ўз ўрни ва мақоми бор. Қирғиз халқининг фахри, гурури — Чингиз Айтматов турк маңнавий оламининг чақноқ юлдузларидан бирилir. Умуман олганида эса, унинг шахсияти умумбашарият маңапияти тарихида жула кам урайдиган фавқулоуда поеб ҳолисадир.

„Туркий дунё Алишер Навоийдан қарийб 500 йил кейин алабиёт чўққисига Чингиз Айтматовни олиб чиқди“¹. „Буюк шахсларни миллат қайгуси, Ватан қайгуси яратади“, деган эди

¹ Р. Рахмоналиев Жизнь, равная вселенной (Философия творчества Чингиза Айтматова). // Чингиз Айтматов. Собр. соч. в семи т. Том 1, —М., 1998, стр. 23.

Президентимиз. Дарҳақиқат, ҳар бир давр ўз санъагорлари, талантларини яратали. Бу эса ҳар бир ёзувчининг ўз истесъоди, өхтисжи, ижодий имкониятларига кўра амалга оширилади. Сағъаткор ўз даври билан қанчалик яқиндан алоқада бўлар экан, унинг жаҳон малакияти олтин хазинасига қўшган эстетик ҳиссаси ҳам шунчалик улкан ва самарали бўлали. Демак, миилат туйғуси, Ватан қайғусидан яралиган санъагор Чингиз Айтматовдек мўътабар зотнинг дунега келиши замон тақозосидир, бошқача айтганда, тарих ва замон ўз қаҳрамонини ўзи жаҳон майдонига олиб кирди.

Адабиёт майдонига XX асрнинг 50-йилларида кириб келган ва миллионлаб китобхонлар қалбига тез йўл топа олган, фоят гўзал ва сермазмун асарлари билан уларни оҳанрабодек ўзига тортиб, сеҳрлаб олган, ҳатто Луи Арагон, Николай Тихонов, Эдуарлас Межелайтис, Мухтор Авзозов, Расул Ҳамзатов каби жаҳонга машҳур сўз сеҳргарларини лол қолдирган ва уларнинг таҳсиинига сазовор бўлган буюк истесъоди соҳибларидан бири Чингиз Айтматов тинимсиз меҳнат, изчил ижодий изланишлар самараси ўлароқ, нафақат туркий халқлар, балки бутун жаҳон халқлари китобхонларининг ҳам ардоқли ёзувчисига айланди. У ўзининг кўпқиррали такрорланмас ижтимоий фаолияти билан, инсониятни тўлқинлантираётган долзарб маънавий муаммолар талқинига бағишланган юксак асарлари билан жаҳон адабиёти хазинасига, адабий-бадиий тафаккур ривожига улкан ҳисса қўшган алиблик.

Чингиз Айтматов носб истесъодига эга бўлган кенг қамровли алиб. У қиссанавис ва романнавис, у зуллисонапайи сузучи, у таржимон ва киносценарийчи, у танқидчи ва тарихчи, у поэтик ва муҳаррир, у оташин публицист ва журналист, у файласуф, моҳир дипломат, у халқлар дўстлиги ва бироларлигининг толмас кўйчиси эди.

Чингиз Айтматовнинг таржимаи ҳоли жуда бой. У Қирғизистоннинг Тағас водийсидаги кўхна Авлиё ота шахри яқинидаги (ҳозирги Жамбул) Шакар овулла 1928 йил 12 декабрда хизматчи оиласила дунега келади. Бобоси Айтмаг ога ажойиб қўбизчи эди. У ўғли Тўракулни Авлис оталаги рус-тузем мактабига жойлаштиради. Тўракул Айтматов рус-тузем мактабида таҳсил олгандан сўнг Москвадаги қизил профессорлар институтида

үқишини давом эттиради. Кейинчалик, Тұрақул Айтматов Қирғизистонда масъул лавозимларда ишлайди. Саводсизликни туатында маданий инқилоб учун кураңға бел бөглайди. „Отам, — деб ёзади муаллиф, — инқилоб йилларидаги саводхон кишилардан бўлиб, Москвада икки бор таҳсил кўрган, раҳбарлик лавозимларида иштаб сиёсатга, алабистга жула қизиқали, худди шунингдек, онам Наима Ҳамзесвна Айтматова ҳам ўқимишили, замонавий аёл бўлиб, улар мени рус маданияти, рус гили ва алабиёти билан ошино қилинида ғоят катта роль ййнаган“¹. 1937 йилда бутун мамлакатда юз берган фожия — машъум шахстаги сигининг Ч.Айтматовлар хонадонига ҳам күлғат келгиралди. 1938 йилнинг кузила Қирғизистоннинг иешонасига „халқ душманни“ тамғаси урилиб, бир юзу ўғтис етти нафар солиқ фарзанди, жумлалан, ёзувчининг отаси — таниқти жамоат арбоби Тұрақул Айтматов ҳам кечаси қатл этилиб, янирипча кўмиб юборилади. Тұрақул оғанинг жўшқин ҳаёти Чингиз Айтматовнинг „Биринчи муаллим“ қиссасидаги Дуйшон тимсолида ўзининг қўйма ифодасини тоғлан.

Ч.Айтматовнинг болалик йиллари оргла қолиб, унинг онгли, мустақил ҳаётга қалам қўйинши, яъни ўсирийлик йиллари уруши лаври билан узвий бөгланиб кетали. Бўлажак сувучи урушида бўлмаган, қонли жангтоҳларни бопидан кечирмаган эрса-ла, купладик ҳаётнинг ўзи унинг учун катта мактаб вазифасини ўтади. Қишлоқдаги оғир ишлар чоллар, аёллар, ўсирийлар зиммасига тушади. Кўпчилик қатори Чингиз ҳам ўзини фронт орқасидаги меҳнатта уради. У ластлаб рус мактабида, кейинчалик қирғиз мактабида ўқиди, жула спилик чоғлариданоқ зеҳиннинг ўткизиги билан синфиёнларидан ажратиб туради. 1942 йили 14 ёнида Шакар қишлоқ кенгапи котиби, солиқ йигувчи, сўнг тракторчилар бригадасининг ҳисобчиси бўлиб ишлайди. 1948 йили Жамбулдаги зооветеринария техникумини аъло баҳолар билан тугатгач, 1948—1953 йиллари Қирғизистон қишлоқ хўжалиги институтида ҳам аъло баҳоларга ўқийди. Сўнг олий матбуломгли мутахассис дипломи билан тажриба фермасининг зоотехники бўлиб иш боилайди.

¹ Чингиз Айтматов. В соавторстве с землею и водою... Фрунзе: „Қыргызстан“, 1978, стр. 150.

Техникумда, айниқса, институтда ўқиб юрган көзлари Чингиз Айтматовда алабистга зүр ҳавас түгилди. У халқ оғзаки ижоди наунаңлари билан барвақт тапшишади, рус ва жаҳон алабисти дурлоналарини севиб мутолаа қиласы. Улардаги қаҳрамонлар дүнессиге чуқур кириб бориб, ўзини баъзан улар билан сұхбатлашаёттандай ҳис қиласы. Бұлажак алғыға болалик өнімдерде бувиси (ладасининг онаси) Ойимхон ая ва унинг қизи — Қоракызы опа күпдан-күп әртак, ривоят, афсона, қўшиқлар айтиб беришади. Ёзувчи асарларидан болаликда эпитеттан мана шу ривоятларнинг муайян таъсири бўлса, ажаб эмас.

„Мен, — деб ёзган эли у кейинчалик, — кигобни зўр ҳаяжон, катта интиёқ билан, худи мұқаллас парсанни ушлагандек кўлимга олардим. Ўша кезлар менинг назаримда, емон китоб йўқ эди. Кигобдаги ҳар бир ҳарф мени ҳаяжонга соларли, китоб ёзган одам эса ҳаслимда худи Пушкин ва Голстайдек буюк сезиларди“.

Шу тариқа ён Чингизда китобга, ёзни-чизиниға қизғин ҳавас уйғоиди. Чингиз Айтматов, даставват, қирғиз ёзувчиларининг асарларини рус тилига таржима қиласы, ўзи ҳам қирғиз ва рус тилларида жажжи-жажжи мақола, очерклар ёзиб, маҳаллий матбуот саҳифаларидан бостира бошлийди. Бұлажак ёзувчи 1956—1958 йилларда Москвада Ёзувчилар уюшмаси қопилдаги Олий алабиёт курсида таҳсил олади. Ч.Айтматовнинг Олий алабиёт курсида таҳсил олини унинг учун катта ижодий мактаб бўлгади. Буни Ч.Айтматовнинг ўзи ҳам: „Агар мен у срда ўқимаганимда ўз қиссаларимни ёза олмагаи бўлардим“, дега неча бор мамнуният билан эслаган эди. Ч.Айтматов у срда жаҳон классиклари ва замонавий езувчиларнинг кўплаб асарларини мутолаа қиласы, баҳс, мунозараларда фаол иштирок этади. Натижада 1957 йилда „Юзма-юз“, 1958 йилда эса „Жамила“ қиссаси юзага келади.

Чингиз Айтматов 1957 йилда собиқ СССР Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлади. 1958 йилдан то 1960 йилгача „Литературный Киргизстан“ журналининг бопи мұҳаррири, шунингдек, 1960 йилдан то 1965 йилгача „Правда“ газетасининг Ўрта Осиё ва Қозогистон республикалари бўйича маҳсус мухбири бўлиб ишлейди. 1960 йилдан то 1986 йилгача Қирғизистон кинематографчилари кенгашига раислик қиласы. 1978 йилда собиқ СССР

Социалистик мәңгілік қаҳрамони, 1997 йилда эса Қирғизистон Республикаси қаҳрамони ушыншары билан тақдирланады. 1988—1990 йилларда „Иностранный литература“ журналына Бор мұхаррір — көңгіштік раиси бўлди. Чингиз Айтматовнинг адабиёт ва салынатининг энг долзарб масалаларига бағишланган ўткир илмий-танқидий ва публицистик мақолалари, ҳикоялари, очерклари газета ва журналарнинг саҳифаларида мүнгизам босилиб туради. Ч.Айтматов Қирғизистон халқ езуучиси, давлат ҳамда жамоат арбоби, Қирғизистон Фанндар академиясынинг ақадемиги эди.

Чингиз Айтматов 20 йил давомыла, аниқроқ қилиб айттанды, 1990 йилдан соңынан СССРнинг, сүнгра Россия Федерациясынинг, 1991 йилдан эса Қирғизистон Республикасынинг Люксембург ва Бельгиядаги әлчиси лавозимларыда ишлаб, ўзининг юксак дипломатик ласқатини намосын этди.

Чингиз Айтматов барча күч-кувватини халқыга, ватанига, бугун инсониятнинг порлоқ келажагига сафарбар әттан ҳақиқий салынаткор адіб бўлиши билан бирга, унинг давлат ва жамоат арбоби сифатида олиб борган кўп йиллик самарали фаолияти алоҳида саҳифаларни ташкил этиди. Бонқача айттанды, адіб адабий ишни севимли халқыга ва жаҳон ҳамжамиятiga хизмат қилиш вазифаси билан уйғунликда олиб борди. Айтматовнинг ташаббуси билан ташкил этилган „Иссиққўл форуми“ халқаро мағаният ва ҳамжиҳаглик ҳаракати мұхим ижтимоий масалаларни ҳал этипда самарали таъсир ўтказиб келди. Ч.Айтматов 1995 йилдан Марказий Осис халқтары мағанияти ассамблеси Президенти сифатида ҳам самарали иш олиб борди. 1999 йилда Қирғизистон Республикасыда Чингиз Айтматов номидаги Ҳалқаро „Олтин медаль“ мүкофоти таъсис этилди.

Кези келганды Чингиз Айтматов асарлари дүнс бўйича энг кўп чоп этилган езуучилардан эканини таъкидлайды жоиз. ЮНЕСКО маълумотларига кўра, Ч.Айтматов асарлари энг кўп ўқилядиган алиблар орасида В.Шекспир ва Л.Толстойдан сўнг З-ўринда туради. XXI аср арафасида алибининг китоблари жаҳоннинг 168 мамлакатида 165 таржима қилиниб, 830 марта, жами 67,2 милион нусхада чоп этилгани аниқланган эди. Мазкур халқаро ташкилотининг маълумотларига қараганды, Ч.Айтматовнинг асарлари ҳозирги кунгача жаҳоннинг 180 та яқин тилда-

рига таржима қилиниб, 80 миллион нусхада нашр этилган. Кўриниб турибдики, бу рақамлар изчил ортиб бормоқда. Алибномини илк бор жаҳонга машҳур қилған „Жамила“ қиссасининг ўзи эса 50 дан ортиқ тилга таржима қилинган. Асар ҳозирги кунга қалар ўзбек тилида етти бор нашр этилди. Қисса чоп этилгандан сўнг ўтгаи ярим аср лавомида Чингиз оғанинг ижоли муттасил ўсиб, юксалиб, сайқал топиб борди, шуҳрати оламга танилди. Шу далилнинг ўзини — 180 рақамини бир ўйлаб кўринг-а... Яна бир жиҳат, алиб асарлари ҳажмини жаҳон адабиетшунослиги оламида мавжуд бўлган талқиқотлар миқеси билан таққослайлигиган бўлсак, уларнинг ўн карра, юз карра ортиб бораётганилигининг гувоҳи бўламиз. Бир сўз билан айтганида, алибининг кўп қиррати ва сермазмун фаолияти ҳақида кенг кўламда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Виктор Гюго айтганидек, „Инсоннинг улуғлиги унинг бўй-басти билан ўлчанмагани каби, халқнинг улуғлиги ҳам асло унинг сони билан ўлчанмайли“. Октябрь тўнгаришига қалар рус, украин, белорус каби яқин ўтмишидақ реализм босқичларига кўтарилиган бир қанча халқларнинг миллий адабиётларини истисно этганида, бальзи халқларнинг бой оғзаки ижоли мавжуд бўлса ҳам, ҳали уларнинг ёзма адабиёти шакуланиб стмаган ёки ётидигина унинг дастлабки намуналари яратилаётган эди. Бальзиларида эса, ёзма адабиёт у ёқда турсин, ҳали миллий ёзувнинг ўзи ҳам йўқ эди. Ўтмишида ҳатто ўз ёзуви ва ёзма адабиётига эга бўлмаган халқлар, улар катта ски кичиклигидан қатъи назар янги воқелик, янги гарихий шароитда тафаккури, маданияти, маърифати ўсиб, мустақил катта алабиёт яратиб, жаҳоннинг илғор халқлари маданиятлари қаторига кўтарила оли, умумжаҳон маданияти, алабиёти хазинасига ўз бадиий дурдо-наларини қўшиди. Эндиликла тил жиҳатидан, тарихан юзага келгани анъаналари жиҳатидан ва ўзига хос миллий индивидуалиги жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласиган алабиётлар, шу жумладан, қирғиз алабиети жаҳон алабиёти билан ҳамқалам тараккий қўлмоқда.

Қирғиз профессионал алабиёти нисбатан қисқа давр мобайнида истеъюдли назм ва насрнавислар, драматург, танқидчи ва алабиетшуносларни стишириб берди. Алиқул Осмонов, Жумарт Боканбоев, Тутелбой Сиддиқбеков, Қосимали Бояли-

нов, Али Тұқамбоев, Темирқұл Уметалиев, Қувоничбек Маликов, Сујонбай Эралиев, Қосимали Жонтошев, Тұхтапұлог Аблұмұминов каби катта автолда мансуб сүз санъаткорларини ким билмайлы дейсиз. Бугунғи күнде уларнинг асарлари нафакат Қирғизистонда, балки жаҳоннинг күнтегина қисмларида ўқилиб, таржима қилиниб, адабий жараёнларга ўз таъсирини ўтказмокта.

ХХ—ХХІ аср адабиётининг буюк сиймоси Ч.Айтматов ижоди ўз-ўзидан қуппа-куруқ заминде юзага келмади. Аксинча, бир халқ иккисидан, еш автол кекса автолдан, бир езувчи иккитіңиң ёзувчилары сабоқ ўрганиб келгани сингари, униң поёб истеълоди ҳам мавжуд ижтимоий шароит ва яңги тарихий-миллий заминде юзага келли, ўсиб-улғайли ва равшақ топа борди. Матъумки, қирғиз халқининг адабиёти ва маланияти Октябрь түнтаришиңа қаңдар халқ оғзаки ижоди шактила ривожланған бўлиб, насрий асарлар леярли йўқ эли. Демак, халқ оғзаки ижодиёти тараққий этган бўлиб, қирғиз адабиётининг түғилиши, униң ғоявий-эстетик идеалининг шаклланишида беқисс кагта роль ўйнаган. Бунга асрлардан бери оғиздан-оғизга ўтиб, бизгача етиб келган „Курман бес“, „Эртобилди“, „Кожоаш“, „Эртеништук“, „Жониш Байиш“ каби қирғиз халқининг ўтмиш ҳәсти, тарихий кечмисин, урф-олатларини акс эттирган қаҳрамонлик достонлари ва айниқса, инсоният тарихидаги ёнг улкан халқ достонларидан бири — қирғиз „Манаас“ и ёрқин мисол бўла олади. Демак, халқ оғзаки ижодиёти ҳамда демократ оқун Тұқтагул ва Тұғайоқ Мұлда каби ўпладб үзүр шоирларининг поэзияси, ўлмас мероси қирғиз адабиётининг шаклланишига асос бўлди.

Чингиз Айтматов қирғиз халқ оғзаки ижодиётидаги хилмалыл усууллардан ўз асарларидан моҳирлик билан фойдаланди. Матъумки, халқ яратган афсонга, эртак, ривоят ва мақолларда ўша халқининг ахлюкий қарашлари ҳам муҳрланған. Чингиз Айтматов ижодидаги халқ оғзаки ижодининг мотив ва усууллари униң реалистик гасвир усуулларини инкор қилмайди, балки ижтимоий-тарихий миқёслаган ҳикоя қилиш имкониятини көнгайтирали. Бу эса, ўз навбатида, алиб асарларига жозибадорлик, мафтункорлик фазилатларини юқтириб, ўқувчини ўзига бутунилай сеҳрлаб олини құдратини баҳш етади.

Чингиз Айтматов қыргыз алабиётиниң күтлүг анъаналарини япғы шароитда новаторлик биләп давом эттириди. Шу биләп бергә, рус ва жаңои алабиётиниң энг яхшى, өнг илгөр намуналарини құнғ биләп ўрганиши, ўзлаштириши натижасида ўзига хос Айтматов мактабини яратди.

Чингиз Айтматов насрининг юксалишила юқорила номла-ри зикр әтилған машхұр қыргыз ёзувчиларининг алабий тажри-балари ғоят самарали бўлди.

Бу жиҳатдан Чингиз Айтматов ижодини чуқур таҳлил этган таникли алабиётинуос олим Қамбарали Бобулов „Қыргыз прозасида реализмнинг тараққиёт йўллари“ номли китобида: „Чингиз Айтматов ўз асарлари учун ўзидан олдинги касбонияларидан миннатдордир, аммо, бу оғаларининг тайер бешигида ул-гайли деган сўз эмас. Аксинча, у бу бешикки бузиб чиқди, дегимиз келали“, деганды ҳақди эди.

Қыргыз алабиёги ички имкониятларининг намоён бўлиши-да рус классик алабиёти ва қардош ҳалқлар алабиётларининг таъсири катта бўлди.

Бу ҳақда таниқи қыргыз алабиётинуоси К.Асаналиев „Қир-ғыз прозасининг очерки“ китобида қуйидагича ёзади: „Қисқа вақт ичиде рус алабиётиниң, жаңои классик алабиётиниң бой тажрибаларини қабул этиш биләп бергә, қыргыз алабиёти ол-лин ўзида бўлмаган жанрларни, балий шаклларни ўзлаштири-ли. Бу жанрлардан бири прозадир.

Реалистик катта прозасиз катта алабиётиниң бўлиши ҳам мумкин эмаслиги ўз-ўзидан аёнидир. Бинобарин, унинг жанр имкониятлари ҳам шунчалик кенг ва хилма-хилдир. Қыргыз ёзувчилари реалистик прозада ҳикоядан бошлаб, кенг пландаги ижтимоий ҳаёт, психологик романларгача ўзлаштириб, бу жанрларни миллий алабиётта олиб киришиди“¹.

Рус танқидчиси В.Г.Белинский Пупкин поэзиясининг замоғдошларига гаъсири ва бу таъсирининг бир умрга давом эта-диган қурдати тўғрисида гапириб, шундай деган эди: „...Күёш нури ер юзини ёритиб, ўз кучини унга ўтказмайли, балки фа-қат ернинг ўзида мавжуд кучни кўзғатиб юборади; шунингдек,

¹ Қыргыз прозасининг очерки. Иккинчи бўлим. Қыргызистон Фаннлар академиясининг нашриёти. Фрунзе, 1960, 3-бет.

уулғ шоирінің бопқа шоирларға таъсири уннің поэзиясы бопқа-шоирларда акс этишила әмас, аксипча уларнің үзларидаги күчни құзатыб юборишида сезилади¹. Рус ақабиеттінің қирғиз ёзувчилари ижолига таъсири ҳам худи шу гарзда бўлалди. Қирғиз ақабиети рус қласик ақабиетидан илғор ғоявий-әстетик принципларни мерос қилиб олди ва уларни янги шароитда тараққий эттирди.

Хусусан, Ч.Айтматов ижодига келганимизда, у айникса, буюк рус ёзувчиларинің бой анъаналарини чукур ижодий үзлантириш асосида тарбиялаганди.

Йирик ақабиеттін олим Георгий Ломидзе „Совет ақабиеттінің интернационал нафоси“ номли монографиясында Чингиз Айтматовнің ижодига қайси ёзувчиларнің таъсир қылғаны ҳақыда мұхим бир мұлоқазаны ўртага тапшлаган әли. Уннің ёзишича, асарлари миллий бүек билан жимжималор қилиб бесагилган қирғиз ёзувчиларига қараганда у күпроқ миллийдир. Чунки Чингиз асарларыда ҳозирғи қирғизнің характеристи, позитив қиссий кесчиңмалари, гүйгүлари, мұшоқалы ва мұлоқазалари замонавий мавқеидан келиб чиқылған ҳолда ҳаққоний тасвиirlатынан.

Айтматов ҳеч кимдан күчирмаган, ҳеч қанлай асардан пусха күттармаган. Бироқ уннің ижодига хос барча фазилатларда рус ва бопқа қарлош халқтар ақабиётлари түшілген гарихий тажриба сезилиб турады. Шундай экан, уннің „ломла“си ким? Пушкинми? Толстойми? Тургеневми? Чеховми? Шолоховми? Аvezовми? Кербобосвми? Ҳар қалай, буларнің бироргаси ҳам бўлмаса керак. Лекин бу ёзувчиларсиз, ёхтимол, Айтматов сингари ёзувчинің бўлиши мумкин ҳам әмас әли².

Чингиз Айтматов повестіларидаги лиризм, психологизм ва ўзига хос драматизм, биринчи нағылдатла, рус ва Европа проза-сипинің әнг яхши анъаналарини ўрганиш ва ижодий үзлантириш натижасидир. Бу ўрганиш эса уннің асарларидаги миллийликни инкор этиш әмас, балки уни катта бадиий куч билан

В.Г. Белинский. Собрание соч. в трех томах. Том 2. М., 1948, стр. 164—165.

² Георгий Ломидзе. Интернациональный нафос советской литературы. Советский писатель. Москва, 1970, стр. 177.

ифодалапта имкони яратди. Буни алибининг ўзи мамнуният билан эътироф этади:

„Рус адабиётини дунсда миллионларча одамлар билалилар ва севиб ўқийдилар. Бироқ, ҳар бир киши уни, албатта, ўзича севали. Мен ўшаларнинг бириман ва рус адабиётига алоҳида мұхаббат билан қарайман. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Мен соҳилиарини кўз илғамайлиган рус адабиётининг чексиз уммонида толстойча донишмандигини ва образларининг руҳий мурakkabligini яхши кўраман, танг ҳайратда қолдирадиган шулоховча драматизмни ва образларнинг шулоховча ёрқинлигити яхши кўраман... Чеховча беқиес одамнаварварликни ва борликини бунинча нозик адо идрок этишини яхши кўраман, гвардовскийча шеърият уфқуларини ва леоновча юксак заковатлиликни яхши кўраман. Лекин бу ҳали ҳаммаси леган гап эмас...“¹ Шуни ҳам айтиш керакки, Ч.Айтматов рус сзувчилари орқали жаҳон адабиётининг ўнлаб, юзлаб сўз сағъаткорлари асарлари ни ҳам ўқиб-ўрганинга муяссар бўлди.

Юқоријати мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолла шуни айтиш жоизки, рус ва жаҳон адабиёти хазинатарини ўрганини ва ижодий ўзлантириш қирғиз сзувчилари, шу жумладан, Чингиз Айтматов кўз ўнгила янги бир дунс очди. Бошқача айтганда, Чингиз Айтматов реалистик прозанинг барча имкониятларидан самарали фойдаланиши гуфайли унинг бадиий жиҳатдан янада юксалиши ва янги босқичга кўтарилишига катта ҳисса қўпди.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Чингиз Айтматовнинг поеб истеъоди қирғиз адабиётида, айниқса қисса жанри имкониятларини кенгайтирди, бойитди. Чингиз Айтматовнинг қисса жанрини ривожлантиришдаги катта хизматлари хусусида сўз юритиб А.Эсенов, жумладан, шундай дейди: „Ёзувчи қирғиз адабиётида повесть жанрининг ижтимоий-психологик намуналарини яратди“². Т.Давилова эса сзувчи иходига юксак баҳо берар экан, шундай таъкидлайди: „Чингиз Айтма-

¹ Чингиз Айтматов. Мұхаббат эътирофи. „Советская Киргизия“, 7.IX.1962.

² А. Эсенов. Психологизм в современной прозе: на материалах творчества Айтматова. Алма-Ата, 1985. стр. 4.

товнинг нооб истесъюди қирғиз повестини роман жанри билан қиёслаптирган ҳолда унинг жанр имканийлари доирасини яңада көнтгайтирилди. Унинг излапинилари, канғисталари эса яңги авлюл ёзувчилари учун тутанмас хазина ролини үтгайды. Адабиётшуносликда „Айтматов мактаби“ атамасининг пайдо бўлини ҳам бежиз эмас¹.

Айтматов асарлари ҳастийлик, чуқур ҳиссиёт, нозик туйғу ва интим кечинималар билан суғорилган бўлиб, улар қирғиз насли ривожигагина эмас, балки рус ва жаҳон адабистига ҳам самарали таъсир этиб келмоқда. Бу жиҳатдан таниқти танқилчи ва адабиётшуносларнинг фикрлари эътиборга мөлиқлир: „Эндилиқда Айтматов асарлари, — леб қайл этган эди танқилчи А.Бушмин, — умумиттифоқ ва жаҳон миқёсида тан олинди ҳамда рус ва бошқа милялат ёзувчилари ижодига ўз таъсирини кўрсатмоқда“². „Айтматов айлақачоплароқ рус прозасига сезиларли даражада таъсир этмоқда“³, — леб ёзган эди адабиётшунос В.Гусев.

Айтматов ижодининг Олатов чўққилари сингари юксалиб борганлиги ва унинг оламиумул аҳамияти қирғиз ёзувчиси Мар Бойжисвенинг қуйидаги эътирофилда айниқса яхши ифодаланган:

„Айрим асарларни китобхон ва танқилчи сифатида илрек этганимизда, фавқулолиға ҳолисаларнинг гувоҳи бўламиз, — леб ёзали у. — Айтматовни ҳаммамиз сенавимиз, унинг истесъюди ва маҳоратига қойилмиз. У барчага яқин ва тушунарли. Таъкилаб айтаман, барчага. Ваҳоланки, бошқа қирғиз ёзувчиларнинг ҳам қизиқ, ҳатто талантли асарлари борки, улар бизнинг ўлкамизда мунгосиб бир тарзда эътибор топади-ю, республикадан ташқари чиқса, жарангламай қолади...“

Шу боисдан, қалам тебратастганимда, вужудимни турли шубҳалар چулғаб олади. Керакли нарсанни ёзаяманмикан? Шун-

¹ Т. Давидова. Современная киргизская повесть. Фрунзе, 1989. стр. 7.

² А. Бушмин. Пресметенность в развитии литературы. Л., 1978. стр. 60.

³ В. Гусев. Единство пути, многообразие поиска. // Литературная газета. 1986. 14 мая.

дай ёзишм жоизми? Бу нарса менинг юртлониларим билан бергә, Қирғизистондан четла яшатған оламларга ҳам маъқул бўлармикан, деган андишалар кечади хаёлимдан. Эҳтимол, шу важлан бўлса керакки, мен ҳозирги лаврда яратилаётган асарларни кўп мутолаа қиласман. Бу менга халал ҳам етказади, кўмакланашади ҳам. Чунончи, Айтматовнинг тажрибасига келганда, бу менга халал берали. Халал етказинининг маъноси шуки, Айтматовдан кейин ёзиш мушкулланиб кетали. Бир неча йиллар илгари ўзимнинг бир китобимни бошлигандим, шу орада ўзимни чоғлаб, бош қотириб юрган ҳам элимки, „Алвило, Гулсари!“ қўлимга тушиб қолди. Ўқиб чиқдим. Бошимни кўтармасдан, тин олмай тулирлим. Ўқишига ўқиб қўйиб, тарвузим қўлтигимдан тушили, ҳафсалам пир бўлди. Агар қўлимга қалам оладиган бўлсан, ё шундай қотириб ёзишм, ё бўлмаса супра-ўқловни йигингтиринимга тўгри келарли“. Бироз кўйироқда Мар Бойжисев яна такрорлайди: „Ёзаман деса, ёзалиган нарсалар бор. Лекин Айтматовдан сўнг шўримиз куриб қояпти. Сабаби итуки, у юксалиб бораётган прозамиз тараққиётидан ўн йилларга „сакраб“ ўтиб кетди. Эниликлаб бизнинг олиимизда нима ҳақда ёзиш кераклигидан кўра, қандай ёзиш керак, деган муаммо кўндаланг бўлиб қолди“.

Чингиз Айтматов халқ оғзаки ижоли, рус, жаҳон ва қародон халқтар адабиётининг энг яхши анъаналарининг шунчаки меросхўри, давомчиси бўлиб қолмай, балки шу билан берга уларни янги шароитда янада бойитиб ривожлантириди. Буидай омиилар эса, ўз навбатида, Чингиз Айтматовнинг буюк сиймо бўлиб стишинига мустаҳкам замин ҳозирлади. Ҳулоса қилиб айтганда, Чингиз Айтматов нафақат қирғиз алабиёти, балки жаҳон алабиётининг равнақига ҳар жиҳатдан катта ҳисса қўнган буюк санъаткорлир.

Маълумки, санъат асарларининг кучини, қимматини бсл-гилайдиган мезонлардан бири кенг китобхонлар оммасидир. Шу ўринда муҳтарам Президентимизнинг „Алабиётта эътибор — маънавиятта, келажакка эътибор“ китобидаги қўйидаги сўзлари ёдга келади: „Албатта, алабиёт, ижод аҳли фаолиятига баҳо беринида, — леб таъкидлайди Юрғонпимиз, — аввало, уларнинг меҳнати, маҳорати ва истеъдоли меваси бўлган асарларидан баҳрамангу бўлалигиган кенг китобхонлар оммаси, жамоатчи-

лик фикрига суюнниң әнг ҳаққоний, демократик ёндашув эканлигини ҳаммамиз яхши түпнұмамиз... Табиийки, давр тақозосыға күра, әзувчилар яшаш учун, ўз иsteъюлини рүсбета чиқарып учун коммунистик түзум билап муроса қилишіга мажбур бўлган. Шу маънода, мустабид тузум даврида виждан азобипи ким кўпроқ торған лесса, мен, доимо бу ҳаётининг маъно-мазмупи, инсоннинг қадр-қиммати, эл-юрт тақдиди ҳақида қайтуриб яшайдиган одамлар ва уларнинг олдинги қаторида бўлган ижод аҳди, леб айтган бўлур әлим“. Чингиз Айтматовнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳам шуларни айттиң мумкин.

„Агар сенинг асарининг китобхонларни ҳаяжонлантирга, бу баҳтдир“, — деган эли алиб Чингиз Айтматов. Буюк иsteъюл соҳиби, беназир сўз устаси Айтматовнинг ўзи шундай баҳтта мушарраф бўлди ва жаҳон алабиётининг йирик сиймосига айланди. Бугунги кунда Чингиз Айтматовнинг асарлари кириб бормаган бирон-бир хонадан ёки алибининг асарларини ўқимаган китобхон бўлмаса керак. И.Фафуровнинг образли сўзлари билан айтганда Чингиз Айтматов „дуисеппиг ҳамма ёғидал кўриниб турган тоғ. Бу чўққини ҳамма кўрали, ҳамма билди“¹. Эндиликлар йигирманчи асрнинг иккинчи ярми алабиётида Айтматов мактабида сабоқ олмаган, унга гаассуб қўлмаган енг әзувчилар топилмаса керак. Бир сўз билан айтганда, алиб асарларини жаҳон аҳди севиб ўқимоқда.

Ўз вақтида муаллифга шахсан ва жамоа бўлиб йўлланған сон-саноқсиз мактублар ва санъаткорга билдирилган ташаккурлар ҳам буни таслиқлайди. Бу мактубларда Сибирь ва Тяньшан, Украина ва Узбекистон, Шарқ, Молдавия ва Санкт-Петербург, Ўзбекистон ва Тожикистон, Англия ва Чехия, Словакия, Венгрия, Хиндистон ва Скандинавия, Турция ва Греция, Сербия ва Афғонистон, Полша ва Япония, Вьетнам ва АҚШ, Франция ва Бельгия, Литва ва Люксембург, Африка ва Осиё қитъаларидаги қатор мамлакатларининг почта маркалари бор.

Ҳақиқатан ҳам, жаҳоннинг турли бурчакларидаги китобхонлардан ўз вақтида сўзчи номига келган мактублар ва улардаги саволлар беҳисоб. Улар санъаткорнинг шахсига жуда қизиқ-

¹ И.Фафуров. Биргаланиб ўйлаймиз. // Чингиз Айтматов навечно в сернах узбекистанцев. — Г.: „NOSHIR“. 2008, 186-бет.

қан, уни ипидан-игнасигача билишни истагап кишиларпиннг мактублари. Негаки, унинг мўъжизакор санъати, ҳаётбахш қаҳрамонлари кўплан-кўп замондошларига қалрлоң бўлиб қолган ва улар қалбини ўзига сеҳрлаб кўйтган. Буни Украинада ўтказилган оммавий савол-жавоб шатижалари ҳам тасдиқлаб турибди. Бу хайрли инни „Рабочая газета“ редакцияси бажарган. Газста анкетасига жавоб қайтарган китобхонлар Ч.Айтматовни энг машҳур сзувчи леб тан олишган. Бу мўъжизанинг сири нимада? Бунга ана шу мактубларнинг ўзиданоқ жавоб тоини мумкин.

Қаграда қўёш акс этганийлек, бунга Въетнам жангчиси Нган Ханинг Чингиз Айтматовга ёзган ва „Советская Киргизия“ газетасида босилган ҳаяжонли мактубини келтириб ўтиш кифоя: „Бу кун яна окондаман, — леб ёзали у. — Жазирала иссиқ, ҳаво лим, ҳандакларимизда гир этган шамолдан асар йўқ. Бундай кезларда оконда ўтиринининг турган-биттани азоб. Бироқ биз дупман хуружини даф қилишга шай турибмиз.

Ҳаво ҳужумлари орасилаги тревога тинган танаффус пайтларида ўзимизни бу лаҳшатлардан бир лаҳза алаҳситмоқ учун ҳазиллашамиз, ғурунгланамиз, хиргойи қиласмиз.

Хозир мен оконининг қиррасилаги бута остида узала тушиб китобингизни ўқимоқдаман. Сизнинг асарингизни бунчалик завқ-шавқ билан берилиб ўқишинга нима мажбур этганини ўзим ҳам билмайман...

Биз Америка империалистларини синганимиздан кейин, мен ўз жонажон корхонамга ишга қайтаман, мен ҳам Илёс каби фаол, ижодий меҳнат билан машгул бўламан. Бироқ, мен ҳеч қачон жамоа фикрини менсимасдан, ҳаётда қаттиқ адамиб мусибатга лучор бўлган Илёс сингари азоб чекмайман¹.

Бу ҳаяжонли сатрлардан кўриниб турибдики, Ч.Айтматов асарлари жаҳонининг жуда кўп мамлакатларидаги китобхонларни тўлқинлантирмоқда, уларга озодлик ва тенглик йўлидаги қаҳрамонона куранларида маънавий далда бермоқда. Ҳар бир ижодкор бундай шарафга мушарраф бўлишидан фахрланса арзийди, албатта.

¹ „Советская Киргизия“. 20.XI. 1965.

Хүлөсә қилиб айтганды, ҳаётни герәп күз, зийрак нигоҳ биләп күзатып, иисон руҳининг күз илгамас уфқарига назар ташлашы, бу бораңа миңгүй ҳамда маңнавий мерос сарчашмаларига асосланип, шу тариқа кипшилик оламиға ўзини ўзи қалғың қилишілек улкан ҳиссиятни улапшип руҳи алиб асарларининг таяңч нүкәсини тапкыл этады. Бу эса, ўз наңбатыда, Чингиз Айтматов феномени, яның тасвиrlаны санъатинин гоят терәнлиги ва бадий юксаклығыдан ғувоҳчик берады.

* * *

Ч.Айтматов ижодий фаолиятининг бопшапашы үннинг табабалик йилларига түғри келәди. Ўзи айттанилес, алабиет инигә кеңекиб киришады. 1952 йили „Қирғиз тилининг терминологиясы ҳақыда“, 1953 йилда эса „Оригиналдан узоқ бўлган гаржималар“ помли мақолалари этилон қилинали. „Газета сотувчи Дзюйло“, „Анним“, „Биз олға борамиз“ (1952), „Сеноячи“, „Лағимкорликда“, „Оқ ёмғир“ (1954), „Рақиблар“ (1955), „Байдамтол соҳибларида“ (1955) „Қизил олма“ (1964), „Отадан қолган гүёқ“ (1968) каби түнгич ҳикоялари босилаши. Буларга муаллифнинг бирмунча кейинпроқ езилган „Манзил сари йўл олган қушилар нидоси“, „Манас отанинг оқ қору кўк музи“, „Бахиана“ ҳикояларини ҳам кўшиши мумкин. Хуллас, муаллиф илк ҳикоялари биланоқ, мазкур жанрнинг ажойиб намуналарини ярагиб, алабиёт оламидан ўзига муносиб ўрин топа олди.

Бу ҳикоялар жонли, жозибали ва солиқ тилда ёзилганлиги, чуқур лирик кечинмаларга ва романтик бўёқтарига бойлиги билади ўқувчиларнинг ҳиссиятига, шуурига кучли таъсир этиб, қирғиз алабиёти даргоҳига ёрқин истеъдол соҳиби кириб келаётганларидан дарак беради. Таъкидланып керакки, мазкур ҳикояларнинг ҳаммасини ҳам бескам-кўст ёзилган деб бўлмайди. Уларда ёш санъаткорнинг ҳикояга хос специфик хусусиятларни ҳали яхши ўзлантириб олмагани, ҳаёт диалектикаси, характерлар динамикасини атрофлича таъкин ва таҳчили эгишида маҳоратнинг стилемаслиги кўзга ташланади. „Байдамтол соҳибларида“ ҳикояси ва „Юзма-юз“ (1957) қиссасидан бопшаб эса ёзувчи қаҳрамоннинг ички дунесига чуқур ва лашил кириб боради, ўткир сюжет, кучли психологик ва драматик конфликтлар яратади,

такрорланымас характерлар чизади. Чингиз Айтматов услугбининг лиққатта сазовор бўлган хусусияти шундаки, унинг асарларида деярли биронга ҳам ортиқча тафсилот, ноўрин деталь ёки номатлуб ҳаракат йўқ. Тўғри, ёзувчи „икир-чикирлар“га катта эътибор билан қарайди, чунки бу „икир-чикирлар“ ва айрим майда дегаллар асар воқеаси ривожида муҳим ўрин туттаган катта воқсалар ёки асосий ғояни очишга, асосланға хизмаг қиласди.

Алиб кичик очерклари, ҳикояларида ҳам катта ижтимоий муаммоларни ҳал этишга интилади. Инсон характеристикининг тури қирраларини асосли равишда таҳтил қиласди. Бу омиллар ёзувчи истесъодининг аста-секин очила бораётганидан, новатор ёзувчи бўлиб стишаётганидан даюлат берали. Чингиз Айтматов шу жажжи очерклари, ҳикояларидаёқ ўзига хос балий тасвир услубини зоҳир этди.

Алибнинг „Жамила“ қиссаси унга оламшумул шон-шуҳрат келтирди, унинг номини жаҳонга танитди. Қирғиз ёзма адабиёти ўзининг қисқа тарихи давомида ҳали бунилай катта ютуқقا ёринимаган эди. Бу ажойиб лирик қиссада гўзаллик ва озоғлик учун, янгича ҳаёт учун бел боғлаган ёниларнинг жўшиқин ҳасти, меҳнати, пок севгиси тараним этилади.

„Жамила“ қиссаси турли миллат ва әлагларга мансуб китобхонлар оммасига фавқулоңда бекиёс ғоявий-балий завқ инъом этди. Қисса қирғиз адабиётида шахс ёрки, айниқса, хотин-қизлар масалаларини ҳал этинида янги босқич бўлди.

Н.В.Гоголь насирий „Ўлик жонлар“ асарини ҳаққоний суратда поэма леб атагани сингари, Ч.Айтматовнинг „Жамила“ сини ҳам прозада езилган лирик поэма леб айтиши жоиздир. Чунки „Жамила“даги габиат лавҳалари, инсоний ҳис-туйғулар, қаҳрамонларнинг ички кечинмалари худди мўйқалам билан чизилгандай китобхонни ҳаяжонга солади. Асарда тасвиirlаған қаҳрғазаб кипи қалбини куйдириб-снилиради, шодлик дамлари эса ажиб мусиқий лассат бағинилайди. Хуллас, кигобхон ўзини асарда гасвиirlантган воқсалар оғушила ҳаракат қилаётгандай, асар қаҳрамонлари билан бирга нафас олаётгандай ҳис этади: уларнинг севинчига шерик, қайғу-аламларига ҳамлард бўлиб қолади. Асарнинг қон-қонига сингидирилган дилларни нурга тўлдирувчи муҳаббат тараниуми кишига фақат эстетик завқ берибгини қолмай, балки уни янгича яшашига чорлайди, гўзали ҳаёт учун,

чинакам инсоний баҳт учун марданавор кураныга даънат этади.

Езувчининг ҳар бир асари ўз буюк фалсафаси, воқеаларининг шиллаткорлиги, бадиий тасвир восигалиарининг ранг-бранглиги, тилининг солидаги, мусиқий оҳангига ва ажид жозибаси билан онг-шууримизни, қалбимизни бсихтиср ўзига ром қилиб олали. Айтматов асарлари ҳар бир китобхонга битмас-туганмас завқ бағишлайди, маънавий озуқ берали, кишини ўйлантириб юрган ҳаст жумбокчларига оқилона жавоб топади.

Инсон тақдиди, ҳастининг мазмунни, одамнинг одамга ёътиқоди, меҳр-муҳаббати, юксак салоқати, кишиларнинг тўғри йўлдан, тоҳ эса аланиб, қоқипиб, сўқмоқлардан бўлса ҳам, инсониятнинг порлоқ келажаги йўлида фақат олдинга иницииши Айтматов асарларининг лейтмотивини ташкил этади.

„Юзма-юз“, „Жамила“, „Сарвқомат дилбарим“ (1961) повестларидан сўнг катта йўлга гуниб олган ёзувчи бирин-кетин ўзининг „Бўтакўз“ (1961), „Биринчи муаллим“ (1962), „Сомон йўли“ (1963), „Лавидо, Гулсари!“ (1966), „Оқ кесма“ (1970), „Эрта қайтган турпашлар“ (1975), „Соҳиб сқалаб чонастган оланиар“ (1977) каби юксак, халқчилик руҳи билан суғорилган ва яшти ҳаст курувчилари улуғворлиги, маънавий тўзалигини таранишум этган бадиий баркамол қиссаларини яратди. Унбу асарларда ватанга муҳаббат, она табиатга меҳр-оқибат, ўзи мансуб бўлган миллатга ёъзозу эҳтиром, мишлий урф-одатлар, анъанаалар, умуминсоний қадриятларга салоқат мавзулари юксак бадиий маҳорат билан таранишум этилган. Бу қиссалар, биринчидан, инсон қалбини ларзага солувчи дилрабо куйга ўҳшиаса, иккинчидан, улардаги психологияк таҳдил, ўзига хос фалсафа, умуминсоний дарлшу қалар кучлики, буларнинг ҳаммасини ифодалаш жуда қийин. Жаҳон қиссачилигининг полир намуналарига айланган бу асарларнинг ҳар бири санъаткор ижодитининг асардан-асарга ўтган сари гобора бойиб, камолотониб бораётганини намойини этади. Ўқувчи уларда қирғиз халқининг қадимий кечмиши, мураккаб тарихию тақдиди муаллифи нинг ўз услугига хос шаклда чуқур бадиийлик билан акс этирганилигининг гувоҳи бўлали. Бу асарлар ёрқин ва шоирона тил билан ёзилган, улардаги образлар, персонажлар, ҳаттоқи ҳар бир ибора, ҳар бир сўз жонли, жозибало бўлиб, кишини қалбини тўлқитиштириди, эстетик завқ бағишлайди. Шу боисдан

ҳам ўғтис бені баҳорни қаршилаган новатор ёзувчи 1963 йилі „Төг ва даңыт қиссалари“ туркумига кирған „Жамила“, „Сарықомат дилбарим“, „Бириңчи муаллим“, „Бүткәкүз“ қиссалари учун Ўрта Осис ёзувчилари орасыда биринчилардан бўлиб юксак утвон ва эътирофга сазовор бўлади. „Алвило, Гулсари!“ повести эса (1968) Даъват мукофоти билан тақдирланади.

Ч.Лйтматовнинг қаҳрамонлари айниқса бизга яқин ва ганини кишилар. Чунки қадим туркий улусининг бу икки шажарасининг тарихи ва гақдири терап маънавий-маданий илмизларга эга; уларнинг ҳаёти асрлардан бери бир-бирига пайваста, тили-тилига вобаста, сри срига, қалби қалбига туташади. Бироқ, шунни ҳам айтиш керакки, бу ўлка бизга қанчалик қалрдан, қанчалик яқин ва танини бўймасин, алибининг асарларини қайта-қайта ўқиганимиз сари ўзимизни янги бир оламга, маънавий дунёси беҳад кенг ва мусаффо, ғоятда росттўй ва самимий инсонлар орасига бориб қолганидек ҳис қиласиз. Бу ўлкада яппозчи кинжаларнинг қалб орзуларини, уларнинг меҳнатда мўъжизалар ярататтаниликларини, ҳаётга, инсонга, туғилиб ўстган она-Ерга зўр муҳаббатларини кўриб қувончга тўламиз. Улар китобхон қалбила эзгу туйғулар ҳосил қиласиди, маънавий дунесини бойитади, улардан ҳаётий зарурат, янги-янги маъни тоғади киши. Чингиз Лйтматов ижодига хос яна бир хусусият, унинг қаҳрамонлари сиймосида худди қондош, жондошларимизни кўриб, улар билан дилдан самимий суҳбатлашаётгандай бўламиз. Бу жиҳатдан атоқли бошқирл адиби Мустай Карим: „Ёзувчи (Чингиз Лйтматов — А.Р.) ўз қаҳрамонларини миллий маҳдулилк чегарасида тутмасдан, уларнинг эстетик оламини кенгайтириб, бошқа ҳалқлар тажрибаси билан бойитди“, — деганида ҳақли эди. Ч.Лйтматов қаҳрамонлари, Мухтор Авезов айтганидек, „қалби кенг, ички дунёси ғоятда бой олдий меҳнаткан кишилар“ — инчилар, чорвалорлар, деңгизчилар, зиёлилардир. Улар ўз тақдирни, босиб ўтган ҳаёт йўли, санияси, дунекарашни ва ташқи қиёфаси билан сира бир-бирига ўхшамайдиган тиник образлардир. Юзаки қарагандиа бу кишилар ҳаётининг нимаси бадий асарига асос бўлиши мумкин, деган савол ҳам туғилишини мумкин. Буюк ёзувчининг истетъюди ва ҳайратомуз маҳорати шундаки, у апа шу олдий кишилар бошидан кечирган воқсалар, уларнинг орзулари, умид ва армонлари, баҳ-

ти ва баҳтсизликлари мисолида айрим миңгий ҳалқтарынан әмас, балки бутун инсониятни түлкіншілдіктердегі мұаммаларни күтариб чиқады. Муаліфнинг маҳораты билан сөвіб тас-вирилдегі ажайиб қаҳрамонлари: „Аппим“даги Аппим, „Байдам-тол соҳилларила“даги Нурбек, Асия, „Юзма-юз“даги Саила, „Бүтакүз“даги Камол, „Жамила“даги Жамила, Дониер, „Сарв-қомат дилбарим“даги Бойтемир, „Биринчи мұалім“даги Дүй-шызы, Олтиной, „Сомон йўли“даги Тўлғаной, „Оқ кема“даги Бола ва Мұмин чол, „Эрта қайттан турнашар“даги Султонымурод, „Лівидо, Гулсари!“даги Танабой, „Соҳил әқалаб чопаст-ған оланар“даги Ўрхон, Кириск, „Асрни қариттан күн“даги Эдигей ва Абуголиблар самимий ростгүйлиги, матонати, жа-сорати, юксак ва түзәл инсоний фазилатлари туфайли ҳам жа-ҳон китобхонлари мұхаббатини қозондилар, уларга маълум ва маңзур бўлиб қолдилар. Мазкур асарларни ўқигандай кагта қалб әгалари билан рўбарў сўзлаништандай, уларнинг оҳанраболай сўзлари сизни сеҳрлаётгандай туғолади. Қизиги шундаки, кўз ўйигизда табиат жонишагандай, ҳаракатта келгандай, тилга киргандай, тасвириланаётган реал инсоний воқеаларга „муносабат“ билдираётгандай. Тасвирила қабариқтик, маңзараюрлик пайдо бўлади. Китобхон „шунчаки“ китоб ўқистдандай әмас, балки Олатов бағрида, Коратов дарасида, Амирхой ва Сарийузак лаштликларила, Бўронли бескатда, Тиңшан-Помир трас-сасида, Гурковов ва Байдамтол соҳилларила, Тағас волийси-ла, мовий Иссикқўлу Орол бўйларида жонли озамлар ораси-ла юргандай ски Охота деңгизида даҳнатли тўфон узра Ўрхон, Милғун, Эмрайин, Кириск билан бирга кичик, ясама қайиқла лиққинафас бўлиб, томоги қақраб сузиб кетастдандай сезади ўзини. Айтматов асарларининг ҳалқи қаҳарманлар бўлининг асосий сабаб упиннинг замон билан ҳаминафас ва ҳалқ лилининг таржимони бўлгатшилигини.

„Асрни қариттан күн“ („Бўронли бескат“ — 1980), „Киесмат“ (1986), „Кассандра тамғаси“ („Охирзамош нинжалари“ — 1995), „Қуластган тоғлар“ („Мангу қайлик“ — 2006) романлари жаҳон фалсафий романчилигини ўзига хос янги йўналиш билан бойитди. Мазкур романларда кўпчиликни ҳаяжонга со-ластикни даврининг муҳим мұаммолари: шахс ва жамият, инсон ва габиат, мозий ва замона каби муҳим фалсафий, ахлоқий ва

ижтимоий масалалар санъаткорона тасвир этилган. Уларда соғ миңлийлик билан ингтернационализм фояларининг уйғунлайниб кетиши яққол күзга ташланади. Ёзувчи асарлари умумбаапарий фояларни тарапнум этувчи, ҳәёгни, унинг диалектик гараққисти, ички зиддиятлари, эстетикаси, фожиаси ва буюк оптимистик омиллари билан бирга күниб қуйловчы ҳаёт құпиги сингари жаранглайди. Талқықотчи қирғиз олимни К.Асаналиев Айтматов ижодига хос хусусиятлардан бирини буттадай изохладай: „Чингиз Айтматов ўз сўзига, ижодига ёлғон аралаштиргмаган, қаҳрамонларига ҳеч қағон ёлғон бир сўз ҳам демаган, ҳақиқат қанчалик оғир бўлмасин, уни таг-тутигача айта олган ёзувчилар сирасига киради. Шу жиҳатдан олиб қараганида, у — аёвсиз чинсўз, ростіўй ёзувчи. Қаҳрамонига, асарига нисбаган аевсизлиги ёзувчига хос оқ ниятдан, турмушда учраб турадиган мурраккаб воқеа-ҳодисаларни хастпўшламай бутун зиддияти ва шилдати билан асл ҳолича рўйи рост тасвирланидан келиб чиқали“. Дарвоқе, қирғиз алабиётшуноси таъкидлаганидек, Чингиз Айтматов асарларининг муҳим хусусиятларидан бири ва жозибалор қучи, аввало, уларнинг олдижилигио самимийлиги, ҳастийлигио ҳаққонийлигиданди.

„Муаллиф тақрорланмас ажойиб услуби, гаройиб бағий талқини билан, — деб сзали алабиётшунос П.Мирзаахмедова, — жаҳон алабистига кириб... ўзининг куч-қулрати ва маънавий таровати-ла барчаги ром этди. Айтматов ижоди юксала боргани сари бугуниг инсониятнинг глобал муаммоларини қамраб ола бошлади. Донишманл, ноёб таҳти истеъодидига эга бўлган Айтматов бугун жаҳонда ҳали ҳеч ким ўйлаб кўрмаган курраи замин миқёсидағи муаммоларни мурлоҳада қилиш билан банд. У романга хос тафаккур кўламига эга бўлиб (романиое мышление), Замон, Иисон ва Габиат ўртасидағи алоқаларни янтича галқин этмоқда¹. Бир сўз билан айтганда, Айтматов асарлари эндиликларда жаҳон алабиёти хазинасига қўппилган жавоҳирлардан бўлиб қолди.

Ч.Айтматов том маънодаги байналмилад ёзувчи. Унинг ҳаёт йўли, ижодий фаолияти — ўзининг бугун куч-қувватини хал-

¹ П. Мирза-Ахмедова. Восхождение к себе. // Ковчег Чингиза Айтматова. Москва: Воскресенье, 2004, стр. 241.

қыга, ватанига, бутун инсонияттынг портоқ келажагига сафар-бар эттән ҳақиқий саңъаткорнинг еркін ҳаёт йўлилир. Ёзувчи ижоди ва унинг новаторлик асосини ҳам шу нарса: чукур инсоншарварлик, байналмилалчиллик, юксак халқчиллик ва ватанишарварлик, яъни алабий ишини умумвазифага, севимли ҳалқига, умуминсонийликка хизмат қилириши вазифасига бўйсундирилганлиги ташкил этади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларни якунлаб айтганда, XX—XXI аср алабист осмонида чаракчаган юлдуздай из солган санъаткор асарлари Айтматов мактабининг нақалар нурхикмат ва сержилолиги, бадиий юксактигидан дарак берар экан, бу мактаб ҳали қаңчалаб ижод оламига кириб келастган келажак авлошиар учун хизмат қилипши шубҳасиздир. Чингиз оға чамани манту гуллаб-яшнайли. Бу ҳақда гап кетганда беҳихтиер ҳазрат Навоийнинг „Бу бўстон саҳнила тул кўп, чаман кўп“, деган сатрлари ёлга келади. Дарҳақиқат, Чингиз Айтматов чамани шу қалар тўзал, тароватли, чексиз-чегарасизки, агар биз севимли китобхонларимизни Чингиз чамани — Чингиз оға олами билан қисман ошпо эта олган бўлсак, ўзимизни бир қалар мақсадга эриншган деб ҳисоблардик. Мазкур китоб шу чаманзор ичра төрилган ва терилашак гулласталардан кичик бир нишонадир.

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ — МОҲИР ҲИКОЯНЛАВИС

Лев Толстой мақолаларидан бирида бадиий прозада „мускулларни чиниқтириши қиссанавислик ва романнавислик тажрибасига қараганди ҳикоянлависликда анча қулай“ligини қайл эттани бўлса, М. Горький „езинни кичик ҳикоялардан бошлани керак. Ҳикоя сўзни тежанига, материални мантиқий жойлантира билишига, сюжет равшанингига, мавзу аниқлигини ўргатади“¹, деб ёзган эди. Худди шунингдек, кўпчилик ёзувчилар сингари Чингиз Айтматов ҳам повесть жанрига қўл уринидан илгари лаҳо саңъаткорларнинг бундай ўғитларига амал қилди. Кичик-кичик ҳикоялар ёзис, маълум даражада малака орттириди. Натижада сўзларни тежаш, материални мантиқий жойланти-

¹ М. Горький. Бадиий ижод ҳақида. Мақолалар тўплами. — Т.: Бадиий алабист напристи, 1960, 15-бет.

риш, ҳар бир эпизодни умумий мақсады, ҳар бир лестални бутун асарға хизмат қилириш, сюжет равнанлығи, тема аниқлигига әришиш каби масалаларда маҳорат қозонды. Муаллиф ўз ҳикояларыда воқеулукни қисқа, ихчам ва лўйла услубда акс эттириб, ҳастнинг олдий ҳолисаларидан терен маъни туйганлигини кўрамиз.

Муаллиф илк ҳикоялариданоқ олдий ҳалқнинг кундаклик ҳастини, инсоннинг ички кечинмаларишию руҳий дунссини очишга интилиб, бу жаңрнинг катта имкониятларидан самарали фойдаланиди, фавқулодда салмоқдор гаплар айтиб, катта ижтимоий ҳаст муаммоларини ифодаланига интилди. Чингиз Айтматовнинг ҳикояларыда, қиссаларida янги давр тараққисти ва янги авлоднинг маънавий баркамолликка интилиши жараёни каби муҳим масалалар ўзининг диалектик мураккаблиги билан акс эттирилган. Адаб яратган образлар — еш аюл ва-киллари. Хоҳ улар „Газста сотувчи Дзойло“даги кичкина япон боласи бўлсин, хоҳ „Байламтол соҳилларида“даги Нурбек, Асия ски „Рақиблар“даги Хонимгул, Собирбек, „Оқ смғир“даги Саодат, Қосимжон — уларнинг барчаси ўз баҳти, иқболи, гақдирити жамоа ҳости, ҳалқ ҳости билан биргаликда кўринишни ва бутун имкониятларидан қобилиятларини шунга бағишлайтилар.

Бўлажак ёзувчининг тўнғич асари „Газста сотувчи Дзойло“ 1952 йилда „Қирғизистон“ деб номланган альманахда босилиб чиқади. Мазкур ҳикояда газета сотувчи кичкина япон боласининг ҳар қандай тазиику тақиқлаплардан қўрқмай, миллатига, ирқига, яшаган ҳуудудига қарамай, умуминсониятнинг ўйлаган ўйи, тилаган тилаги — тинчлик учун олиб борилган ҳалқ ҳаракагига имзо тўплани ғояси билан суфорилган.

“Ашим“ ҳикоясида кекса Аппимнинг чуқур ички дарди гасвирланади. Ашим уруш натижасида ўғлидан айрилали, қизи эса хурофот қурбони бўлади. Бемор қизининг лардини эшиондан излаб, доңда қолган эди. Кекса Аппим нафақага чиққан бўлса ҳам тиниб-тинчимайди. Нима биландир жамиятга, оламларга фойда келтирмоқчи бўлади. Эрга билан колхоз устахонасига чопади. Урушила ҳалок бўлган ўғлининг дарди-фироқини меҳнат қилиб унтушишга интилали. Меҳнатга ўргангандан чол юмушсиз гуромайди, жамиятдан четла яшашни асло истамайди.

„Сепоячи“ ұқоясіда әса Бекназар образи орқашың үзиншінгі шахсий манбаатларының жамоа манбааты йүлила қурбон қилинің тайер турувчи ва ҳар қандай қийинчиліктерін марданавор енгізіп үтішінде интильевчі кипши характери гавдалантирилған. Бекназарға сепоячилік ота қасб. У ўғлы Олимбекни ҳам сепоячи қилинің интилади. Бекназар ўғлының қийин иншарга, сув том-қишинің арауда үзи билан бирға олиб борали ва унға сув сирларини ўргатади. Хотини уни бу қасбни таңланға унлаб, ҳаеғ учун хатарлы эканнілігінің гүшүнтиришінде у бунға қулоқ ҳам союмайди. Биз минглаб дәхқошарнің ризқ-рүзинің тағындығында үтілінде қаралат қыламыз, сепоячи әншінде деңқон легенде сөз, дейді. Натижада Олимбек ҳам ота қасбіні давом эттириб, бу йүлда учрайдиган қийинчиліктерден чүнимайдын йигит бўлиб стишиади. Ёзувчи табиат стихиясига қарши марданавор кураншында ота ва ўғил образларының катта самимият билан тасвирлайди.

Табиат инжиқтукларында қаршы курапап ва бу кураншларда инсон қарастырылғаннан тоблатаппана „Байдамтол соҳилларида“, „Рақиблар“ каби ұқояларда яна да чуқурроқ ва жозибали тасвирлапади. Мазкур асарларда еш авлоднинг олға интильевшілер, ҳаст сўқмоқларыла бальзан аданиб, жамоа ерламида яна тўғри йўлга тушиб олишлари акс әттирилған. Яхши асар қалбимиз, шууримизда илиқ ҳислар, эзгу гүйгүлар уйғотади, онг, билимимизни бойигади, янги фикрлар, тасавурлар ҳосил қиласи — бор фазилатлари, ранг-жилоларини намоси этади. „Байдамтол соҳилларида“ ана шундай санъаткорона яратылған асарлар сирасига киради.

„Байдамтол соҳилларида“ ұқоясінинг боли қаҳрамони Нурбек яңтиликка интильевчі, ҳар қандай қийин ва хатарлы иншарының бажарышында тайер турувчи жасур, ўт-олов иншарнинг типик вакилидир. Нурбек қандай иншага киришмасын, уни албатта охирига етказмай кўймасди. Афтидан, Нурбексиз умуман бирон иншни бажариш мүмкин эмаслай туйиларди. Қачон қараманғ, белини маҳкам боғлаганча чопиб юриб палаткаларни ҳам үзи қуриб, бульдозерларни үзи бопқаради, гоғлардан кўчиб тушибган қор уюмларини кураб, устахонадаги ласттоҳчарни ҳам үзи монтаж қиласи... Бироқ у ўзига, ўз гүшүнчесига ортиқча ёрк беребиди. Бопқалар фикри билан ҳисобланмайди. У

ҳам „Сарвқомат дилбарим“даги Илөс каби тиркама билан до-
войдан ошмоқчи ва иш суръатини тезлантироқчи бўлади. У
механик сифатида, тракторчиларни трактор юриши хатарли ва
мумкин бўлмаган қияликлардан ҳайдаб япти ерларни ўзланти-
ришга даъват этали. Тракторчилар бу ишнинг хатарли эканли-
гини айтиб унамаганларидан сўнг, бу ишни унинг ўзи бошлаб
бермоқчи бўлади.

„— Машинани ҳайланишга рельсф имкон бермайди, — леди
бригадир Трофимов, — мен сизга яна эслатиб айтаманки, бу
тик тепаликда тракторда юриши ҳеч ким хоҳламаяпти. Ҳар
кимнинг жони ўзига ширин...

— Кўриқ ерга кўрқоқларнинг ксраги йўқ! — леди Нурбек,
— ўзингиз айтинг-чи ўртоқ Трофимов, паргия бизни нима учун
юборди бу ерга. Агар биз қандайлир кичкина бир тепаликка
чиқинидан кўрқсан, тоғшириқни қандай қилиб бажарамиз! Йўқ,
трактор қулаб кетмайди. Бу беҳуда гап... Мен сизларга кўрсатиб
кўяман, ким эканлигимни. Эрталабгача бу қия тепаликларнинг
ҳаммасини ҳайлаб қўяман, агар зарур бўлса, бу тоғларнинг ҳам-
масини чўққилари билан бирга қўшиб ҳайлаб ташлайман! Эр-
тага кўриб ишонч ҳосил қиласан, Трофимов, қайси биримиз
ҳақ эканлигимизни.

Лаънати трактор бўлса, ҳамон инграб бўкирганича қийтайди
оғиб бораётган эди... У занжирли филдираклари билан юришига
қодир эмасдай гумнигуни осмонга кўтарганича туриб қолди ва
шу заҳотисқ ғижирлаб овоз чиқариб, секин-аста пулгани остига
олиб эзив, пастликка томон тезланганидан-тезланниб думалаб,
тоғ этагидаги қояга бориб урилди...

— Нега сакрадим, мен? — Даҳшаг ичилади шивирлари Нур-
бек, — трактор билан бирга мажақланниб кетсан бўлмасми-
ди.

У қуси каби гизиллаб қочарли“ (2-жилд, 371—374-бетлар).

Демак, Нурбекнинг бу йўлдаги уринини муваффақиятсиз-
ликка учрагач, у таъналардан қочиб кетишни афзал кўрали. Нур-
бек ана шундай тушкунликка тупланган пайтида ҳаст тақозосига
кўра тасодифан гидролог қиз Асияга дуч келади. Асия узоқ тоғ-
лар орасида ҳалиқ баҳт-саодати учун, леҳқопуларга керак бўлган
оби ҳаст учун ўз ҳузур-ҳаловатидан кечиб, қишин-ёсин меҳнат
қиласали. Қизнинг бу филокорлиги Нурбеклаги сўниб бораётган

ғайрат ва шижаатни қайта тиқлайды. Нурбек ногаҳон қизини се-
виб қолади. Нурбек шаҳарда қолган маҳбубаси Айнагулдинг
шаҳарни ташлаб қўриқ срда нима қиласан, деган ганилари эсига
түшиб умидсизланган эди. Асиядаги филокорликни кўриб, яна
қайтадан куч-ғайратга тўлади. У сувдан ўтаётгиб, осма кўпrikни
бузид қўяди ва уни тузатиш қийин бўлганилиги учун ўна ҳолича
ганилаб кетмоқчи бўлади. Аммо шундай Асиянинг тоғ отини
билан кўпrikдан ўтиб ларе соҳилидаги ишмий кузагини ишларига
боришини ўйлаб қолади. Нурбек ўзи сенган қизининг жа-
мият манфаати йўлида қиласетган олижаноб ишига тўғаноқ бўлинин
қиз олдила ҳам, жамият олдила ҳам кечириб бўлмайдиган тұноҳ
эканилигини ўйлаб хүшер тортади. Ва бу ишнинг қапчалик қийин
бўлининга қарамай, кўпrikни тузатишга киришади. Осма кўпrik
тросларига осилиб, қўллари қонаб, нақалар азоб-уқубат ва ма-
шакқатлар чекса-ла, кўпrikни тузатади ва вижданни таскин то-
гади. Бу иш Нурбекнинг келажакда қиласитган қийин ва масъу-
лиятли ишларда катта ва унугилмас бир синов бўлади. Жами-
ят манфаати учун қиласитган ҳар қасидай оғир ишларга қолирми
ёки йўқлигини синаш учун ҳам астойдил киришган қаҳрамон
бу синовдан муваффақиятли ўтади. Энди у ҳастига биринчи марга
чинакам куранш ва галабанинг лаззатини гүнунади. Энди у бу
сафар фақат ўзи учун, ўз шуҳраги ва қаҳрамонлигини қуруқ
намойиш қилиш учун эмас, балки катта орзулар учун, юксак
мақсади йўлида хизмат қиласетган Асия учун жасорат кўрсатади.
Энди у бу кўпrikдан ўтиб шаҳарга қочини эмас, балки қўриқ
срларни ўзлантириш учун боришта ўзини қодир деб билади ва
қўриқ ер сари йўл олади.

— Асия, — дейли Нурбек, — мен қасидан келган бўлсан,
ўша сўқа кетяпман. Балки ҳеч қачон учрашиласмиз, лекин мен
сенни қасидай тўзал бўлсанг, шундайлигинингча умрбол қатбимда
сақлайман... Ҳа, сал бўлмаса унутасизим, мен Герценнинг
китобини¹ ўқиб улгуролмалим, кечир, мен уни ўзим билан
бирга олиб кетяпман, ахир бу сенниг севимли китобинг, ку-
рапичан инсон ҳақилаги китоб-ку... Менинг тасодифан сен би-
лан бўлган учрапувим ҳаётимдаги эш қийин ва эш баҳети кун-

¹ Герценнинг „Былос и думы“ асари кўзла тутилмоқда (муалииф).

лар бўлиб қолади. Раҳмаг сенга, Асия, барча яхшиликларинг учун... Сен менга кўн парсаларни ўргатдинг... Сен мени Байдамтол устидан ғалаба қилишинг учун дунёда ҳаммадан кўпроқ тилак тиловчи дўстинг леб ҳисобла... Мен аминман, Асия, Байдамтол забт этилади!..”¹

Эрта турган Асия тоғ томон кетасган Нурбекнинг қорасини кўриб беҳал хурсани бўлали. „Мен унинг яна қўриқ ерга қайтишини билардим“, — лейли у мамнунлик билан. Асарда янги давр ёшлирининг қайнот ҳаёти, жасорати, романтик орзу-ниятлари фоятда нозик, фоятда шоирона тасвирангган.

„Байдамтол соҳилларида“ ҳикояси инсон қалби динамикасини очиб беришда ёзувчи ижодила жилдий бурилиш бўлганигини кўрсатади. Асар алибининг ҳар қанлай ҳолатда, ҳар қанлай мураккаб шароитда ҳам инсон руҳига чукур кириб бориш, уни тўғри ва мақсалга мувофиқ талқин эта олиш маҳоратининг ўсиб бораётганигини кўрсатади. Хуллас, одамнинг одамга муносабати, самимийлиги, одамнинг одамга яхшилигию меҳроқибати „Байдамтол соҳилларида“ ҳикоясида кагта маҳорат ва балий терапилик билан гавдалантирилган. „Байдамтол соҳилларида“ еш алибининг моҳир насриваслигидан, кичик ҳажмдаги бу ўзига хос ихчам алабий турнинг сир-асрорларини пухта эгаллаганилигидан лалолат беради.

Аста-секин аёллар образи Ч.Айтматов ҳикояларида муҳим ўрин эгаллай бошлайди. „Рақиблар“ ҳикоясида соф кўнгили, салоқатли аёл Хонимгулнинг ажойиб образи яратилган. Қорагой билан Хонимгул бир-бирларини жондан севадилар. Тенгкур келинлар Хонимгулга яширмай-нетмай: „Сен жуда баҳтисан, Хонимгул! Кўёвинг рўзгорга жонкуяр, ишнинг кўзини биладиган одам, ҳавас қиласа арзидиган қайнонанг, жажжи ўғилчанг бор, ўзинг эса дала ишида бўлсин, уй ишида бўлсин, ҳеч кимдан ортда қолмай роҳатла-фароғатда яшайсизлар“, леб ҳавас қилганларида Хонимгул: „Сизлар энг асосийини билмайсизлар!“ дегандай кулимсиради. „Мен учун севиш ҳамма-

¹ Чингиз Айтматов. Таъланган асарлар. 2 жилли, 2-жилл. — Т.:Faafur Fулом номидаги Адабист ва санъат нашриёти, 1978 й., 389-бет. Кейинги нарчалар ҳам шу напрелан олинали ва жилли, саҳифаси мати ичидаги берилади.

сидан қиммат. Мен Қоратойни севаман. Қоратой мени севади. Иккөнимиз боламизни севамиз... Севмаган одамларнинг боши бирикалими?“ Бироқ куттілмаганды, қандайлыр сабаблар билан улар ўртасидаги шириң турмушнинг бузилишини Ҳонимгул хәэлигә ҳам келтирмаган эди.

Асарда тасвир этилишича, қўпши колхозларнинг миробла-ри Қоратой билан Собирбеклар ажраімас дўстлар. Тақдир га-қозо этгандай, кўп вақтлар турмуш уларни бир йўлдан бошлаб боради. Улар ўсиринлик кезларида мактабда бирга ўқипиди, уруши йиллари ҳам бир багальонда хизмат қилипиди, ҳатто ми-робчилик курсини бирга тамомлагандардан сўнг мироб бўлиб бирга ишлаб юришди. Қоратойнинг оғир табиатлилиги ва гул мижозига қарамасдан, улар ўртасидаги дўстлик алоқалари ав-вағилдай давом этаверди.

Қоратой мироблик касбини Собирбекдан кам билмайди. Аммо Собирбекнинг омади чопиб, илғор колхозга келади-ю, меҳнатдаги жонбозлиги учун моҳир сувчи, энг яхши мироб ле-ган номга сазовор бўлади.

Деярли бир хил шароитдаги колхозларнинг бири плани бажараверали-ю, иккиси сурункасига бажармасдан келади. Собирбек ишнинг қўзини билалиган меҳнаткаш йигит. У сув-нинг бир томчисини ҳам исроф қўймасдан ташна деҳқонларга етказиб бериш учун кечаю куилуз тинмай ишлайди. Шунин учун ҳам унинг колхози плани ҳар йили ўринилади. Бўлса-бўлар қабилида иш тугадиган Қоратойнинг эса, аксинча, ома-ди юришмайди, йилдан-йилга иши орқага кетиб, турли хил ўй-хаёлларга берилади. Муаллиф қайл этганидек, олдин дўстла-шиб юрган кишиларнинг ораси бузилиб, йўллари икки томон-га айрилиб кетган пайтларда бир-биридан узоқланаверишали, уларнинг дўстлиги одам қатнамай қўйган ёғизоёқ йўлни ўт босиб кеттани каби бора-бора, ўз-ўзидан унутилиб, қатладаги ўқинчларни бир-бирига айтишмай юрган дўстлар орасидаги аловатлар кучайиб, кек сақлайлиган бўлиб қоладилар. Қоратой ва Собирбек ўртасида ҳам худли шундай зиллият тобора иллиз ога бошлияди. Қоратой ва Собирбек ўртасидаги бу зиллият, аловаг овулда „Собирбек ўз ўртоғи Қоратойнинг қаллиғи Ҳо-нимгулни севар эмиш“ деган миш-мисшлар гарқалғандан сўнг ва Собирбекнинг мироблар кенгашида Қоратой шаънига айт-

ган танқидий мұлоқазалардан сүнг айниңса кескінләпшіб кетағы. Натижада қадрдан дүстлар рақибларга айланадылар.

„Қачон қарама сув оз, сув стишмайди, деб баҳона қиласан. Бу одатингни ташла, Қоратой. Акс ҳолда иш ҳам юришмайды, әкин ҳам ўсмайды. Сенинг ихтиёриштегі уч юз лиғр сув беріб күйилибди. Ўз деңқон тилемиз билан айттанда, бу олти қулоқ сув! Ҳой, бу ҳазилакам сув әмас, мен ҳам уч юз лиғр сув оламан. Бизнинг әкин майдонларимиз ҳам деярли бирдай. Шу сувнинг ўзилан ҳам тежаб-тергаб фойдалансак, худо ҳаққи, стиш у сқұла турсин, ҳатто ортиб қолипши ҳам мумкін... Олам бўлиб ҳали бирор марта сенни кечаси сув бошида кўрганим йўқ! Ариқ-арикларга тақсимлаб берилган сув қаерга оқыпти, уни ким боши қаряпти, қаңчаси бекорга исроф бўляпти? Сен шуларни текшириб кўрдингми? Ўз сувчиларинг айтсан, йўқ, албатта. Қачон қарамай тўғон бошида, рейкадан кўзининг узмай ўтирганинг ўтирган. Агар, сув режадан салгина пасайдими, дарҳол гидротехникларга: менга сув етмаяпти, деб чопиб қоласан... Қандай бўлмасин, бирорнинг ҳисобидан бўлса ҳам, кўпроқ сув олиш пайидан бўласан, ўзим бўлай дейсан“ (2-жил, 341—342-бетлар).

Хуллас, Қоратой дўсти Собирбекнинг беғараз, ҳаққоний тапқилларини ҳазм қила олмайли. Натижада душманлик мақсалыда шлюзда Собирбекнинг улушини ҳам ўз колхозига буриб юбориб, сувсизликдан қувраб етган бор экинларни ҳам нобул қиласи, Собирбек билан сен-менга бориб, жанжаллашиб, унга кўпоплик қиласи. Сувчилар эса ортиқча ташвиши ва сиз бўйи қилган меҳнатлари зос кетганилги учун Қоратойни дўппослайдилар. Хонимтул эса бу аҳволни кўриб қаттиқ изза бўлади, эрига ачинади, унинг ноҳақлигини тушунтиради. Собирбекнинг ҳам беғараз дўст экатлигини уқтиради. Қоратой эса охирига қалар Хонимгулни ҳам, Собирбекни ҳам ноҳақ айблар эли. Ҳикояда Қоратойнинг бир ёқламалиги, худбинлиги Хонимгулнинг соликитиги, меҳрибонлигига қарама-қарши кўйилган. Асар конфликтги Қоратойнинг мағлубияти билан ўз ниҳоясига етади. Ҳикоя сўнгидаги ўз хатосини аңглаб етган Қоратой шундай хулюсага келади: „Қадрингта етмайдим, Хонимгул. Сенинг табиатинги тушунмасдан настлик қишлоғим. Кечир мени, юзингта қандай қарайман әнили. Бахт-толе деган нарса фақат уйда, ўчоқнинг бошилағина әмас, балки эл билан, жамоанинг меҳнати билан чамбар-

час боелиқ эканини ўзинг ҳам түшүнгән бўлсанг керак” (2-жилд, 358-бет).

Асарда Хонимгул образи меҳр-муҳаббат билан тасвиirlанган. Кичик ҳикояя тўлақонили образлар яратин санъати Ч.Айтматовнинг мазкур ҳикоясида ҳам намоёни бўлган.

Ч.Айтматовнинг „Оқ ёмғир“ ҳикояси ёзувчининг бошқа ҳикоялари сингари ўзига хос услубда ёзилган бўлиб, китобхонни дарҳол воқса ичига олиб киради ва унда кагта қизиқини ўйғотади.

„Тун. Ҳамма нарса уйқула, баъзан итларгина уйқу арашаш улийди. Шу зимзи ўнда икки киши қоқилиб-суқилиб қишлоққа кириб келяпти.

— Эпди, бу ёғига ўзим... Раҳмат, — аёл кипининг овози эшитилди.

— Кел, кузатиб кўя қолай, тағин иjlар талаб юрмасин, — жавоб берди ёркак кишининг овози“ (1-жилд, 320-бет).

Табиийки, китобхон сергакланади, ким экан улар, шу қоронғи тунда нима қилишаётган эканлар деб ўйлаб, асарни ўқишида давом этади.

Қиз — Саодат уйга, йигит — Қосимжон тоққа йўл оладилар. „Онам нета чақиргирди экан, касаси бўлиб қолган бўлса-я“, ўйлали қиз. Воқса бир оз ойлинишана бошлайди. Шу тариқа ҳикоя зўр қизиқини билан ўқиб чиқилади.

Ҳикоя, Саодатнинг энаси — Зайнаб онапининг ўз қизи ҳақилағи ташвишлари, гумонлари, эски урф-одатларга асосан иш тутилга уринишлари, акс ҳолла ўзи ва қизи обрўсига, шаънига дод тушиши мумкинлиги ҳақидаги ўй-хәёллари билан бошланади: „Сен менинг кўз очиб кўрган слғиз қизимсан, Саодат, — деди у қизининг юзига тикилиб. — Сен менинг ҳам ўғлимсан, ҳам қизимсан. Менинг сендан бошқа ҳеч кимим йўқ. Сен менга осон деб ўйлайсанми? — Онапинг кўзларида ёш томчилари пайдо бўлди. — Фақат иннила бир оз унугман, уйга келдимми... Ёғизлик юрагимни ёнириб юборали... Қасрда қолди экан, бирор нарса бўллимишкан, соғмикан... Ишинг аёллар қиласиган иш эмас, Саодат. Қиз боланинг плуг устида ўтириши нимаси... Бу ишингни қўй, уйга кел... Колхозда иш оз эмас“ (2-жилд, 324-бет). Асар сюжети Саодат ва Қосимжоннинг севгиси, уларнинг

қўриқдаги жонбозликлари, ёшларнинг маржиги, янгиликка интилиши ва бу йўлда ҳар қандай ғовларни сингиб ўта олинилари билан ривожланиб боради ва ниҳоят Саодат ва Қосимжонларнинг ғалабаси билан тугайди. Қосимжон билан Саодатнинг қўриқни бўстонга айлантириш йўлидаги эзгу инятлари, курапалари ва соғ муҳаббатлари ғалаба қилади. Курапла ким сингилди? Зайнаб опами? Йўқ! Шуниси характерлики, Зайнаб опа ҳам ғалаба қозонгандар гомонида — Саодат ва Қосимжонлар гомонида. Демак, эскилик сингилди, ёшларнинг кучи, иродаси, муҳаббати олдида эскилик енгилди, янгилик тантана қилди.

Ҳикоянинг асосий мавзуси қўриқ ва бўз срларни ўзлаштириш. Янги срларни ўзлаштириш учун барча ёшлар қатори Саодат ҳам отланади. У қиплогидан узоқда жамоа билан янги ср очади. Тракторда прицепчи бўлиб ишлайди. Зайнаб опа Саодат тўғрисида турли ҳаёлларга боради. Қиз бола ишлуг устида ўтиrsa, бу нима деган гап, маюматта қоламан, деб ташвишга тушади. Натижала қизини бу йўлдан қайтаришга ҳаракат қиласи. Иш жараёнида топиниган ёшлар бирга турмуш қуралилар. Зайнаб опа Саодатнинг ҳеч қандай расм-русумсиз Қосимжонга турмушга чиққанини ёнитганда қалби изтиробга тўлали, қаттиқ газабланади, бутун орзу-умиллари ҳавога учгаидай бўлали. У Тоқой аканинг қайлиги Жийлагулга қаратади:

— Саодат мени шарманда қилди! Қочқин кипидек иззатикромсиз, расм-русумини қилиб узатилмасдан бир ларбаларнинг орқасидан эрганиб кетди. У Саодатни айлақаёқларга олиб кетали, кўрмай ҳам қоламан“ (2-жилд, 28-бет), деб вайсайди ва қариндоши Тоқойга қизини судраб олиб келишини буюради. Бироқ Тоқой унлай қилмайди. У ҳаётга чуқур разм солувчи, мулоҳазали киши. Тоқой Зайнаб опага масалани ётиғи билан тушунтиради. Ёшларга ғов бўлмасликка, жамият тўкинилиги ўшалар меҳнатидан эканлиги ҳақила ва ёшларнинг ажойиб фазилатлари тўғрисида ганириб, бунидан хурсанд бўлиш кераклигини уқтиради.

Чингиз Айтматовнинг тил бобидаги маҳорати бу ҳикояда ҳам намоён этилган. Муаллиф айниқса персонажлар тилининг ранг-баранглигини таъминлаган, уларнинг сўзларида, жумла тузилишларида жонли одам гилига хос хусусиятлар мужассам, ҳам мизлий ранглар говланниб туради:

„— Ҳозир „Эски кўчманчи“ срлари очилмоқда. Ўзинг билсан-ку, бир вақтлар биз бу ишни улалай олмаган эдик. Ўша вақтла биз бу настқам ерларни охири бир кун ўзлаширамиз, деб ўйлашга ҳам ботина олмаган эдик. Бойлар бизни сиқиб, охири ана шу „Эски кўчманчи“ срларига ҳайлаб юборилиган эди. У жойларда срни ҳайдап ҳам, сугориш ҳам иокулай эди.

Эсинглами, ўшандада акамни севиб қолиб, у билан бу ерга қочиб келганиларинг? Очликдан ўлмаслик учун, ҳатто маана шу пўстакдан ҳам катта бўлмаган срни ҳайдашга қарор қиласган эдик...

Шуларни эслайсанми, Зайнаб? Ахир қуруқ қўл билан қояларни ағлариб бўлармили? Меҳнатимиз зос костиб, экинлар куриб қолди. Сен ўшандада қандай йиғлаганингни эслайсанми, ҳатто биз эркаклар ҳам кўз ёшлиаримизни зўрга тутиб турган эдик. Ўшандада биз „Эски кўчманчи“ срларидан кафтилек қисми-ни ҳам ўзлашира олмаган эдик... Энди эса бизнинг болалари-миз „Эски кўчманчи“ни ўзлаширишга бел боғладилар. Агар сен уларни ҳозир нималар қиластганини кўрганингда эди... Улар зўр ишонч билан ишлайти. Уларда бизим бор, машина бор... Эҳ, Зайнаб, ёшлигинда ўз севган кишининг учун ҳар қандай қийинчиликларга дуч келгансан. Шундай экан, нима учун сенинг қизининг ўз севгани билан турмуши қуришга ва у билан бирга меҳнат қилингига ҳақли эмас экан, а?“ (2-жилд, 328—329-бетлар).

Зайнаб онанинг ханотир олинида ҳам жон бор. Негаки, у эски дунс кишини. У ўтминида ис-ис юзсишликларни, золим ва алдоқчиликларни, фисқ-фужурларни кўриб ўстган. Шунинг учун ҳам ёлғиз қизи, кўз нурининг жувонмарг бўлмаслигини истайди. Иккинчи томондан побог кишиларнинг ҳар хил миш-мислиларидан, таъна-данномларидан қўрқали. Бироқ Тоқойпинг стиги билан тушунтириши, босиқ, вазмин, чуқур мулоҳазали ганила-ри кампирга таскин берали ва шу заҳоти қизи ва нотанинг кус-вини кўргиси ва қалб ҳарорати билан уларпинг кўнглини, рўзго-рини иллитиси, мунавар этгиси келади.

Қизининг келишига тўрт кун бор. Лескин Зайнаб опа ути кутиб ўтиришга сабри чидамайли. Тўрт кун! Ўҳ-ҳў, тўрт кун, айтишта осон. У бўғирсоқ пиширали, гўптиқ қайнатали, кусвига оқ сурндан кўйлак тикиди, қизига сен учун асрраб кўйган тулли шол рўмолини ҳам олиб йўлга чиқади. Ёмгир, чеслакдан кўй-

гандек оқ ёмғир ёғаяпги, ҳақиқатдан ҳам оқ, хайрли ёмғир. Бу оқ ёмғир Зайнаб опа қалбининг гумон ва ташвишларини, шу кунга қалар ҳукмрон бўлган эски урф-одат ва нохуш фикрларини ҳам ювигб, покираб кетгандек эли. Ҳикояда қирғиз хотин-қизларининг эски урф-олагларни тарк этиб, янги, озод, яратувчилик меҳнати сари дадил интиластганиларни, бу меҳнатда жавлон ураётганиларни ҳаққоний гасвир этилган.

Ҳикоя жула солда, ҳалқил ва ширави тил билан ёзилган. Ёзувчи ҳалқ урф-одатини яхши билади. „Оқ ёмғир“ ҳикоясининг узидан ҳам ёзувчининг акс этирилаётган воқсаға муносабати, яъни муаллиф позицияси, воқсаларни баён этишида у ёки бу балий воситаларни танлай билиш маҳорати, қаҳрамонлар тилини индивидуаллантириши, персонажлар характерига, руҳиятига монанд равишда портретлар, табиат манзаралари чизиши ва энг муҳими конфликтни изчиллик билан ривожлантира билин маҳорати яққол намосин бўлади.

Ёзувчи асарда эскилик билан янгилик ўртасидаги курашни, кинилар шуурниларни эскилик сарқитлари билан янги онг, янги тушунгча ўртасидаги курашни ва бу курашда янгиликнинг тантанасини кўрсатади. Эскилик билан янгилик ўртасидаги ана шу кураш асардаги асосий конфликтни, асар сюжетининг асосини ташкил этади.

Асар шубҳасиз, ёзувчи ижодининг юксалишидан, камолотидан дарак берали. „Оқ ёмғир“ ҳикоясини ўқиган ҳар бир китобхонда Саодат ва Қосимжондай яшаш ва курашни ҳаваси тугиладики, бу орзу уларни янги-янги меҳнат зафарларига чорлайди. Мазкур ҳикояда ҳам муаллиф бошқа асарларидаги сингари, инсон қалбидаги поклоник, бесубор гўйгуларни кўрсатишга интилали, турфа ҳиссиётлар идрок этилали.

„Қизил олма“ ҳикоясида ўрта яшар, оиласи, фарзандли, зиёли, институт ўқитувчиси Исабековнинг раҳ этилган севгиси тарихи ва ички кечинмалари ҳикоя қилинади. Исабеков осуда ва фаровон ҳаёт кечиради. Хотини диссертация ёқлаш арафасида, бир қиз фарзанди, „Волга“ машнинаси бор. Умуман, тириклийликдан нолийдиган жойи йўқ. Лекин унинг қалбини ўғмиш севгиси, унинг раҳ этилиши тиігчитмайди. Барибир у билан қайга учрапипи, яна қайта севги изҳор қилиши қийин масала. Агар қайта турмуш қурганда ҳам бу ёқдаги оиласи, уй-жойи, қизи

нима бўлади. Хўш, буларнинг ҳаммасидан воз кечиб, ўша жувонга уйланганда ҳам бунинг севгисини у қалрлай оладими, йўқми, буниси ҳам муаммо. Агар қалрлай билмай аввалиги мурурлигини қилса унда қандай бўлади? Ҳикояда Исабеков қалбидаги ана шу қарама-қарни кечинмалар чукур бадий таҳтил қилинади.

Ёзувчи биринчи муҳаббатнинг инсон қалбила абаий қолишни, у мол-мулкдан, обрўдан устун туринини, инсон характеристерининг мураккаблигини кўрсатали.

Умуман, Ч.Айтматовнинг ҳикоялари кўпинча олий ва жўн воқеаларга багишлиган бўлса-ла, ҳастийлиги, ҳаққонийлиги билан эътиборга лойиқ. Айни чоғда, бу ҳикоялар муаллиф қатамининг қайралишига ёрдам берали, инсон руҳиятига чукур кириб боришига, уни йирик эпик манзараларда тасвирлантига йўл очади.

Ч.Айтматовнинг ҳикояларида тасвирланган айrim ижтимоий долзарб муаммолар ва образлар кейинчалик оламга манихур повесстварида кенг кўламла ривожлантирилади. Масалан, „Байдамтол соҳиларида“даги воқса „Сарвқомат дилбарим“да, „Рақиблар“ ҳикоясидаги воқса „Юзма-юз“ қиссасида давом эттирилади. „Юзма-юз“ повесгидаги Саида образи „Рақиблар“даги Хонимгул образининг тадрижий давоми, десак хато бўлмайди. „Оқ ёмғир“даги Саодат ва „Жамила“даги Жамила образлари тўғрисида ҳам шуларни айгин мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Чингиз Айтматов ҳикояларида эзгулик ва ёвузлик, адолат ва разолат, жаҳолат ва садоқат, инсоф ва лиёнатсизлик ўргасидаги куранг шарқона услубда моҳирона тасвирланган бўлиб, бу ҳикоя-повесствалар қалбимиз, шууримизда эзгу туйгулар уйғотали, онг, билимимизни, тасаввуримизни бойитади — бор фазилагларию ранг-жилоларини намоён этади.

ҲЛЁТ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Чингиз Айтматовнинг ижодий-ғоявий эволюциясидаги жиддий ўсиш-ўзгаришилар айниқса унинг қиссаларида яққол кўзга ташланади. Қолаверса, ўрта эпик шакл ҳисобланган повес Ч.Айтматов ижодий фаолиятида салмоқли ўрин тутади.

Муаллифнинг аксарият қиссалари мифлар, афсоналар, риво-ятлар, эртаклар, халқ қўшиқларию эпосларга хос мотив ва сюжетлар билан сугорилганини жиҳатидан ҳам характерлидир.

Энг муҳими шундаки, Чингиз Айтматовнинг қиссанавис сифатидаги юксак маҳорати давр руҳини, замон нафасини, характерлар табиатини қаҳрамонларнинг сатьй-ҳаракатига, фаолиятларига сингдириб юборилгани билан изоҳланади. Ижтимоий тараққиётнинг муайян босқичлари, замон муншукулоглари, сир-синоатлари таъсирчан характерлар талқини орқали очиб берилган.

Муаллиф, юқорида эслатиб ўтганимиздек, „Байдамтој соҳилларида“ ҳикояси ва, айниқса, „Юзма-юз“ (1957) қиссанадан бошлаб қаҳрамоннинг ички дунесига чуқур ва лаҳил кириб борали. „Юзма-юз“ повестининг яратилини Ч.Айтматов ижодигина эмас, шу билан бирга қирғиз алабистида ҳам катта воқеа бўлди.

Қисса марказида уруп даври, уруп ва инсон, урушининг кинжалар қисматида, қалбила қолдирган ўчмас жароҳаглари муаммоси турали. Унда урушининг барча сиповларига сабр-бардош бериб, матонағ кўрсатган Саида сингари олижаноб, маънавий юксак, руҳан бой аёллар образи улуғланса, фақат ўзининг манфаатини ўйлаб мунофиқлик, хиёнат кўчасига кирган Исмоил сингари қабих, қочоқ кимсаларнинг маънавий инқизорзи, фожиаси қаҳру газаб билан фош этилади. Асарнинг марказий қаҳрамони Сайданинг тақдиди бопқа образларнига қарагандла хийла мураккаб. Алиб унинг ички дунессини, қалб гўзаллигини янада кенгроқ, бўрттириброқ гасвирлани мақсадидла ҳастнинг турли сўқмоқларига боплайди.

Мазкур қисса ҳақила ёзувчинининг ўзи шундай леб езган эди: „Мен „Юзма-юз“, „Жамила“ ва бопқа асарларимни шахсий таассуротларим асосида ёзганиман. Уруп йиллари фронтдагина эмас, балки фронт ортида ҳам ҳаёт оғир кечтанилигини яхши биларлим. Ўшанда, умримда биринчи маротаба китобхоняларнинг миннэтдорчилиги-ю, улар йўллаган мактубларнинг ҳар бири мен учун ҳақиқий байрам бўлганилигини англаб етган эдим. Бироқ, айни шу йиллари, мен биринчи бор алабий ҳастнинг тескари томонларига ҳам дуч келдим. „Юзма-юз“ повестим босилиб чиқини биланоқ республикалаги айрим танқидчилар

асарда тасвир этилган воқеаларнинг ҳаққонийлитини шубҳа остига олишга уриниб, унда „буғун қыргиз ҳалқининг ҳақоратланганигини“ кўрадилар, чунки ёзувчи новестда ҳарбий хизматни ташлаб қочган кипини, Ватан хоинини гасвирлаган, бундайлар эса адабий схемага биноан гасвирлангипни мумкин эмас, дейлилар. Ҳатто улар мени ҳаёт қийинчиликларини, шубҳасиз, бўрттириб кўрсатган, агар огулдагилар оч яшаганиларида биз гитлеризм устидан ғалаба қозона олармилик — бизнинг ҳалқимиз урунила ҳар жиҳатдан тўла-тўкис таъминланган — дейишган ҳам эди¹.

Биз бу ўриши, муаллиф танлаган мавзунинг нечоғлик таҳлил ва талқин этилганлитини ёритишга уриниб кўрайлик. „Юзма-юз“ повести композицион жиҳатдан ғоятда зич ва ихчам бўлиб, унда марказий қаҳрамон Саида образи етакчи роль ўйнайди.

Матъумки, алибининг ёшлигига уруп йилларига тўғри келган. Шунинг учун ҳам унинг уруп мавзусига даҳилор бўлган кўнчилик асарлари, шу жумладан, „Юзма-юз“ повести урушига қарини гимидай яштрайди.

Асар табиат манзарасини тасвир этишдан бониланди. Дарвоқе, ишон кайфияти, руҳий олами табиат манзараларига ҳам боғлиқ ҳолда ўзгариб турали. Табиат ва жамият қонуцларини терап мушоҳада этувчи реалист ёзувчи Ч.Айтматов Исмоил фожиасини тасвир этишиндан аввал табиат манзарасига мурожаат қилиди: „Шамол учириб келган япроқлар кичкинагина станциянинг кечаси милгиллаб кўрининган слғиз фонусига урилиб, парвонадек айланарди-ла, қоронгила кўздан ғойиб бўлишарли.

Шу кечакеракларнинг япроқлари тинмай тўқилиб турли. Шамдек терилган қалин теракклар шамолнинг зўридан уч-учларидан то иллизигача зарб сб, дам-бадам тебранишарди. Терак шоҳлари юқорида ленгиз сингари чайқалиб шивирланаркан, ўз бошиларига тунгган аллақандай оғир мусибаг тўғрисида бир-бирлари билан ҳасратлангаётгандек туюларди. Дара бўйлаб эсанг музлек шамол уларни буғун тунида бир йўла шин-шийдам қизимоқчига ўхшарди.

¹ Чингиз Айтматов. В соавторстве с землем и водою... Фрунзе: Кыргызстан, 1978, стр. 117.

Қорайиб күриштеги Қоратоғ дарасыда қоронғи тун. Дарапиннің әнгі пастки етапыда жойланған станция атрофи япала зім-зіс. У күзге фирма-шира күриштің тұрали. Қаттық уйқуга чүмгап тун фақат станциядан поезділар нари-бери ўттандығына ёруғдан күзи қамаштандырған сессияниң кетарлы-ла, яна үшін зақотиеқ атрофиді зулмат қолларды... „Бу қайси станция?“ деб ҳеч ким бақириб сұрамалы ҳам: ҳориб келген бутун әшелен шириң уйқуда... Бир оздан сүнг вагондан инжона ажралған бир киппің юғурғанича ариқ бүйіндегі буталар орасынан әнгашып бориб, күздан гойиб бўлди...“ (I-жілд, 8—9-бетлар). Бу гасвир асарнинң экспозициясини талпилады әтибінде қолмай, балки бўлажак воқеалар, курашлар даракчысы ҳамдир. Бошқача айттанды, бу билан ёзувчи асарнинң марказий қаҳрамонларыдан бири — хош, қочоқ Исмоилнинг фожиасини, унинг тубаплигини янада бўрттириб, қабартириб ва татьсирчан қилиб кўрсатмоқчи. Демак, асарнинң бошланишидан оқ дарҳол унинг конфликті қанчалик жиљдий эквалигигини англаш олиш мумкин.

Тун огуни. Борлық зулматта чүмгап. Бонқа кечаларга нисбатан ўша тунда теракларнинг янроры күпроқ тўклиб чиқади. Демак, Исмоилнинг ишидан кишиларгина эмас, балки она тупроқ, табиат ҳам порози. Қоратоғ дарасы ҳам, ундағы тераклар ҳам Исмоилнинг құлмишини ҳазм қилолмайды. Қўрқоқ, согқин, худбин фарзанини ҳеч қандай Ватан хуннудулик билан кутиб олган эмас ва кутиб олмайли ҳам. Экинзор ерлар, чексиз боғ-роғлар, яйловлар, тоғ-тоңлар ҳамма-ҳаммаси ёвга қарши, урушта қарши; ҳаммаси ҳам бехудлага завоғ топишни истамайды. Ёвга қарни отланған ҳар бир ўғыл зафар кучиб, сруғ юз билан қайтиб келишини кутади. Исмоилнинг буідай хагти-ҳарарати, она-Ватан чақириғини бажо келтирмай, фронтдан қочиб юриши жамият учунгина эмас, табиат учун ҳам кўнгилсиз воқеади.

Исмоилнинг буідай тез қайтишидан Саида ҳам шубҳаланағади. Лекин әркак одам ўз ишини ўзи билар деб, бунга унчалик ахамият бермайды. Қалимдан эр амрига шай бўлиб келген қиплоқ аёллари каби Саида ҳам сўзсиз Исмоилга бўйсунади. Жаңгдан омон қайтмаган оиласларнинг қисматини кўриб юрган Саида бунга бир қалар шукур ҳам қилади.

Саида баҳтиер ва осойиннинг турмушининг ошиғи. Бундай ҳаст учун у жопини берингга ҳам тайсер. У кечако қуплуз меҳнат қиласи. Лйниңса, Исмоил келгач унинг меҳнати ва ташвишлари ўн чандон ошади. Ёли тўлак ва қари қайнонани боқини, колхозга ишга чиқини, рўзгор ишлари ва ҳоказолар. Буларгининг устига-устак яна бир текинхўр пайдо бўлади. Бу текинхўрга хизмат қилини ҳаммасидан ҳам ошиб гумади. Бунинг хавфли томони ҳам бор: Исмоил яниригиниб юрганини ҳалқ билиб қолса-чи? Унда нима бўлади? Эл-юрг олдила, яқинлари олдила нима лейди? Бу Саида қалбила кундан-кунга кўркув ва ташвиш оргтира боштайди.

Бироқ еш, эндиғина турмуш қурган, ҳаст завқини старли даражала суролмаган Саида учун Исмоил ҳам беҳад азиз. Шунинг учун ҳам қалбила қарама-қарини ҳислар туғен урса-ла, Исмоилнинг қизимишини оқлайли. „Майли, қочқинчи бўлса қочқинчи деяверсиилар, менга олтип бопи омон бўлса бўлгани!“ — леб, ҳамир ся туриб ўзини ўзи юнагарди, эркак кини нима қиласа ўзи билади... „Ҳар кимга ўз жони азиз, бу урунида ўзини эҳтиёт қилиган кинигина тирик қолади!“ — леб Исмоилнинг ўзи айғамабимили? Демак, унга ақи ўргатиш менинг вазифам эмас, ҳаммани қўйиб сукни этдан ажратиб, уни смонотлиққа чиқаришта йўл қўярмидим“ (1-жилд, 15-бет).

Саида вафодор ер. Саида учун Исмоилни фон этиш „сүякни этдан ажратиш“ лек гап. Исмоилнинг сирини очмаслик учун турли йўллар қилиради, ҳийла-найранглар ишлатади. Узоқ ва овлоқ жойларга тун бўйи қатнайдан ҳам қайтмайли. Нозик баданилари моматалоқ бўлиб, олис жойлардан ўтин кўғариб кела-ди. Исмоилни сидириб, ичириб, тўйлириш учун ёртадан то кечгача сомон совуради, бигталаб дон йиғали. Буларини ҳаммаси Исмоил учун, келажақдаги шириш турмуш орзузи учун.

Саида меҳнаткаш асл. У урунидан олдин Исмоил билан эндиғина турмуш қурган кезларидақ ёнгина келинчак бўлиншига қарамай қора меҳнатта тушиб кетади. Исмоил билан баб-баравар лой кечиб иморат қуришга киришадилар. Бундай эзгу ишлар Саида учун нақадар завқли ва гаптили эди. Энди-чи? Саиданинг ҳозирги машиқкатли меҳнати-чи? Буни қагулай баҳолаш керак?

Саида ўз жопини сақлаб қолини ниятида қочиб юрган Исмоилни оқлар эди. Чунки, эру хотин — қўши хўкиз. Оила учун, унинг келажаги учун Исмоил керак. Исмоилнинг ватъласи бўйича

бағор келиб қор кетиши билан улар Чотқолға, Исмоилдинг Қариндошлари олдига күчіб кетишады. Бу оғир күнлар унуги-либ, яхши күнлар келады. Маъмурчилик ва тұқинчилік үлкасига күчіб боришады. У ерда Исмоилдинг қылмашыны ҳам биліпмайды. Чүпон бүлиб яптаіверади. Шуларни ўйлар әкан, Саида әртәю кеч тиңмай меңнат қыллады. Кечаси билан ухламай ерги-чокда ун тортиб, Исмоилға овқат тайерлаб чиқады. Үзи с маса ҳам Исмоилға елирали. Уни күз қорачигидек асрайди. Ҳеч кимга сир бермай, ҳақиқий вафодорлигини бажо келтирады. Исмоил-ға вафодорлик қилиш ўз бурчи экапшылығын ҳам таъкилдайды: „Эр-хотин яхши күнларда ҳам, оғир күнларда ҳам бирға бўли-ши керак деганилар! — леб ўйларли Саида. — Бонига туштанини кўз кўрап деганиларидек, ҳаммасига барлош бераман! Исмои-лим омон юрса бўлгани. Бонқа нарса керак эмас, худо сакла-син, кўзим тирик әкан, ет кишиларга сир бой бериб, сон хотин деган ном чиқармайман...“ (1-жилд, 31—32-бетлар).

Ўз жуғти ҳалолига вафодорлик, унинг измидан чиқмас-лик, унинг раъйига қараб иш тутиш — бу қалим-қазимдан буси давом этиб келаётган шарқ аслиларининг олати. Лекин Саида янги замон вакилю. У ўзидан олдинги оға-сингилларига кўр-кўронча эргашмайды. У колхозда меҳнат қыллады. Ижтимоий бурчни ангтайди. Шунинг учун ҳам Исмоилни яшириб юргани учун қалби ногинч, ўзини айблордек ҳис этаверади. Киптилар кўзига тик қарай олмайды. Халқдан ўзини олиб қочиб юради. Жангга жўнастган Жумабой, ҳеч бўлмаса жангда ўт кесиб юрган Исмо-ил акам учун кузатинг, дегандা Саида ноқулай аҳволда қолади. У йигитга тик қарай олмай мулзам бўлали. Қанчадан-қанча ёш йигитлар урупига жўнастир. Бу кетаётгандарининг қайси бири омон қайтади-ю, қай бирлари қайтмайды. Шуларни ўйлаганда Саида Исмоилни оқлагиси келади, „...бир амаллаб ўз жонини сақлаб юрса бўлгани...“, деб худога сиғидали. Бу Саиданинг худбинли-ги, ўз манфаатини бошқалар манфаатидан устун қўйиши эди. У гулдек сиз ўспирин йигитларни аяиди. Уларниң урупиде курбон бўлиб кетишига ачинади. Унда халқпарварлик, ватанпарварлик ҳисси жўнг уриб, лушманин тор-мор этишга ўзи отлангиси, бу ёнларининг биттаси ҳам қурбон бўлишини истамай, лаънати душманин ўзи янчиб ташлагиси келади. Бу эса унинг юксак инсоний хислати, ватанпарварлик фазилати эди.

Саила әлу халқын жондан азиз севади. У шодтик дамларыда ҳам, қайғу-куйғатда ҳам доимо халқ билан бирга бўлишини хоҳгайди. Нима биландир элининг мунисулини осон қилишини, умум ишнага қандайдир ҳисса кўшишини орзу қилади. Ўзи қапишоқ бўлса ҳам халқ маъмур бўлса, ўзи ишнод бўлса-да, элининг шодон бўлишини қалбдан истайди. Чунончи, кўшини Тўгиойнинг эри Бойдали урунда ҳаюк бўлади. Унинг стим бўлиб қолган болаларига ич-ичидан ачинади. Уларга нима биландир ердам бергиси келади. Юпун ва оч-яланғоч юрганиларини кўриб юраги эзилади. Уларга чин оналик меҳри билан қарайди. Кўли гул инсон, меҳнаткаш деҳқон, миришкор сувчи бўлган Бойдалининг ўлимига сабабчи бўлган урунга лаънатлар ўқийли. Отасидан эртаю кеч интизорлик билан ҳат кутаётган стимчаларининг аҳволини курғанда ва уларга энди ҳеч ҳам ҳат келмаслигини ўйлаганда, ўзини қўярга жой тополмай қийналади. Уларга қандай қилиб тасалли беришини билмай, чукӯр изтироб чекади. Бу стимларининг ва бева Тўгиойнинг қисмати билан ўз турмуши ва горгаётган қийинчиликларини таққослаб кўрар экан, ўз турмушидан полимайди, баъти шукур қилади. Исмоилнинг кечириб бўлмас қолмисини оқлагиси келади. Исмоилнинг билгани-бильгани, у туттган йўл ҳозир бирдан-бир тўғри йўл, леб тунунади ўзича. Исмоилнинг дунеқарашини унинг учун бир ҳастий қонундек туюлади.

Агар Исмоил қочиб келмаганда, қанча вақтгача кутган бўларли. Зарра полимасди. Чунки, Саила каби халқтарвар аслининг қўлидан бу иш келарди, албагта. Аммо Исмоил қочиб келди. У қочқин. уни сақлааб қолини эса Саиддининг оиласвий бурчи. уни онжора этини эса ижтимоий бурч. Ёш Саидларига оиласвий бурч, оиласпарварлик дастлаб устун келади. Ҳар қанча қийинчilik бўлса ҳам Исмоилни сақлааб қолинига тиришади. Баҳор келиб, қорлар кетинши билан Чотқолга кўчиб кеталилар-у, ҳамма нарса изга тушниб кегадигандай туюлади. Бунинг эса осонлик билан бўла қолмаслигини ёзувчи ишонарли деталиларда, ҳастий лавҳаларда тасвир этади. Икки кеманинг бошини ушилаш хавфли эканини Саила дастлаб тушунмайди. Ҳам халқ билан бир сафла бораман, ҳам қоюқ Исмоилни сақлааб қоламан, леб ўйлади. Бу мутлақо мумкин бўлмайлигани иш эди, албагта.

Ёзувчи бунинг сабабларини ҳастий деталилар орқали реал

тасвирлайди. Ва айни вақтда Саида ва Исломил образларининг липамикасини маҳорат билан чизиб берали. „Менинг балий ижодимнинг мавзуси одам. Шунинг учун одамни фақат ташқи кўришиши орқалигина билиш стмайди. Мен унинг руҳини ва бу руҳинг ҳозирги аҳволини билишим керак“, деб ёзган эли Н.В.Гоголь.

Ч. Айтматов „Юзма-юз“ қиссасида инсон характерини, унинг руҳий кечинмаларини кенгроқ ва чукурроқ капиғ этишга киришиб, бош қаҳрамон Саида руҳиятидаги ўзгаришларни изчиллик билан кузатиб борали ва унинг чинакам тўлақонли образини яратади.

Маълумки, бадиий асарда қайси образ қийин ва оғир шароитларга лич келса, мураккаб йўлни босиб ўтса, ўша яхни эсда қолади. Чунки у ана шу ранг-баранг ва чигал ҳаёт азоб-уқубатларини сингиш учун курашади, фикр-мулоҳаза юритади, руҳий кечинмаларни, шодлик-кувонч, қайгу-аламларни бошилан кечирали ва ўзининг қандай тахс эканилигини, инсоний характериги очиқ кўрсатади. Буни „Юзма-юз“ қиссасидаги Саида образида ҳам яққол кўриш мумкин.

Агар „Жамила“ повестидаги Жамилада маънавий-руҳий уйғониш юз берган ва бу ҳол унинг ҳаётида фавқулодда ўзгариш ясаган бўлса, „Юзма-юз“ қиссаси қаҳрамони инсоннавар, ўта меҳнаткаш асл Саидала ижтимоий онг уйғонини юз берали. Саида қочқин эрининг хатти-ҳаракатини ёлга, Ватанга, биноярни, инсонийликка зил ҳодиса эканини англаб, қаттиқ изтироб чекади, саросимага тушади.

„Жамила“, „Сарвқомат дилбарим“ қиссаларининг қиёсий таҳлилидан биз севги, оиласиий баҳт ўзаро маънавий уйғунлик-дангина иборат бўлиб қолмай, ижтимоий ҳаётда ҳалоллик, олижаноб инсонийлик ҳамдир, деган мұхим фикрни туямиз. Ҳақиқий севги — шеърдай бир латиф гўзаллик оламидирики, унга хисл бетона иллат аралашса, барбол бўлали. „Юзма-юз“ ана шу ҳақиқатни тасдиқлайди.

„Боніқалар ўз фарзандларининг соғ-саломат қайтиб келиниларини тилаб, зор қақшаб Худога илтижо қилиб ётганларida, — деб яна ўзига тасалли берив, — мен кўз очиб кўрган эримни ташлаб қўярмидим!.. „Эр-хотин яхни күпиларда ҳам, оғир кунларда ҳам бирга бўлиши керак!“ — деганилар. Бонига гунганини

күз күрар, ҳаммасига барлоң бераман! Исмоилим омон бўлса бўлгани. Бонқа нарса керак эмас, Ҳудо сақласин, кўзим тирик экан, ёт киниларга сир бой бериб, ёмон хотин деган ном чиқармайман. Мана, Тўтий! Бир ўзи муншидек-мунштдек уч боласи билан эрининг ўлик-гириғидан хабарсиз, жўхори аталани қопиқлаб улашиб, у ҳам қаноат қилиб, сир сақлааб ўтирибди...“ (1-жилд, 30, 31, 32-бетлар).

Исмоилнинг инсонига хос бўлмаган баъзи бир ҳатти-ҳаракатлари Саидали ҳайратта сола бошлайди. Исмоилдаги бундай иносоний ҳатти-ҳаракатлардан бири Тўтийнинг эри Бойдалининг урушида вафот этганини эшиттанида ўзини лоқайд ҳолда тутишида, унга заррача бўлса-да ачинмаслигига ва „ўлса ўлгандир“ қабилида елкасини қисиб қўйишида содир бўлади. Мечнаткаш, мард Бойдали вафотининг Исмоилга заррача бўлса-ла таъсир этмагани Саида қалбида ластлабки шубҳани уйғотади. Лекин, қалбининг бир четида: „...Қаҳратон қипида бирла оч, бирла тўқ юриб, ўз жонини сақлаш билан овора бўлгандир...“ леб яна уни аяган бўлали.

Саида Исмоилнинг хатосини, яъни унинг қочоқчигини тузатса бўлалиган хато, деб ўйларди. Исмоилдан у бошқа ножӯя ишлар кутмаган эди. Балки унидан инсонийлик, оламгарчилик, ёркакка хос мардлик, ҳалоллик кутгарди. Дарҳақиқат, ҳар қандай шароитда ҳам ҳақиқий инсон ўзининг яхши фазилатларини, инсонийлигини намоён этиши мумкин-ку. Инсонининг ҳақиқий қиёфаси ана шундай пайтларда билинади. Саида ҳам ҳақиқи радишида Исмоилдан ҳақиқий инсонига хос бирор белги, хусусиятни ахтарарди, кутгарди. Зотан, ўзининг бутун борлигини бағишлаган инсондан бирор ижобий нарса кутиш табиий-ку. Лекин Исмоилдан кутилган нарсаларнинг акси воқе бўла боради.

Бойдали вафогидан сўнг оралаш кўп ўтмай унинг стимлари кўз тикиб турган ёлғиз сигири йўқолали. Бу Саида учун ҳам оғир йўқотиш эди. Чунки Тўтий гўдакларининг қай аҳволлалигини, сигир туғинини сабрсизлик билан кутаётганликларини, „оғиз сути“ деб таңглайи тақиљлаётганликларини кўриб билиб туарарди. Саида қўпписи Тўтийнинг болаларига ҳам ўз болаларидек қарап эди. Сигирининг йўқолини, Тўтийнинг фарёли, қинжалоқдаги ғала-ғовур Саидали лој қоллиради. У ҳам бошқа қинжалоқдонарни сингари Тўтийнинг сигирини излайди.

Агар топса кувончидан боши осмонга етиши аниқ эди. Чунки Тўтийнинг хурсандчилиги, унинг гўдаклари юзидаги жилмайин Саида учун олий бир мукофот эди. Қани энди сигир топила қолса. Сигир топилмайди. У топилмайдиган ўпқонга тушиб кетган эди.

„Саида илтакни осиб қўйиб, қоронгиди Исмоилни ичкари уйга олиб кирди. Сўнгра дераза пардаларини тўсиб, пиликни ҳали ёқмаган ҳам эдики, алланарса гурс этиб Исмоилнинг қўлидан ерга тушиди ва у билан бирга Сайданинг юраги ҳам қинидан чиқиб кетаёзди. Саида дарҳол энкайиб ерда ётган тўрвани сийпалай бошлаган эди, қўлига қандайдир юмшоқ нарса илинди. Бу тўрвалаги гўшт эди.

— Хўш, бу сизмидингиз? — деди Саида бўғиқ овоз билан“ (1-жилд, 51-бет).

Ҳа, сигирни, Тўтий етимчаларининг ризқ-рўзи бўлиб турган ёлғиз сигирни Исмоил ўғирлаб, сўйиб олган эди. Бундан ортиқ абраҳим, бундан ортиқ пасткашлиқ, разиллик бўладими? Ҳар қандай нарсани кечирганда ҳам, Саида буни кечира олмасди. Исмоилнинг бу каби қилмишлари Сайданинг эрига бўлган ишончини йўқотибгина қолмай, балки унга қарши нафрат туйгуларини тобора кучайтириб юборади:

— Ўша етимларнинг насибасига човут солгандан кўра, ўзимизнинг фунахинни сўя қолганингиз яхши эмасмиди! — деди у йиги аралаш зорланиб.

— Мингилайверма! — Исмоил унинг елкасидан ушлаб силтаб юборди. — Менга ақл ўргатгандан кўра, ўзингни бил. Замоннанг бўри бўлса, бўри бўл, деганлар. Шу замонда ҳар ким ўзим бўлсам лейди! Ўзгалар билан ишининг қанча, очдан ўлиб, тарракдай қотиб қолганингда ҳам, бирор сендан ўлдингми, қолдингми, деб сўрамайди... Олган олиб, юлган юлиб қолади. Сен бўлсанг бехуда тапшиви тортаяпсан!“ (1-жилд, 52-бет.)

Кўриниб турибдики, Исмоилнинг турган-битгани — шу. Унинг мақсади, идеали, одамгарчилиги ҳам шу. У худбин, субутсиз. Фақат ўзим бўлсам лейди. Саида ва Исмоил шахси гарчи бир даврда яшаган бўлса-да, мутлақо бошқа-бошқа эди.

Саида замон билан баб-баравар қадам ташлаб бораётган, замон билан ҳамнафас, эл-юрт билан бир сафда бораётган, унинг иштирокчиларидан бири бўлган соғдил ва ҳалол аёл.

Исмоил эса горда яшаб, фикрлари яна ҳам мөнорлаб кетгаи, ўзидан бошқани инсон ҳисобламайдиган, абадий боши берк күчага кириб қолган манфаатпараст, муттаҳам одам.

Исмоил Сайдани ҳам ўзидай ўйлади. Кечаю кундуз жон фило қилиб юрганини күриб, ўзига ҳаммаслак, ҳамфир деб ўйлади. Шу тариқа Исмоил вақт ўтган сари ваҳшийлашиб, одамийлик қиёфасини йўқотиб жиноят ботқоғига ботиб боради. Сайданинг нозик ва олижаноб қалби эса бундай аблажликни ҳазм қила олмаслигини сезмаган эди.

„Аста-секин тонг отиб, уй ичи ёриша бошлади. Тонг ёришган сари, нариги ёқда печканинг ёнида бешикни қучоқлаб ўтирган оқ сочли аёл деразага қадалиб қараб, бир йўла ерга ҳам термуларди. Ташқарида бирон нарса борми, у нимага бунча термуларди? Нега унинг сочи бир кечадаёқ оқариб кетди?..“ (1-жилд, 52—53-бетлар.)

Исмоилнинг бу қилмишидан Сайданинг сочи оқариб кетади. Тунд, гунгу лол бўлиб қолади. Энди сабр-қаноати тутаган аёл Исмоил учун ҳам, бошқалар учун ҳам янги одамга айланди. Исмоилдан бутунлай умидини узади. Энди унга қарши курашга отланади. Энди у одамгарчилик учун, инсонийлик учун, халқ учун Исмоилга қарши курашчига айланади. Асарда Саида характерининг, онгининг тадрижий ўсиб, шаклланиб бориши муаллиф томонидан зинама-зина тасвирлаб борилади. Саида ва Исмоил ўртасидаги кураш — бу инсонийлик ва ноинсонийлик ўртасидаги, адолат ва адолатсизлик, гўзаллик ва бадбинлик ўртасидаги курашга айланади. Бу курашгача Саида қандай йўлни босиб ўтганлигини, қалб диалектикасини, руҳий коллизияси, ни ёзувчи изчил ва ҳаққоний тасвирлаган. Бу кураш ижтимоий маънодаги кескин кураш эканлигини реал кўрсатиб берган. Бу курашда якка ўзи учун эмас, умум манфаати учун, кўпчилик учун ўз манфаатидан, ўз шахсий хузур-ҳаловатидан кечиб, халқ манфаатини ўйлаган Сайданинг ўз манфаатидан бошқани ўйладидиган тубан шахс Исмоил устидан қилган ғалабаси ишонарли ва ёрқин тасвирланган. „Ўз юртидан юз ўтирганлар ўз вижданларидан ҳам юз ўтирадилар“ (Я.Галан). Исмоил ана шундай кимсалар тимсолидандир.

Ч. Айтматовнинг барча повестларида ҳам аёллар янги орзу ва ниятларнинг рўёбга чиқиши, тантана қилиши учун эски-

ликдан, чиркин одатлардан воз кечишга отланади, қандайдир эзгу идеал учун, ятгилик учун, янги одат, адолат ва макон учун интилади, курашади. Бироқ барча аёллар образидан кура Саида образига күпроқ вазифа юклатилғандай, барчасининг қисматидан ҳам Саида қисмати оғирроқдай күринади. Чунки Саида турмуш ўртогидан, яшаб турган кулбасидан, эзгу ниятларидан биратұла құл силтаб кетади. Бу қисматта чидай олмаган Саиданинг сочи бир кечадаेқ қоқаради. Саидага энди ҳаёт ва ўлим фарқсиз бўлиб қолган эди. Чунки, у эзгу умидлар учун, оила учун эл олдида иккюзламачилик қилиб келганди. Ёлғон гапириб, турли хўрликларга чидаган эди. Нима бўлганда ҳам Исмоилни сақлаб қолиш учун шундай ишларни қилишга мажбур бўлганди. Аммо Исмоил разил одам бўлиб чиқди. Энди аёлнинг соф қалбida Исмоил учун ўрин йўқ. Энди уни тутиб бериб, ўзини ҳалқ олдида, виждон олдида оқлашга чинакам бел боғлайди. „Сен биз учун ёт кишисан, — дейди Саида асар хотимасида, — бутун элу юртинг жон бериб, жон олиб, душман билан урушиб ётганда, сен қочиб юрибсан, ахир ўз элига ким душман бўлибди. Сени сақлайин деб юрган эканман-у, бироқ нафс балосидан қутқариш зарурлигини ўйлаб кўрмаган эканман...“ (1-жилд, 53-бет).

„Саида боласини кўтарган бўйича, тўппа-тўғри Исмоилни кўзлаб бораверди. У ҳеч нарсани сезмагандек сесканмай, кўкрак кериб рўй-рост борарди. Саиданинг ҳайкал каби бир қолипда тумтайган қоратўриқ юзларидан аллақандай ички бир кучни, адолатлилик ҳукмини ўқиб олиш мумкин эди. Фазабга тўлган қаҳрли ва қайғули кўзлари эса Исмоилга: „Қани бу ёқقا чиқ! Олдимга кел!“ — дегандек тик қарапли“ (1-жилд, 55-бет).

Бу адолат ва ҳақсизликнинг юзма-юз келиши эди. Ҳаётий тажрибалардан маътумки, адолат ва ҳақсизлик рўбарў келганда адолат олдида ҳақсизлик асло бардош бера олмаган, ҳар вақт мағлуб бўлган. Асар ҳаётий конфликт асосига қурилган ва хотима ҳам муваффақиятли чиққан. Саида бошлаган адолат кучлари Исмоил бошлиқ ҳақсизлик кучларини мағлубиятга учратади.

Куролли икки солдат ва Саиданинг овулдоши Мирзакул тик боролмасдан пистирмада туради. Мирзакул ўқ еб йиқилади. Исмоил жонидан тўйган. Унинг ақли ҳеч нарсага етмайди. Бу ишининг оқибати нима билан тугашини мулоҳаза қилиб кўришга

ҳам ожиз. Унинг маълум бир мақсали ҳам йуқ. Агар бутун бир лашкар келганда ҳам сўнгги ўқ қолгунча отаверарди. У еғи нима бўлиши унинг учун аҳамиятсиз. Бироқ Саиданинг ўзи томон рўй-рост келаётганини кўргачтитраб-қалтираб аёлга томон интилди. Исмоилнинг кир босган юзларидан тер қуйилиб, Сайдага яқинлашиб, юзма-юз келганида, кўзлари ўйнаб, илгариги Саидани эмас, қандайлир бошқа одамни, ўз куч-қулрати, афзаллиги ва одиллигини кўз-кўз қилибгина қолмай, балки боласини кўтариб олган, соchlари оқариб кетган, яланѓбош, хушқомат аёлни кўрди. Саида унинг кўзига юксакликда турган-дек, ўзи бўлса, унинг ёнида ожиз ва нотавон бир кимсадек елкасини қисиб, ниманидир айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтади-ю, бироқ Саиданинг ёшга тўлган кўзларини кўриб, қўлидаги милитигини ёнидаги тошга уриб парчалаб, улоқтириб ташлади ва қўлини кўтарганча, милитигини ўқталиб келаётган соллатлар қаршисига чиқди“ (1-жилд, 56-бет).

Адолат, инсонийлик, эзгулик, ҳаёт манбаи бўлган Саида олдилда балки Исмоил ўзини бир зарра каби ҳис этгандир. Шунинг учун ҳам таслим бўлгандир. Жасорат ва разолат тўқнаши келганда охир-оқибат албатта разолат мағлубиятга учрайди, маҳв этилади. Ҳаёт ҳақиқати, ҳаёт тақозоси шундай. Бу ҳақиқат Чингиз Айтматов асарларида ўзининг бутун гўзаллиги билан барқ уриб туради.

Исмоил мағлубиятининг яна бир сабаби шундаки, у халқдан узоқда, халқдан ажралиган эди. Урушдан қочиб келиши бир гуноҳ бўлса, етимларнинг ризқ-рўзи бўлиб турган сигирни ўғирлаб сўйиб олиши иккичи гуноҳ, гуноҳ бўлганда ҳам кечириб бўлмайдиган гуноҳ эди. Худди шу воқеадан бошлаб Саида ҳам ундан умидини узади, бутунлай юз ўтирали. Табиатан болажон бўлган, болани жондан яхши кўрган Саиданинг юраги унинг қылмишини кўтара олмайди. Энли унга гўё дунёнинг қизифи қолмагандек бўлиб туюлали.

Дарҳақиқат, бола — келажак меваси, ҳаётнинг давомчисидир. Шунинг учун ҳам Саида Исмоил билан сўнгги бор юзма-юз келишида ҳам боласини кўтариб боради. Бу эса горда яшаб инсонийлик хусусиятидан узоқлашган, тошибаир Исмоил юрагиги эритишда,adolat қаршисида бош эгишида маълум даражада роль ўйнайди.

„Юзма-юз“ повестида энглиққатта сазовор образ — бу Саида образидир. Ёзувчи бу образни алоҳида меҳр билан яратали. Оддий, содда аёлнинг аста-секин ҳаётни, ижтимоий бурчни юксак даражада тушуна бориб, пировардида адолатсизликка, ҳақсизликка қарши мардонавор курашчи даражасига ўсиб чиққан ҳаёт йўлини ҳаққоний тасвирлаб берди.

Агар Саида қочоқ Исмоилни дастлабки кўргандаёқ фош этганда, унинг характеридаги худбинликни, номатлуб хатти-ҳаракатларини очиб гашлаганды эди, унда воқеалар ривожи ва характерлар мантиғига путур етказилган бўлур эди. Ёзувчининг асосий мақсади ҳам Саида характерининг тадрижий такомилини реал ва ҳаққоний кўрсагиши учун уни шундай манзиллардан олиб ўтиш эди. Саида образи психологик жиҳатдан чуқур, драматизмга бой образ бўлиб, ўзининг жозибадорлиги, пишиқ ва пухта ишланганлиги билан кишини мафтун этади ва китобхонлар хотирасида узоқ сақланиб қолади. Саида характерининг яхлитлиги, изчиллиги, тадрижий такомили, кульминацияси, ечи-ми сингари босқичлар катта полотнолардаги кенг кўламли образларнинг эскизига ўхшаб кетади.

Хулоса қилиб айтганда, „Юзма-юз“ повестида тасвирланган воқеалар, персонажлар ва улар ўртасидаги ҳаётий муноса-батлар ниҳоятда табиий чиққан.

ЖАҲОНДА ЭНГ ГЎЗАЛ СЕВГИ ҚИССАСИ ЁХУД НАСРДА БИТИЛГАН ДОСТОН

Маълумки, ҳар бир ёзувчининг ўз ластхати, овози бўлганидек, Чингиз Айтматов ижодининг ҳам ўзига хос бетакрор хислат ва фазилатлари бор. Ёзувчи услубининг бош хусусияти, лўнда қилиб айтганда, асарларининг замон билан ҳамнафаслиги, ажойиб романтик руҳ билан суғорилганлиги, уларда лиризмнинг мавж уриб турганлиги, бадиий-символик образларга се-роблиги, чуқур фалсафий умумлашмаларга бойлиги, қирғиз ҳалқи турмуш тарзига доир миллий ва маҳаллий колоритнинг қабариб туриши, воқеаларнинг биринчи шахс тилидан ҳикоя этилиши, урушини лаънатлаш пафосининг фоятда ўткирлиги, меҳнат поэтикасининг ёрқин бўёқларда тасвирланиши, тилининг соддалиги, гўзал ва оҳангдорлиги, ниҳоят, асар архитектоникасидаги ўзига хосликдан иборат. Хусусан, образлар ха-

рактерини яратиш, уларнинг ички психологик ҳолатларини тасвирлаш, тасвирнинг табиий ва таъсирчанлиги, риторик савол усулига мурожаат қилиш, воқеа-ҳодисаларни муқояса усулида кўрсатиш, ҳар бир персонаж тилининг тўла индивидуаллигини таъминлаш — буларнинг ҳаммаси ёзувчи услубининг кўзга равшан ташланиб турган асосий хусусиятларидир. Бу хусусиятлар муаллифнинг юқорида кўриб ўтганимиз „Юзма-юз“ повестидан сўнг „муҳаббат қўшиғи“ — „Жамила“ қиссасида (1958) айниқса бўртиб туради. Умуман олганда, Айтматов услуби шу қадар жозибадорки, у ўқувчини ўзига бутунлай мафтун этиб олади. Бироқ шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ўзига хос услугуб бутунлай бошқача йўл тутиш, деган маънони англатмайди, албатта. Ёзувчининг ўзига хос услуби, асосан, унинг дунё-қараши, уни эстетик идрок этиши, ижолий ишга туғма ҳаваси, раңг-барант ҳаёт кўринишларини умумлаштира олиши билан чамбарчас боғлиқдир. Ёзувчининг бутун нигоҳи инсоннинг ўзида мавжуд бўлган ижобий хислатларга қаратилган бўлиб, унинг мураккаб ички оламини, олижаноб интилишларини ёрита оладиган раңг-барант бўёқлар манбаига эга. Шу нуқтаи назардан қараганда Ч.Айтматовнинг қаҳрамонлари руҳий олами, ички дунёси, олижаноб хатти-ҳаракатлари ҳақиқат ва эзгулик нурлари-ла йўғрилган бўлиб, улар айниқса меҳнат жараёнида янада гўзал, янада ёрқин гавдалантирилган. Шунинг учун ҳам ўқувчи кўз ўнгидаги Дониёр ва Жамила, Асал ва Бойтемир, Дуйшэн ва Олтиной, Камол ва Халипа, Асия ва Нурбек, Тўлғаной ва Алиман, Эдигей ва Танабой, Мўмин чол ва Султонмуродларнинг кенг кўламли, айни пайтда гўзал маънавий дунёси намоён бўлади.

„Жамила“ қиссасида гўзаллик ва озодликка чанқоқ, янги, ҳаётбахш орзуласига мўл давр руҳи, янги ҳаёт қураётган кишиларнинг жўшқин фаолияти, пок ва қайноқ севгиси, янгиликнинг эскилиқ устидан тантанаси санъаткорона чизилган. Соғ севгига садоқат руҳи билан суғорилган бу асар ўзининг ҳаққонийлиги, ёрқинлиги, нафосати билан кишини мафтун этиди. Муаллиф қиссада қаҳрамонларнинг бевосита маънавий дунёсига, ахлоқий қиёфасига мурожаат қиласиди ва уларнинг ўзаро муносабатларини, ижтимоий фаолиятини, шахсий турмушини, қалб интилишларини жозибали тасвирлайди.

Ч.Айтматов психолор ёзувчи сифатида ўз асарларида қаҳрамонларнинг қалб диалектикасини очишга, руҳий товланишларини кўрсатишга алоҳила эътибор берали. У, шу жумладан, „Жамила“да ҳам қаҳрамонларнинг маънавий қиёфасини шунчаки ҳикоя қилмасдан, уларни бадиий тадқиқ этади ва психологик таҳтил қиласди. Бундан ташқари, муаллиф қаҳрамонларнинг характеридаги, маънавий оламидаги муҳим белгиларни, хусусиятларни юзага келтирган муҳит манзарасини ич-ичидан яққол нурлантиради. Асаддаги бутун воқеалар, ҳатто кичик-кичик чизгилар, лавҳалар ҳам, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам ҳаққоний, аниқ ва ишонарли тасвирланган.

Асарнинг ижодий тарихи ҳақида сўз юритиб муаллиф ёзган эди: „Қирғизчада қиссанинг дастлабки номи „Обон“ (наво) деб аталар эди. Ўзбек ва қирғиз тилларида „Обон“ яхши жаранглайди. Лекин рус тилида унчалик яхши чиқмайди. „Попой“. Хуллас, қиссага қўйилган биринчи ном анча мавҳум бўлиб, ундан асарнинг мазмун ва моҳиятини англаб олиш қийин эди. Шу боисдан таржимонга маъқул тушмади. У қиссанинг номи „Жамила“ бўлсин, „жаринги қаҳрамони номи билан аталгани маъқул“ деб таклиф қилганда эътиroz билдиримадим. Шундай қилиб, қиссанинг номи „Жамила“ бўлиб кетди“. Бироз қўйироқда давом этиб, муаллиф яна ёзади: „Жамила“ни Москвада, олий адабиёт курсида ўқиб юрган кезларимда ёзган эдим. Табиийки, Москва муҳити, мен танишган рус адиллари, чет эл ёзувчилари менга кўп нарса беришли. Мен гўё янги бир оламга кирган эдим. Шароит кишини, унинг дунёқарашини ва ҳаётга муносабатини ўзгартиради. Мен ўша пайтлар қирғиз даштлари ҳақида, ҳалқим турмуши, дарду дунёси, муҳаббати ҳақидаги қараашларим ўз аксини топган асар ёзиш орзусида эдим. „Жамила“ шу изланишларнинг маҳсули, дейиш мумкин, янин аввалдан ёзинига чоғланиб юрган ҳаёт материалини янгича нуқтаи назар асосида талқин қилдим“¹.

М.Авезов „Жамила“ қиссаси ҳақидаги „оқ йўл“ тилаб ёзган „Сафаринг қутлуғ бўлсин“ номли мақоласида биринчи бўлиб

¹ Чингиз Айтматов. Ёзувчи ва замон. Қаранг: Адабиёт ва замон. — Т.: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 328—329-бетлар.

Ч.Айтматов ижодидаги, умуман, қирғиз прозасидаги катта фазилатни қўйидагича таъкидлаган эди:

„Энг кувончлиси, тўғрисини айтганда, қирғиз прозасида Айтматовнинг фавқулодда ўзига хос ўрни, унинг кишиларни тасвирлашида, улар ўртасидаги муносабатларни ич-ичидан нурлантириб кўрсатишиладир.

Бизнинг қардош адабиётларда кишиларнинг характерлари кўпинча тавсифий ҳолда берилади. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, муаллиф атайлаб ўз персонажларининг фикр ва ниятларини қандайдир жўрттага ўйлаб топади.

Ч. Айтматовнинг повести психологик таҳдилга бой, табиий, нафис ва соддадир. У нозик илғаб олинган руҳий ҳолатларнинг ҳаққонийлиги билан дилбар, баъзан, ҳатто, уларнинг ихчам тасвир этилиши билан теран, таъсирчандир... Қирғиз наспри заминидаги бу янги воқеа муаллифнинг моҳир ижодкорлик маданиятидан ва албатта, ҳалқ ҳәётини, одамлар ва уларнинг меҳнат шароитини теран ва аниқ билишидан шаҳодат беради”¹.

Шундай қилиб, ҳаётбахш пафос, романтик руҳ, чуқур лиризм билан сугорилган бу гўзал қиссанинг маъно-моҳиятида теран инсоний фикрлар, муқаддас туйғулар ётади.

„Жамила“нинг бош қаҳрамони фавқулодда ҳодиса бўлган образлардан. Гўзал ёки бадбин ҳаёт кечириш инсоннинг ўзига боғлиқ. Шахс ўз ҳәётини мукаммаллаштириш ва гўзалиштириш учун доимо кураш олиб борган тақдирдагина ҳақиқий инсонийликка, комилликка эришади. Жамила образидаги адаб концепциясини шундай ифодалаш мумкин. Бу ажойиб қирғиз аёлининг ҳаётга қараши, севгиси, орзу-умилларигина гўзал бўлиб қолмай, буларни амалга оширишдаги ладил хатти-ҳаракатлари, жасорати ҳам гўзалидир. Жамила эскирган қирғиз урфодатларини рад этиб, ўз бахгини ўзи яратишга киришади.

Энг муҳими шундаки, асар қаҳрамонлари — қирғиз Жамила ва қозоқ Дониёрнинг инсонга қанот бахши этувчи ўтли муҳаббати, чин севгиси эркин меҳнат билан уйғунлашиб кетади. Озод ва шукуҳли меҳнат моддий ва маънавий бойликларни яратибгина қолмай, маънавий, жисмоний одамларни яратувчи куч

¹ Чингиз Айтматов. Очерки, статьи и рецензии о творчестве писателя. — Фрунзе: „Кыргызстан“, 1975, стр. 15.

сифатида талқын этилади. Асарга алоҳида жозиба багишлаган нарса меҳнат тушунчасининг гўзллик тупунчаси билан, муҳаббат тушунчаси билан йўғрилиб кетганлигидир.

Ёзувчи асардаги севги чизиги ва шу муносабат билан рўй берган ахлоқий зиддиятларни тасвир этганда, Дониёр-Жамила-Содиқ характерлари ривожининг ички мантиқидан келиб чиқиб, уларнинг хатти-ҳаракатларини асослайди ва образларнинг ҳаққопийлигини белгилайди. Биргина мисол, Жамила жангчи солдат Содиқнинг хотини. Аслини олганда, Жамила Содиқни севиб тегмаган, балки оддий турмуш тасодифи туфайли унинг даргоҳига келиб қолган. От чоптиришга моҳир бўлган Жамила бир куни яйловдаги чорвалорлар тўйи муносабати билан ўtkазилған пойгода Содиқдан ўзиб кстади, ғолиб келади. Жамилагага ютқизиб кўйган Содиқ эса йигитлик орияти билан қизни олиб қочиб кетади ва унга уйланади. Орадан учтўрт ой ўтиб Содиқ армияга жўнаб кетади. Жамила госпиталда лаволанаётган эри Содиқнинг фронтдан қайтиб келишини, ҳатто бутун умр бўйи бўлса-ла, кутиши керак. Шарқ ҳатқлари, жумладан, қирғиз ҳалқининг қадимий оиласианси шуни тақозо қилади. Бироқ езувчи асарда муайян шароитда бу одат ўзини тўла оқёламаслигини мантиқий асослайди. Аввало, муаллиф асарла Жамиланинг Содиқлар оиласидан чиқиб кетиши шак-шубҳасиз эканлигини асослайди.

Асар воқеалари ёш йигит (Жамиланинг қайниси) Сеит тилидан ҳикоя қилинали: „Билмадим, ёшлигидан отаси билан бирга дала-даштларда йилқи ҳайдашиб, от чоптириб эрка ўсаниданми ски биттаю битта қиз бўлганлиги учунми, ишқилиб, Жамиланинг хатти-ҳаракатларида аллақандай жўшқинлик, эркакларга ҳос фазилат бор эди. Овулдагилар уни ишчан аёл, барака топсин, бунақаси топилмайди дейишарди. Бироқ ўзи ҳам бирорвга ҳақини кетказмайдиган, айтишган билан айтишиб, сўкишган билан сўкишадиган шалдод аёллардан эли. Унинг овулдаги келинлар билан юмдашадиган вақтлари ҳам бўлганди.

Ён-атрофлаги одамлар:

— Э, бу қандай жилпантлаган келин ўзи! Келин бўлиб тушганига бир кун бўлмай, тилидан заҳар сочади-я! — деганлар ҳам бўлди... Тўғри, у кампирлардан бир оз тортинар, уларнинг ҳурматини жойига қўяр, бироқ овулдаги кўпчилик келинлар-

дек индамай бошини қуи солиб ўтирмас ёки тескари қараб пүнгилламас, кўнглида борини яшириб ўтирмай, шартта гапириб қўя қолар эди“ (1-жилд, 63—64-бетлар).

„Жамила“ қиссаси босилиб чиққандан сўнг, муаллифнинг бошқа кўпчилик асарлари сингари катта шов-шувга сабаб бўлди, илиқ гаплар, мақтовлар билан бирга эски удумларга, расм-русларга кўнишиб кетган ва Жамиланинг хатти-ҳаракатларини ҳазм қила олмаган айрим кимсалар муаллифни „қўиди-чиқдини тасвирлашдан боши чиқмай қолди“, „қирғиз миллий урфодатларини менсимаяпти“ қабилида таъна қилганилар ҳам бўлди.

Жамила — кучли характер, унда замонавий қирғиз аёлларига хос фазилатлар жамланган. У том маънода покстик, тозалик, гўзаллик ва навқиронлик тимсоли. У азалий урф-одатлар, тор доирадаги миллий анъаналардан четда бўлиб, эркин ҳаёт кечиради — у йилқичилар орасида ўсади. Демак, эркин шароитда ўсиб, номатлуб эски удумларни тан олмаган самимий, қайноқ қалб эгаси, муҳаббат ҳаётининг ажратмас бир қисмига айланган ва уни ахлоқий зарурат деб тушунган аёл ҳақиқий қалб ва олижаноб инсоний туйғу эгасини севиши керакми ёки унинг акси бўлган қандайлир жоҳил, ҳақиқий инсоний муҳаббатнинг маъносига тўла тушуна олмаган ва унинг қадр-қимматига етмаган кишини (жангчи бўлса ҳам) йиллар „зориқиб“ кутиши керакми? Масаланинг муҳим жиҳати худди ана шунда! Жамиланинг ўз маънавий ҳаётидан борган сари норозилиги ортиб боради, у биқиқ оиласда ўзини гўё тор қафасга тушиб қолгандек ҳис қилади, ўзича руҳан азобланади, изтироб чекади. Хуллас, буларнинг ҳаммаси уни эскича қарашлар, тор миллий анъаналар занжирини дадил узиб, ҳақиқий соғ муҳаббат сари етаклайди. Ўз интилишларига монелик қилгани барча тўсиқларга қарши дадил исён кўтаришга олиб келади. Адолат йўлидаги, ҳақиқат йўлидаги, шу жумладан, ахтоқ доирасидаги исён эса, охир-оқибат янгиликнинг юзага чиқишига замин ҳозирлайди.

Жамила Содиклар хонадонида яшаб, беғубор туйғулар ошиноси қайниси Сеит ва унинг сингилчаси билан бирга кун бўйи хирмондан станцияга ғалла ташиб юриб, урушнинг учинчи Йили фронтдан яраланиб овулга қайтган Дониёр исмли йигит билан бирга ишлай бошлайдилар. Дониёр камгап, болалардек содда,

лекин ҳам маънан, ҳам жисман кучли, метин иродали йигит. У дилларга ором багишловчи куй-қўшиқлари билан Жамилага олам-олам қувонч, ҳис-туйғулар баҳш этади. Уни туғилиб ўсган тупроқ, она-Ватанини эҳтирос билан севишга, ардоқлашга ўргатади.

„Жамила билан Дониёрларнинг прототипи қилиб кимларни олгансиз, деган саволга тез-тез дуч келиб тураман. Бу саволга дарҳол жавоб қайтариш анча мункул. Улар жонли, реал кишилар, мен улар билан колхозда бирга яшаб, бирга ишлаганман. Жамила ва Дониёрлар ҳаётда мавжуд бўлиб, улар билан ҳар қуни учрашиб тураман“¹, деган эди муаллиф.

Ўқувчилар яна бир учрайнувда Чингиз Айтматовга мурожат қилиб, „Жамиланинг кейинги ҳаёти ҳақида ҳам бир қисса ёзсангиз“, деганларида у „Инсоннинг ҳаётида китоббоп ҳодиса бир марта бўлади. Мен ўша Жамиланинг ҳаётидан айтиб бериш мумкин бўлган воқеани бир марта учратдим. Унинг бундан кейинги ҳаётида шундай нурланиш бўладими, йўқми, билмайман, менимча, ўша ёзганимнинг ўзи етарли“², деган эди. Муаллиф айтганидек, севимли қаҳрамонлар ҳақида ҳар сафар янги гап топиб ва яна биттадан асар ёзиб, олдинги асарларнинг обрўсини туширмаслик керак, албатта. Вақти келиб, улар таҳрир қилинса, балки шу янги гапларни қўшиш имконияти туғилар.

Дарҳақиқат, Жамила ва Дониёрлар янги давр кишилари, замондошларимиз. Улар чин инсоннинг баҳт маёғи — муҳаббат деб биладилар. Улар ўз баҳтларини ҳар қандай зуғум ва азоб-уқубатдан холи бўлган озод ва ҳалол меҳнатда кўрадилар. Жамила Дониёр қалбида аста-секин янги бир оламни, ана шундай муҳаббатни кўргандай бўлади. Бу, албатта, Жамила кўпдан бери орзу қилган, интилган маънавий дунё эди. Буни у Дониёр тимсолида кўради ва унинг руҳий оламини бутун қалби билан чукур ҳис қиласиди. Энди Жамила бундай маънавий ҳаёт учун ҳамма нарсага тайёр эди. Шу туфайли у ўз идеалига, интилишларига монелик қилган ҳар қандай эскилиқ сарқитларига қарши дадил исён кўтаради ва ўзининг қалб қуёши — Дониёр билан

¹ Чингиз Айтматов. В соавторстве с землею и водою... Издательство „Кыргызстан“, Фрунзе, 1978, стр. 75.

² „Ўзбек тили ва адабиёти“ журнали, 1973 йил, 4-сон.

бирга бўлиш учун ҳеч нарсадан чўчимайди. Ўз навбатида Дониёр ҳам ўз бошидан шундай бир ҳолатни кечирали. Бир томондан, Жамиланинг турмуш қурғанилигига, иккинчи томондан, ўзининг турмуш кўрмаган ёш йигитлик фурурига қарамасдан, Донисер у билан бирга бўлиш учун курашали. Дониёр ҳам Жамила қалбида янги бир оламни кўргандай бўлади. Бу ҳам, албатта, у орзу қилган, кўпдан бери излаган, ингилган маънавий дуне эди. Бундай катта баҳтга, орзу-ниятга эришиш учун Дечиёр ҳам ҳаёт сўқмоқларидан ўтиб, турмушнинг ҳар қандай фавқулодда қаршиликларини кўкрак кериб, мардонавор енгиб ўтишга тайёр эди. Уларни шахсий ўйлари, руҳий туғёнларидан ўзга нарса қизиқтирамайди. Алиб уларга ўз тақдирларини ўзлари белгилаш имконини берган. Демак, Жамила билан Дониёрнинг юрак тениши бир-бирига ҳамоҳанг. Асарда Жамила билан Дониёрнинг чин севги саргузаштлари ўзининг гўзал бадиий ифодасини топган. Бироқ бу муҳаббатга кўнчилик: Содик, унинг онаси, узоқ қариндошларидан Усмон ва бошқа қўни-қўшинилар қарши турадилар. Айниқса, Усмон уни кўрарга кўзи йўқ эди, „овулда мендан бошқа йигит йўқ“ легандай Жамиланинг жигига тегиб, жон-ҳолига қўймай, эркига чаңг солмоқчи бўлиб бўлмафур сўзлар билан ҳақоратлайди, масхаралайди:

— Ол-а, мушукнинг бўйи шифтла осиғлиқ турган гўштга стмай, пух сассиқ деган экан... Шунга ўхшаб кўп ноз қиласверма. Ичингда жон-жон деб турибсану, яна...

Жамила унга ялт этиб қаради-да:

— Жон-жон деб турсам тургандирман. Лекин нешонамга ёзилгани шу экан, нима қилай. Эй, аҳмоқ, бунинг куладиган жойи бор эканми? Жон-жон дейиш у ёқда турсин, минг йил тоқ ўтсам ҳам сенга ўхшаган шумшуқларга назаримни солмайман. Аҳмоқсан. Илгаригидек тинч замон бўлганда шундай дея олармидинг?! — деди.

— Шуни айгаман-да! Урупнинг касофати билан қамчи емай кутуриб юрибсан-да, — деди истеҳзо билан Усмон кўзларини ўйнатиб тамшанаркан. — Менинг хотиним бўлганингдами, нима қилишимни ўзим билардим!“ (1-жилд, 66-бет.)

Яна мавзуга қайтиб айтиш керакки, бундай эркин муҳаббатни, шу икки севишиганинг журъат ва жасоратини фақат биргина киши, яни асар воқеаларини ҳикоя қилувчи бола —

Жамиланинг қайниси — 13 яшар Сеиттинга қалблан ҳис этади, қўллаб-қувватлайди, ҳатто у бундай севгидан мағрур ва масрурланади. Аммо ҳозирча у ўз эътиқодини исботлашдан, намоён этиндан ожиз.

Сеит бу икки севишганлар муҳаббатини қўллаб-қувваглаши, унга хайриҳоҳ бўлиш билан бирга, бу илоҳий куч — муҳаббат туйғуси Жамила уларнинг хонадонига келин бўлиб тушган кезларидаёқ ўзини ҳам тобора сехрлаб олаётганлигини чуқур ҳис эта бошлайди. Бошқача таъбир билан айтганда, асар сюжети марказида Жамила ва Сеит муҳаббати мавзуси ҳам етакчи ўрин тутили.

Асарда тасвиirlанишича, янга ва қайнилар ўртасидаги бу муқаддас туйғу тобора алангалана бошлайди. Сеит Жамилага „хуштор“ бўлиб, шилқимлик қилиб юрган Усмон исмли йигитлар у ёқда турсин, ҳатто бирга ишлаб, бирга яшаб келаётган Дониёрдан ҳам рапик қилиб, қизгана бошлайли: „Жамила арава чистига қўйилган қопларни кўкрагини кериб елкасига оларкан, қоп-қора, кўнғир соч ўримлари ерга тегай-тегай деб кетар, салмоқ билан орқага бурилганда эса, қисиқ кўзларининг қорачиғлари киприклари орасидан ялт этиб кўринарди. Ўшанда қоп кўтарган Жамила коппоннинг эшигига етгунга қалар До-ниёр уни зимдэч кузатиб қоларди. Мен буни пайқаб юрадим. Ҳадеганда кўнглимга оғир олмаган бўлсан ҳам, лекин кейинчилик Дониёрнинг янгамга бундай зимдан назар ташлаб юриши менга ёқмади, ҳатто иззат-нафсимга теккандек бўлди: ҳеч кимга раво кўрмай, қизганиб юрсаму, Жамилага бошқалар қолиб, ким-ким, Дониербой кўз тикса-я, дердим жаҳдим чиқиб ўзимга ўзим“ (1-жилд, 79-бет).

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ёзувчи асар воқеаларини ҳикоя қилиш имкониятини қаҳрамони Сеит ихтиёрига берганлиги асарнинг жозибали чиқишини таъминлаган. Повестда севги қиссасини тасвиirlаш орқали катта ижтимоий масала ўртага қўйилади. Бутун воқеа-ҳодисалар ҳикоячи Сеит назаридан ўтказилади, таҳдил этилади, муноҳада қилишни ва ҳукм чиқариши эса муалтиф китобхонга ҳавола қиласди.

„Тонг отиб, гуллаган водий юзидан қора парла кўтарилиганла, мен ўша кенг дала ўртасида севишган икки ёшни кўрдим.

Улар менга ҳеч назар солмасалар ҳам, кўз остидан қараб, сехрланганидек эргашиб борардим. Севишганлар мен билан иши

бўлмай, фақат менигина эмас, балки бутун борлиқни ҳам унуби юборгандек, жонга ором берувчи куй оқимида чайқалиб, бир-бирига термилишиб секин боришарди. Назаримда, Дониёр билан Жамила бутунлай бошқа бир оламда яшаётган эди. Булар мен илгари кўрмаган-билмаган қандайдир янги, баҳти кулиб боққан кишилар эди.

Ҳа, уларнинг бири, кўзи қоронғида ўтдек ёниб, эски кўйлагининг ёқасини очиб юбориб, дала-даштта янгроқ куй таратиб бораётган Дониёр эди. Ҳа, иккинчиси, Дониёрга эркаланиб жимгина ўтирган менинг янгам Жамила эди! Унинг киприклирида севинч ўшлари милтирас, юзида баҳт нури порлар эди.

Чинакам баҳт шу эмасми? Дониёр ўзидаги она-Ватанга, ёруғ дунёга бўлган оташин, юксак меҳр-муҳаббатини ҳам, ана шу улуғ севги туғдирган дилрабо куйни ҳам Жамилата тортиқ этди. У Жамила учун, Жамила ҳақида куйларди. Ахир баҳт дегани шу эмасми?! Уларга юрагимдан баҳт-саодат тиладим. Дониёрнинг куйлари мени яна ҳаяжонга солди-да, бирдан, кутилмаганда миямга ғалати бир фикр келди: мен она-Ерни Дониёр кўзи билан кўриб, Дониёр қалби билан сеза билиш керак дердим. Унинг ажойиб ашулаларини жонли бўёқлар ёрдамида тасвирлаб бераман” (1-жилд, 96—97-бетлар).

Асарнинг мўъжизакор кучи фақат мазмуннинг теранлиги билан белгиланмайди, албатта. Бошқача қилиб айтганда, асарнинг тил билан ифодалаб бўлмайдиган яна бир мўъжизаси, унинг аллақандай ўзига хос ички оҳангни киши қалбини сехрлаб ўзига ром этиб олади.

Асарда тасвирланган муҳаббат мазмунан теран: бу фақат ошиқнинг маъшуқага ёки маъшуқанинг ошиққа бўлган тор, интим, шахсий ҳис-туйғуларинингтина эмас, балки инсоннинг инсонга, она диёрга, азиз юртга, жонажон ҳалқига бўлган қизғин ва чексиз муҳаббатининг ҳам ёрқин ифодасидир. Муаллифнинг барча асарларида, айниқса „Жамила“ қиссасида жонли кўтаринки рух, оптимистик романтизм билан киши қалбининг энг нозик торларини чертувчи ажойиб мусиқий оҳанг, майнин лиризм бир-бири билан чирмавиб кетади. Повестда фақат Дониёрнинг дилрабо ашулаларигина эмас, балки асарнинг бошидан охиригача адабиётнинг мангу қўшифи — муҳаббат қўшифи янграб турали. Маромига етказиб куйланган ва Жамила қалбига

муҳрланиб қолган бу тарона унга руҳий озиқ бағищлабгина қолмай, балки ҳамма-ҳаммани: аҳли одамни ҳам, маст бўлиб сайрастган қушларни ҳам, дала-даштлару қир-адирларни ҳам, тоғу сойларни ҳам гўё оҳанрабодек мафтун этиб ўз интиҳосига етади, кульминацион нуқтасига кўтарилади.

Қиссада ёзувчи (Дониёрнинг ашулаларидан олган) мусиқавий таассуротларини, ҳикоячи воситасида, рассомона тасвирлашга ва уни китобхонга юқтиришга эришади. Кўнгилларни мафтун этувчи бу куй эса кишига фақат эстетик завқ бағищлабгина қолмай, гўзал ҳаёт учун, чинакам инсоний баҳт учун мардонавор курашга — порлоқ истиқболга даъват этади.

„Бу куй гоҳ қирғиз тоғларидек баланд-баландларга парвоз қилса, гоҳ поёни йўқ қозоқ даштларидек узоқ-узоқларга таралярди... Дарани босиб ўтиб, кенг далага чиққанимиздан сўнг Дониёрнинг ашуласи қанот ёзиб, яна ҳам кучлироқ янграй бошлиди... Она сути билан қонимга сингиб, бир қаричлигимдан таниш бўлган манзаралар кўз ўнгимдан бирма-бир ўта бошларди: гоҳ овулнинг зумрад осмонидан паға-паға булувлар сузиб ўтишар, гоҳ ўтгаб юрган йилқилар уюри дукурлашиб, кишинашиб яйловда чопиб қолишар, қулунлар кокилларини ўйнатиб қопқора кўзларини жовдиратгандарича оналарини қидиришиб қолар, гоҳ сурув-сурув қўйлар тепаликларда ўтлаб юришар, гоҳ қоялардан оқиб тушаётган шалола ойнадек ярқираб кўзни қамаштирап, денгиздек мавжланиб ётган қамишзорлар орасига чўкиб бораётган қуёшни лоларант уфқ сари йўртиб бораётган ёлғиз отлиқ мана ҳозир қўли билан ушлаб оладигандек бўлиб туюларди, кейин ўзи ҳам қуёш билан бирга буталар орасига кириб ғойиб бўларди“.

Дониёрнинг сеҳрли куйлари ҳақида сўзларкан, яна давом этиб ёзади муаллиф: „Менимча, унинг севгиси бирор кишига ишқи тушиб, ўша одамга ато қилинган севги эмас, балки инсонни яратиб, уни камолга етказган кенг оламга, ёруғ дунёга бўлган чексиз, жўшқин севги эди! Ҳа, у бу севгини ўз қалбida ардоқлаб сақлаган, ана шу севги билан яшаган эди. Агар у шундай юксак қалб эгаси бўлмай, диди паст, юраги муз бир киши бўлганда эди, табиат уни қанчалик истеъододли қилиб яратган бўлмасин, барибир бунчалик куйлай олмас эди“ (1-жилд, 87,88—89- бетлар).

Жамила ва Дониёр замонамизнинг асл қаҳрамонлари. Сеит эса, йўли ойдии, келажаги порлоқ замондошлиаримизнинг типик вакили. Миллий заминдан келиб чиқсан умуминсоний ғоя — чин инсоний севги учун кураш ана шу таҳлитда бадиий инкишоф этилган. Энг муҳими шундаки, ёзувчи Жамиланинг жасоратини янги замон руҳи билан далиллайди — эркин муҳаббатга эски удумлар тӯғаноқ бўла олмаслигини, кишилар ўз тақдирларини ўз қўллари билан яратса олишлари мумкинлиги ни кўрсатади.

Муаллиф Дониёр билан Жамиланинг янги ҳастга қадам қўйгани, ҳаётларида буюк бурилиш юз бергани, уларнинг эски турмуш анъаналари қобигини ёриб чиққанликлари, бу икки ёниқ қалбнинг келажаги порлоқ эканлигини бирма-бир баён қилиб ўтирайди. Айтилмай қолган ана шу олам-олам маъно алоҳида олиб қаралганда „маъносиз“ бўлган булут, шамол ва момақалдироқ каби габиат ҳодисаларининг ҳаракати орқали қуюқ романтик бўёқларда чизилади: „Жамила тўхтаб қолди-да, у ёқ-бу ёққа аланглаб, Дониёрнинг бош томонига ўтириди.

— Дониёр, мана мен ўзим келдим! — деди у секин шивирлаб. Атроф жим-жит, осмонни гумбурлатиб яшин чақнади.

— Хафа бўлдингми? Қаттиқ хафа бўлдингми?

Яна жимлик чўкли, қирғоқдан тупроқнинг сувга „шўлп“ этиб тушигани эшитилди.

— Лекин менинг айбим нима? Сенда ҳам гуноҳ йўқ.

Тоғлар устида яшин гумбурлади. Жамила чўчиб ялт этиб қараганида, яшин унинг юзини ёритиб юборди. Жамила атрофга бир қаради-да, ўзини Дониёрнинг кўксига ташлади, унинг елкаси Дониёрнинг бақувват қўллари орасида дир-дир учарди. Жамила фарамта чўзилиб, Дониёр билан ёйма-ён ётди.

Кучли шамол сомонни кўкка совуриб, хирмон честила қийшайиб турган ўтовни ялаб ўтди-да, қуон бўлиб осмонга кўтарилиди. Чақмоқ булутлар орасида кўкимтириз қолдириб, қарагай сингандек қасир-қусир қилиб ҳамма ёқни ларзага солди... Момақалдироқ, ёзинг охирги момақалдириғи ёпирилиб келар, илк куз нафаси лимоққа уриларди. Энди Жамилани ҳеч қандай куч тўсолмасли...

Ёмғир шаррос куйиб берди. Қора уй тепасига спилтган наматлар худди қанот қоқсан қушилек шамолда учиб кетди. Гоҳ

қиялаб, гоҳ тик қўйган жала ерни орзиқиб кутганлек устма-уст ўпарли. Кетма-кет момақалдироқ гумбурлаб, бутун осмон қаърини тилиб ўтганлек бўларди. Узоқ-узоқлардаги тоғлар баҳор лолаларидек қизариб кўринарли“ (1-жилл, 105—106-бетлар).

Чингиз Айтматов Жамила образини ўзгача бир меҳр-муҳаббат билан севиб тасвирлайли. Жамиланинг барча хатти-ҳаракатлари шу қадар жонли, ишонарли ва жозибали тасвирланганки, гўё бизнинг назаримизда бундан бошқача бўлиши мумкин эмасдек туюлали. Унинг ҳар бир ҳаракатида, ҳолатида, сўзлаш оҳангига қирғиз аёлига хос миллий хусусиятлар мужас-самлаштирилган.

Муаллиф повестла Жамиланинг нозик қалб торларини чертгандай асарнинг иккинчи қаҳрамони Дониёрнинг ҳам ички дунёсини очишга интилади. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлапи жоизки, Дониёр ўзига хос оригинал характер хусусиятлари жиҳатидан алабиётда жуда камдан-кам учрайдиган образ.

Биз биринчи марта Дониёр билан меҳнат жараёнида, яъни оддий иш устида: арава филдиракларини мойлаб, гайкаларини бураб мустаҳкамлаётган пайтда учрашамиз. Биргина шу лавҳанинг ўзиёқ унинг суяги меҳнатда қотган киши эканлигидан далолат берали. Дониёр индамас, ўнта сўзга биргина сўз билан жавоб қайтарадиган торгинчоқ, хокисор, оғир табиатли киши. Турмуш тўфонлари худди „Асрни қаритган кун“ романидаги Казанган сингари мунтдай болани не куйларга солмаган, тирикчилик леб у қаэрларга бош урмаган. Кўп вақт Чақмоқ даشتida кўй боқсан, вояга етгач, жазира маъннинг чўлларда канал қазиган, янги тузилган пахта совхозларида пахта экиб, экин суғориб, охири Тошкент яқинидаги Оҳантарон шахталарида ишлаб, ўша ердан армияга кетган. Эҳтимол ёшлиқ чоғлариданоқ турмушнинг ўнцир-чўнцир сўқмоқларидан ўтиб, кўп қийинчиликлар кўриши ёки жонажон ватанидан узоқ йиллар ажralиб, машаққатлар чекиб, бошидан кечирган даҳшатли уруши манзаралари уни шундай вазмин, тунд қилиб қўйгандир. Эҳтимол унинг она-Ватан ҳақидаги жўшқин куйлари ўшанда туғилгандир. Бироқ у урушдан чарчаб-ҳориб, яралор бўлиб қайтган бўлсалада, колхоз даласида тинимсиз ишлайли. Овулдагиларнинг бაъзи бирлари „бу сўққабош шунчаки юрган бир одам-да“ қабилицада назар-писанд қилишмайди. Бошика бирорлар унинг усти-

дан рўй-рост кулиб, кўпчилик эса раҳми келиб „бошпанасиз бир амаллаб жон сақлаб юрган фарид-да“, деб ачиниб қўйишарди. Жамилага келсак, Жамила ҳам уни кўпдан бери кўзга илмай ҳазил-мазах қилиб юради. Бироқ унга одамларнинг ичи ачиши эмас, балки унинг одамларга ичи ачийдиган қудратга эга эканлигини ҳануз ҳеч ким билмасди. Дониёр эса ўзини меҳнатдан ташқарида ҳис этолмайди, соғинчли меҳнат нашиласини суради. Меҳнат жараёнида сўққабош Дониёр ҳаётида кутилмаганда мўъжиза юз беради; кўпдан бери орзиқиб кутган муҳаббати — Жамила билан қовушади, Жамила муҳаббати унга куч-кувват, қанот бағишлайди, эзгуликка чорлайди, инсоний тўйғулар уйғотади. Жамила характеристидаги ўта шўх, ўғил болаларга хос ҳусусиятлар ва унинг портретида учрайдиган романтик белгилар образга бир бутунлик бағишлайди, ҳам умумлаштиради, ҳам индивидуаллаштиради. Шу йўл билан ёзувчи Жамила образини аста-секин жиддий, нозиктаъб Дониёр образи билан уйғуллаштира боради.

Шундай қилиб, Жамила ва Дониёр М.Авезов айтганидек, „қалби кенг, ички дунёси foятда бой одамлардир. Улар куйлашни ҳам, завқланишни ҳам қалбдан нозик ҳис этадилар“. Улар овоз билангина эмас, қалб билан ҳам куйладиган одамлар. Шундай ҳусусиятлари билан ҳам улар минглаб китобхонларни ўзига мафтун этиб, сеҳрлаб келмоқда. Жамила ва Дониёр образларининг тарбиявий аҳамияти ҳам шунда.

Рус классик ёзувчиси М.Е.Салтиков-Шчедрин ёзган эди: Ёзувчи учун энг қийин масала ўз қаҳрамонларининг ҳаракат ва қилиқларини тасвир этишилар. Шу билан бирга, бу ҳаракат ва қилиқлар шундай тасвир этилсинки, китобхон асарни ўқиганда қаҳрамоннинг айни пайтда ҳақиқатан ҳам шундан бошқача ҳаракат қилиши мумкин эмаслигига ишонсин.

Чингиз Айтматовда ишонтириш санъати кучти. Биз бу „сир“-ни қиссада тасвирланган воқеа-ходисалар мисолида ҳам, образлар ички диалектикасининг очилишида ҳам, қаҳрамонлар ўртасидаги муносабатлар ва табиат манзараларининг кўз илғамас дарражадаги нозик ва мураккаб жиҳатларининг аниқ-тиниқ илрек этилиши ва ҳақоний гавдалантирилишида ҳам яққол кўрамиз.

Буюк санъаткор объектив борлиққа синчковлик билан назар ташлар экан, ўз таассуротлари, туйғулари, кечинмаларини

қалбіда сайқал топған ибораларда акс эттиради. Қиссада табиатпинг шукухли манзаралари ҳам, сайроқи қушларнинг ёқимли сайраши ҳам, тошдан-тошга урилиб оқастеттан шаффоғ сувларнинг мусиқий оҳангы ҳам, йилқиларнинг ерни ларзага келтирүвчи дукур-дукури ҳам, олтин доналари каби кекса хирмончиларнинг паншахаларидан сачраб тушаётган бүгдой доналатрининг майин шилдираши ҳам, кўкда парвоз қилиб юрган ёлғиз калхатнинг қанот қоқиши ҳам, тонг отиб, гуллаётган водий юзидан кўтарилаётган тун чиммати ҳам, тоғ ортидан чиқаётган қуёшнинг заррин нурларини эмиб саломлашаётган ёлғиз кунгабоқар ҳам, кўкўпар Олатов чўққиларининг нозик товланиши ҳам, жилға честидаги ялпизнинг хушбўй атри-ю, димофни қитиқловчи эрманнинг аччиқ ҳиди ҳам, ҳатто, инсон ном қўйишдан ожиз қолган тоғ пойидаги бир кунлик анвои гуллар ҳам, хуллас, кўз билан кўриб, қулоқ билан эшишиб, илғаб олиш мумкин бўлмаган ҳар бир товуш, ранг-бўёқтар ҳам, бир сўз билан айтганда, қирғиз юртининг ўзига хос миллий ва маҳаллий хусусиятлари — ҳамма-ҳаммаси муаллифнинг назар-эътиборидан, ўтқир нигоҳидан четда қолмайди. Муаллиф қўллаган оригинал ўхшатиши, сифатлаш, жонлантириш, муболаға, мажоз каби бадиий ташбиҳлар асар foявий мазмунини, энг муҳими қаҳрамонларнинг характеристирию ички дунёсини, руҳий ҳолатиую ҳис-ҳаяжонларини жозибали ифодалашда катта роль ўйнаган. Мухтасар қилиб айтганда, Ч. Айтматов табиат манзараларини чишида ҳам ўзига хос ҳассос санъаткордир.

А. Фадеев „Ёзувчи меҳнати“ мақоласида ёзган эди: „Жумлаларнинг мускуллари бўлиши керак. Шу маънода асарни бақувват физкультурачининг гавдаси билан қиёс қилса бўлади. Ийсон танасида турли хил мускуллар мавжуд бўлиб, уларни ўстириш учун турли хил машқлар талаб қилинади, лекин улар умуман узвий бир бутунликни ташкил қиласди. Санъаткорнинг услуби ҳам ана шундай мускулларга эга бўлмоғи керак. Бу мускулларни ўстириш учун санъаткор доимий равишда ўзига хос „гимнастика“ билан шуғулланиб, хилма-хил жумла тузилишларини машқ қилиши керак“¹. Шу нуқтаи назардан қараганда

¹ А. Фадеев. Ёзувчи меҳнати. // Бадиий ижод ҳақида. — Т.: Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1960 йил, 108-бет.

юқорида — сүзлар воситасыда ўймакорларча чизилған манзаралар, ҳар бир сүз. ҳар бир ибора мантиқан сайқал топған бўлиб, улар ўзига яраша чўфи, салмоғи, жозибаси, жилтаси. ёғуси билан киши қалбини ўзига ром этиб олади. Асарнинг бадиий қиммати ҳам ана шунда эмасми.

Қаҳрамоннинг нозик ички кечинмалари, руҳияти билан уйтулантирилган ва унинг ички дунёсини очишига хизмат эттирилган бундай миллий бўёқлар „Жамила“ қиссасининг жозиба кучини янада оширган. Ч.Айтматов ижодидаги бу хусусиятни яхши пайқаган К.Симонов мақолаларидан бирида шундай ёзган эди:

„Мен ажойиб қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов ҳақида ўйлар эканман, бизнинг кўп миллатли адабиётимизда яна бир ўз куч-қуввати ва истеъодининг мусаффолиги билан қувоиҷли ҳодиса юз берди, деган фикр билан қаноатланиб қолмайман. Бу ҳодисанинг маъноси янада кенгроқдир. Алабиётимизга Айтматов билан бирга, қандайдир мутлақо ўзгача, қатъий, шу билан бирга нозик, жуда юксак ва шу билан бирга романтизм заминида мустаҳкам турувчи янги оқим кириб келди“¹.

„Жамила“ қиссаси ғоявий-бадиий теранлиги билан турли миллат ва элатларга мансуб китобхонлар оммасига беқиёс тарьсири ұтказаётганлиги жиҳатидан қирғиз адабиётилагина эмас, балки жаҳон адабиётида яратилған машҳур асарлар, шу жумладан, Хемингуэйнинг „Чол ва денгиз“, М.Шолоховнинг „Инсон тақдиди“ каби асарлари қаторидан муносиб ўрин олди ва қирғиз адабиётини жаҳон миқёсига олиб чиқди. Асарни русчадан француз тилига таржима қилиб нашр эттирган улкан француз ёзувчиси, публицисти Луи Арагон „Жаҳонда энг гўзал севги қиссаси“ номли катта мақоласида уни реализмнинг ноёб асари сифатида юксак баҳолаган эди:

„Мана шу мағрур Парижда, Вийон, Гюго ва Бодлерлар маскани бўлган Парижда, қироллар ва революциялар маскани бўлган Парижда, ҳар бир тоғи бирор тарих ёки афсонадан шаҳодат берувчи кўп асрли рассомлар маскани Парижда, — деган эди у, — бошидан кўп савдоларни кечирган, кўп нарсани кўрган ва билган шу Парижда „Жамила“ни ўқилим-у, ногаҳон „Вертер“ ҳам, „Береника“ ҳам, „Антоний ва Клеопатра“ ҳам,

¹ К. Симонов. Земная правда романтики. „Правда“, 18 декабрь, 1965 г.

„Манон Леско“ ҳам, „Севги тарбияси“ ҳам, „Доминика“ — ҳамма-ҳаммаси күзимга илинмай қолди. „Ромео ва Жульєтта“ ҳам, „Паоло ва Франческа“ ҳам, „Эрнани ва доњья Соль“ ҳам күзимга илинмай қолди... Чунки мен жаһонда энг гүзал севги қиссаси — „Жамила“ни ўқиган эдим”¹.

Худди шунинглек, Литва халқининг истеъододли шоири Эдуардас Межелайтис ҳам асарга қўйидагича юксак баҳо берган эди:

“Жамила“ сингари повесть рус адабиётида яратылган бўлса ҳам... лиққатни унчалик тортмаган бўлтур эди. Бу яна бир янги, ўзига хос тақрорланмас истеъододнинг пайдо бўлишидан далолат беради. Гуманистик нуқтаи назардан қараганда ўта теран, умуминсониятта хос овоздаги бу повест — ҳали ёшى қирғиз адабиети учун — бу адабиётда реализм тараққиётининг янги даври, адабий анъаналарнинг янги босқичи бошланганидан дарак берувчи илк қадамdir².

Хўш, „Жамила“ повестининг кенг жамоатчилик томонидан бунчалик қизғин кутиб олинишининг сабаби нимада эди? Бунинг сири ва сабаблари кўп, албатта. Энг муҳимларидан бири бу — асарнинг қирғиз ҳалқи ҳаёти, меҳнати ва маънавий қиёфасини миллий заминда ҳаққоний тасвирлашда кўринали. Асадаги персонажлар хатти-ҳаракатлари, ўзаро муносабатлари билан китобхонни жилдий ўйлантиради. Иисон тақдирли, унинг ҳаётдаги мавқеи, одамнинг одамга эътиқоди, меҳр-муҳаббати, садоқати, олға интилиши асарнинг лейтмотивини ташкил этади. Бир сўз билан айтганда, жаҳон адабиётининг дурдоналаридан ҳисобланган ушбу асар ёзувчини дунёга танитди.

НОЁБ ТАҚДИРЛАР ЁХУД ЙЎҚОТИЛГАН СЕВГИ

Чингиз Айтматовнинг „Сарвқомат дилбарим“ қиссаси инсон гўзаллиги, ҳаёт гўзаллиги ҳақида ҳикоя қилувчи чуқур психологик асарлардандир. Турли драматик воқеаларни қамраб олган, ўзига хос композицион қурилишга эга бўлган бу қисса жўшқин лиризм билан суғорилган. Адид ўз қаҳрамонлари ха-

¹ Л. Арагон. Самая прекрасная повесть о любви в мире. „Культура и жизнь“, 1959, №7, 13- бет. Асар „Новый мир“ журналининг 1958 йил август сонидан француз тилига таржима қилинган (муаллиф).

² Эд. Межелайтис. День нынешний стучится в дверь. „Литературная газета“, 27 май 1961 г.

рактеридаги турфа хил зиддиятларни, кечинмаю қийинчилик-ларни юмшатмайды. „Жамила“даги сингари „Сарвқомат дилбарим“ (1961) қиссасида ҳам Жамила ва Дониёрларни қисман эслатувчи ва тұлдирувчи қаҳрамонлар тақдирі қаламга олинган. Бошқача айтганда, „Сарвқомат дилбарим“ қиссаси „Жамила“ повестининг мантиқий давомидек туюлади. Ҳақиқатан ҳам, мазкур асарда Жамила билан Дониёрларнинг ҳаёти, босиб ўтган йўли билан узвий боғлиқ бўлган баъзи масалалар, манзаралар янада кентроқ кўламда бадиий гавдалантирилади.

Илёс эски урф-одатлар, удумтарга қарши бориб, Асалнинг отонаси қаршилигига қарамасдан ва қалин тўламасдан севгилиси билан қовушади. Жамила билан Дониёрлар асарнинг интиҳосида эришган руҳий кўтаринкилик ҳолатларини, севги нашиналарини асарнинг илк саҳифалариданоқ бошидан кечиралилар. Қисса солда ва равон услугуда ёзилганлариги билан ўтиборни жаъб этади.

Асар қаҳрамонлари Илёснинг Асал билан учрашуви ҳам, Асалнинг довонда Бойтемир билан учрашуви ҳам, асарнинг бош қаҳрамони Илёс ва журналистнинг йўлда дуч келиб қолишлари ҳам табиий бир тарзда юз беради. Агар шоффёр Илёс колхозга юк ташиб юриб, лойда тиқилиб қолмаса, балки Асал билан учрашмас эди. Агар Бойтемир тоғдаги бемор қўшнисини вилоят касалхонасига олиб бормаса, йўлда Асал билан учрашмасди, балки. Буларнинг ҳаммаси ҳаётий деталлар бўлиб, турмушида учраб турадиган оддий воқсалар эди. Ёзувчининг новаторлиги ҳам шундаки, у ҳастла учрайдиган ана шуг`дай оддий нарсаларни чукур умумлаштириб, ёшларга, бутун бир авлодга ибрат бўладиган хуносалар чиқаради.

Ч. Айтматов „Жамила“да ҳам, „Сарвқомат дилбарим“да ҳам ҳақиқий инсоний севгини тасвирлайди. Бироқ иккинчи асарда йўқотилган севги ҳақида кўламтироқ мушоҳада юритишга интилади.

Адабиётшунос олим, ёзувчи Отаули ҳақли равишида таъкидлаганидек, Чингиз Айтматов асарларининг китобхонларни ўзига оҳанрабодек тортиб, мафтун-маҳлиё этиб, уларнинг кўнгилларида беқиёс завқ-шавқ ва ҳаяжон уйғотган энг етакчи фазилатларидан бири асарларининг аксариятида ишқ-муҳаббатдек азалий ва абадий мавзунинг янгича талқинлари, тиниқ ва кенг эпик тасвир, мафтункор лирик оҳанг, теран руҳий таҳтил, фалсафий умумлашмаларнинг юксаклиги каби фазилатлар кўзга аён ташланиб туради.

„Сарвқомат дилбарим“ да, — деб ёзган эди муаллиф, — ҳаётни чандон мураккаблигича тасвирлашга интилдим. Айрим ёшлар бир-бирларини топишади, севишли. Турмуш қуришади. Бир кун қарабсизки, оиласлари бузилали, ажрашади. Умуман, ҳаётда шу тоифадаги ёшлар жуда кўп учрайди. Улар бир-бирларини яхши билмасдан туриб турмуш қуришга шошилишади-ю, сал ўтмай феъллари мос келмай қолади. „Сарвқомат...“ да шу ўйларимни ифода қилишга интилдим.

Илёс ҳам Дониёр сингари бошда ўз муҳаббати учун курашади, севганига эришади. Кейин... табиатан ўжар, қўрс эмасми, орқа-олдини ўйламай пала-партиш иш тутади ва тузатиб бўлмас хатоларга йўл қўяди. Ўз баҳтидан айрилиб қолади. Бу йўқотишнинг бирдан-бир айбдори — унинг ўзи! Хатоларини англайди, ўқинади. Лекин энди кеч. Асарнинг драмаси ана шунда...¹

Ҳар икки қиссадаги қаҳрамонлар ҳам асрлар мобайнида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган, ота-боболар удуми деб атала-диган ўтиб бўлмас мушкулотлардан мувваффақиятли ўтадилар. „Жамила“ да бу тўсиқни ёриб ўтишда Жамила фаоллик кўрсатали. У ўзини севмайдиган, севолмайдиган ношуд эри Содикдан ранжиб юради. Жангчи Дониёрнинг севги ҳақидаги дилрабо қўшиғи Жамила қалбига фулгула солади. Унинг қалбидаги ҳисни қайта уйғотади. Ҳаётда муҳаббат деган нарсанинг борлигини унга кўз-кўз қилади ва Дониёрни қандай севиб қолгани-ю, у билан қочиб кетганини ўзи ҳам билмай қолади.

„Сарвқомат дилбарим“² да эса бошқачароқ. Бунда Илёс ҳам, Асал ҳам бирдек ҳаракат қилади. Илёс ва Асалнинг танишувла-

¹ Чингиз Айтматов. Ёзувчи ва замон. Қаранг: Адабиёт ва замон. — Т.: F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981 йил, 329—330-бетлар.

² Муаллиф асарларининг аксарияти, айниқса ижодининг иккинчи фаслида ёзган йирик асарлари биринчи бор рус тилида нашр этилади. Чунончи, „Тополёк мой в красной косынке“ повести шундай асарлардан бўлиб, мазкур қисса дастлаб ўзбек тилига „Қизил дуррачали сарвқоматим“ деб айнан таржима қилинади. Асар иккинчи бор нашр этилганда „Қизил дуррали сарвқоматим“ тарзида ўзгартирилади. Асар учинчи бор нашр этилганда эса унинг номи янада соддалаштирилиб, ихчамлаштирилиб, „Сарвқомат дилбарим“ деб юритилади. Хуллас, асар шу номлигича қолди (муаллиф).

ри ҳазил-мутойиба тарзида бошланган бўлса-да, ҳар икки ёши бир-бирини севиб қоладилар.

Асал унаштирилган, яқин кунларда тўй бўлиши керак. Бундан йигит ҳам, қиз ҳам хабардор. Фотиҳани, тўйни бескор қилиш, йўққа чиқарини осон гап эмаслигини ҳар иккиси билсалар-да, гўё билмагандек қишлоқдан қочиб чиқиб кетишади. Висол шодиёнаси ҳар нарсадан устун. Уларга гўё ҳеч нарса керак эмас: „Асал кўзларимга тикилиб, ўзини кўксимга ташлали. У менинг пинжимга тиқиларкан, ҳам йиғлар, ҳам куларди.

— Жонгинам, азизим! Менга ҳовли-жойнинг кераги йўқ! Фақат ота-онам, кейинчалик бўлса ҳам, қачон бўлмасин мени тушуниб, гуноҳимни кечиришса бўлгани. Улар мендан умрбод хафа бўлишади, буни яхши биламан... Аммо айб мендами ахир...“ (1-жилд, 144-бет).

Дарҳақиқат, айб кимда? Илёс ёки Асаллами? Йўқ. Айб наслдан-наслга, авлоддан-авлодга асрлар давомида мерос бўлиб ўтиб келаётган эски урф-одатларда, ота-боболарнинг қолоқ тушунчаларида эди. Севишганлар — Илёс ва Асал учун висол дамларидан ширин, тотли нарса йўқ. Шундай қилиб, асарнинг боши қаҳрамони Илёс эски удумга хилоф ўлароқ, қаллиқнинг отаоналари билан келишмай ва қалин тўламай севгилиси Асал билан қовушади, осуда, баҳтиёр ҳаёт кечиришади ва ўртала ўғил ҳам кўришади. Буни илк дафъа эшитган Илёс машинасини тоғ томонга қараб учирив кетади: „Осмон билан ўпишган баландликлар, булатлар ер бағирлаб сузуб юргандек эди, пастандаги азamat тоғлар ҳам унинг қаршисида пак-пакана бўлиб кўринарди. Мен кабинадан сакраб тушиб, дара ёқасига чопиб бордим ва соғ ҳаводан ўпкамни тўлдириб нафас олдим-да, бутун олам эшитгудек қилиб қичқирдим:

— Э-й, тоғлар! Мен ўғил кўрдим!

Назаримда тоғлар ҳам ларзага келгандек бўлди. Улар менинг сўзларимни такрорлади ва даралан ларага тарашиб, узоқ вақтгача акс садо бериб янграб турди“ (1-жилд, 150-бет).

Кўриниб туриблики, Илёс билан Асал муҳаббатда бир сакрашидаёқ Жамила билан Дониёрга етиб оладилар. Бироқ санъаткор асар воқеалари ривожида кутилмагандек бундан янги-янги хуносалар келтириб чиқарали. Бошқача айтганда, асар шунчаки икки ёшнинг севги қиссасидан иборат бўлмай, унда севги ба-

ҳонасида инсоннинг инсонлик бурчи, эл-юрт олдидаги бурчи, имон-эътиқоди, ҳалоллик, адолат, диёнат каби масалалар кўта-рилган.

Муаллиф „Сарвқомат дилбарим“ қиссасида ҳаётнинг ўзи-дан олган завқини, юрак дардини, ҳаяжонларини изҳор этади, ўзи қаламга олган ҳодисаларнинг мураккаблиги, зиддиятлари-ни чинакам нафосат билан китобхонга етказа олади. Қиссада икки қайноқ қалбининг ҳаётдаги илк мустақил қадамлари, қувон-чу изтироблари ниҳоятда самимий ҳикоя қилинган. Энг муҳими, ёзувчи айтмоқчи бўлган гап китобхон қалбини ҳаяжонга соладиган гўзат бир бадиий шаклини топа олган.

Қисса қаҳрамони Илёснинг муайян бир вазиятда худбин-лик кўчасига кириб қолиши, ўзгалар манфаатига зид иш тутиши, Асалга вафосизлик қилиши батафсил ҳикоя қилинади. Аниқроқ қилиб айтганда, Илёс тиркама билан довондан ошолмай фалокатга учрайди, сўнг ўзини қўярга жой тополмайди, азоб чекади, оғир руҳий ҳолатларни бошдан кесиради, пиро-вардида сингилтаклик билан Асалга аччиқ қилиб диспетчер қиз Хадичага илакишида, унинг ҳонасида тунаб юради, ичклиликка ружу қўяди. Илёснинг руҳий тушкунликка берилишига касбдоши худбин шофёр Жонтойнинг тұхмат-бўхтонлари ҳам сабаб бўлади. Илёснинг хатти-ҳаракатлари, аввало унинг ўзи учун но-хушлик келтиради — жондан азиз мұхаббати, севгилисидан жудо бўлади. Шу тариқа Илёснинг характерида эскилик билан янгилик, шұхратпарастлик билан қаҳрамонлик тушунчалари қоришиб кетгандек бўлади. Бунга аввало Илёснинг қизиққонлиги, қайсарлиги сабаб бўлади.

Аслини олганда Илёс табиатан мард, жасоратли, ўқтам йигитлардан ҳисобланади. У жамият, жамоа олдидаги бурчини аъло даражада бажариб юради. Аммо оила олдидаги бурч масаласига келганды қаттиқ янглишади. У довондан тиркамали ма-шинада ўтолмагач, жамоа олдида, дўстлари олдида мулзам бўла-ди, обрўси тушганига чидай олмайди. Бу Илёс ҳаётидаги катта бир синов эди. Ана шу машаққатли синовлардан Илёс муваффақиятли ўта олмайди. Дастрраб бу хатоликлар осонгина тузати-ладигандек, Асал билан яна топишиб, қайтадан ширин тур-муш қурадигандек туюлади. Аммо бу осонликча тузатиладиган янглишиш эмасди. Буни Илёс маст ҳолда манинани фалокагга

уратиб Бойтемир хоналонига бориб қолғандагина тушунади. Ўзининг жондан азиз севгилиси, ҳамон излаб, тақдири нима бўлганини билолмай юрган Асали ва ўғлини бегона уйда учратиб, воқеалар моҳиятини тушишади. Севгилиси Асали энди унга номаҳрам эканлигини, ўғли Самаднинг бегона киши фарзандидек унга бегона бўлиб қолганини шу онда сезади, мастилиги тарқаб кетади. Қисқа вақт ичиди бўлиб ўтган воқеаларнинг қандай юз бергани-ю, нима билан натижаланғанини Илёс ҳам, Асал ҳам, Бойтемир ҳам бир-бирига айтишмай тушунишади ва ҳар учаласи ҳам тунни бедор ўтказишади. Чексиз хаёллар гирдо-бida тонг оттирадилар. Йўл устаси Бойтемир ҳам, Асал ҳам меҳмонга қанчалик сидқилилдан хизмат қилса-да, бу татимайди. Бойтемир унинг қалбини эзади.

Шундан сўнг Илёс ўзига қадрлон бўлиб қолган Тяньшан-Помир трассасидан яна кўп марта ўтади. Ҳар ўтганда ўғли Самадни кўриб учрашиб, совфа-саломлар бериб турали. Бу воқеалардан хабардор бўлиб юрган Асал аста-секин Самадга бундай учрашувларни ман этади. Ўғли Самад ҳам ўгай отаси Бойтемирга меҳр қўйиб, Илёслан бегонасираб қоча бошлайди. Энди сўнгги илинжи, ўғли Самадни кўриб туриш илинжидан ҳам маҳрум бўлган Илёс руҳан изтиробга тушади, ич-ичидан эзилади. Бу ерларда ортиқ туришнинг ҳожати йўқлигига ишонч ҳосил қиласи ва қадрдон Иссиқкўлдан, муҳаббатнинг абадий тимсоли, сўнмас кўшиқ манбаи бўлган севимли Иссиқкўлдан кетиш тарафуди-га тушиб қолади. Ҳаётини бошиқатдан қуриш, янгидан баҳтини топиш илинжида узоқларга бош олиб кетади. Аммо, севимли Иссиқкўлдаги ширин дамларини, севгилиси Асални, дилбанли Самадни бир умрга унута олмаслигини тушуниб етади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Илёснинг ўзи ҳам ўз муҳаббатига, севгилиси Асалга нисбатан лозим бўлган пайтларда етарли даражада маънан событлик кўрсата олмайди. Шу сабаб, муҳаббати дарз кетади ва оқибатда Асалдан ҳам, Самаддан ҳам ажралали. Ҳатто Ҳадичани ҳам кўлдан чиқарали ва Иссиқкўлдаги ёшлиқда берган кўнгил — биринчи баҳтининг гувоҳи бўлиб қолаверади: „Йўлга чиқиши олдидан кўлга, ўша тик тепаликка бордим. У ерда мен Тяньшан билан видолашдим, Иссиқкўл билан хайрлашдим. Хайр, Иссиқкўл, тугалланмай қолган ором-баҳш куйларим! Мовий тўлқинларинг ва олтин қирғоқларинг

билан бирга қўшиб сени ҳам ўзим билан бирга олиб кетардиму, аммо севгилимнинг севгисини олиб кета олмаганимдек сени ҳам олиб кетиш қўлимдан келмайди. Алвидо, Асал! Алвидо, қизил дуррачали сарвқоматим! Алвидо, севгилим! Бахтиёр бўлгил...“ (I-жилд, 236-бет).

Асарнинг бош қаҳрамони Илёс мураккаб характерли образ. Унинг тақдиди ҳам жуда мураккаб. Илёснинг юксак фазилатларидан бири меҳнатсеварлик. У тиниб-тинчимайли. У жамоа олдидаги, Ватан олдидаги бурчини аъло даражада англайли. Ўз касбининг устаси, биринчи тоифа ҳайдовчиси. Унинг ким эканлигини Хадичанинг унга бўлган севгисидан, муомаласидан, Жонтой билан ўрталаридаги тафовутдан, ишга чин юракдан берилганидан, жамоа олдидаги бурчини аъло даражада англашидан билиб олиш мумкин. Хадича ҳам бутун автобазадаги йигитлар ичидаги бекорга уни севмайди. Илёснинг ўз тенгкурлари орасида ажралиб турувчи хусусиятларини, устунликларини ёзувчи жуда усталик билан тасвирлайди. Шунинг учун ҳам Хадичанинг уни севишида ҳақтилигига китобхон ишонч ҳосил қиласди.

Илёс бир ўзи учун ишламайди. Ватан, жамоа учун ишлайди. Ватан, жамоа олдидаги муаммолар билан қизиқиб боради.

Автобазада ташилалигидан юкларнинг йигилиб қолганини, иш унумининг эса пастлигини кўриб ўйга толади. Тяньшаннинг баҳайбат довонларидан тиркама билан ўтиб бўлмасмикин, деган хаёлга боради. Ана шундай қўлса ташиладиган юклар йигилиб қолмасмиди. Режа икки баравар ортиқ бажарилган, мушкул иш ҳал бўлган, бурч ҳам уддалантган бўларди. Илёс ана шу масалада бош қотиради: довондан — Тяньшан тоғидан юк машинасида тиркама билан ўтишдек қалтис таклифни кўтариб чиқали. Бу янгиликка биринчи навбатда директор Омонжулов қаршилик кўрсатади, бошқалар ҳам кўшилмайдилар. Аммо у ишга таваккал қилиб киришади. Натижада у бирин-кетин бошқа хатоларга ҳам йўл қўяди: ичкиликка берилади, неча бор каскорини ўзгартирган, тасодифий учрашувлардан ўз бахтини топа олмаган диспетчер аёл Хадичага илакишиди, Жонтой каби қабиҳ, ҳасадгўй иғвогарлар билан қаттиқ ўчакишиб қолади, жонажон дўсти Алибек Жонтўрин ва бошқа ҳамкасларининг дашномига учрайди, ниҳоят севикли хотинидан ва дил қувончи бўлган фарзандидан абадий жудо бўлади. Мана шу мураккаб

ижтимоий ва шахсий зиддиятлар бир-бири билан қоришиб кетиб, қаҳрамон (Илёс)нинг ички дунёсида буюк исён бош кўтарили — чуқур ички психологик коллизиялар тўғонига айланади. Натижада воқеалар ривожида Илёснинг характеристери, ички дунёси, қалб драматизми рангий бўёқларда очила боради.

Илёс дўстлари, ҳамкасб шоғёрлар нима учун унинг ташаббусига — юк машинасида тиркама билан довондан ошмоқчи эканига ишончсизлик билан қараганликларига сира тушуниб етмайди. Кейинчалик эса юк ташиш қонун-қоидалари инструкциясига кўра, тоғ трассасида тиркама билан юриш ман этилганлигидан хабардор бўлади. Бироқ бу қоидалар урушидан илтгари, ҳали биз замонавий қудратли машиналарга эга бўлмаган вақтларда, полуторка машиналарининг қувватига асосланниб тузилган эди. Мана шу муносабат билан Илёс дейди: „Яни русумли, жуда бақувват, замонавий юк машиналари вужудга келди-ю, қофоздаги нарсалар эса, то ҳаётнинг ўзи ўчириб ташламагунча, эскилигича сақланиб қолаверади. Майли, бу жузъий ва алоҳида бир масала, дейлик, бироқ шунга ўхшаш нарслар бошқа, янада муҳимроқ ва янада каттароқ ишларда юз бериб қолини мумкин-ку, ахир“ (1-жилд, 198-бет).

Кўринадики, Илёс бошлаган йўл — ҳаққоний, тўғри йўл. Бироқ у мураккаб муаммони ёлғиз ўзи ҳал этмоқчи ва рекорд қўймоқчи бўлади. У кишининг жасорати, қаҳрамонлиги пойгагдаги ёки лотерсиядаги тасодифий ютуқлардан тубдан фарқ қилишини англаб етмайди. Тўғри, янгиликни, жасоратли кишилар содир этса-да, у жамоа ва жамият бағрида стилади, юзага чиқали. Илёс эса оддий кишининг новаторлик таклифлари замонида ҳам бутун бошли жамоа, қаничадан-қанича шахслар гайрати, шижаоти, қалб қўри ётганлигини хаёлига келтирмайди. Бир томони, уни қалтис ишга, асосланмаган қаҳрамонликка унданган нарса довон ошиш эмас, балки ундан шуҳратпастлик, худбинлик иллати эди. Фараз қилайлик, Илёс ҳатто тиркамали машинада довондан ошиб ўтган тақдирда ҳам, барибир маънавий ғалабага эриша олмасди. Аксинча, унинг характеристидаги ўзбoshimчалик, манманлик хусусиятлари сақланиб қолган ва янада кучайиб кетган бўларди. Хуллас, Асал ҳаёт билан ўйнашган Илёсдан юз ўгиради ва кўчки натижасида ўз оиласидан жудо бўлиб, катта баҳтсизликка учраган ва орадан бирмунча вақт

үтиб, кутилмаганда, ўзига самимий меҳрибонлик кўрсатган олижаноб инсон — Бойтемир билан турмуш қуради. Кунларнинг бирида аварияга учраган Илесни Бойтемир ўз уйига кўтариб келади. Илес ана шу тасодиф туфайли излаб юрган хотини Асал билан ўғли Самадни „топади“. Шунда юз берган воқеани Илес тилидан адид қўйидагича тасвирлайди: „Эрта тонгда Асал ва Бойтемир хўжалик ишлари билан ҳовлига чиқиб кетганларида мен ҳам ўрнимдан турдим. Жўнаш керак эди. Секин одимлаб бориб Самални ўпдим-да, тезла хонадан чиқиб кетдим“ (1-жилд, 208-бет). Демак, бу ўринда Илес ўғил кўргандаги кайфият романтик руҳда, кўтаринки руҳда чизилган бўлса, унинг кейинги аччиқ қисмати, ўз фарзандини ошкор равишда ардоқлашдан ҳам маҳрум бўлиши қаҳрамоннинг олдинги руҳий ҳолатига қарама-қарши қўйилган ҳолда тасвирланган.

Гарчанд биринчи уринини мұваффақиятсиз чиққан бўлса-да, унинг ишини давом эттириш масаласини ўйлаб кўрадилар ва тез орада довондан тиркама билан ўтиш бошланади. Бу эса йигилиб қолган юкларни ташиб улгуринга имкон беради, белгиланган ишлар ўз вақтида бажарилиб, буюртмалар вақтида стказиб берилали. Бу эса лавлатта катта фойда кслтириши ўз-ўзидан аёи. Илеснинг мұваффақиятсиз чиққан биринчи уринини қўллаб-куватлайдиган, уни давом эттиришни ўйлаб кўрадиган Алибек Жонтўрин каби илғор кишилар ҳам бор эли. Улар Илеснинг ишини давом эттиришади. Ёзувчи ана шу ҳолатни тўғри, ишонарли тарзда кўрсатиб бера олган. Муаллиф ҳам, китобхон ҳам Илеснинг мұваффақиятсиз ишига ачинади, озгина ҳаракат билан тиркамала ўтилишига, довон забт этилажагига ишопади. Шунинг учун Илес тарафида бўлади. Ҳақиқатан ҳам, ҳаётда кимдир жасорат кўрсатмаса, янгилик сари иштилмаса, каашф этмаса, ўсии, ривожланиш бўлмайди, албатта. Ана шу жиҳатдан ёзувчи позицияси мутлақо тўғри. Хуллас, умуман олганда, асарда Илес образи ростгўйлиги, қатъиятли, жасоратли, ўз ишига солиқтиги билан китобхонда катта таассурот қолдиради.

Асал турмушла ўз йўлини топиб кетадиган мустақил аёл образидир. У ўтмишда ота-оналари босиб ўтган йўлдан кўр-кўрона қадам ташламайди. Турмушда ўз тенгини топиб, у билан дадил ва мазмунли ҳаёт куриш тарафдори. Жамила Содиққа тасодифан тегиб, сўнг ажрапиб кетса, Асал аввал бошиданоқ ўзи

билган, күрган, севган кишисига турмушга чиқади. Аммо булар ҳам ажрашиб кетиппади. Лекин бу ажралиш ҳар икки ёш қалбнинг фуруридан, ҳаётдаги у ёки бу воқеаларга тўла баҳо бера олмасликларидан, ҳаёт сўқмоқларидан сабот билан ўта билмаганиклиаридан деб билмоқ керак. Илёс билан Асал бир-бирини қанчалик севмасин, лекин ҳали улар бир-бирини тўла ўрганилмаган эди. Ҳар икки қалбнинг ҳам ҳали бир-бирига тўла аён бўлмаган қирралари бор эди. Ана шу қирраларни ўрганиш учун маълум бир фурсат, сабр-қаноат керак эди. Севишган икки қалб ана шу фурсатдан оқилона фойдаланиб бир-бири билан қайта қовушишига ҳаётдаги тескари кучлар (Жонтой кабилар) йўл бермали, албатта. Шунинг учун ҳам улар севги нesъматидан маҳрум этилган эди.

Асаддаги Илёс, Асал, Хадича каби ёшлар ҳаётда, жамиятда ўз ўринларини топишга интилиб, ҳис-ҳаяжон, романтик туйгулар билан яшасалар, Омонжулов, Асалнинг онаси ҳаётнинг эскича оқимига мослашиб яшайдилар. Автобаза директори Омонжулов ҳар қандай янгиликдан кўрқади. Унинг яшаш фалсафаси ҳаётнинг ўрганилган, синовдан ўтган йўлидан боришдан иборат, у ҳар қандай янгиликка шубҳа билан қарайди, фақат инструкцияларга таяниб иш кўради, унинг учун мустақил фикр айтиш қанчалик қийин бўлса, ўз фикридан қайтиш ҳам шунчалик осон.

Асаддаги Бойтемир ҳам тўлақонли образлардандир. Бойтемир ўз характеристири жиҳатидан Илесснинг тескариси. Илёс ҳаестга ўз ҳукмини ўтказмоқчи бўлган ўт-олов йигит. У бирор нарсани ўйлагими, уни амалга оширишга шошилади, қаршисида учрайдиган айрим тўсиқлар билан етарли даражала ҳисоблашмайди.

Бойтемир эса сғир-босик, мулоҳазали йигит. Унинг ҳаёт йўли ҳар қандай кишига ибрат бўлиши мумкин. Эҳтимол, унинг характеристига ўтмиш ҳаётидаги бўлиб ўтган воқеалар — аччиқ қисмати сабоқ бўлгандир: лаънати уруш кўп минг кишилар қатори унинг баҳтига ҳам чанг солди. Уруп бошлиниши биланоқ севимли хотини ва фарзандларини ўзи ишлайдиган довонда қолдириб, фронтта жўнайди. Аммо уруш тугашига оз қолганда уйидан хат-хабар бормай қолади. Оиласи, уйи, жажжи фарзандлари-ю, севимли Гулбарасини тоғ кўчкиси супуриб кетган эди. Шундай қилиб, ҳарбий хизматни ўтаб қайтган Бойтемир на уйидан, на бола-чақасидан дарак топади. Лекин Бойтемир туши-

кунликка тушмайди, изланади, довон ошади, меҳнат машақ-қатларига бардош беради, курашади, ёлғизлик азобларига чидайди, ҳаётга бўлған севгиси заррacha бўлса-да сўнмайди. Балки ана шуларнинг эвазига бахт унга яна кулиб боқади. Илёснинг қўлидан учиб кетган бахт қуши Бойтемирнинг кўнгил бўстонига қўнади. Асал Бойтемирни соф кўнгилли, виждонли, ор-но-мусли, самимий, тўғри сўзли инсон бўлгани учун ҳам севади.

Бойтемир қисмати М.Шолоховнинг „Инсон тақдири“ асаридаги Андрей Соколов қисматига жуда-жуда ўхшаб кетади. Соколов ҳам, Бойтемир ҳам лаънати уруш туфайли хонавайрон бўлишган кишилар тимсолидандир. Шу тариқа сўққабош бўлиб қолган Бойтемир ўз аламини, юрак дардини унтиш учун ўзининг эски касбida сидқидилдан меҳнат қиласди.

Довоонда очиқ машинада, совукда учрашиб қолган ёш аёл ва ёш болага раҳми келади, болани бағрига босиб қалб қўри билан иситади, аёлга ўзининг плашини ечиб беради. Борадиган жойининг, қиласиган ишининг тайини йўқ бўлиб турган Асалга уйини бериб, ўзи коридорда яшайди. Чинакам инсоний меҳр кўргазади.

Бойтемирдаги чин инсоний фазилатлар меҳрибонлик, саҳиийлик, одамийлик Асал қалбida улкан ўзгаришлар ясай бошлияди. Унинг ёш қалби, яъни биринчи севгидан озор тортган, аллақандай хадичаларнинг ўткинчи муҳаббатига айирбош қилинган, иззат-нафси гўё поймол қилинган қалбida катта фулгула пайдо бўлади. Бойтемирга нисбатан юрагининг аллақасрида илиқ ҳислар уйғона бошлайди.

Боласи Самадга чинакам оталарча ғамхўрликни кўргач, Асал қалбida Бойтемирга нисбатан уйғонаётган илиқ ҳислар поёснинг етали ва уни (Бойтемирни) беихтиёр „жоним“ деб юборганини ўзи ҳам билмай қолади.

Шундан сўнг Бойтемир Илёсни маст ҳолда уйига олиб боради. Илёс ва Асалнинг учрашувларидан уларнинг кимлигини билиб олади. Лекин билдирамасдан Илёсга меҳрибошликлар кўрсатади. Унинг бағрикенглиги ана шу пайтда яна бир бор намоён бўлади.

Асардаги Алибек Жонтўрин, Хадича образлари ҳар жабҳада, кундалик ҳаётда сиз ва биз билан неча марта учрашиб турдиган реал кишиларнинг ҳақиқий қиёфасидир. Ҳаёт ана шундай турли-туман кишиларнинг ўзаро муносабатида намоён бўлади. Ҳаётда яхшининг ҳам, ёмоннинг ҳам ўз ўрни бор.

Чингиз Айтматов ана шу ҳаёт қонуниятларини түгри, ишонарли, жопли бүекларда күрсатып береде олувчи улкан санъаткордир. Шунинг учун ҳам унинг ҳар бир асари китобхонини ўзига мафтун этади.

Ч.Айтматовнинг мазкур повестида табиат манзаралари тасвирига болса асарларига нисбатан кенгрөк ўрин берилган, чунки асарда табиат билан инсон орасидаги муносабатлар, инсоннинг табиат гўзалликларини севиши, ардоқлаши ва ўз навбатида, унинг инжикларига қарши кураш олиб бориши ажойиб манзараларла намойин этилган.

Ёзувчининг „Сепоячи“, „Байдамтол соҳилларида“, „Бўтакўз“, „Оқ кема“ ва „Сарвқомат дилбарим“ асарларида табиат манзаралари асардаги персонажларнинг руҳий оламига мос равишда жуда усталик билан тасвирланган.

Масалан, Тяньшаннинг баҳайбат бели — Дўлан, довонининг тасвири қўйидагича берилади:

„Эҳ, Дўлан, Дўлан, Тяньшаннинг баҳайбат бели. Умримнинг қанчалан-қатча саҳифалари у билан боғлиқ! Қатнов йўлимизнинг энг оғир, энг хавфли қисми ҳам шу срда эли. Йўл илонизи бўлиб, тоҳ у ёққа бурилади, тоҳ бу ёққа. Чархпалакла утгандек тобора қиялаб юқорига кўтарилиб, булутларни фидирек билан янчидек ўтастгандек бўласан. Тоҳ сени ўтиргичга сиқиб, орқага жипслаб кўяди, тоҳ рулга ёнишганингча машина сени пастга олиб қочади. Бунинг устига кутурган туюдек ҳавосини айтмайсанми. Ёзми-қиши, Дўланда барибир. Бир зумда лўлми, ёмғирми савалаб кетади ёки бўлмаса шунақаям қор бўрони туриб берауди, бир қалам наридаги нарсани ҳам кўра отмайсан. Мана шундай бизнинг оқ сочли Дўлан!..“ (1-жилл, 151—152-бетлар).

Ана шундай баҳайбат довонлардан ҳам, табиий оғатлардан ҳам инсоннинг ақл-идроқи, сабр-матонати, шижаоти, ўз олдига қўйган мақсади йўлидаги чинакам итилишини голиб келишини муаллиф зўр мароқ билан тасвирлайди.

Хулоса қилиб айтганда, „Жамила“ қиссасидаги сингари „Сарвқомат дилбарим“да ҳам муаллиф, аввало инсон гўзаллиги ҳақида, севги гўзаллиги ва севгига салоқат ҳақида гапиради. Бу қиссалада бошқа муҳим муаммолар ҳам оз эмас.

Чунончи, асарда инсоннинг жамиятда тутган ўрни, унинг ўз қобилияти, ташаббуси, интилишларини намойин этиш ва

бу хусусиятларини қўллаб-қувватлаш, авайлаб-ардоклаб тарбиялаш муҳим масалалардан бири сифатида кент кўламда талқин этилади. Умуман олганда, „Сарвқомат дилбарим“ қиссаси юксак ахлоқ ва янгича муносабатларни тасдиқловчи, олижаноб муносабатларни куйловчи том маънодаги замонавий санъат асариdir. Мазкур қисса ҳам бошқа асарлари каби ёзувчи маҳоратининг юксалиб боришида ўзига хос босқични ташкил этади.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗНИНГ МАЪНАВИЙ ГЎЗАЛЛИГИ

Чингиз Айтматов повестларини ўқиган ўқувчининг кўз ўнгига ўз тақдирни, босиб ўтган ҳаёт йўли, касб-кори, савияси, тушунчаси ва ташқи қиёфаси билан сира бир-бирига ўхшамайдиган, бетакрор типик образлар гавдаланади. Мазкур образлар характери эса аксарият меҳнат жараенида очилади.

Ф.М.Достоевский „Инсонга бир нарса ато этилганки, у ҳам бўлса инсоннинг қалб ҳарорати ср ва осмоннинг уйғунашувидан иборатлигидадир“, — деб ёзган эди. Ч.Айтматов қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатларида, меҳнат фаолиятида, ички ва ташқи қиёфаларида ўтмиш ва келажак, янги давр ва эски замон, ср ва осмон каби тушунчаларнинг уйғунашуви намоён этилади. Жамила, Саида, Илёс, Камол — буларнинг барчаси ҳали патриархал тушунчалар ҳукмрон бўлган қирғиз овулларининг фарзандлари. Уларнинг изланишлари ўзининг долзарблиги билан изчил драматизмга тўла. Адид қаҳрамонлари аксарият файритабиий ташвишу бозовталиқда яшайди. Уларнинг қўнимизлиги, гиниб-тинчимаслиги, ўзига хослиги, ҳар қандай шароитда ҳам ўз орзу-ниятларига содик қолиб ҳаёт ҳақиқатини исботлаб тасдиқлашларида инкишоф этилади. Ижодий меҳнат, гўзал ахлоқ — кишининг ҳаётдаги ўрни, қадр-қимматини белгиловчи мезон ва етакчи восита эканлиги маълум. Ч.Айтматовнинг „Бўтакўз“ (1961) номли кичик ҳажмли ажойиб қиссасида ана шу фоя талқин этилади. Асар қаҳрамони Камол ўзгача мустаҳкам эътиқодга эга образ. У эндигина ўрга мактабни битириб, асрлар бўйи уйқуда ётган Анорхой сингари кўриқ ерларни ўзлаштиришга, боғ-роғларга айлантиришга бел боғлаган ёшлиарнинг типик вакилларидан бири. Бу ўспирии йигит ўзининг романтик

орзулари оламида яшайди, парвоз қилади. Қўриқда бор-йўғи: икки тракторчи, икки прицепчи, ошпаз аёл, сув ташувчи. Янги ерларни забт этувчилар армияси мана шулардан иборат. Умуман олганда Камол қўриқда турли хил, гурли тоифадаги кишилар билан учрашали, мулоқотда бўлади: ўз ишининг кўзини билган ҳалол ва моҳир тракторчилар, саховатли инсон ва ақдли агроном Сорокин ва шулар билан бирга, бойлик ортидан қувган, худбин ва золим Абубакир каби инсонлар билан учрашади. Абубакир билан Камол ўртасида маълум вақт ўтгандан сўнг кучли тўқнашув юз беради. Бу икки хил эътиқодга, дунё-қарашга эга бўлган кишилар ўртасидаги ҳаётий тўқнашув эди. Муаллиф қачонлардир машҳур тракторчи сифатида донг таратган, сўнг эса кўзбўямачилик билан даромад топмоқчи бўлган, инсонлар ўртасидаги самимий муносабатлар, олижаноб туйфулар қадрига етмай қўйган жоҳил, шахсиятпараст Абубакирни эндингина мактаб партасидан чиқиб Анорхой даштига келган ёш, руҳан ҳамиша тетик, қўриқ срларни ўзлаштиришдек юксак мақсад йўлида жонбозлик кўрсатувчи, ҳақиқат учун курашувчи Камолга қарши қўяди. Камол Абубакирдан ёш, жисмонан нозик. Лекин бу икки персонаж ўртасидаги кескин мунозара, қизгин баҳслар маънавий жиҳатдан метиндек бақувват Камолнинг фалабаси билан якунланади.

Асар воқеалари куч-гайратга, улкан режаларга тўлиб-тошган ана шу романтик образ ёш йигигнинг маслаги, дунёқарashi, тасаввурлари, дунёни идрок этиши хусусиятларидан келиб чиқилган ҳолда ҳикоя қилинади. Дастреб тарих ўқитувчиси, улкашуннос Олдиёрөв ҳикоя қилиб берганидек, эрману шувоқзорлар билан безаниб, савлат тўкиб ётган Анорхой даштини картадан кўриш куттилмаганда Камол учун фоятда завқли, жозибали туюлади ва ўзича ширин ўй-хаёлларга чўмади: „О, Анорхой¹, бепоён даштилик! Ўтмишнинг тилсиз гувоҳи, даҳшатли

¹ Неча асрлар мобайнида ерга чуқур ботиб кетган ва асарда тез-тез учраб турадиган қабр устидаги қадими ёдгорлик — хотин кишининг тош ҳайкали ёки олтindан ясалган қилич дастаси рамзий мажозий маънода қўлланилган бўлиб, улар Анорхой даштининг кўҳна кечмиш тарихидан шаҳодат берувчи шартли белгилар маъносини англаради. (A.P.)

жанглар майдони, күчманчи қабилалар макони. Асрлар бўйи кўл урилмай, Кўрдай ёнбағирларидан тортиб то Балхашнинг қамишзорларигача чўзилиб кетган муаззам даштлик! Нега сир, сукут сақлайсан, нималар ҳақида хасл сурасан? Келажакда сени нималар кутяпти, биласанми?.. Бизнинг замонамида бой ва сахий ўлкага — жаниатмакон ўлкага айланасан, кўм-кўк боғроғларинг шивирлашиб, соя-салқин ариқлардан сувлар шарақлаб оқиб, дашт шамоли майнин эсиб, олтин буғдойзорлар ҳосилини кўз-кўз қиласди. Бу ерда шаҳару қишлоқлар бунёдга келади. Бизнинг авлодларимиз бу ерни фахр билан Анорхой бўстони деб атайдилар” (2-жилд, 13—14-бетлар).

Айтматов асарларида, шу жумладан, „Бўтакўз“ қиссасида бундай лирик кечинмалар тез-тез учраб туради. Кўриқ ҳақида романтик тасаввурларга берилган кечаги мактаб битирувчиси Камол даштта келган дастлабки кунларда афсонавий Анорхойнинг порлоқ келажаги ҳақидаги ишонч ва орзу-ниятлари қанот сизиб, рўёбга чиқаётгандай туюлар ва бу ҳақда ҳатто лапарнамо сатрлар ҳам тўқирди:

*Кўрдай тепалари ортида ётар
Қадам босилмаган Анорхой даشت.
Қишида бўронлари даҳшатли, хатар,
Ёзи оташнафас, олов таратар,
Кенг даштии Анорхой бу ўлка оти.*

* * *

*Истиқболи порлоқ, ишонгум унга —
Бу кун узоқ эмас, ҳа, яқин жуда!
Анорхой қучоги тўлажсак гулга!
Ёвшандан асар ҳам қолмайди бунда.*

(2-жилд, 30-бет)

Шуни ҳам айтиш керакки, ана шу „ястаниб ётган“ бепоён даштда уни забт этувчилар армияси „ниҳояти етти кишидан“ иборат эди. Бу ҳол Камолнинг бирмунча иккиланиш ва умидсизлик кайфиятларига берилишига сабаб бўлали. Натижада у ҳувиллаб ётган чўл бағрида ўзини таҳқирлангандек ҳис қиласди. Бу биёбон, яйдоқ далада одамзод учун нима бор? Унинг яша-

ши учун бошқа жой қуриб кетганим, деган ҳам боради. Шунда чўлла, булоқ бўйила нотаниш дилрабо сақмоничи қизни учратиб, уни севиб қолади ва иши ҳам анча жўнашиб кетгандай бўлади. Натижала, ўша куп-қуруқ, кимсасиз чўл унинг кўзига яна улуғвор, салобатли ва жозибалор бўлиб кўринади. Асаддаги бу кичик эпизод, мактаб партасидан чиқсан икки ёшниңг кутилмаганида чўлла учрашиб қолишлари ва қисқа муддатли суҳбат жараёнида улар қалбини чулғаб олган илк муҳаббат лавҳаси жозибали мадҳ этилган ва қиссага поэтик руҳ баҳш этган.

„Ўз ишингдан қаноатлансанг, кўнглингга ёқсан иш билан банд бўлсанг, бирор янгиликка қалам қўйиш доим мароқли бўлади, — дея ҳикоя қилади Камол. — Мактабда ўқиб юрган кезларимда ҳам дафтарнинг янги саҳифасидан ёзишни яхши кўрардим. Эрталаб ҳали ҳеч ким юрмаган қор устидан чопиб юришни, биринчи бўлиб из қоллиришни севардим. Баҳорда ҳали ҳеч ким юрмаган тоғ ёнбағирларига чиқиб, илк бор очилган лолаларни теришга ошиқардим. Бунда кишига ҳузур бағишлайдиган, ўзига мафтун этадиган қандайдир сир бор. Бепоён Анорхой даштида, ҳозиргача инсон қадами етмаган ерда янги из қолдириш менинг учун ластлабки сатрдек, ҳали из тушмаган оппоқ қорлек, қўл урилмаган лоладек туюларди“ (2-жилд, 35-бет). Бу, албатта, Камолниңг эзгуликка йўғрилган эҳтиросли, ҳаётбахш туйғулари эди.

Бироқ Камол ҳали табиатнинг стихияли кучларига қарши курашга киришиб улгурмасиданоқ, иккинчи жиддий зиддиятга дуч келади, яъни ўзидан бошқани менсимайдиган шахсиятинараст, сохта шуҳрат орқасидан қувувчи балғесъл Абубакир билан тўқнашади. У Абубакир қўли остида қаинчалик елиб-югуриб меҳнат қилмасин, барибир унинг таҳқирларидан қутула олмайли, натижада Камолниңг чўл ҳақиласи, замонавий тракторларга ўтириб, янги ерларни ўзлаштириш ҳақидаги романтик орзулари пучга чиқсандай бўлади. Ҳаёт китоблардан ўқиб, ўрганганига нисбатан анча мураккаб ва бой эканлигини англай бошлайди:

„Ҳаммаси ҳам майли-ю, аммо бир нарсага ҳайронман: Абубакирга менинг нимам ёқмай қолли, у мени бунчалик ёмон кўради? Агар бу ерда мени нималар кутаётганилигини илгаридан билсайдим... Мен ҳар қандай табиий қийинчиликларга чидашга тайёрман. Ахир, бу ерга меҳмонга келганим йўқ-ку. Бироқ, не-

гадир, бирга яшаб, бирга ишлаппимиз лозим бўлган одамлар ҳақида сира ўйламаган эканман. Ҳамма ерда одам — одам-ку, деганман-да...“ (2-жилд, 6-бет).

Ч. Айтматов асарларида, шу жумладан, „Бўтакўз“ қиссасида кўп ҳолларда меҳнат кишининг ҳар қандай шахсий манфаатидан устун экани таъкидланади. Камол биринчи марта трактор рулини мустақил бошқарганида ўзини гўё „тактиравон“га ўтиргандек ҳис қиласи. Қудратли трактор механизмлари унинг иродасига бўйсуниб, „ерни ўпирганича олға юриб“ кетганида у шу қалар севинадики, ҳатто унинг яқинига келиб қолган сақмончи сулув қиз, яъни унинг севгилисига бадкирдор Абубакир шилқимлик қилаёттанини кўриб ва сезиб турса-да, меҳнат завқи ва қаҳрамоннинг гуманистик, ахлоқий эътиқоди унинг ишни ташлаб кетишига йўл қўймайди.

Ўрни келганда айтиб ўтиш жоизки, асарга сақмончи қиз образини киритишдан мақсал, биринчидан, Камолдаги соф севги туйгуларининг не қалар мусаффо, гўзаллигини малҳ этиш бўлса, иккинчидан, қаҳрамонда энлигина ниш уриб, куртак ёзив келаётган бу муқаддас туйгуларни таҳқирламоқчи бўлган Абубакир сингари ёвуз кучларга қарши уни бўлажак курашларга руҳан тайёрлаш эди.

Шу тариқа икки куч ўртасидаги зиддият, яъни янгилик сари интилевчи наққирон Камол билан ўжар ва қайсар, ўз қобигига ўратиб олган манфаатпараст Абубакир ўртасидаги кескин тўқнашув конфликтни юзага келтириб чиқаради. Қиссага асос қилиб олинган ана шу ҳаётий конфликт асарининг бошидан то охиригача бир бутун яхлитликка эга. Унинг изчиллик билан ривожлана бориши ва илғор кучларининг тўла фалабаси билан якунланиши муаллиф томонидан юксак маҳорат билан тасвирланган.

Ч. Айтматов қиссада кескин зиддиятлар ва қарама-қаршиликлар кураши жараёнида қаҳрамонларнинг ўзига хос индивидуал характер хусусиятларини чизиб беради. Қиссанинг бош қаҳрамони Камол ҳамма нарсага қизикувчи, ақлли, иродали, келажакка зўр умид кўзи билан боқсан замондошлишимиз образидан бири. У ҳар қандай тўсиқларни снгиб бўлса-да, янги ерларни ўзлаштириш ишига жон-дили билан киришиб кетали, меҳнатда жонбозлик кўрсатади ва бошқаларни ҳам ҳалол меҳнат қилишга даъват этади. Демак, муаллиф ҳалол, беминнат,

безараз, умумманфаати учун қилинадиган ижтимоий-ижодий меңнатни, шундай меңнат билан машғул бўлган севимли қаҳрамони — Камол сингари кишиларни улуғлайди.

Абубакир тимсолида эса маънавий пуч, фақат ўзининг жисмоний кучига ишониб иш кўралитган такаббур шахс гавдалантирилган. Абубакир ким? Мана, муаллиф унинг бутун қиёфасини Камол тилидан шундай таърифлайди: „Абубакир мунча баджаҳл, мунча заҳар экан-а? Ҳали қари ҳам эмас, ўттиздан сал ошган. Тўғри, юзи анча хунук, ёноқ суяклари бўртиб чиқкан, қўллари арслон панжасидай бақувват, аммо ўзи анча хушқомат, кўзлари бўлса важоҳатли, совуқ, сал нарсага қонга тўлади. Жони бўғзига келади. Бундай пайтларда эҳтиёт бўлмасант, сени гажиб ташлайди“ (2-жилд, 10-бет). Унда ҳеч қанлай олий мақсадл йўқ. У меңнат қилишни шунчаки кун кўриши воситаси деб билган, уни ўз шахсий манфаатига бўйсундирган, ўзининг „меңнаткаш“ кимги экаспилитини ҳар қадамда пеш қилувчи, кўриқ ерга ҳам шу мақсадда, яъни мўмай пул орттириш учунгина келиб қолган шахс. Тўғри, у бир томондан пургайрат, ишнинг кўзини биладиган, маътакали ишчи. Аммо у меңнат қилишнинг сабаби тирикчилик деб қарайди. У фақат „қора“ меңнатнигини тан олади, интеллектуал меңнат кишилари устидан қулади, уларни „отга бўйинча солишни эплай олмайди, ҳатто айлини ҳам дурустгина торта олмайди“, деб масхара қиласи. Интеллектуал меңнат билан бирга жисмоний меңнат соҳасида ҳам мала-ка ҳосил қилган Камол жоҳил ва нодон Абубакирнинг ўринсиз даъволарини бирин-кетин пучга чиқарар экан, шундай дейди:

„Сен доим мен ишчиман, мен ҳаммани боқётибман, деб кўкрагингга урганинг-урган. Аммо сен фақат ишлаётганлигинг учунгина ишчисан, чин қўнгилдан ишчи эмассан. Сен аслида бой бўлишинг керак эди“ (2-жилд, 25-бет).

Асар воқеалари давомида Камол характеристидаги ажойиб фазилатлар қанчалик бойиб, шакиланиб борса, Абубакир табиатига хос бўлган салбий хусусиятлар — ўзбошимчалик, манманлик ва худбинлик аломатлари шу қалар кучая борали.

Абубакир ўз мақсади йўлида ҳар қандай пасткашиликлардан, разилликлардан қайтмайди, нима бўлса ҳам ўз сўзини ўтказмоқчи бўлали. Кимда-ким унга итоат қилмаса дўқ урали, ҳақоратлайди. У ҳатто бунинг учун жисмоний куч ишлатишдан ҳам той-

майди. Айниқса, Абубакирнинг хотини Халипа ва Камолга бўлган муносабатларида буни яққол кўриш мумкин. У ҳамманинг оллида хотинини ҳақорат қилади, калтаклайди. Бундай сувз хатти-ҳаракатларига қарши исён кўтарган Камолга нисбатан газаб ўтларини сочади. Унга аравала сув, ёнилғи ва „яна бошқа бало-баттарларни“ ташиттиради, тунда плут тишларини алмаштиришни буюради, прицепга ўтқазиб кўйиб, эрталабдан кечгача дам бермасдан ишлашга мажбур этади. Мана, прицепда „офизбурунлари ва кўз-кулоқларигача чанг-тўзонга ботиб қорайиб кетган“, ҳолдан тойиб чарчаган Камол ўтирибди. У трактор кабинасидан мазах қилиб, тантанавор қараб турган Абубакирнинг кўзларига тик қараб, ўзини тетик кўрсатишга ҳаракат қилади. Лекин Абубакирга бу ёрдам бермайди, Камол эмас, балки унинг ўзи оғир синовга бардош беролмай ҳолдан тойиб тракторни тўхтатишга мажбур бўлади. Демак, Камол ўз маънавий дунёсининг гўзаллиги билан Абубакирдан устун келади. Шу тарзда икки кутб, икки дунёқарашга эга бўлган шахслар ўртасидаги кураш гобора кескинлашиб борали. Худбин куч ўз ўрнини нурли кучга осонликча бўшатиб беришни истамайди, аксинча, унга қарши турли йўллар билан курашни давом эттирали. Жаҳл отига минганд Абубакир оғзидан боди кириб, шоди чиқиб Камолни лапашанг, ландавур, тирраиҷа стулсент, она сути оғзидан кетмаган мишиқи академик, тумшуғингга соламан, уйингда ўтириб, китобингни ўқийвермайсанми, каби бўлмағур сўзлар билан менисимайди, ҳақорат қилади. Бундай тазииклар етмагандай, ҳатто уни дўпослашгача боради. Асарда рақиблар ўртасидаги муросасиз кураш ҳаяжонли эпизодларда ҳаққоний акс эттирилган. Бу жиҳатдан қиссанинг IV бобидаги икки куч ўртасидаги олишув лавҳалари, яъни Камолнинг қаттиқ калтакланиши ва унинг бутуғлай ҳолсизланиб ерга йиқилиши эпизоди характерлидир. Бу манзарани ўқиган китобхон, табиийки, Камолни мағлуб бўлди деб ўйлайди. Аммо ёзувчи бу ҳодисадан тамомила бошқача хулоса чиқаради ва бунга китобхонни шак-шубҳасиз ишонтиради:

„У оёқларимиз остида топталган кийимлари томон кетди ва гўё ишни қойил қилиб кўйган кишидай, кийимини қоқиб бамайлихотир кия бошлади. Менинг бу жангда ҳам ғолиб чиққанимни сезмас эди. Ҳа, гарчи мен ер тишлаб ётган бўлсан ҳам, енгилмаган эдим. Ҳақиқат учун куч, мушт ишлатиш ҳам

мумкин эканлигига ишондим. Кимки сени урса, сен ҳам уни уришиңг мумкин ва зарур экан. Бу мен учун ғалаба эди“ (2-жилд, 25—26-бетлар). Рақиблар ўртасидаги зиддият, асар конфликти шу ерга келганда ўз ечимини топади.

Демак, Камол гарчи жисман мағлуб бўлган бўлса ҳам, аммо мъянавий томондан ғолиб келган эди. Китобхон ёзувчининг хулосасига тўла қўшилади. Умуман, Ч.Айтматов ижодида, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ишонтириш санъати ниҳоятда кучли. Адигнинг характер яратиш услубига хос бир жиҳат шундаки, у характернинг мукаммал шаклланиши, ўз ингиҳосига этиши, кульминацион нуқтасига кўтарилиши ва буларнинг узил-кесил дифференциациялассишида оддий бир тафсилот ёки қандайдир бошқа бир бадиий воситадан фойдаланади. Масалан, Анорхой чўлида трактор билан ер ҳайдалаётганда олтин парчаси топилиши воқеасини эслайлик. Аввало, чўлдан Камолнинг олтин парчасини топиб олиши — унинг ўзини кашф этиши ва шу борадаги ғалабасига ишора эди. Иккинчидан, тасодифий топилган ана шу олтин Камол билан Абубакирни бирбиридан узил-кесил ажратди — улар ўртасидаги конфликтни ва уларга берилаётган тавсифни ниҳоясига етказди: Камол олтинни мактаб музейига топширишни лозим кўрса, Абубакир уни Камолнинг қўлидан алдаб олиб, кўзига бошқа ҳеч нарса кўринмасдан қочиб қолади. Демак, Абубакир ўзидан бошқани тан олмайдиган ва мэнсимайдиган худбин, такаббур шахс; Камол эса буининг тамомила тескариси: у ўта соғдил, чўл қийинчиликларини мардонавор енгиб, аста-секин чиниқа боради ва ўз фуқаролик бурчини ҳалол ўтайди. Асарда илгари сурилган бу катта форя ва бош мақсад муаллиф томонидан маҳорат билан рангдор бўёқларда рўебга чиқарилади.

Хуллас, асар сўнгиди Абубакир ҳам худди „Оқ кема“ қиссаидаги Ўразқул сингари янги, илғор кучлар томонидан маҳв этилади, мағлубиятга учрайди. Ўрни келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Абубакир билан Ўразқул ёвузлик тимсоли сифатида гавалантрилган бўлиб, умуман олганда, ўзларининг индивидуал характер хусусиятлари билан Айғматов ижодида энг яқин, мутапосиб образлар саналади. Бошқача айтганда, зувалалари бир ердан олинган бўлиб, салбий жиҳатлари билан бири иккинчисини тўлдиради, бойитади.

Адиб Абубакирнинг даштни гарк этишини қуидагича тасвирлайди. Ілгуда ўтириб трактор билан ер қатламларининг осонгина ағдарилишини завқтаниб гомоша қилиб борастан Камол гүё тўлқинлар устида балиқ ўйноқлаётгандай ялт этиб ғойиб бўлган олгин парчасига кўзи тушиб қолади ва олтин леб қичқириб юборади. „Абубакир парчани олиб, қўлида салмоқлаб кўрди ва уни чўнгагига солиб қўйди. — Яна сен буни плугдан тушириб қўйма... Энди сен тракторопи бир оз ўзинг ҳайда. Тобим қочиб турибди, негадир мазам йўқ. Соф ҳавода айланаб келайчи, зора тузалиб қолсам“, деганча (2-жилд, 37-бет) ғойиб бўлади ва Анорхой даштига қайтиб келмайди. Муалиф Абубакирнинг нопоклигию қаълоблигини ана шу биргина олтин детали эпизодида кескин фош этади.

Юқорида кўриб ўтилганидек, қисса қаҳрамони Камол катта қийинчиликларни бошидан кечиради. Аммо бу қийинчиликлар унинг иродасини бука олмайди, аксинча, бу кураш жараёнила у ўсади, улғаяди, камол топади, натижада гўзал Анорхой ўлкасининг ҳақиқий яратувчиларидан бирига айланади. Бу эса қаҳрамоннинг жаҳолат ва нодонлик устидан ҳал қилувчи ғалабаси, орзу-умидларининг рўебга чиқиши ва тантана қилиши эди. Камолнинг бу пайдаги кўтаринки руҳий кайфияти ёзувчи томонидан қуидагича жозибалор тасвирланган:

„Ёмғир гўхтади, ҳаво бир зумда чараклаб очилиб кетди. Осмон саҳий баҳор селидан ювиб-таралган мусаффо ва гўзал даштнинг давомидай туоларди. Чексиз Анорхой даштлари киши кўзига поёнсиз, янада яшнааб кетгандай кўринарди. Осмон гумбази бўлиб Анорхой узра камалак тортилди. У оламнинг у чеккасидан бу чеккасига қадар чўзилиб, дунёдаги жамики нафис бўскларни ўзида мужассамлаптириб, осмону фалакда туар эди. Завқ-шавқ билан чор атрофга боқдим: беспоён зумрад осмон, товланиб турган камалак, кулранг евшианзор даштлик! Ер юзи тезгина селгиб борар, унинг тепасида бир бургут икки қанотини қимир эткизмай баланд осмонда гир айланаб учиб борарди. Гўё унинг ўзи ва қанотлари эмас, балки ернинг оташ нафаси, унинг куйдирувчи ҳарорати бургутни шу қадар юксакликка кўтарганлай“ (2-жилд, 30-бет).

Бу парчадаги камалак ва бургуг деталлари қаҳрамоннинг Анорхой даштининг порлоқ келажагига бўлган ишончини ва

унинг тантанавор руҳий кайфиятини ифодаловчи восита — бадиий рамзлардир.

ЧАШМА СУВИДЕК МУСАФФО

„Жамила“ қиссасида Ч. Айтматов ижодининг ўзига хос хусусиятлари еркин намоён бўлди. Мазкур қиссанинг кенг жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олиниши, бизда ва чет элларда юксак баҳоланиши ёш ёзувчига катта шуҳраг келтирди, унга олам-олам қувонч ва илҳом нашидаларини бағишилади, шу билан бирга уни чуқур ўйлаб кўришга мажбур этди. Навбатдаги асари „Жамила“ даражасига кўтарила олармикан? Бу савол Ч.Айтматовни ўйлантирмасдан қўймас эли, албатта. Унинг „Жамила“дан кейин ёзган „Сарвқомат дилбарим“, „Бўтакўз“ сингари бадиий баркамол асарлари ёзувчи маҳоратининг тадрижий такомилини кўрсатди.

Ч.Айтматов катта изланишлардан сўнг чин инсон, покиза қалбли, юксак иродали, барча қийинчиликларга бардош бера оладиган мардонавор курашчи, бутун қалб қўрини инсонларга ҳадя этган ҳақиқий ўқитувчи Дуйшони ҳақида дилрабо кўйни, киши қалбини бесихтиёр тўлқинлантириб ларзага солувчи „Биринчи муаллим“ қиссасини яратиб, ўзининг тақрорланимас санъатини намойиш этди.

Ч. Айтматов „Биринчи муаллим“ (1962) асари ҳақила сўз юритиб ёзган эди: „Адабий тажриба деган нарса бир қолипга солиб олиб тикаверадиган этикдўзнинг касби эмас. Биз озмикўпми ёзиб юрибмиз. Тажрибала кўряпмизки, ҳар бир янги асарни ёза бошлаганингда ўзингда ҳеч қандай тажриба йўқдек ҳис қиласан. Дарвоҷе, ҳар бир янги асар ҳаётни янгича талқин этишини, янгича услуб, янгича шакл, янгича балий ташбеҳларни талаб этади“¹. Ёзувчи айтганидек, ҳар қандай асар ҳам ҳаёт ҳақиқати асосида ёзилиши маълум. Агар қуруқ фантазияга суюниб, реал ҳаётдан ажратиб қолса, асар эстетик қимматини йўқотади. Демак, муаллиф бошқа барча асарлари сингари „Биринчи муаллим“ қиссасини ҳам ҳаётий воқеа заминида ярагди. Хат ташувчи Дуйшэннинг босиб ўтган мураккаб йўли, ҳаётий саргузашлари ва унинг севимли издоши академик Олтинои Су-

¹ „Советская Киргизия“ газетаси. 23 июнь 1964 й.

лаймонованинг мактаб юбилейида иштирок этиш эпизоди повестнинг кульминациясини ташкил этади.

Муаллиф асарда фоят масъулиятли ва шарафли касб эгаси, юксак, олижаноб фазилатларни ўзида мужассамлантирган оддий зиёли, тарбиячи-ўқитувчи Дуйшэннинг ҳаққоний образини яратишни мақсад қилиб қўйган. „Мен, — деб ёзган эди муаллиф япониялик китобхонига йўллаган мактубида, — Дуйшэнни йўқ ердан ўйлаб топган эмасман. Дуйшэн — тарихий намоянда, шу маънодаки, бундай одамлар инқилоб йилларида ҳаётда озмунча эмасди. Янада аникроқ қилиб айтадиган бўлсан, мен, ёзувчи сифатида, ўз Дуйшэнимни ана шу қўпчилик орасидан танлаганман. Кейин, қисса дунё юзини кўргач, танловим ҳаётий асосли бўлганлигига қаноат ҳосил қилдим. Китобхонлар турли ёқлардан менга хат йўллаб, айнан Дуйшэндай бир муаллим овулда биринчи мактабни очганлиги, айнан у ўз йўлидан қайтмас ишон бўлганлиги тўгрисида ёза бошладилар. Ҳатто шундай пайтлар ҳам бўлдик, мени аллақачон нафақага чиққан кекса „биринчи муаллимлар“ ҳузурига стаклаб боришар, айнан мана шу кекса муаллим менинг Дуйшэним эканлигини айтиб, ишонтиришга уринишарди. Ва ўна йиллардаги биринчи қирғиз муаллимлари билан қилган суҳбатларим чоғила, уларниң аксарияти ҳар бири, чиндан ҳам, ўзига хос „Дуйшэн“ эканлигига ҳамда ёшликларида қандай бўлса ҳозир ҳам худди шундай бўлиб қолаётганликларига имоним комил бўлди. Назаримда, ўзбек адабиётининг забардаст намояндаси, улкан драматург Ҳамза Ҳакимзодани бундай одамларнинг энг машҳур вакили, деб айтсак бўлади“.

Қиссада биз Дуйшэннинг воқеаларга бой ҳаётига қачонларлир овулда яшаб, маърифат, ҳақиқий баҳт ҳақида ўйлай бошлаган, эндиликда эса машҳур олима Олтиной Сулаймонова нуқтаи назаридан қараймиз.

Дуйшэн қирғиз ҳалқи кекса авлодига мансуб бўлиб, уни замондошлари билан таққослаштирганда ҳайратда қоларли дарражада мард инсон. У ташки кўринишдан бошқалардан унчалик фарқ қилмайди, бунинг устига чаласавод. Бироқ унинг қалбидаги янги замон руҳи ҳукмрон. Шунинг учун ҳам у „маош учунгина ишлайяпсан“ дейдиган Сагимқул каби фаламис, ҳасадгўйларнинг далиномига учрайди, гоҳида иккиланиб, ўзини якка-

ланиб қолгандай ҳис этади. Бироқ ҳар қандай қаршиликтарга дүч келмасин, у ўз эзгу ниятидан — ёшларга хат-савод ўргатиш, тарбия бериш ниятидан қайтмайди. Аслида у ёлғиз эмас эди. Биринчидан, унинг „кўлила муҳр босилган қофоз“ бўлса, иккинчидан, унинг орқасида келажак сари отланган неча юзлаб, минглаб Олтиной сингари издошлири, навқирон авлод вакиллари, илғор фикрли ёшлар турад эди. Дуйшэн саводсиз халқа биринчи алифбони ўргатган ҳақиқий инсон, меҳрибон мураббий образи. Дуйшенинг йўли — бутун ҳаётини, онгли фаолиятини халқа, ватанига бағищлаган олижаноб инсоннинг йўли, келажакка, тараққиётга элтувчи нурафишон йўл. Бу ҳақда ўз даврида нуфузли газеталардан бири шундай ёзган эди: „Агар сўнгги йилларда яратилган ва бизнинг маънавий руҳимизга кучли таъсир этган қаҳрамонларга назар ташласак, кам учрайдиган индивидуал характердаги одамларни учратамиз. Уларнинг орасида... Ч.Айтматовнинг муаллими Дуйшэн каби қўрқиши ва ҳақоратга бош эгмаган „рицар“ қаторида турган ажойиб, мард қаҳрамонлар кўп. Улар ҳаётида, ички дунёсида қарама-қаршиликлардан холи бўлмаса ҳам, ўзларининг ички кучлари, эътиқоди, гражданлик гемпераменти билан бизни мағтун этади“¹.

Повест ёзувчининг кўпчилик қиссаларида сингари табиат лавҳаларига бўлган муносабат ва қарашларни ифодаловчи манзаралар билан бошланади.

Оқжардаги тепаликда бир-бири билан ёнма-ёни турган иккала катта қўш теракнинг „кун-тун япроқлари дириллаб, чай-қалған учлари бир-бирлари билан ўпишиб, ўзини минг кўйга солиб шовуллаши“ боланинг хаёлинни банд этади. Ёшлик кезларини: „умрининг энг ширин орзуларини“ табиат қўйнида, шу тераклар остида ўйнаб ўтказган рассом бола (яъни ёзувчи) табиатнинг шукуҳий манзараларидан беҳад завқ-шавққа тўлади. Кейинчалик шу теракларни ким, қандай қилиб, қайси умид билан ўстирганини бсихтиёр ўйлаб кегади. Яна бунинг устига одамларнинг шу қўши тераклар қад кўтариб турган жойни „Дуйшенинг мактаби“ деб аташлари унинг бу воқеа „сир-асоридан воқиф бўлишига“ сабаб бўлади. Асадлаги барча воқеалар

¹ Барабаш Ю. Высокие цели творчества. „Правда“, 26 февраль 1965 г.

„қандаілір хосиятли, қандайдир сир сақлааб турған ана шу шукухли қүш тераклар“ ва Дүйшәннинг мактаби билан узвий боелиқ ҳолда тасвирланади.

Рассом бола Дүйшәнни унча яхши билмайди. Дүйшән комсомолга ўтиб, мактаб очиб болаларни ўқитган, колхозда мироб бўлиб ишлаган, кейинчалик почтачилик қила бошлаган, „баланд бўйли, бургут қовоқ, салобатли одам“ бўлган; „...соқолига оқ кирган, қайсар отига кучи стмаган ҳалиги расмана одамнинг бир замонлар қандай қилиб комсомол бўлганини, хатсаволи бўлмаса ҳам биринчи бўлиб мактаб очиб, болаларни қандай ўқитиб, қандай ўқитувчи бўлгани“ни бола ўзича ҳечам тасаввур эта олмайди (2-жилд, 45-бет).

Орадан бир неча йиллар ўтиб, урупдан сўнг шу овулда мактаб очишиши муносабати билан тантанали байрамга тўплана дилар. Бола „Дүйшән мактаби“ деган гапнинг ўзига хос тарихи бор эканлигини тасодифан шу йиғилишида билиб қолади. Янги мактабнинг очишишидаги тантанали йиғилишига ёшлигини шу овулда, шу мактабла ўқиб ўтказган ва кейинчалик машхур олим, академик бўлиб стишган Дүйшәннинг шогирди Олтиной Сулаймонова ҳам таклиф этилади. Янги замонавий мактабнинг фахрий китобига Олтинойнинг номи биринчи қилиб ёзib қўйилади. Тантанали йиғилиш муносабати билан йўлланган табрик телеграммалари ҳаммани қувонтиради. Кимнингдир гап орасида: „Хой, буни Дүйшән қария олиб келлими?“ деб сўраб қолиши барчанинг диққатини жалб этади ҳамда бутун бир воқеанинг ечилишига туртки бўлади. Аниқроқ қилиб айтганда, мактабда ўтказилаётган тантанага мазкур мактабни очган биринчи муаллим Дүйшәнни таклиф этишини унутиб қўйишида. Бу воқеани муаллиф, юқорида айтиб ўтганимиздек, шу мактабда саводини чиқарган, қирғиз аёллари орасидан етишиб чиқсан биринчи олима, академик Олтиной Сулаймонованинг изтиробли мулоҳазалари, оддий меҳнаткаш инсоннинг хурматини жойига қўйиш масъулияти ҳақидаги ўй-кечинмалари орқали ғоят таъсирчан қилиб тасвирлаган.

Биринчидан, бу йиғилишга собиқ ўқитувчи Дүйшәннинг таклиф этилмаганлиги Олтинойни қаттиқ ранжитган бўлса, иккинчидан, бунинг устига „Дүйшәннинг мактаби“ хусусида гап кетиб, у тўғрида ҳар ким ҳар хил гапларни айтиб, масхара

қилишлари унинг иззат-нафсига тегади, тоқатини тоқ қилади. Олтиной хижолат тортганидан лабини тишлаб, қизарип кетади...

Кейин меҳмонлар өшикка, сайри-гашт қилишга чиққанларида Олтиной Сулаймонова ҳам бир чеккага ўтиб, ботишга таралуултаниб кузги даланинг четига чиқиб олган қип-қизил қўёш нурларининг шамол таъсирида чайқаластган теракларнинг учучларига тушиб мавжланиб турганига дарду алам билан бир нафас термулиб қараб турди-да, „ҳар бир жониворнинг баҳори ҳам, кузи ҳам бор“, деди ва „яна бир нарса айтгиси келди-ю, бирдан қўлида ушлаб турган кўзойнагини тақиб“, кетишга чоғланди. Асар сюжети шу тарзда давом этиб, китобхон эътиборини дарҳол ўзига тортиб олади.

Асар воқеалари ва унинг марказий қаҳрамони Дуйшэн саргузаштлари собиқ ўқувчи Олтиной Сулаймонова тилидан ҳикоя қилинади. „Қадрдон иним, шошилинч зарур ишларим бўлса ҳам ҳаммасини йифишириб қўйиб, шу хатни ёзмасликка иложим бўлмади. Агар шу хатда ёзгандарим сизни қизиқтирса, шу ҳикоятимни халойиққа стказиш устида ўйлаб-мулоҳаза қилиб кўрсангиз, деб илтимос қиласман. Бу фақат бизнинг овулдошларимизга эмас, ҳаммага, айниқса ёшларга ибрат бўлар, деб ўйлайман. Мен кўп хаёл кўчаларига кириб чиқдим, охири шу фикрга келдим. Бу — менинг шунча замонлардан бўён юрагимда сақлаб юрган сирим. Қанча кўп одам бу сирдан воқиф бўлса, ўзимни шунчалик баҳтиёр деб биламан, виждан азобидан шунча кўп хаолос бўламан. Мени уятга қўярмиканман деб хижолат ҳам бўлманг. Ҳеч нарсани яширмай очиқ ёзинг...“ Бу иззат-икромлар менга эмас, бошқа бир зотга аталиши керак эди, янги мактаб очиш маросимида мен эмас, бошқа бир зотни тўрга ўтказиш лозим эди. Бунга ҳаммадан аввал фақат биринчи муаллимимиз, овултимизнинг мўътабар қарияси Дуйшэннинг ҳаққи бор эди. Ҳолбуки бунинг акси бўлди. Биз ҳаммамиз тўкин дастурхонда меҳмон бўлиб ўтиргидиг-у, бу бебаҳо одам шу улуғ айём куни ҳам почтачилигини қўймай, бир замонлар шу мактабда ўқиб одам бўлгани талабаларнинг юборган табрик телеграммаларини мактабнинг очилиш вақтига етказиш ташвишида юради“ (2-жилд, 50—94-бетлар).

Асарда тасвир этилган воқсалар 1924 йилда юз беради. Дуйшэн аслида овулдан дом-дараксиз йўқолиб кетган темир йўл

ишичиси Тоштандекнинг ўғли. Етимликни бошидан кечирган Дүйшэн дунманга қарши рус сафдошлари билан биргаликда курашади. Тинч ҳаётга қадам қўйилгач, ўз фаолиятини ўқитувчиликдан бошлайди. Комсомол йўлланмаси билан Оқжарга келиб ўқиш-ёзиш нималигини билмаган қишлоқ ахолисига саводсизликни тугатиш йўлидаги дастлабки тадбирларни амалга оширишига сенг шимариб киришади. Ўша кезларда ҳоким гурӯҳлару бой-бойваччаларнинг тазиқидан чўчиб қолган авом ҳалқ унга ишонқирамай қарайди. Айниқса, эскилил иллатлари қонқонига сингиб кетган Ўрта Осиё ҳалқлари учун ўқиб билим олиш мушкул бўлган бир пайтда Дүйшэннинг мактаб очиб, болаларни ўқитиш ҳақидаги гапларига кишилар менсимай қарайдилар. У комсомол йўлланмаси билан юборилганини айтиб мурожаат қилганда саводсиз овлул одамлари унга кўмаклашиш у ёқда гурсин, анчайин пул тошишнинг бир йўли деб қарайдилар: „Сен йигитча дейман, мактаб очаман деб мунча чиранасан. Биз кетмон чопиб кун кўриб юрган деҳқонмиз, энди болаларимиз ўқиб амалдор бўлишармиди. Кўпам бошимизни қотирма“ дейишса, бошқа бирорлар: „Ҳа, майли жуда бола ўқитгинг келиб қолган бўлса, ўқитавер, лекин бизни тинч қўй!“ — деб уни одам ўрнида кўрмай, ҳатто хўрлаб-ҳақоратлайдилар. Ўрта аср анъаналарига кўра зулм, ҳақсизлик ҳукм сурган даврда, кишилар ўзларининг тор шахсий манфаатлари қобигига ўратиб яшаетган овулда Дүйшэннинг пайдо бўлиши буюк воқеа эди, албатта.

Дүйшэн қатъиятли, тиришқоқ, метин иродали заҳмагкаш йигит бўлганлиги учун ҳам келажакка зўр ишонч билан қарайди, ўз ишини жон-дилдан севади, қандай бўлмасин, овулдошларининг камситишу ҳақоратларига қарамай, уларнинг болалари учун илм-ирфон зарурлигини, „улут мартабали кишилар бўлиб етишиши“ни сабр-тоқат билан тушуниради, жонбозлик кўрсатади.

У барча юмушларни бевосита ўзи сидқидилдан бажаради. Култепадаги бойнинг ташланлиқ отхонасини бир амаллаб мактаб ҳолига келтиради, синф хоналарини жиҳозлайди, печкаларни тартибга солади, қишига ўтии ҳозирлайди, ҳатто вайронна ҳолига келган бойнинг саройи атрофига тераклар ўтқазади, уйма-уй юриб, овулдошлари болаларини ўқишга жалб этиш учун

розилигини олали, оёқ яланг, бош яланг болатарни қишида сой кечиб, сув тошқинида бирини елкасида, бирини қўлида кўтариб келиб ўқитади. Яна уйларига элтиб қўяди. Хуллас, ҳаммажамаси унинг зиммасида эди. Ҳа, одатдагидек мактабга кириб „Салом, болалар!“ дейиш Дуйшэнга осон кечмади. Ҳа, қолаверса биринчи муаллимнинг ўзи ҳам чаласавод эди. Ахир, ўша кезларда саводли қирғизни топиш осонмиди? Аммо шунга қарамай сомоншувоқ қилинган эски отхонада Дуйшэннинг қирғиз мактаби ўз фаолиятини бошлайди. Айни шу мактабда келажак сари отланган тиришқоқ қизча, кейинчалик эса машҳур олима, академик бўлиб ном таратган Олтиной Сулаймонова ўз ҳаёт йўлини бошлайди. Олтинойнинг саргузаштлари, ҳаёт йўли ўтмишдаги минг-минглаб қирғиз аёлларининг тақдирини ўзила мужассамлаштирган.

Дуйшэн армияда „оқлар билан урушганларини ҳикоя қилганда, биз ҳам хаёлимизда у билан ёнма-ён туриб жанг қизигандек бўлардик“, деб ҳикоя қиласди Олтиной. „Бунга ҳозир ақлим етиб турибди, лекин булар ўша кезлари биз, Дуйшэн шогирдлари учун она сути оппоқ бўлганидек равшан ҳақиқатлар эди“. Демак, Дуйшэн ўша оғир ва мураккаб даврларда овулдаги болалар қалбига маърифат олиб киради, ўзининг қайноқ қалб кўрини болаларга баҳшида этади. Натижада у эккан уруғлар ўсиб ниҳолга айланади; уриш, сўкишдан бошқани эшитмаган овул болалари тез кунда ўзларини бутунлай янги бир оламга кириб қолгандай сезадилар. Биринчи муаллимнинг севгиси ва орзула-ри ҳам шунида эди.

Шуни айтиш керакки, ёзувчи унибу қиссасида ҳам худди аввалти асарларидаги каби ўзи кўрган-билган, бевосита гувоҳи бўлган, бошидан кечирган воқса-ҳодиса ва одамларнигина қаламга олади. Повестнинг муваффақиятини таъмин этган муҳим омилларнинг бири ҳам асарда тасвир этилган тарихий давр, айниқса, қирғиз халқининг миллий психологияси, турмуш тарзи ва тил хусусиятларини атрофлича ўргангани, чуқур билишибдир. Бу хусусият қиссанинг бутун мундарижасида, ёзувчининг даврга хос характерли манзара ва лавҳаларни топа олишида яққол кўзга ташланади.

Муаллиф ҳикоя қилишни биринчи шахс томонидан олиб борар экан, ифода воситалари сифатида ўхшатиш, сифатлаш,

қиёслаш, ҳикматли сўзлару рамзлардан усталик билан фойдаланали ва улар ёрдамида олижаноб фазилатларга эга бўлган маънавий баркамол образлар яратишга муваффақ бўлади.

„Биринчи муаллим“ повестида гарчи 20-йиллар ёшлари нинг ўзига хос қаҳрамонлиги ҳикоя қилинган бўлса-да, ундаги Дуйшэн образи ҳозирги ёшларимизнинг маънавий, ахлоқий қиёфаси ҳақидаги тасаввуримизга мос келади ва ўз навбатида, асарнинг замонавийлигини оширади.

Кунлардан бирида Олтинойнинг холаси унинг ўқишини ноxуш кўриб, турмушга чиқишига ундаиди. Ўша кезларда Олтиной ўн тўрт ёшлардаги стим қиз бўлиб, амакисининг қарамоғида яшарди. Кенойиси шўрлик қизга эрк бермайли, чўри қизлар каби азоблайди, ҳақорат қилади, таҳқирлайди, туну кун оғир ишларни бажаришга мажбур этади, ҳатто дўппослашгача бора-ли, турли йўллар билан бўлса-да, мактабдан уни узиб олиш пайида бўлади:

— Худонинг балоси, итвачча! Мактабда киминг бор? Ўлигинг қолса бўлмасмиди шу мактабда! — Кенойим қулогимни бураб ура кетди, — итвачча, етимча! Бўрининг боласи ўлганда ҳам ит бўлмайди! Одамларнинг болалари даладан уйга ташиса, сен уйдан далага ташийсан! Мактабингни бурнингдан булоқ қиласман... Қараб тур ҳали. Иккинчи оёқ босганингни кўрсам, илигингни синдираман... Қани мактабдан оғиз очиб кўр-чи!“ (2-жилд, 57-бет.)

Эртаси куни дарс ўтилаётган пайтда қўлларида сўйил ушилаган жоҳил, эскилиқ ботқоғига ботган бир гуруҳ кимсалар мактабга бостириб кириб, кутимаганди мўр-малаҳдай Дуйшэнга ташланадилар. Унинг қўлинини синдириб, қора қонга белаб, ўлар ҳолатга келтириб дўппослайдилар. Олтинойни эса зўрлик билан ўтовга олиб кетиб, мажбуран бойга топширадилар. Ўн беш ёшила номусидан жудо этилиб хўрланган қиз Дуйшэн билан икки милиционер кўмагида юзи қаро одамфурушлар чангалидан озод этилади. Шунда Олтиной Дуйшэннинг оти ёлига юзини қўйиб, йиги билан зардобга тўла кўнглини бўшатмоқчи бўлади. Дуйшэн эса аламли кўзлари билан унга боқиб, меҳрибонлик билан, ҳаммасини унут, зинҳор хаёлингга келтирма. Чўмилиб ол, енгил тортасан, деб унга совун узатади. Бу эпизод қиссада Олтиной тилидан гоятда табиий ва жонли бўёқларда ҳикоя қилинган.

„Хўп дегандай бош иргадим. Дуйшэн нари кетиб, кўринмай қолган эди, ечиндим, сескана-сескана сувга тушдим. Оқ, кўк, қизил, яшил тошлар сув тагидан менга кўз ташлаб қараб туришарди. Кўм-кўк, тошқин сув тўлқини тўтиғимга келиб урилиб нималарнидир вижирлаб гап очди. Ҳовучлаб сув олиб кўкракларимга сепдим. Баданимдан музлай сув оқиб тушганини кўриб шунча кундан буёи бириччи дафъа беихтиёр кулиб юбордим. Яйраб-яйраб кулдим! Яна анчагача устимга сув қуийб турдимда, кейин сувнинг чуқур жойига ўзимни ташладим. Сув оқими бир зумда мени яна сасз жойига олиб чиқиб қўйди, мен бўлсан яна ўрнимдан туриб, ҳадеб ўзимни қайнаб, кўпикланиб турган оқимга отаман.

— Сувжон, шу кунларнинг ҳамма шалтоқ, ифлосларини ювиб кет! Мени ўзингдай пок ва мусаффо қил! — леб шивирлаб, ўзимдан-ўзим куламану, лекин нимадан кулганимни ўзим ҳам билмайман...“ (2-жилд, 85-бет).

Олтиной олижаноб инсон Дуйшэнни жон-дилдан севали, ҳурмат қиласди, унга юксак эътиқод қўяди. Дуйшэн ҳам, ўз навбатида, Олтинойни юксак қадрлайди, унинг бу ҳолатга тушишини сира-сира тасаввур эта олмай қаттиқ изтироб чекали ва эски урф-одатлар гирдобидан тортиб олиб ҳар қандай шароитда ҳам унга раҳнамолик қиласди, нурли манзил сари етаклашдан толмайди. Бунинг учун унинг ўзи ўлар ҳолатга келтириб қалтакланади. Дуйшэн ниҳоят уни шаҳарга ўқишга жўнатади. Дуйшэн шогирди Олтинойнинг истеъодди қиз эканлигини яхши билганлиги учун ҳам унинг яна ўқишини давом эттиришига кўмаклашади. Натижада Олтиной рабфакии битиргандан сўнг, Москвага ўқишга юборилади. Пировардила, оддий қирғиз асли машаққатли меҳнати туфайли фаннинг юқори чўққисига, йирик олима, академик даражасига қўтарилади.

Ч. Айтматов бу кичик қиссада Олтинойнинг ҳам ташқи, ҳам ички гўзаллигини маҳорат билан тасвирлаб бера олган. Разил кимсалар чангалига тушиб қолган Олтиной шулдай хитоб қиласди: „Тўқол нима деган одам бўлли! Бир умр ёруғ дунёни кўрмаган шўрлик Тўқол... Ҳам жисми, ҳам қалби қул иккинчи хотиндан ҳам ёмон хўрликка гирифтор бўлган одам зоти бормикан бу дунёда!.. Қўзғалинг тубанликка маҳкум этилганлар гимсоли, инсонийлик қадр-қимматидан маҳрум этилган аёллар, қўзғалинг!

Кўзғалинг жафокашлар, ўша даврнинг зулматлари қўркувдан титраб қалтирасин! Бу сўзларни мен айтаяпман, ораларингда бу қисматни сўнгти бор ҳатлаб ўтган аёл айтаяпти!“ (2-жилд, 82-бет.)

Шу парчанинг ўзиёқ Олтинойнинг маънавий жиҳатдан ниҳоятда гўзаллигини далиллайди. Биринчи муаллимнинг доно маслаҳатлари Олтинойни доимо олга интилишга, ўз ўрнини топиб олишга, ҳақиқий чинакам инсон бўлиб яшашга чорлайди. Олтиной умр бўйи ундан мадал олади, қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтади. Шундай қилиб, Олтиной образи қирғиз аёлининг ахлоқий поклигига ва ҳақиқий инсоний фазилатларга, садоқатга чуқур ишонч руҳи билан суғорилган. Олтинойнинг тақдири ва унинг интилишлари Дуйшэн образи билан ҳамоҳангликда асар асосини ташкил этади. Олтиной образини яратишдан яна бир мақсад Дуйшэннинг юксак инсоний фазилатларини ёрқин ва қабартиб кўрсатиш эди.

Дуйшэн ўқитувчилик фаолиятидан кеттандан сўнг ҳам бариб жамиятда ўз ўрнини йўқотмайди — сувчи-мироб, сўнгра хат ташувчи бўлиб ишлайди. Кундатик ҳаёт ташвишлари Дуйшэн ва Олтинойни турли томонларга ажратиб юборган бўлсада, улар қачонлардан бери қалбларида ниш уриб, юксалиб борган пинҳоний соф севги туйғуларини кўз қорачигидек ўзларидаги сақлаб қолдилар. Бу жиҳатдан улар беҳихтиёр „Жамила“ повестиаги Жамила ва Сеит образларини эслатадилар. Демак, мазкур асарда ҳам Жамила билан Сеит ўртасидаги сингари пинҳоний севги туйғулари фоятда жонли ва жозибали гасвирланган.

Тўғри, Дуйшэн Олтинойни жон-дилдан севади. Агар у ўз бурчини упутиб, ҳис-туйғуларга эрк берганда Олтиной билан бир умрга баҳтиёр ҳаёт кечириши ҳам мумкин эди. Аммо ўз ишига — маориф ишига ўзини фило этган, бутун борлигини унга бағишлиган муаллимнинг имон-эътиқоди буни эп кўрмайди. Аксинча, у ўз севгисини маслагига курбон қиласди. Бошқача таъбир билан айтганда, унинг нигоҳи янада улкан ишларга — келажакка қаратилган эди: „— Сени бир умрга ёнимдан силжитмасдимку-я, Олтиной, — деди у. — Лекин, нима қиласай, сени ўқишдан қолдиришга ҳаққим йўқ-да. Ўзим ҳам унча са-

водли эмасманки... Нима бўлганда ҳам, ўқишига кетганинг маъқул! Ўқиб яхши ўқитувчи бўласан, мактабимиз эсининг тушган кезлари ҳали роса куларсан ҳам... Майли илойим, тиляган тилағимга етказсин...

Шу орала дарани янгратиб узоқдан паровоз овози ёшитилди, поезд чироқлари ҳам кўриниб қолди. Станциядаги одамлар юкларини кўтариб қимиirlаб қолишли.

— Ана, ҳозир энди жўнаб кетасан! — деди титроқ овоз билан Дуйшэн, қўлимни қаттиқ сиқиб. — Бахтли бўл, Олтиной, ўзингга эҳтиёт бўл, ишқилиб ўқиш пайдан бўл...

Бир жавобга ҳам тилим бормади, кўз ёшларим бўғиб қўйганди.

— Йиғлама, Олтиной, — деб Дуйшэн кўз ёшларимни артиб қўйди-да, тўсатдан бир гап эсига келиб: — Анави биз эккан теракчаларни, Олтиной, мен ўзим парвариши қиласман. Омон бўлсанг, катта одам бўлиб келганингда, бўй чўзиб чиройли бўлганини кўрасан ҳали” (2-жилд, 86—87-бетлар).

Дуйшэн образи муаллиф томонидан онгли равища идеаллаштирилган. Дуйшэн ёзувчининг олдинги асарларидағи қаҳрамонлар билан таққосланганда Айтматов учун мутлақо янгиликдир. Бошқача таъбир билан айтганда, ёзувчининг олдинги асарларидағи қаҳрамонлар шаклланиб борувчи шахслар сифатида берилган бўлса, „Биринчи муаллим“ қиссасидаги Дуйшэн образи тайёр ҳолда, шаклланган ҳолда берилади ва унинг ўзи кишилар ижтимоий онгини шакллантирувчи, уларни камолот сари етакловчи образ сифатида гавдалантирилади.

Қаҳрамон китобхон кўз ўнгидаги айнан кўринмайди, балки уни билган, иш жараёнида кўрган овулдошларининг, масалан, унинг ўқувчиси, лаврлар ўтиб эндиликда улкан файласуф, академиклик даражасига етган Олтиной Сулаймонова сингари кишиларнинг Дуйшэнга бўлган мунюсабатлари орқали чизилади.

„Биринчи муаллим“ қиссаси сўнгига ёзувчи бутун асар мазмунини куйидагича якунлайди: „Тоғларда шундай чашмалар бўладики, янги йўл очилса, бу чашмаларга элтадиган сўқмоқ йўллар эслан чиқиб кетади, сувсагандан йўлдан бурилиб борадиган йўловчилар тобора камаяди, шу билан бу чашмаларни ялпиз ёки наъматак босиб кетади. Кейин бора-бора йўловчилар кўзига кўринмай ҳам қолади. Бундай чашмалар онда-соңда би-

ронтанинг эсида қолиб, жазирама иссиқ кунларда ташналиги-ни қондириш учун йўлдан бурилиб, чашма бошига борса борар. Йўловчи келади-ю, ўт босиб кетган чашмани қидириб топади. Гиёҳтарни авайлаб очади-ю, ҳайратидан „оҳ!“ леб юборади: аллақачонлардан буён ҳеч ким лойқалатмаган, муздек булоқ сувининг тиниқлиги ва чуқурлигини кўриб ҳайратда қолади, булоқда у ўзини ҳам, қуёшни ҳам, осмонни ҳам, тоғ-тошларни ҳам кўради... Кўради-ю, шундай жойларни билмаслик гуноҳ, ёр-биродарларни ҳам бундан хабардор қилиш керак, леб кўнглидан ўтказиб қўяди. Шундай леб ўйлади-ю, янаги сафаргacha ўзи ҳам эсидан чиқариб қўяди.

Баъзан ҳаётла ҳам шундай бўларкан, шунинг учун ҳам бунинг оти ҳаст бўлса керак...“ (2-жилд, 93-бет).

Хулоса қилиб айтганда, Дуйшён ўтган асрнинг ўттизинчи йиллари мактабининг биринчи пойдеворини қурган отапқалб фахрийлардан бири. Йиллар, даврлар ўтадики, Дуйшэн муаллимларнинг босиб ўтган шонли йўли: меҳнатдаги жасорати, таратган зиёси мангу ўчмайди. Бизнинг бу куни ҳаётимизда, тараққиётимизда, маорифимизнинг гуллаб-яшнашида ҳам дуйшэнларнинг қалб қўри, кўз нури, юрак қони бор. Қиссадаги Олтиной, Дуйшэн каби образлар ёш авлодни ҳар томонлама стук, баркамол ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

КАМОЛОТ САРИ

Айтматов сўзининг қудрати ҳаёт ҳақиқатида ва юксак ҳалқ-чиллигидадир. Чингиз Айтматов йирик сўз устаси сифатида ҳаётни бутун бойлиги, мураккаблиги билан жонли бўёқларда тасвирлаб, китобхонлар қалби ва тасаввурини забт этади.

Алиб XX—XXI аср муаммоларидан ҳеч қачон четла турмади. Унинг асарлари урупига қарши кучли айбномадир. Буни, айниқса, унинг романтик-символик услубда ёзилган „Сомон йўли“ (1963) қиссасида яққол кўриш мумкин. Қиссада тарихнинг энг ҳаяжонли, энг даҳшатли воқеаларидан бири — Иккинчи жаҳон уруши воқеалари тасвирланган. Севимли Ватан учун, ҳалқ учун жонини фидо қилиш, ср юзидаги энг олий, энг мўътабар зот — инсоннинг мангу барҳаётлиги учун кураш қиссанинг асосий лейтмотивини ташкил этали.

Азал-азалдан маълумки, ҳар қандай бадиий асарни баҳолашда маъно-мазмуни ва бадиий савия асосий мезон бўлиб келган. Шу нуқтаи назардан қараганда „Сомон йўли“ қиссаси ҳалқнинг ўлмас руҳиятини, қадриятларини, миллий ўзига хослигиги, ва ниҳоят, бебаҳо тил бойлигини мужассам этолган ҳақиқий реалистик санъатнинг ёрқин намуналари сирасига киради.

Асарнинг ижтимоий-фалсафий мазмуни бош қаҳрамон Тўлғаной образида мужассамлангган. Тўлғаной ҳаётга гўзаллик бағишловчи инсон. Бу жиҳатдан у одамзодга ризқ-рўз берувчи она-Ер билан қондош, жондош. Инсон ҳастининг икки таянчи — Она ва Ер биргаликда гўзалликни кўз қорачиғидек сақлаб, урунга, ўлимга қарши курашадилар, одамларни тинч-тотув яшаб, Ерни, онани эъзозлашга даъват этадилар.

Реалистик санъатнинг ёрқин намуналаридан ҳисобланган бу асарда ҳастнинг ўзи бадиий новаторликнинг манбай сифатида намоён этилган. Унда шахс ва ижтимоий бурч, эскилил билан янгилик ўртасидаги муросасиз кураш, меҳнатга муҳаббат, севги ва дўстга салоқат каби муҳим мавзулар кескин конфликтларда, кучли драматик вазиятларда ҳаққоний ифода этилган. Ёзувчининг бошқа асарларидан кескин ажралиб туралиган мазкур қиссасида воқеаларнинг йўналишни ва ривожланиш жараёни Тўлғаной билан она-Ер ўртасидаги символик, айни чоғда самимий инсоний савол-жавоблар асосига қурилган. Бунда соғ ижтимоий ҳодисаларнинг мазмуни муқаддас момо Ер билан Она образлари тилидан баён қилинishi ўзгача маъно касб этади.

„Юзма-юз“ни истисно этганда ёзувчининг дастлабки асарларининг ҳаммасида воқеа асосан қаҳрамон тилидан ҳикоя қилинади. „Жамила“, „Бўтакўз“, „Сарвқомат дилбарим“, „Сомон йўли“ қиссалари шу услубда ёзилган. Бу усул асардаги бошқа қаҳрамонларнинг ички дунёсини очишда, воқеаларни кўламлироқ ифодалашда қийинчилик түғдирмайдими деган саволга муаллиф қуйидагича жавоб қайтаради:

„Ижодла мен хилма-хил усулларни синааб кўрлим, — деб ёзган эди муаллиф, — чиндан ҳам асар воқеаларини қаҳрамон тилидан ҳикоя қилиш бош қаҳрамондан бошқа персонажларнинг ички дунёсини чуқур очишга тўсқинлик қиласди. Воқеалар муаллиф тилидан ҳикоя қилинганда, салмоқли гаплар айтиш-

га, ҳаётни истаганча қамраб олишга имкон яралади. Лекин ада-биётда беҳисоб воситалар борки, асар воқеалари қаҳрамон тилидан ҳикоя қилинган тақдирда ҳам ёзувчи ундан унумли фойдаланиши мумкин. „Сомон йўли“да воқеаларни ҳикоя қилиш тарзи тақозо этилган ана шундай усувларнинг биридан фойдаланганиман. Бу — момо Ер билан Онанинг сўзлашувирид...¹

Асар қаҳрамонлари — Тўлғаной, Сувонқул, Қосим, Жайноқ, Майсалбек, Алиман сингари гўзал қалб эгалари бутун фаолиятлари, интилишлари билан ўзларига ҳам, ўзгаларга ҳам манфаат етказувчи кишилар сифатида талқин этилган. Улар халқ ҳамда Ватан олдидағи юксак бурчларини чукур ҳис этадилар. Эзгулик, инсонга чексиз меҳр-муҳаббат уларнинг муқаддас шиоридир.

„Сомон йўли“ қиссасининг асосий қаҳрамонлари бир хил маслак, бир хил ғоядаги кишилар бўлиб, улар том маънода индивидуаллаштирилган. Бу эса муаллифга ранг-баранг образларни яратиш имконини берган. М. Горький ёзади: „Ёзувчи ўз қаҳрамонларига айнан жонли кишиларга қарагандек қараши керак, уларнинг жонли бўлишлари учун эса ёзувчи ҳар бир қаҳрамоннинг нутқида, ҳаракатида, жуссасида, юзида, жилмайиншида, кўз ўйинида ва ҳоказоларда характеристли, ўзига хос оригинал хусусиятларни қилириб топиб, таъкидлаб кўрсатиши, қайд қилиши зарур. Буларнинг ҳаммасини қайд этиш билан ёзувчи тасвирлаган нарсаларини китобхон кўз ўнгига тўла гавдалантира олади. Мутлақо бир хил одамлар бўлмайди, ҳар бир кишининг ички қиёфасида ҳам, ташқи кўринишида ҳам қанлайдир ўзига хослик бўлади“².

Англашилляптики, қиссалаги Тўлғаной, Сувонқул, Қосим, Жайноқ, Майсалбек, Алиманларнинг ҳар бири ранг-барант қиёфалари — хатти-ҳаракатлари, ёши, руҳияти, қувончу аламлари, сўзлаш услуби, бир сўз билан айтганда, ички ва ташқи олами билан кескин ажralиб турадилар ва китобхонлар хоти-

¹ Чингиз Айтматов. Ёзувчи ва замон. Қаранг: Адабиёт ва замон. Тошкент, Faфур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашириёти, 1981 йил, 330-бет.

² М. Горький. Адабиёт ҳақида. — Т.: Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёги, 1962 йил, 108-бет.

расида узоқ сақланиб қоладилар. „Эрта қайтган турналар“, „Соҳил ёқалаб чопаётган олапар“ қиссаларидағи бир гоя, бир мақсад йўлида курашган қаҳрамонлар хусусида ҳам шуни айтиш мумкин.

Қиссанинг бош қаҳрамони Тўлғаной образи ўзининг оригиналлиги, интеллектуал бойлиги билан ёзувчининг бошқа қаҳрамонларидан кескин ажralиб туради. Тўлғаной Саила, Жамила ва Олтинойларининг тажассуми сифатида вужудга келадики, бу Айтматов ижодида ўзига хос бир босқични ташкил этади. Саида, Жамила ва Олтиной ўзларининг шахсий баҳтлари ҳамда юксак инсоний муҳаббатлари учун курашган бўлсалар, Тўлғаной миллий характер доирасидан чиқиб, ўзида умумбашарий хусусиятларни акс эттирувчи қирғиз аёлининг ҳақиқий образи сифатида гавдаланади.

Асар диалог шаклида ёзилган бўлиб, у Тўлғанойнинг она-Ер билан бўлган сұхбатидан бошланади ва шу билан тугалланаади. Бошқача айтганда, муаллиф асарда меҳнаткаш деҳқон билан она-Ер ўргасидаги азалий муносабатларни донишманчаларча талқин этади. Асар қаҳрамони Тўлғаной қалbidаги чексиз дард-аламларни она-Ерга изҳор этади, она-Ер эса, ўз навбатида унинг изтиробларини чуқур ҳис этади, матонатли аёл кечмишининг гувоҳига айланади. Тўлғаной ва она-Ер бир-бирларига жуда ишонишади ва бир-бирлари билан сирлашишади. Чунки замин ва деҳқон бир-бири билан табиий, узвий бирликлалир. Тўлғанойнинг она замин билан қиёсланиши, юқорида қайд этиб ўтганимиздек, албатта, рамзий маънога эга. Асарнинг композицион қурилиши ҳам бир оз ғалати туюлса-да, муаллиф ўзининг реалистик услубидан ческинмайди, балки ўз истеълоди, новаторлигини асослайди. Гап шакл устидагина кетаётгани йўқ, албатта. „Сомон йўли“ ўзининг катта гояси, чуқур гуманизми билан уруп ҳақида, урупга қарши чексиз нафрат руҳида ёзилганлиги билан ёзувчи ижодида алоҳида ўрин тутади.

Ч. Айтматов асарларида воқса кўпинча муаллиф тилидан эмас, балки қаҳрамон тилидан (масалан, „Жамила“да ёш бола Сеит, „Сарвқомат дилбарим“да шоффёр Илёс, „Бўтакўз“да навқирон йигит Камол, „Байдамтол соҳилларида“да механик Нурбек, „Сомон йўли“да Тўлғаной тилидан) ҳикоя қилинади. Муаллифнинг маҳорати шунлаки, у қайси бир образ тилидан ҳикоя

қиласттан бўлмасин, ўша образнинг қиёфасига киради, ўзини унинг вужудига сингдириб юборади. Ўқувчи муаллиф билан ҳикоя қилувчи шахс ўртасидаги гафовутни мутлақо сесмайди. Ёзувчи ҳар бир образ ва персонажнинг ўзига хос сўзлар, фикрлар, ҳаракат қилиш, психологик намосен этиш, индивидуал услубини яратиш билан қаноатланиб қолмай, балки асарда воқеаларни тасвирлашнинг умумий, муаллиф услубини ҳам бош қаҳрамоннинг нутқ услубига бўйсундирган. Масалан, „Сомон йўли“да бадиий тасвирлаш услуги асарнинг бош қаҳрамони бўлган кекса аёлининг ҳикоя қилиш тарзидан шаклланади. Асарла тасвирланган воқеа-ҳодисалар унинг кўз қарашларидан рангбўй олади. Зотан ҳаёт фалсафаси, яшаш ва кураш тасвири кекса оқила она тилида ўзгача маъно касб этали.

Қиссада Иккинчи жаҳон уруши йилларида мамлакат ичкарисида, хусусан, қирғиз овулларида юз берган даҳнатли ҳаёт манзаралари, оддий қишлоқ аёли бўлган Тўлғанойнинг босиб ўтган оғир йўли, меҳнатдаги жасорати умумлаштириб берилган. Асарда Тўлғаной характеристири ўзига хос характерли нуқталарда инкишоф этилади.

Тўлғаной „яланг оёқ“, „яланг бош бир қашшоқнинг қизи“ бўлиб, меҳнат қўйнида ўз бахтига эришганлигини ҳикоя қиласди. Муаллиф оддий қирғиз аёлининг колхозда ўз бахтини пешона тери билан топганини қизиқарли эпизодларда кўрсатади. Тўлғаной Сувонкул билан танишиб, янгича ҳаёт қуришади. Улар жамоа қучоғида тарбияланадилар, лекин уларнинг бахти кўпга ҷўзилмайди, ҳамма гап ана шунда.

Ўғли унга: „Она, уруш бошланибди!“ деганида, „Уруш? Уруш дейсанми?“ лейди. „Бу сўзни мен ҳеч қачон эшиитмагандек, унинг маъносини тушунмагандек, яна қайтариб сўрадим ва ниҳоят юрагимда пайдо бўлган қўрқинчдан нафасим қиси-либ, йиғлаб юбордим“. Шу йўсинда қаҳрамон нутқида, хилмакил эпизолларда, тафсилот ва чизгиларда Тўлғаной характеристири нозик қирралари аста-секин очила боради.

Тўлғаной ўз фарзандларини ҳамда бирлан-бир суюнчиғи ва маслакдоши Сувонқулни бирин-кетин урушга жўнатади. Эрининг ўрнига ўзи бригадирлик вазифасини бажаради. Энди у тонг саҳардан шом қоронғусигача кўпинча, отдан тушмай жамоат ишлари билан банд бўлади. Умр йўлдошини, суксурдай учала

фарзандларини урушга жүннатар экан, уларнинг барчаси фронтда ҳалок бўлгандан сўнг ёлғиз келини билан ҳаёт кесиради. Муаллиф бу икки бева қолган аёлларининг бир-бирига муҳаббати, меҳрибонлиги, самимий муносабатларию руҳий кечинмаларини foятла таъсирли, чукур драматизм билан ёритган... Орадан кунилар ўтади. Алиман овулга аллақаёқлардан келиб қолган чўпон йигит билан илакишиб, охир-оқибатда тўлғоқ пайтида ҳаётдан кўз юмади. Тўлғаной бўлса бола — Жонбулат билан бирга қолади ва ўзининг олижаноб бурчини охиригача адо этади. Янги ҳаёт бағишлайди.

Бу ўринларда ёзувчи Тўлғаной характеристилаги етакчи хусусиятларни: инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсварлик, бошга оғир қулфат тушганда ҳам ўзини йўқотмаслик каби юксак инсоний фазилатларни маҳорат билан чиза олган.

Ўғлини кўра олмаган Тўлғаной она-Ерга қаратади: „Айт-чи, яна, дунё таянчи Ер, қайси замонда, қайси она ўшандек ўз боласини бир кўрарга зор бўлиб, кўзидан қонли еш тўкиб, йигиси тош ёриб, йўл пойлади экан?“ — деганда, она-Ер:

— Айтолмайман, Тўлғаной. Сенинг замонингдагидек уруш оламда бўлгани йўқ“, дейди.

Шунла Тўлғаной:

„— Бўлмаса, ўшандек йўл пойлаган онанинг энг сўнгтиси мен бўлайин! Илоҳим, менингдек темир йўл қучоқлаб, зор қақшаган банда бўлмасин!“, дейди (2-жилд, 130-бет).

Қалби ёнган, йигиси тошни ёрган онанинг нидосини қанчаканча оналар айтмали, қанчалари ўз фарзандларини, умр йўлдошлигини бағрини узуб бергандай она-Ватанни фапист газандаларидан ҳимоя қилишга жўнатдилар. Айтматов она билан она-Ерни сўзлатиб, ҳаёт ҳақиқатининг жонли тасвирини романтик усуулда санъаткорона очишга муваффақ бўла олган.

Қиссада ҳалқ ўзининг охирги бир бурда нонигача она-Ватанинг муқаддас тупроғидан босқинчи ёвларни супуриб ташлаётган ва шу диёрни, севимли ҳалқини деб жонбозлик кўрсатётган жангчиларимизга юбораётгани тасвирланади. Ҳалқ тақдирли очарчилик натижасида жиддий хавф остида қолгач, бригада бошлиғи Тўлғаной бўши ётган срларга режадан ташқари қўшимча дон сепиб, ҳосилини колхозчиларнинг меҳнат кунларига тақсимлаб бериш масаласини кўтариб чиқади: „Раисга

маслаҳат солдим, райкомгача борлим, тушунтирлим: буни биз ресжадан ташқари ўз кучимиз билан элнинг меҳнат ҳақига мўлжаллаб экамиз, дедим. Столга бағрини бериб ўтирган кимдир бирор: „Йўқ, бундай қилиш мумкин эмас. Агар биз бунга йўл қўйсак, колхоз уставини бузган бўламиш!“ — деди. „Усталинг қора ерга кирсинг! — дедим мен. — Биз оч юрсак сизларга ким нон топиб беради?“ — десам: „Оғзингга қараб гапир, ўлгинг келяптими?“ — дейди. „Оғзимга қараб гапиряпман. Биз ишга ярамай қолсак, фронтдаги солдатларга ким нон топиб беради? Буни ўйлайсанларми?“ (2-жилд, 147—148-бетлар.)

Бу колхоз уставидаги қотиб қолган қоидаларнинг оқибати эди, албаттага. Бир қараашда унчалик жилдий кўринмаган бундай майда-чуйдалар ижтимоий ҳаётда чуқур из қолдирганлиги ҳаммага маълум. Ёзувчи шу биргина деталь орқали ҳам ўша давр ҳаётида ҳукм сурган „темир қонун“нинг оқибатларини кўрсашиб берган.

Тўлғаной ҳастининг энг бахтли дамларида шундай ўй юритали: „Худди новда илдизлардан қувват олганидек, онанинг бахти ҳам халқдан қувват олади. Онанинг тақдирни халқнинг тақдирли билан чамбарчасдир“. Лекин бу бирликни уруши деган бало бузали. Деҳқоңлар Ватанни ҳимоя қилиш учун ерни ташлаб урушга кетишади. Уруши фожиасининг қора кунлари, фронт ортидағи қийинчиликлар Тўлғаной ва унга ўхшаш муштипар оналарнинг зиммасига тушади.

Асарда тасвир этилишича, лаҳшатли уруши Тўлғанойни умр йўлдоши Сувонқулдан, учала суқсурдай фарзандлари — Қосим, Майсалбек, Жайноқлардан ва охирги таянчи, севимли келини Алимандан бирин-кетин жудо қиласди. Бироқ, она қанчалиқ оғир бўлмасин, бутун қийинчиликларни ўз зиммасига олади, катта хўжаликнинг жонкуяр раҳбари сифатида, фронтта кетганлар учун тинимсиз меҳнат қиласди, мислсиз жасорат кўрсатади. Тўлғаной манғъум урушда бошига катта фожиа тушган, уни қудрат ва ирова билан енгид ўтган аламзада ва қаҳрамон оналарнинг умумлашган образидир.

Ёзувчи асарда инсоният тақдирли, унинг ўтмиши ва келажаги билан боғлиқ бўлган жуда муҳим масалаларни ўртага ташлайди. Тўлғаной жамиятнинг гули, энг навқирони, куч-қувватга тўлған қисми урушига сафарбар қилиниб, қон кечишини мут-

лақо ғайритабиий, ғайриинсоний ҳол деб билади. Қиссала она-Ернинг аллегорик образи яратилган. Ер тилга киради, она билан бирга қайғуради, онани юпатади. Тўлғаной ҳаётнинг энг даҳшатли, фожиали кунларида она-заминга мурожаат қиласди: „Табиат томонидан яратилган энг олий мавжудотларнинг энг буюги, одамзод, дунёни ўзига бўйсундирган ким — одамзодми, шундай экан, бир-бираға бунчалик зиён келтирмай, тинч-тотув яшолмайдими? Сирлош датам, жавоб бер, айт жавобингни.

— Қийин савол бердинг-ку, Тўлғаной. Мен билганимдан бери, одам одам бўлиб яратилгандан бери урушгани урушган. Баъзан урушда мутлақо қирилиб, ном-нишонсиз кетган эллар ҳам бўлган, кули кўкка совурилиб, тирик жон қолмай, хона-вайрон бўлган шаҳарлар ҳам бўлган. Неча асрлар одамзод изига зор бўлиб, бўм-бўш ётган вақтларим ҳам бўлган. Ҳар гал уруш чиққанда, гап уққаинларга урушманглар, қон гўккунча ақл ишлатинглар, деб айтаман. Ҳозир ҳам айтадиган сўзим шу: „Эй, одамлар, дунёнинг тўрт бурчагида яшаган одамлар, сизларга нима керак — Ерми? Мана мен Ерман, мени барча одам боласига етаман, менга талашишларингнинг кераги йўқ, менга иноқлик керак! Меҳнат керак! Шудгорга битта дон ташласаларинг, юз дона қилиб бераман, хипчин санчсаларинг, чинор қилиб бераман, боғ қилсаларинг, мева туғиб бераман, мол ёйсаларинг, пичан бўлиб бераман, уй курсаларинг, девор бўлиб бераман, уруғ-аймоқларинг кўпайса, ҳаммаларингта жой бўлиб бераман! Мен тугамайман, мен хасис эмасман, мен конман, мен ҳаммаларингга баравар етаман!“ дейман. Сен энди, Тўлғаной, одам боласи тинч яшай оладими, йўқми, дейсан. Ўзинг ўйлаб кўр-чи, у мендан эмас, сизлардан, одам боласининг ўзидан, сизларнинг ноиноқликларингиздан, хоҳишларингиздан, ақл-идроқларингиздан...“ (2-жилл, 140-бет). Фалсафий мушоҳадаларга тўлиб-тошган мана шу гоя — Инсонни улуғлаш, кишилар бошига кулфат ёғдирадиган урушни лаънатлаш гояси „Сомон йўли“ асарининг пафосини ташкил этали. Она-замин билан бўлиб ўтган бу сухбат ўзига хос гуманистик маънога эга. Инсон урушларда нобуд бўлиш учун эмас, меҳнат қилиш учун ва баҳтиёр яшаш учун туғилади. Заминнинг ўзи ҳам одамларнинг сунъий равишда қирилишига қарши, бундан у ҳам азият чекали. Ҳаётнинг тасдиқланиши, меҳнатнинг яратувчилик мон

ҳияти — буларнинг ҳаммаси асарнинг асосий мөгивидир. Муаллиф таъкидлаганидек, ҳалқ яшашда давом этар экан, демак, одамларга ризқ-рўз ато этаётган замин ҳам яшайверади. „Қосим, эшиятсанми! Нон ўлмайди. Ҳаёт ҳам ўлмайди. Меҳнат ҳам ўлмайди“.

Юқоридаги парчада ёзувчи характер қирраларини очувчи диалогнинг ёрқин намунасини бера олган. Унда санъаткор ҳақиқий гуманист, оташин ватанпарвар ёзувчининг олижаноб эътиқоли, фуқаролик бурчини, унинг оламдаги барча мавжудотларни, моддий ва маънавий бойликларни яратувчи буюк зот — одамзодни бенниҳоя севгани ва урушга бўлган чексиз нафратини она-Ер тилидан баён этиб, асарнинг реалистик қимматини оширишга муваффақ бўлган. Иккинчидан, бу диалог, ўз навбатила, Тўлғаной характерини маълум даражала очувчи восита ролини ҳам ўтаган. Муаллиф мана шундай ўзига хос чизгилар, муҳим тафсилотлар орқали Тўлғаной сиймосининг миллий характер доирасидан кенглигини, унинг инсоният таъвиши, қайгу-алами, қувончи ва севинчи билан яшашини, бинобарин, бошқа оналарнинг бундай ҳолга тушишини дилидан истамаганлигини кўрсатади.

Тўлғаной ўғли Майсалбекни бир зумгина кўради, холос. Ўғлининг „юзида, кўзларида ўқинч ҳам, севинч ҳам, учрашув ҳам, хайрлашув ҳам бор!“ лигини бир зумда ўзининг оналик қалби билан чукур ҳис этади. Ўғлининг орқасидан чопиб юз тубан йиқилади, лекин қўлида қолган биргина ўша „аскар қулоқчин“ и унинг қалбига қанчалик далда бера олганлигини ёзувчи асослайди.

Учрашув манзарасида чукур психологик ҳолат юзага келади. Тўлғаной она-Ерга қарата:

— „Ҳа, она-Ерим, нима ҳам дер эдим. Ёлғиз менгина бўлсан эди — урушнинг касри тегмаган битта ҳам оила, биронта ҳам одам қолмаган эди-ку“, — дейди.

Ёзувчи Тўлғаной характерини тўлароқ очиш мақсадида драматизмни тобора кескинлаштириб, унга ўзининг дарди, ташвиши етмагандек жамоат ишларини ҳам юклайди. Айни чоғда булар зўрма-зўраки киритилмасдан, характернинг интеллектуал хусусиятларини тобора кенг, чукур очишга самарали хизмат эттирилади. Дарҳақиқат, Тўлғаной асар давомида тадрижий ра-

вишда ўзгара боради. Ёзувчи унинг ижтимоий ишларидаги фаолиятини очиш билан биргаликда ўзининг хусусий ишлари, бошига тушган оғир кулфатларини ҳам ҳаққоний тасвирлайди. Тўлғанойнинг бошига шунчалик ташвиш тушса ҳам у буларнинг ҳаммасига бардош беради, қийинчиликларни жасорат билан енгиб ўтишга интилади. Тўлғанойни буюк мақсадга, жасорат кўрсатиб ишланига ундовчи бирдан-бир куч — бу она-Ер — она-Ватан, улга бўлган чексиз муҳаббат ва ниҳоят ижодий меҳнатадир. Тўлғаной „Оҳ, дунё, оҳ, жонажон Ер, боламини кўз очиб-юмгунча тирилтириб, дийдорини биргина кўрсатиб кўйсанг-чи!..“ — деб илтико қилиб йиғлаганида, она-Ер:

„— Тўлғаной, сабр қил, ўзингни босиб ол. Ундай қилма, ўзингга раҳм қил... Юрагингнинг ҳар бир тепишини ғанимат бил. Бўйнингдаги қарзингни унутдингми?“ (2-жилд, 137-бет) — деб унга далда беради, яна яшашга, мардонавор курашга чорлайди. Тўлғаной ўз қанотларидан, нуридийдаларидан биринкетин жудо бўлганда ҳам яшаши, курашни, меҳнат қилишни ўзининг муқаллас бурчи деб билади, ўзгаларга руҳан далда беради, уларга раҳнамолик қиласи. Тўлғаной характеристи ўзининг оптимизми, курашувчанлиги ва ақлий теранлиги билан алоҳида ажralиб туради.

Тўлғаной учун ўз фарзандларидан жудо бўлиш нечоғлик оғир кечмасин, „Фалаба“ деган сўзни эшигданда чексиз қувончларга тўлади:

„Ў, фалаба-ей, орзу қилиб кутган, курашиб етишган фалабамиз-ей! Ассалому алайкум, Фалаба! Кечиргин бизнинг йиғлаганларимизни, кечиргин Алимсан келинимни... Ҳаммамизни кечиргин, Фалаба! Сени деб қанча нуридийдаларимиздан ажраллик, ...Сен билан юз кўришиб туриб, биз кўнглимизда ҳар биримиз жанг майдонидан қайтиб келмаганлар билан сўнгги бор видолашдик, уларни яна бир марта эслалиб, яна бир сидра куйиниб, юрагимизни совутлик. Кечиргин мени, Фалаба, кечиргин!“ (2-жилд, 160—161-бетлар.)

Характерли эпизод. Тўлғаной нима учун севиняпти? У ҳақиқатнинг бир кун эмас, бир кун барибир юзага чиқишига ишонарди.

Тўлғаной Қосимни зориқиб кутади. Лекин уруш гугаган бўлса ҳам ундан дарак йўқ. У ном-нишонсиз йўқолган. Энди она урушга

кетган нуридийдаларидан батамом айрилганини сезиб хаёлот оламига чўмади. Шунда ҳам у фақат келини Алиманинг тақдирини ўйлади. Бу ўй унга кечаю кундуз тинчлик бермайди. Бир томондан, суюкли келинидан ажралишдан қўрқса, иккинчидан, унинг бахтли бўлишини жон-дилдан истайди. Мана шу икки ўй-хаёл унинг қалбida кескин олишиади. Ҳатто у: „...Ўққа учрамаган бўлса ҳам, Алиманинг тақдирини эслаганимда, юрак-бағрим кўйиб чўғ бўлади. Унинг уволи кимга? Унинг дардини кимга, кимга айтаман? Бечора келиним, гул севган келиним!“ дея зор қақшайди (2-жилд, 161-бет) ва яна хаёлот оламига чўмарди:

„Ишқилиб, бахти очилса бўлгани. Ёш эмасми, тагин бир тенгини топар, Қосимдек меҳрибонига ўйлиқармикин? Ким билади? Бахтли бўл, чироғим, бахтли бўл. Нимасини айтайин. Гоҳо мени эслаб қўйсанг, дейман, болам. Сендан бошқа кимим бор. Сен кетсанг, ўлганинг кунини кўриб, бир уйда ёппа-ёлғиз қоламан. Шўрли бошим. Қариганда мададкор бўладиган фарзандларимдан нишон ҳам қолгани йўқ. Бироқ, менга қарамагин. Уволингга қолмайин, қачон кетсанг ҳам бошинг бўш. Менинг учун фам ема, болам, кунингни кўр. Розиман сендан, оқ фотиҳа бераман...“ (2-жилд, 162-бет). Онайи зор шундай деб айтишга тайёр, лекин айтотмайди. У Алиманинг чўпон йигит билан кўнгил олишиб юрганидан ҳам хабардор. Лекин иложи борича билдирамасликка ҳаракат қиласди. Унинг бахтли бўлишини орзу қиласди. Бинобарин, унга ачинали, ўз бағридан кетказгиси келмайди. Ҳатто келини Алиман маст ҳолда кириб келганида ҳам нима дейишини билмай донг қотади. Кейин-чи! Кейин унинг атрофида парвона бўлади. Келини бу аҳволга тушганидан юраги сиқиласи, қаттиқ изтироб чекади, шунда ҳам раҳм қилиб, қалби илийди:

„Йиғламагин, Алиман, йиғламагин. Нима бўлди сенга, қани айт-чи? Хафа бўлдингми? Ё бирор нарса дедими сенга? Айт-чи, менга. Ё мендан хафа бўлдингми, хафа бўлган бўлсанг айт, сақлаган сирларингнинг барини айт, эшитай...“ (2-жилд, 172-бет).

Аслида у келинининг қай аҳводда эканлигидан хабардор. Ўзининг охирги овунчоги, суюнчиғи Алиман яқинида ундан ажраши, уни ташлаб кетиши ҳам мумкин. Лекин Алиманни ўз уйидан сен менинг ўғлимга содиқ қолмадинг, хиёнат қилдинг,

сендейларга уйимда жой йўқ, деб ҳайдамайди, аксинча, уни юпатади. Яна унга далда бергиси, яхшилик қилгиси, танластган йўлидан қайтаргиси келади. Лекин буни очиқ айтольмайди. Ўзи билан ўзи курашади. Асарнинг бу ўринларида қаҳрамоннинг ички руҳий зиддиятлари ниҳоятда чуқур очилган.

Тўлганойнинг олижаноблиги, гуманизмини очувчи яна бир лавҳага мурожаат этайлик. У ўз-ўзича дейди:

„Йўқ, йўқ, Алиманимга бундай ёмонликни ҳеч вақт раво кўрмайман. Кўнглимла, мен уни айблаганим ҳам йўқ. Бутун нарсани ўз кўзим билан кўриб-билиб юрмабмидим. Алиманинг бошига тушган кун — менинг ҳам бошимга тушган кун, у туқкан бола — менинг ҳам болам, номус-орини, яхши-ёмонни, бор-йўғини бирдек баҳам кўраман, ўзимча шундай қарорга келганиман“ (2-жилд, 176-бет).

Шу йўсина Тўлғаной характеристининг янги-янги қирралари очила борали. Демак, Тўлғаной энг олижаноб фазилатларни ўзида мужассамлаштирган, пок қалбли улуғ инсон.

Асадаги Алиман образи ҳақида анча-мунича мунозаради фикрлар мавжуд...

„Сомон йўли“да тасвирланишича, Алимат Қосим билан севишиб турмуш қуришган, Алиман ўзини Қосимсиз тасавур қилолмайди. У вафодор, ҳалол ва садоқатли ёр. Бироқ Қосимлар оиласи уруши фожиасининг курбони бўлади. Алиман ёшгина келинлигига Қосимдан жудо бўлади. У бир томондан, Қосимнинг вафодор хотини, иккинчи томондан, у инсоний ҳиссийётга тўла, ҳароратли қалб эгаси. Ана шу икки туйғу Алиманинг вужудида бир-бири билан курашади. Алиман ҳаётла биринчи ва охирги марта қалтис қадам ташлайди, яъни юқорида қайд этиб ўтганимиздек, ўз ихтиёрини бошқа киши — чўпоннинг қўлига топширади ва бу қалтис ҳаракатнинг оқибати ўлароқ ҳалок бўлади! Начора, ёш жувоннинг табиий инсоний талаби ғалажён қилган экан, бунинг туб моҳияти соғлом ақлга зид эмас. Зероки, Алиман шахсий ҳирснинг эмас, балки уруши фожиасининг курбонидир.

Ёзувчи Алиман образини нима учун асарга олиб кирган, уни яратишдан мақсад нима эди? Тўғри, юқорида таъкидланганидек, Алиман ҳақиқий пок севги эгаси, бунга тўла-тўқис ишонч ҳосил қилиш мумкин. Энг муҳими, унинг бундай оғир

аҳволига түшнүүгө биринчи навбатда лаънати уруп сабабчи.

Езувчининг мақсали ҳам Алиманинг ва Алиман сингари қанчалаб ёш қалбларнинг фожиали тақдирини умумлаштириб күрсатиш орқали урушни, унинг даҳшатли оқибагларини лаънатлап эди. Алиманинг ҳали ўт гулидан бир гули очилгани йўқ. У ҳали Тўлғаной даражасига ўсиб чиқсан эмас. У Тўлғанойга нисбатан ҳаётни тор тушунади. Бунинг учун эса уни айблаб бўлтмайди. Агар уруш бўлмаганида, Алиман бундай фожиали ҳолатга асло тушимаган бўлур эди.

Алиман образини яратишидан кузатилган яна бир мақсад, асар бош қаҳрамони Тўлғанойнинг юксак инсоний фазилатларини, ундаги улуфворликни, инсонпарварликни қабариқ ҳолда күрсатиш эди. Ишонч билан айтиш мумкинки, ёзувчи бу образни яратиб ўзининг ишонтириш санъатини, бадиий маҳоратини яна бир бор намойиш этган.

Тўлғаной бирини кузагиб, бирини кутиб олади. Яъни Алиман ҳаёт билан видолашади, норасида гўдак оламга келади. Яшаши истамай, ҳаётдан беза бошлаган онанинг қалби илийди, ёш гўдак — келинидан Тўлғанойга едгорлик бўлиб қолган набира, яъни ҳаег давомчиси Жонбўлат унда яна оналик меҳрини уйғотади. Натижада Тўлғанойда ҳаётдан безиш, унга аламзадалик, нафрат, умидсизлик билан қараш ўрнини „ҳаёт билан яна бир марта беллашиб кўрсак қандай бўларкин“ деган чукур оптимистик орзу-умид учқунлари товланади. Шу ўринда кичик бир лирик ческиниш қиласйлик.

Ёзувчи Михаил Шолоховнинг „Инсон тақдир“ ҳикоясида ҳам жангчи, оддий шоффёр А. Соколовнинг уруши йиллари оиласи, бола-чақасидан ажралганлиги, аскарликдан қайтиб келиб, ота-онасидан айрилиб, стим қолган бир болани ўз фарзандидек гарбияга олиши тасвирланади.

Аслида ҳар иккала асар („Сомон йўли“ ва „Инсон тақдир“) ҳам лаънати урушнинг аевсиз қабоҳатларини, даҳшатларини фопи этибгина қолмасдан, балки уруш оловини ёқувчиларга кўрши чексиз нафрат руҳида ёзилганилиги билан ҳам характерланади.

Бу жиҳатдан мазкур асарлар ва уларнинг қаҳрамонлари ўргасида қандайдир муштараклик бор. Соколов жангчи. У бевосита урушда иштирок этали, асирикда оғир азобларни бошидан

кесириди, уруш тугагач, унинг ўз таъбири билан айтганида, „янги ўғил“ни бағрига олади. „Янги ўғли“ унга: „Айланай, даілажон! Мени бир күн әмас, бир күн ахир топиб олишингни биларлим! Билардим! Албатта топиб оласан, деб ишонардим! Қачон топиб олар экансан, деб күпдан бери ўйлаб юрардим!“ — деб күзлари ёшланади, энтиқади. Соколов унга:

„Жон ўғелим, сени Германиядан ахтардим. Польшадан ахтардим. Сени излаб бутун Белоруссияни айланиб чиқдим. Бу екқа келсам, Урюпинскла экансан“, — дейди.

Асарада ҳаст ҳақиқати зёр маҳорат билан бадий ҳақиқатга айлантирилган. Ахир қанчадан-қанча гүлаклар ота-оналари, ака ва опаларидан жудо бўйдилар. Ёзувчи катта ҳаст ҳақиқатини шу каби кичик-кичик эпизодларда, жонли лавҳаларда лўнгагина бера олган.

Кўп қийинчиликларни ўз бошидан кесирган Соколов бу гапларни шунчаки болани юпатиш, эркалаш учун айтасетгани йўқ, албатта. Бу гапларни қалб қўри билан силқилидан айтиб, инсон боласини севганини, ўзининг бундан кейинги бутун фаолиятини шу боланинг тарбиясига багишлаганини таъкидлайди ва бу билан езувчи жангчилардаги гуманистик фазилатларни улуғлайди.

Соколовларга ишонган езувчи шундай дейиншга ҳақиқи эди:

„Есир қолган икки инсон, даҳнатли уруп довули билан бегона юртларга келиб қолган икки қум донаси... Уларни олдинда нима кутар экан? Мана рус кипписи, букилмас ирода кишиси, ўзини ростлаб олади ва ёнидаги болани оталик месхри билан ўстириб улгайтиради, вояга етказади, кейин у вагани чорлаган йўлда учратгучи ҳар қандай қийинчиликларга чидайди, уларни сингади, деб ўйлагинг келади“.

Тўлғаной ҳақида ҳам худди шундай илиқ гапларни айтиш мумкин. Лайтматов ҳам она-Ер тилидан Тўлғанойга қаратада „ўз инсонийлик бурчингни упутлигми“ деб Жонбўлатни вояга етказиш, тарбиялаш керак, леган муҳим масалани қўяди. Бу ўринда „Сомон йўли“ қиссасидаги шунга ўхшашиб яна бир кичик эпизодга мурожаат этайлик. Кекса она Тўлғаной оғир уруп йиллари армия сафига жўнатилаётган ўғли Жайноқ ҳақида, унинг уруш туфайли бир-биридан ажralиб, эвакуация натижага

сида станицяга келиб қолған бир ёш тұдакка қылған яхшилиги, инсоний ғамхұрлығи ҳақида қүйидегіча ҳаяжоң билан ҳикоя қилади:

„Одам яхшиликни ердан топиб олмайды, одамдан үрганади. Жайноқ бериб кеттән пүстин йиртилар, бутунлай йўқ бўлиб кетар, айтишга арзимайдиган нарса, бироқ, гап унда эмас, шу кичкина боланинг қалбидаги бирор қылған яхшилик учқунлари сақланиб қолса, олам бўлгандан кейин бирорга яхшилик қилин бурч эканини ёшлигиданоқ тушуниб олса, Жайногимнинг қылған савоб иши ўшанда“ (2-жилд, 137-бет). Ёзувчи қаҳрамонлари танисттан бу foя унинг ўз фаолияти, ижодиёти учун етакчи шиор бўлиб қолли.

Демак, икки буюк ёзувчининг асарлари урушни лаънатлайди. Бирида бевосита уруши қатпашчиси ўз тақдирини ҳикоя қилса, иккинчисида оддий қирғиз аёли Тўлғанойнинг руҳий кечинималари орқали урушнинг оғир кулфатлари қораландади. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам (Соколов ва Тўлғаной) ўз фарзандларини эмас, умуман, инсон боласини тарбиялашни, ўз бағирларига олинини ўзларининг асосий инсоний бурчлари деб билалилар. Ҳар иккала образла ҳам юксак инсоний фазилатлар алоҳида таъкидлаб кўрсатилади.

Тўлғаной ўз инсонийлик бурчини шараф билан адo этди. Эни у ҳаётнинг ўлмаслигига, меҳнатнинг, ноннинг ўлмаслигига қаттиқ ишонади. Шу пайтга қалар оғир дардни ўз бошидан кечирган онанинг кўзлари чақнаб, руҳи енгил торгади.

Жонбўлатнинг қўлидан ион еганида, худди Қосимнинг қўлидан ион егансек бўлали. Унинг ҳаётга, инсонларга муҳаббати янада орталди. Фақат у бир нарсанни айтольмайди, холос. Яъни ҳақиқатни айтольмайди, буни айтиши ҳам мумкин эмас эди. „Үрни келганда, ҳаммасини Жонбўлатга тушунтириб айтиб бераман. Эси бўлса тушунар, ақли бўлса кечирар бизни... Лекин бонқалар-чи, қўёш остида яшаган барча одамзодга айгар сўзим, ганим бор. Уни қандай айтаман, уни қандай қилиб ҳаммага айтиб чиқаман?“ (2-жилд, 190-бет.)

Ёзувчи Тўлғанойнинг халқ тақдирини ўйламайдиган кимсаларга нафратини, шафқатсизлигини ҳам қўйма сатрларда ифода эта олган: „Далил леб, ҳийла ишлатиб қутулсанг, кутулиб кетарсан, лекин билиб қўйтни, эл-юргининг мушкулидан

ўзингни четта олиб, уни ўлим-стимида баравар қайғу чекмаганинг учун одам сонидан чиқиб умринг якка моховликла ўтади. Сенга датил ҳам, жазо ҳам шу“ (2-жилд, 173—174-бетлар.)

Шундай оғир күнларда эл-юрг ташпипларидан ўзини четта олиб, ўғрилик билан күн кўриб юрган байзи бир „одам нусха кимсалар“, разилларга қаратса Тўлғаной шундай дейишига ҳақди эди. У урушнинг суронги йилларида хотин-қизларнинг ажойиб тимсоли сифатида ладил туриб, марлонавор курапди, жасорат кўрсатди. Ўзининг бутун борлигини, қалб қўринти халқ ишига, Ваган ишига сафарбар этди.

Муаллифнинг ютуғи шундаки, у чин инсон, букилмас ирдали, меҳнат ишқи билан сінган, бутун борлигини инсониятга бағишилаган одий қирғиз аёлининг тўлақонли характеристерини яратиб, уни ҳақиқий реалистик образ даражасига кўтарган.

Айтматов Тўлғаной образи орқали чуқур фалсафий хуносага келади. У она-Ер (она-Ваган) билан сұхбатида фақат ўзи ҳақила эмас, балки замон, тарих, жамият, одамлар ва уруш ҳақида сўзлайди.

Таъкидлаб ўтганимиздек, ёзувчи мукаммал идеал йўналишдаги образ — Тўлғанойни яратгунга қадар бир қанча босқичларни босиб ўтди ва ўз маҳоратини ошира борди. Тўлғаной ёзувчининг аёллар образини яратишдаги катта муваффақиятидир. Гўс ёзувчи бу асарида янги даврда яшастган қирғиз аёлларининг барча юксак инсоний фазилатларини Тўлғанойда мужассамлаптиргандай туюлади.

Ч. Айтматов асарларининг, шу жумлаларин, „Сомон йўли“ қиссасининг сюжет-композицион хусусиятларида ҳам унинг услубига хос фазилатларни кўрамиз. Асар тузилишида, унинг қисмлари ўргасида узвий уйғулик кўзга яққол ташланиб туради. Бу ҳолат кўк юзида Сомон йўлининг бот-бот кўриниб туришида ҳам, муқалдимаси-ю хотимасининг узвийлигига (Ер билан Тўлғанойнинг учраншуви ва хайрланшуви) ҳам яққол сезилиб туради.

Асарда рамзийлик гоятда кучли бўлиб, асосий гояни очишда муҳим роль ўйнаган. Биргина мисол: қиссалаги Сомон йўли образини олиб кўрайлик. У асарла бир неча бор кўзга ташланади ва ҳар сафар ҳам эл-юргта ризқ-рўз тарқатувчи азамат, саҳий деҳқон образида гавдаланади.

Характерли жиҳати шунлаки, Сомон йўли турли-туман вазиятда, қаҳрамон турли руҳий вазиятга тушганида кўриниб, ҳар сафар алоҳида — ўзига хос маъно касб этади. Масалан, дастлаб у икки севишган юрак — Тўлғаной билан Сувонқул учрашганида катта бир кучоқ сомон кўтариб, ризқ-рўз улашиб ўтиб бораётган азамат леҳқон образила қаҳрамон (Тўлғаной)нинг орзу-умидлари тажассуми сифатида гавдаланади. Иккинчи учрашувда эса Сомон йўли қаҳрамон орзу-ниятларининг амалта ошганлигини тасдиқловчи маъно касб этади: Тўлғаной Сувонқулнинг ҳам Сомон йўлинни „яратган“ — эл-юргита ризқ-рўз улашувчи азамаг деҳқон бўлиб қолганлигига ишонч ҳосил қиласди. Ёзувчи Сомон йўли бадиий символикаси орқали ғоят чуқур фатсафий умумлашма яратади: ҳалқни бокувчи азамат бободеҳқон ўлмас — у абадий барҳастидир; ёрқин ҳаст учун курашда куч-кувватга, ақл-идрокка тўлиб-тошган кўплаб кишиларнинг ёстиғи қуриши мумкин-у, аммо бободеҳқон — молдий ва маънавий бойликларни яратувчи ҳалқ оммаси ўлмасдир, деган юксак ғоя илгари сурилади.

Хулоса қилиб айттганда, „Сомон йўли“ асарида қаҳрамонларининг барча хатти-ҳаракатлари, ички кечинмалари, руҳий ҳолати ёрқин намоён этилган. Шунингдек, қиссада табиат манзараси ва поргрестлар ҳам образларининг руҳиятига монанд ҳолда санъаткорона чизилган.

Маълумки, Айтматовнинг бутун ижоди, унинг йирик маданият арбоби сифатилаги фаолияти урушини лаънатлани, инсониятни бу ёвуз хатардан ҳалос этиш ғояси билан сугорилган. Муаллиф инсон ва уруш мавзуи ҳақила гапирап экан, уни турли усуlda ва йўналишида ёритиш мумкин эканлигини таъкидлайди. Ёзувчининг ижоди бу мавзуга турлича ёндашишнинг ёрқин мисоли бўла олади. Муаллиф бу ҳақда шундай ёзди: „Мен ўзимнинг („Эрта қайтган турналар“ — A.P.) повестимда инсонни уруш билан тўғридан-тўғри тўқнашиши жараёнида эмас — бу ҳақда менга қадар ҳам кўп ёзилган — балки тўқнашувни „Сомон йўли“ повестилагидек воситали равишда кўрсатишни лозим кўрдим. Уруш қаердайдир узок-узокларда бошланган, лекин Тўлғанойнинг қисматида у ғалла даласида кечади“.

Шуниси қизиқки, Ч.Айтматов асарларида Ойбекпинг „Куеш қораймас“, Шуҳратнинг „Шинсли йиллар“, Иброҳим Раҳим-

шынг „Тақдир“ асарларындағи каби бевосита уруп манзаралари чизилмайды, фронттың әпізодлары багағсыз ғасвирланмайды. Аммо шунга қарамай, санъаткорининг деярли барча асарларыда урушни лаънатлаш пафоси жуда күчли. Бунга у, асосан уруш оқибатларини бадиий ифодалаш орқали эришган. Тұгри, ушинг бир қанча асарлари, шу жумладан, „Сомон йўли“, „Юзма-юз“ ва „Эрта қайтган турналар“ каби ўлмас қиссаларида урушни лаънатлаш, ушинг мудҳиши оқибатларини тұлалигича көнг күламда акс эттириши болған масала қилиб қўйилган бўлса ва бу масала характерлар онгидаги, руҳиятидаги коллизиялар, яъни ички кураш тарзидаги ифодалангандан бўлса, бошқа асарларыда бирон қўшимча восита орқали бўлса-да, инсоният бошига қирғин келтирувчи уруш қоралаб ўтилади. Масалан, муаллифнинг „Жамила“ повестида, асосан, севги мавзуи малҳ этилган бўлса-да, унда урушининг совуқ нафаси сезилиб туради. Сеит Донисердан урупда кўрган-кечиргандарини ҳикоя қилиб беринин сўраганла, Дониёрнинг ичи ўнирилиб кетгандай бўлади, изтироб чекади. Уни шунчаки Әрмак учун матал айтгандай хотиржамгина ҳикоя қилиб берин мумкин эмаслигини айтади.

— Уруш дейсанми? — дели у ва худли ўзига жавоб бераст-гандек наст овоз билан қўшиб қўйди: — Урушининг номи ўчсин, уни билмагандаринг яхши!“ (1-жилд, 74-бет.)

Бундан кўрамизки, муаллиф баязи асарларыда урушининг Қирғизистон қишилоқларидаги мудҳиши оқибатларини бутун тағсилотлари билан кўрсатиши орқали қораласа, айрим асарларыда уруш тўгрисида деярли ҳеч нарса айтмай туриб қоралайди. До-ниёр уруш тўгрисида шу „ҳеч нарса дея олмаслигининг“ ўзиданоқ, биз урушининг нақалар даҳнатлаш, инсоният бошига битмас-туганмас фалокат келтирувчи нарса эканлигини сезиб турамиз.

Ёзувчининг „Эрта қайтган турналар“ (1975) қиссаныда ҳам ўша машъум уруш йилларининг даҳнатлаш оқибатлари — ёвузлик билан эзгуликнинг, гўзаллик билан бағбансликнинг тўқиши туви акс эттирилдиди. Ойбекнинг „Қуен қораймас“, Абдулла Қаҳҳорнинг „Олтин юлдуз“ асарларыда эса бу кураш уруш жатиг-гоҳларидаги кўрсатилади. „Менимча, — деб ёзган эди муаллиф, — ҳақиқий санъат инсонининг кундалик ҳастидан, турмуш тарзидан келиб чиқади. Мен кибр-ҳавога ёки савдоийликка берил-

ган санъат эмас, балки ҳақиқий санъат тарафдоримап. Инсон инсон бўлгани учун ҳам гўзал. Буни ўз асаримда бадиий гавдадлантиришга ҳаракат қилдим.

Султонмурод образини тасвирлашида ўзгача йўл тутдим, яъни от ўғриларига иисбатан куч ишлатиш йўли билан адолат ўрнатиш ёки, аксинча, унинг ўзини зўрлаб турти қийноқларга дучор қилиш йўли билан ҳам тасвирлашим мумкин эди. Аммо менинг олдимда ўзгача вазифа, ўзгача мақсад турарли, яъни инсонда мавжуд бўлган табиий, ҳақиқий фазилатларни намоён этиш эди. Ҳаётдаги эзгулик билан сувзлик ўртасидаги муросасиз курашини кўрсатиб бериш осон иш эмас, албатта¹.

Асар воқеаси олис қирғиз қишлоқларининг бирида — колхоз овулида кечали. Курол тута билган ҳар бир киши фронтга жўнайди. Кексалар, хотин-қизлар ва ёш ўспириналаргина қолишли. Барча қатори, ҳали она сути оғзидаи кетмаган мактаб ўқувчиларининг ҳам бошига оғир кунлар тушади, улар қиличини яланғочлаб келган ёвни ғам-андуҳ билан енгиб бўлмаслигиги, унга қарши зарба бериппанинг ва баҳтиёр, фаровон кунларга эришишининг ягона йўли мардонавор курашида, меҳнатда эканлигини ҳам яхши билар элилар.

„Десантчилар отряди“ номи билан юритилган еттинчи синф ўқувчилари, яъни асар қаҳрамонлари — Султонмурод, Онатой, Эркинбек, Қуббатқул, Эрганилар колхоз раиси, собиқ жашчи Тиналиев бопчилигигида ишга киришадилар. Оқсой даштилаги икки юз гектарли майдонга ғафла экиш учун қиши бўйи отларни парваришлаб, плугларни шайлаб қўядилар. Десантчиларга Султонмурод командир этиб тайинланади. Улар баҳор келиб, эрга-индин Оқсой даштига ишга жўнашилари олдида, кутимаганида, Онатойнинг отасидан қора хат келиб қолади. Шунда бригадир Чекиш чол десантчиларни тўплаб насиҳат қилади: „Йигитлар, сизлар энди ёш бола эмасликларингизни айтиб қўймоқчиман. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиши эрта бошлиринингга тупди. Жазирама тупроқда юриб, муздай с尔да ётиш... Демак, тақдир шундай экан. Мана, бутун бирингизнинг бопинингизга катта кулфаг туши — Онатойнинг отаси, Сатторқул

¹ Чингиз Айтматов. В соавторстве с землею и водою... Фрунзе: Кыргызстан, 1978, 319- бет.

фронтда ҳалок бўлибди. Сизлар энди ён бола эмассизлар, агар бирингизнинг бошингизга кулфат тунса, иккинчингиз унга суюнчиқ бўлмоғингиз лозим. Тайёрланиб туринглар. Одамларни қаршилааб турасизлар. Отларни боғлааб турасиз. Ҳозир раҳматли Сатторқулникида одамлар тўпланишади, сизлар ҳам ўша срда бўлишларинг керак. Ёш болаларга ўхшаб Онатойнинг синда ҳиқилламанглар, ҳамонки, йиғлар экансизлар, чинакамига қаттиқ овоз чиқариб эркакчасига йиғлангларки, бундан Онатойнинг солиқ дўстлари йиғласттани аниқ билиниб турсин¹.

Десантчилар характеристи тоятда оғир шароитда, меҳнат жараёнида очила борали. Болалар ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан ўсив, улгая боралилар. Уларда иш бор севги туйгулари уйғона бошлайди. Айниқса, Султонмурод билан унинг синфи доши Мирзагул ўртасидаги илиқ муносабатлар, пок ва самимий севги онлари уларнинг ён хусусиятларига монанд ҳолда қизиқарли эпизодларда ҳаққоний ва жозибали тасвирланган.

Асар пировардида воқсалар оқими кескинлапади. Тоят оғир шароитда кун бўйи ишлаб, ҳолдан тойган қўшчишлар гунашга бошлайдилар. Кимсасиз даштлик. Ҳамма ёқни зулмаг қоплаб олган. Негадир Султонмуродга кўрқинчли туюлали, „ин билан ва ташвишлар билан банд бўлиб кимсасиз чўл бағри шунчалик кўрқинчли эканлигини сезмаган экан“. У кўркув аралаш пирип ҳаёлларга берилали, оғир хўрсинали. У ёқда опасининг ҳоли искечди экан, отасидан ҳанузгача ҳеч қандай ларак йўқ, ишқилиб фронтдан тезроқ қайтиб келса бўлгани. Укаси Ажимурот билан Чопдорла станцияга, уни кутиб олишга чиқишса. Отасини кутиб олгач, унга Чопдорни бериб, ўзлари эса отаси билан ёнма-ён югуришса. Эҳ, қани энди шундай бахтга мұяссар бўлганда эди, у Чопдорни плугдан чиқариб чоңтириб кетарди... Кейин эвазига юз ҳисса кўпроқ ишлаб берарди. Султонмурод аста йиғлай бошлади, чунки бундай бахт, эҳтимол, ҳеч қачон рўй бериши мумкин эмаслигини фирға-шира бўлса-да, қалбдан ҳис этарди. Ниҳоят у хасл селига чўмиб ширини уйқута кетали. Шу маҳал, нogaҳон, уларни кўз тагига олиб, улуш бериб кетган ўша овчилар Султонмурод ва унинг шериклари кўлларини боғ-

¹ Чингиз Айтматов. Эрта қайтган турналар. — Т.: „Ёш гвардия“ науриёти, 1988, 77-бет.

лаб, оғизларига латта тиқиб, қүшчи отларини ҳайдаб кетишіга үлгурған зәдилар. Йигитлар орқама-орқа ётішиб, не машаққаттар билан бир-бировларининг құлларини счишга мұваффақ бўладилар. Султонмурод дарҳол жойида турған Чоңдорни ми-ниб от ўғриларини қувишига киришади. Уларга энди етиб олай деганды ўқ овози әшитилади, от калласи билан умбалоқ ошиб, ёнбошлаганича хириллаб ётарди. Қон ҳидини сезган бўри ўлжани ўзлаштириши учун тобора яқинлашиб келарди. Султонмурод ҳам от оғзидан сувлуқни олганча душманни таъқиб этиши учун шайланиб турар эди. Адиб қиссаны шу йўсинала ўзига хос драматик ҳолатда хотималайди. Бу зиё билан зулматнинг тўқнашуви эди. Соя нурлан, зулмат зиёдан чекинади. Бу ҳасг қонуни. Узбек алиби Одил Ёкубов ҳам „Эр бошига иш туниса“ қиссасида уруш вақтида Ўзбекистон қиплоқларида ҳам катталар фронита кетиб, оғир дала юмуналари болалар зиммасига тунганилигини ҳастий манзараларда кўрсатган.

Қиссада уруш йилларидағи кишиларнинг, шу жумладан, ёшларнинг юксак ватанпарварлик туйғулари, меҳнатдаги жасорати, ҳар қандай қийинчиликларни мардонавор снгишлари, айниқса, ўспирин йигит — асар бош қаҳрамони Султонмурод ва унинг сафлонилари тимсолида ёрқин ва жозибаи тасвирланган. Хуллас, ёзувчи уруш ва урушни лаънатлаш мавзуида ҳам ўзига хос услубда қалам тебратади.

Адибнинг „Эрта қайтган турналар“ повести ҳам кеңг китобхонлар томонидан илиқ кутиб олинди ва матбуотда ёзувчи шаънига қанчадан-қанча илиқ гаплар айтилди. Чунончи, донгдор нахтакор Турсуной Охунова: „...Чингиз Айтматовнинг „Эрта қайтган турналар“ повестини иштисқ билан ўқиб чиқдим. „Эрта қайтган турналар“даги еш қаҳрамонларининг бошидан кечирған оғир қисматлари менга урунг йилларида ўз бошимдан ўтказган болалик йилларими эслатди. Повестни ўқир эканман, болаларим ҳақида ва бугунги кундаги барча болакайтаримиз ҳақида ўйладим. Қандай яхши, уларнинг тенасида тинч, осойишли, мусаффо осмон бор. Улар бизнинг қисматимизга тушган ўша жудоликларни, машаққатларни билишмайди. Шу боисдан ҳам „Эрта қайтган турналар“га ўхшаш китоблар жула ҳам зарур, улар одамларни тинчликни севининг ва қадрлашга ўргатади“, — леб ёзган бўлса, адабиётшунос Н.Кримова „Дружба народов“

журналиниң 1972 йил 2-сөнүндө босилған „Отам қайтиб келса бүлгани“ номлы мақоласыда құйыладыларни битгап эди: „Айтматов одамларга ибрат, тарбия мактаби бүләлигап воқсалар ҳақыла, ўринақ бүләдигап кишилар түғрисида ёза олади. Унинг асарлари яхни маңында үтіті, ибраттлии. Бу асарларға сингдирилғап панд-насиҳат ота-оналарнинг тераң туýтулары билан ҳамоңаңгидир. Шүгінг үзи катта истеълод экаплигини ҳаст күрсатиб турибди. Шүгінг учун, алиб педагогика масалаларини ҳал этишни даъво қылмай, ўз асарлари сюжетининг доирасыдан чиқмай, гоҳ-гоҳыла, ихтиёрий ва ихтиёrsиз равишда одамлар олдила шу лаңзала, шу күнларда, космик қашfiётлар лаврила күнделаланғ бўлиб турган энг долзарб тарбиявий масалаларга мурожаат этади“.

Бу ўринде шуну қайд этиб ўтиш керакки, Чингиз Айтматовнинг бошқа асарлари сингари унинг тинчлик учун имзо түшловчи япон боласы ҳақыла ҳикоя құлувчи илк асари — „Газета сотувчи Дзюйло“ новелласы ҳам, оғир уруш йиллари фронт орқасыла жонбозлик күрсатған Султонмурод каби мактаб ўқувчилари жасоратини малҳ этувчи „Эрта қайттап турнаштар“ қиссаны ҳам, асосий сюжети афсона ва реал ҳаст асосиға қурилған „Соҳил еқалаб чопаёттап олапар“, „Оқ кема“ сингари повестлари ҳам жаҳондаги барча болалар томонидан севиб ўқылмоқда. Бу асарлар ҳар қанча кўп нусхада нашр этилса-да, болаларнинг уларга иштиёқи борган сари оргаверади. Бундай катта ижодий муваффақиятнинг сири нимада? Гап шундаки, бу асарларда тарихий воқеликнинг мураккаб проблемалари, олам ва одам ҳақидаги долзарб масалалар кучли, иродали ени китобхонларнинг онги, тушилчасига мос тарзда юксак маҳорат билан балий талқини этилғанligидар.

САДОҚАТ МАЛДИ

(Ташабой ва Гулсари — айрилмас дўстлар)

Ҳар бир янги балний асарнинг құммати ҳаётининг қай жиҳатларини қай тарзда кашғ әттеганлиги билан белгиланади. Ҳаётни кесіг қамраб олиши, воқса-ҳодисаларни ҳаққоний тасвирлатиш, турмуши тафсилотларини жонли бўекшларла, жозиб манзараларда чизиб берини жиҳатидан муаллифнинг „Алвидо, Гулсари!“

(1966) повести ўзигача яратылған барча асарлардан ажралиб туради.

Асарда ижтимоий ҳаётда юз берган икки хил мураккаб давр, яғни қишлоқ хұжалигини жамоалаптириши ва Иккінчи жағон урушидан кейинги қайта қуриш даври қаламга олинади. Ҳар икки давр ҳам ўз ижтимоий мұаммолари, түрли-туман қийинчиликлари жиҳатидан бир-биридан қолишмасди. Ана шу ўта мураккаб давр воқелигитиңиң жонли персонажлар, тұлақони ижтимоий типлар орқали ҳаққоний гавалантириб беришда мұалиф маҳоратининг янги қирралари намоён бўлған. Албатта, қисса осонликча юзага келмади. Ёзувчи уни ёзиб тугалланча қанчадан-қанча ижодий жараённи бошидан кечирди.

„Әхтимол, менға қанчадан-қанча илхом нашидаларию бадий ижод машаққатларини „Алвило, Гулсари!“ повести көлтиргандир, — деб ёзған әли мұалиф. — Мен унда олдинги асарларимга қиёслаганда қандайдир янги бир сүз айтишга ҳаракат қиллім. Матбуотда берилған материаллар ҳам, дүненинг турли бурчактаридаги күпідан-күп китобхонлардан кесағттан мактублар ҳам менда маңнавий қониқини ҳосил қилибгина қолмай, балки әндиликтә ҳаётда ва адабистуда танлаган йўлим ҳақида янала чукур ўйлапта мажбур этгани.

Мазкур повест, шахсан мен учун, шуниси билан қимматлики, унда, ўйлашибимча, замонавий миллій ҳаёт картинасини тасвирлашга эриша оллим деб ўйлайман. Мен миллій ҳаёғ „иус-хасини“ эмас, балки миллій турмушларғи мұхым ижтимоий конфликтлар ва зиддиятларни ёритишига интилдим...“¹

Алиб асарда киппиларнинг меңнату ташвишларини, хатти-харакатларине ўзаро муносабатларини рүйирост тасвирлаш орқали турли қисмет ва тақдир соҳиблари бўлған одамларининг ёрқин образларини яратади. Қиссанинг марказий қаҳрамони Танабой ва Жўра образлари ҳам ана шундай кишилар тимсолига киради.

Қиссани ўқир эканмиз, Танабой кўз ўнгимизда, энг аввало, буюк бир иисон ва улуғ бир меңнаткаш сифагида гавдаиди. Бониқача қилиб айтганда, мұалиф Танабой Бакасов тақ-

¹ Чингиз Айтматов. В соавторстве с землею и водото... Фрунзе: Кыргызстан, 1978, 119—120- бетлар.

дири, унинг босиб ўтган муреккаб кураш йўли орқали уруш арафасидан тортиб то урушидан кейинги йиллардаги қишлоқ ҳастини, колхоз ҳастини балий гавдалантиришини мақсал қилиб қўйган. Маълумки, шўро давридаги тоголитар тузум одамларни, айниқса, чекка ўлкалардаги фуқароларни хўрлаб, осқ ости қилиб, манқуртлашгирив юборган эди. Буни деярли биринчи бўлиб қўтариб чиқкан адиб ўз асарларила, шу жумладан, „Ативидо, Гулсари!“ қиссасида мустабид тузум ишлатларини шафқатсизларча фош қилиб, боғ урли. Иzzаг-нафси, маънавий қалриятлари тоғталған Танабой сингари минглаб, миллионлаб соғдил кинжаларга унинг қанчалик тубанланшиб кетганини рўйирост қўрсатиб берди. „Ҳақиқат, ҳақиқат ва фақат ҳақиқатни айтиш менинг шиорим, эътиқодим“, деб езган эли у бир мақоласида. Юксак эътиқол билан яшаб, ҳақиқатни бор овоз билан куйлаган адиб алланмади. Мустабид тузум чок-чокидан сўклиб кетди. Янги ҳастбахш давр бошлианди, ўз юртини, маънавий қалриятларини асраб-авайлашга қодир еши авлод вояга стди.

Асарда тасвирланганилек, Танабойнинг тақдири ниҳоятда оғир, ҳатто фожиали. У ўзининг бутун куч-куватини, фаолиятини халқ ишига бағишлаган ва ҳар қандай шароитла ҳам ўз имони, эътиқодига содик қолған инсон. Танабой қалб амри ва ижтимоий бурч даъвати билан фронт даҳшатларини бошидан кечирали, урунидан қайттач, колхозда гоҳ темирчилик, гоҳ йилқичилик, гоҳ қўйбоқарлик қиласи, хуллас, у қаерда, қайси вазифада иншамасин, тиним билмай жонбозлик қўрсатали. Лекин Танабой ҳамма ерда ҳам колхоз фаоллари Иброҳим ва Алданов, район прокурори Сегизбосев ва райком котиби Кашқатосевлар сингари мансабдор, хуҷомадгўй юлғичларга дуч келади ва уларга қарши муросасиз кураш олиб боради. Ана шу хусусиятларига кўра Танабой ҳатто ўз акаси Қулибойни ҳам аямасдан аллақачонлар қулоқ сифатида сургуп қилишга сабабчи бўлали, колхоз партия ташкилотининг котиби — дўсти Жўранинг заифликларини эса зинҳор кечирмайди.

Уруш тугаганинга бенг-олти йил бўлишига қарамай колхозчиларга ҳақ берилмаслиги, хўжаликнинг нима учун қарздан қутула олмай орқага кетастганлиги Танабойга типчлик бермайди. Колхоз иқтисодини кўтариш учун шароит қанчалик оғир

бўлнигита қарамай, у ўз вазифасини вижданан бажаради. Танабойнинг буидай фаоллиги қинилокчаги айрим киппиларга ёқса, айримларига хуш келмаслиги ўз-ўзидан аён. Шунинг учун баъзи раҳбарлик ўринларига сайлаш пайтида кўпчилик ундан юз ўгиради. Унинг номзодини кўрсатганларида ошкора суратда бўлмаса ҳам овоз берипдан воз кечалилар. Танабойнинг ғоявий съгиқоди бошига оғир кунлар тушганда, яъни арзимаган баҳона тўқиб чиқарив уни партиядан ўчирганларида айниқса сезилади. Шуни ҳам айтиш керакки, ёзувчи Танабой образини идеаллантириш йўлидан бормайли, аксинча, бутун мураккаблиги билан акс эттирадики, биз уни буюк эътиқодли чинакам инсон тарзидан ҳам, айрим пайтларда эса ўз ҳисларига эрк бериб юборган ожиз одам сифатида ҳам кўрамиз.

Шундай қилиб, асарда тасвиirlанишича, томонлар ўргасидаги рақобаг — ҳақ ва ҳақсизлик, одиллик ва адолатсизлик, одамийлик ва ваҳшийлик, соддатлик ва дабдабозлик, самимият ва сохтакорликнинг кучли тўқнашувидан келиб чиқади. Пировардида бу курашда олдий чўпон, матонатли инсон Танабой ҳам, ҳаётининг сўнгги ламигача ҳақсизликка қарши индамай кураштган, мулоҳазакор раис, сўнгги йилларда колхоз партия ташкилотининг котиби Жўра Саёқов ҳам, ҳалоллик ва садоқат тимсоли бўлган саман йўрга — Гулсари¹ ҳам ана шу курашнинг қурбони бўлалилар. Воқеалтар ниҳоясида, катта қурбонлар берилиганига қарамай, адолат, диснат тантана қиласади. Ана шу психологияк ва драматик ҳолатларнинг Танабой қалбила акс садо бериши асарда ғоятда табиий ва ишонарли чиққан.

Танабой урушдан қайтиб келгандан сўнг колхозда хизмат қилиб юриб, шу ерда Гулсари исмли отни парвариш қиласади. Гулсарининг қулунилигидан тортиб бутун ҳаёти унинг кўз ўнгига ўтади. Демак, Танабойнинг кўпгина масрур ламларига Гулсари ҳам шоҳид эди. Танабой ва Гулсари — айрилмас ҳамроҳлар, қадрлон дўстлар. Гулсари — Танабойнинг жони, қони. Гулсарининг тақдирини — Танабойнинг тақдирини. Балки эриш туюлар, лекин бу бор ҳақиқат. Улар бир-бирларининг қалбини, нозик юрак сирлариги гўё чуқур тупгуналилар. Асар воқеалари

¹ Гул ва сариқ сўзларидан олинган бўлиб, Саригул маъносини англатади.

лавомида Танабой характеристидаги күпгина қирралар Гулсари образи билан боғлиқ ҳолла очила боради. Хулас, Танабойнинг тақдирини аинглашда Гулсари от ҳат этувчи роль ўйнайди.

Муаллифнинг ҳар бир асари чуқур психологизм, терапия конфликтлар, ўзига хос драматик коллизиялар асосига қурилган. „Атвидо, Гулсари!“ қиссасидаги чуқур психологизм тоғ Танабойнинг ўй-хаёллари, тоғ Гулсарининг хотира ва кечинмалари тарзida берилини ва ҳар гал инсон руҳининг чуқур қатламларига, жонивор оламининг ички дунёсига кириб боришида Айтматовнинг инсон ва уни қуршаб олган борлиқни бир бутуниликда беришдек юксак маҳорати яққол кўзга ташланади.

Муаллиф Танабойни юксак идеаллар учун сабит курашчи, салоҳиятли инсон сифатида кўрсатар экан, унинг камчиликлиридан ҳам кўз юммайди. Ёзувчи „Биринчи муаллим“ повестидаги Дуйшэн ҳақида ганириб „коммунист образини онгли равишда идеалланитирганини“¹ айтган эди. Аммо буидан Дуйшэн, шунингдек, Танабой ҳам идеал қаҳрамон леган хулоса келиб чиқмайди. Дуйшэн инқиlob ғаъбаларини мустаҳкамлани йўлида қаҳрамонлик кўрсатган найтларида ҳам, Олтинойни ўқитганда ҳам билими чуқур эмаслигини тушунади. Танабой эса ўз оиласи, бола-чақалари борлигига қарамай, тунлари бошқа аёл билан учрашиб юради. Бугина эмас, „Атвидо, Гулсари!“ повестида Танабойни турли тиндаги партия ходимлари билан тўқнаштириш орқали муаллиф ҳастни пардозлаб тасвирлани ҳақидаги, яъни шўро адабиётида гўс партия аъзоларининг салбий образларини яратиш мумкин эмаслиги ҳақидаги қарашларга зарба беради. Чиндан ҳам бундай қарашлар ҳаст ҳақиқатига зид эди. „Атвидо, Гулсари!“ қиссаси, юқорида айтиб ўтганимиздек, асосан, урушдан сўнгти давр қирғиз қишиюқларида юз берастаган улкан ўзгаришларни, энг муҳими, янги ҳаст қураётган меҳнаткаш қирғиз халқининг қалб уришини ўзида ифода этган йирик бадиий полотно бўлиб қолди. Шу боисдан ҳам ўз даврининг юксак мукофотларидан бири — Давлат мукофотига сазовор бўлди.

¹ Чингиз Айтматов. Создадим яркий образ. // В соавторстве с землюю и водою... Фрунзе: Кыргызстан, 1978, 90-бет.

Асарнинг сюжети шундай бошланади: ўр томонга қараб чўзилиб кетган қийин йўлда аравага қўшилган қари отда қари киши кетмоқда, отининг юриши тобора секинлапиб, аравани теналик томон аранг тортиб боради. Аравакаш бошқа аравакашлар сингари ҳолдан тойган отни бехудага қамчиламайли, уни айди. Аравани кекса от эмас, гўе ўзи тортиб бораётгандай ҳис қиласи, жони ачийди.

Нега шундай? Чунки бу кекса одам ва қари от бир-бирига қадрлон, умринерик, айрилмас дўстлар эдилар. Бу қари от бир вақтлар овулнинг кўрки, атрофга донғи кетган, бутун водийни ўзига мафтун этган йўрга Гулсари бўлса, кекса киши бир вақтлар кучини қаерга сифдиришни билмаган, тиниб-тинчимас, гайратли ва ўқтам Танабой эди.

„Алвидо, Гулсари!“ повести, — леб ёзган эди муаллиф, — автобиографик асар. Қаҳрамонларимининг кўпи ҳастла бор, менга яқин одамлар. Гулсари ҳам бор от. Бутун туманда донг таратган машхур йўрга от эди. Қолаверса номи ҳам Гулсари эли...¹

Қари от ва кекса Танабой бу кенгликлару довонлардан ҳастиди исча бор шамоллек учиб ўтган эдилар. Ҳозир эса бир қадам юришига, қимиirlанига мажоллари келмайди. Вақт ўтиб бормоқда. Манзилга етиш учун эса ҳали жуда узоқ йўл босиш керак. От эса тобора мадори қуриб бормоқда. Бу кимсасиз алирда тунаб ҳам бўлмайди. Умрининг ёнг ажойиб дамларини бирга ўтказган, кўпгина манзилларга истаган вақтида етказган, қаинчадан-қанча шон-шарафларга буркаган бу қадрдан отини қариган чогида йўлга ташлаб кетишинга Танабойнинг кўзи қиймайли, бу инсофдан эмаслигини у яхши билади.

Хар бир инсон кексайган чогида ўтмини ҳаёғига назар ташлагани сингари Танабой ҳам Гулсари билан ўзининг бирга ўтказган дамларини бир-бир кўз олдига келгирали. Танабойнинг ҳости, унинг Гулсари билан биринчи учрашуви, яни кекса йилқичи Тўргайнинг ўша пайтда бир ярим яшар Гулсарини Танабойга кўрсатгани, яхши от бўлали, сен уни парварини қил, леб тайинлаган кундан бошлаб ўзи ва йўрганинг босиб ўтган шонли йўллари-ю, сўнгги бор сафарга чиққан ҳозирги фожиа-

¹ Ч. Айтматов. „Кыргызстан маланияти“, 1972 й., 27 апрель.

ли дамларипи бирма-бир әслаб кетали, хотирасида бутуң бир даңыр гавдапанади.

Танабой йүргаси билан видолаптар экан, унга сүнгти сүзларипи айтади: „Сен ажойиб от эдинг, Гулсари. Сен менинг айришмас дүстүм эдинг, Гулсари. Сен ўзинг билан биргә менинг эңг өзігү хотирааларимни олиб кеткисан, Гулсари. Мен умрбод сени әслайман, Гулсари. Ҳозир ўз оллинүү сени эсга оластаннининг боиси шуки, сен жон беряпсан, донгдор отим Гулсари. Биз албатта сен билан, қачонлардир у дунесла учрашамиз, Гулсари... Лекин мен у ёқда сенинг туёқларининг дупурини эшига олмайман. Ахир у дунёла йүллар йүқ, у ёқда ер йүқ, ўт-үлан йүқ, у ёқда ҳаёт йүқ. Аммо мен тирик эканман, сен ўтмайсан, чунки мен сени әслаб юраман, Гулсари. Туёқларининг дупури мен учун севимли күшик бўлиб қолади, Гулсари...“ (1-жилд, 398-бет).

Шуни ҳам айтиш керакки, қиссалада йүрга отининг тарихи Танабойниң тарихи билан шунчаки биргаликда берилмаган, албаттага. Гулсари „эркак кишининг қаноти“ бўлибгина қолмасдан, балки у асарда мустақил балий образ сифатида гавдапанади.


Туғма йүрга бўлган бу чиройли оғни колхозда кимлар минмади, кимлар унга ҳавас қилмади. Танабой ҳолдан тойиб тамом бўлаётган рамақижон отининг бонида ўтириб ана шу одамлар ҳақила ўйлаб кетади. Ўша одамлардан бири Жўра Саеков Танабойниң дўсти эди. Шу муносабат билан дўсти Жўра билан бирга кечган ёшлик дамлари, кўнгина яхши ва ёмон воқеалариги хотирлайди.

Жўра Танабой билан ёшликтан бирга ўсган ўртоги, сафлоши, синфдоши эди. Жўра саводхон, келишган йигит эди. Аммо юрак хасталиги учун урушга бормаган, колхоз тузилишидан тортиб, уни тиклапи ва мустаҳкамлашида жонбозлик кўрсаттан киши эди. У Танабойга ҳам савол ўргатган эди. Иккиси биргаликда жамоалаштиринича, күлкүлларни синф сифатида тутатишда бирга фаоллик кўрсатган. Жўра ёшлигиданоқ мулоҳазали, босиқ бўлса, Танабой қизиққонроқ характерга эга эди.

Юқорида қайд этилганидек, Танабой характеристидаги кўнгигина қирралар Гулсари билан уйғу ҳолда очила борали. Саман йўрга ўзининг тарбиячиси ва хўжайини Танабойниң қалбини,



Президент Ислом Каримов ва Чингиз Айтматов ўзаро
сұхбатлашмоқда.



Борису Пескову
Борису Пескову
Борису Пескову
Борису Пескову

Член Академии
Член Академии
Член Академии
Член Академии



Ч. Айтматовнинг ота-оналари.



Ч. Айтматов Қыргыз ўтовида.



Ч. Айтматов Ш. Рашидов билан.



Ч. Айтматов Мустақиллик майдонида.



Ч. Айтматов ўзбек адиблари билан сұхбатда.



Ч. Айтматов ёзувчилар ва жамоат арбоблари даврасыда.



Ч. Айтматов ўзбек ёзувчилари билан.



Ч. Айтматов шоира Зулфия билан сұхбатда.



Ч. Айтматов Америка ёзувчиси Уильям Сароян билан.



Ч. Айтматов шоир Александр Твардовский билан мuloқотда.



Ч. Айтматов Ўзбекистондаги Байналмилат мағаният марказида.



Ч. Айтматов ўзбек ҳамкаслар билан.



Ч. Айтматов „Туркистон“ саройида.



Ч. Айтматов А. Навоий номидаги Миллий кутубхонада.



Дүстлар қутловида



Қувончли учрашув пайти.



„Туркистан“ саройи олдида.



Икки элнинг икки санъаткори — Ч. Айтматов ва Т. Адашбоев.



Ч. Айтматов ўзбекистонлик қирғизлар ҳузурида.



Ч. Айтматов ўзбекистонлик мұхлислар билан учрашувда.



Ч. Айтматов ватандонлар даврасыда.



Ч. Айтматов маслакдошлари билан.



Ч. Айтматов асарини кинога олиш жараёни.



Ч. Айтматов набирааси билан.



Ч. Айтматов ҳамиша эъзозда.

юрак сирларини ҳам гүё тушунади; унинг қишлоқдаги севгилиси, Бибижон билан учрашгандаги интим муносабатлари, ҳис-ҳаяжонларини сезали. Танабой ўзининг оиласи, бола-чақаси бўлишига қарамай қишлоқдаги солдат беваси Бибижонни севади, Бибижон ҳам уни севади. Улар махфий учрашиб туришади. Гулсарини йўргалатиб, шамолдек учиб бораётган Танабой Бибижонни узоқдан кўриши биланоқ отни секинлатади ва отнинг ёлига энгашган ҳолда узоқ гаплашиб боришади, бир-бирларига қалб розини айтишади. Уларнинг ўзаро дил сўзлари отта ҳам гүё тушунарлидай, от ҳам қулоқ солиб бораётгандай бўларди. Мазкур ҳолат отда табиий инстинкт ҳосил қилгандай, Бибижонни узоқдан кўргандай бошини у томонга бураверади.

Гулсари Танабойни тунлари таниш ҳовли — Бибижоншарникига олиб борганда, эгасини очиқ чехра билан кутиб олган жувоннинг иссиқ, майнин қўллари ўз пешонасини силашини ёқтиарди. Бу эпизод Танабойнинг руҳиятини баҳолаш учун эмас, балки бюрократизмнинг, мансабпарастларнинг кишилар тақдирида қолдирган мудҳиш асоратларини тадқиқ этиш учун келтирилганини оддий китобхон ҳам тушунади.

Танабой оиласи, бола-чақали киши эди. Бас, шундай экан, Бибижон билан ишқибозлик қилиб юриши тўғри эмаслигини ўзи ҳам биларди. Бу ахлоқ қоидасига тўғри келмасди. Танабой буни англаса-да, Бибижоннинг уйига яширинча қатнашини канда қила олмасди. Аммо бир воқеа сабаб бўлиб, бу учрашувлар барҳам топади. Бу — Танабойнинг Бибижон билан учрашган кечаларидан биридаги довул турган кеча эди. Довулда йил-қиларни аранг тутиб қолган хотини Жайдар Танабойнинг қаёқлардан (Бибижоннинг уйидан. *Муаллиф*) бундай ҳаллослаб келишини сезиб қолади ва бола-чақали кишига бундай ишнинг муносиб эмаслигини уқтириб, ётиги билан танбеҳ беради. Шу кундан эътиборан Танабой оила олдидаги гуноҳини, масъулиягини қалбан ҳис этади ва бу йўлдан узил-кесил қайтади.

Муаллиф Танабойнинг айни шу пайтдаги ҳолатини шундай тасвирлайди: „Танабой отдан тушиб, ўт-ўланлар устидан юриб кетди. Ёнгинасидан тўргай „пир“ этиб учди-да, баландга кўтарилиб, сайрай кетди. Танабой бошини қуий солиб борарди, тўсатдан гурс этиб ўзини ерга ташлади.

Гулсари эгасини ҳеч қачон бундай аҳволда кўрмаганди. У юз тубан ётар, елкалари йигидан қалт-қалт титрарди. У номус ва аламдан йиғларди. Шунингдек, умрида сўнгги бор эришган баҳгидан айрилганини ҳам биларди. Тўрғай бўлса ҳамон сай-рарди...“ (1-жилд, 292-бет).

Ёзувчи Танабой билан Гулсари образларининг нозик қир-раларини жонли, ҳаётий эпизодларда янада равшанроқ гавда-лантирган. Танабой ва Гулсарининг нималарга қодир эканлик-ларини тасвирлаш орқали қирғиз халқи ҳаётининг миллий ко-лоритини, урф-одатларини, миллий ўйинларию оммавий са-йилларини ҳам кўрсатиб беради. Шарқ ўйинларидан бири пой-га бўлиб, унда ҳам Гулсари биринчиликни олади. Шундан сўнг миллий ўйинларнинг энг мураккабларидан бири кўпкарида ҳам Гулсари ўзини кўрсатади. Танабой ҳам ўйинда ўзининг бутун кучини, маҳоратини намойиш этади. Кўпкарида Танабой бирга улоқ чопиштаётган қўшни қозоқ чавандози билан улоқ торти-шиб қолади ва уни енгади, бу унга катта шуҳрат келтиради:

„Улар шиддат билан чопиб бораётиб от устила кураш бош-лашди. Битта ўлжага ташланган бургутлардек улоққа маҳкам ёпишиб олишиб, бир-бирларига ўшқиришар, хириллашшар ва бир-бирларини қўрқитиши учун йиртқичлардек бўкиришар эди, қўллари бир-бирлариникига чирмашиб кетган, тирноқлари ос-тидан қон сизиб оқар эди, чавандозлари яккама-якка кураша-ётганларida тиқилишиб ёнма-ён кетаётган отлар эса қирмизи қуёшни қувиб етиш учун ишошилар, кўзлари қонга тўлган эди“ (1-жилд, 181-бет).

Танабой ва Гулсарининг донғи оламга кегган ана шундай кезларда колхоз раиси Олданов ва унинг мувовини — йилқи-лик фермаси мудири лаганбардор Иброҳим каби расмиятчи-тўралар саман йўргани Танабойдан тортиб олишга киришади-лар:

„— Вой-бўй, Танака, биз унинг ўрнига беш айғир берамиз. Шу ҳам гапми? — деб ажабланди Иброҳим. У иш хамирдан қил суғургандек осонгина ҳал бўлаётганидан хурсанд эди... Эҳ, Та-набойнинг ўрнила бошқа киши бўлганда-ку, гапни қисқа қил-ган бўларди-я! Аммо Танабой танабойлигини қиласи-да, у ўзи-нинг акасини ҳам аямаган, буни унутмаслик керак. Эҳтиётлик билан иш тутмаса бўлмайди.

— Менга сизнинг беш айғирингиз керак эмас! — деди-да, Танабой терлаб кеттан пепонасини артди ва бир оз индамай тургач, очиқчасига гапиришига қарор қилди. — Нима, раисингга минишга от топилмайдими? Отхонада отлар қуриб кетдими? Нега эиди бошқа от эмас, Гулсари керак бўлиб қолди?..

— Мана сиз, Танака, урупда солдат бўлгансиз. Сиз енти машинада, генералингиз юк машинасида юрганими, ахир? Йўқ, албатта. Генералга — генераллигига муносиби, солдатта эса — солдатлигига ярашаси. Тўғрими?

— Унинг йўриғи бошқа, — деди Танабой эътиroz билдириб, лекин нега йўриғи бошқа эканлигини тушунтириб ўтирамади, очигини айтганда, тушунтира олмасди ҳам. У саман йўрга бўйнига тушган сиртмоқ тортилаётганини сезиб, жаҳл билан гапирди: — Бермайман. Агар маъқул кўрмаётган бўлсаларинг, йилқибоқарликлан олиб ташланглар. Темирчилик устахонасига бораман. У ерда сизлар мендан болғани тортиб ололмайсизлар“ (1-жилд, 299-300-бетлар).

Демак, бундан кўриналики, Танабой тубанликка, ноҳақликка чидаб тура олмайди, балки унга қарши муросасиз кураш олиб боради.

Гулсари аллақандай бадбўй ҳид анқиб турган хўжайнинг эгари узангисига осек қўйишига, аллақандай хилватгоҳлару майхоналарда соатлаб қантарилиб қўйилишига сира тоқат қила олмасди. У неча бор оғзида югани, оёғида кишани билан қочиб кетиб, уюрга қўшилади, яна қайтариб келадилар. Ногаҳон, бир куни турли тусда кийинган кимсалар Гулсарини қуршаб олиб „илдизи қирқилган дараҳтдай гурсуллатиб ерга йиқитдилар. Тўртала оёғини тугун қилиб боғладилар. Бирдан кучли оғриқдан йўрганинг кўзларида ўт чақнаб кетди. Воҳ! Қизғиш аланга ялт этиб ёнди-ю, дарров ҳаммаёқни қоронгулик босди“ (1-жилд, 315-бет). Бу мудҳиш воқеалар Танабойга қаттиқ таъсир қиласди, изтиробга солади. Гулсарининг Танабойдан тортиб олиб кетилиши унинг юрагини суғуриб олиб кетиш билан баробар эди. Шу тариқа бичилган саман йўрга эгаси — Танабойнинг умр йўли сингари йиллар ўтиб, қўлдан-қўлга ўтиб, шу даражага бориб етадики, ҳатто ўт-ўланларни чимдига олишга ҳам мажоли стмай қолади.

Ёзувчи йўрға отнинг Танабойдан олиб кетилиши натижасида унинг қалбидаги туғён ургани руҳий зилзила, эзилиш ва изтироб аламларини биргина деталь — қўбизда чалинадиган куй, яъни она туюнинг ўз бўталогини йўқотганидаги армони ифодаланган куй воситаси или бадиий инкишофтади. Янада аниқроқ қилиб айтганда, Танабойнинг Гулсаридан айрилганидаги руҳий ҳолати она туюнинг йўқотган ўз бўталогини излаганидаги армонига ҳамоҳанг тарзда тасвирланади.

Шундай қилиб, меҳнаткаш дехқон Танабой Бакасов оғир йўлни босиб ўтади. У қайси вазифада ишламасин, қайси ишга тутина масин — ҳамма-ҳаммасини сидқидилдан бажаради, аммо иши ўнгидан келмай ҳар қадамда тўсиқларга дуч келаверади.

Танабой колхозда қўйчиликнинг аҳволи бошқа соҳаларга қараганда оғир эканлигини билиб, йилқини қўйиб қўй боқишига ўтишни дўсти Жўра Саёков таклиф қилганда йўқ деёлмайди. Ана шу қийин шароитда ҳам ишлаб, бу қолоқ соҳани яхшилашни ўз бурчи деб тушунади ҳамда колхоз раисининг топшириғи билан бошқа икки отарни, яъни ёшлар бокувчилик қилаётган отарларни ҳам ўз оталиғига олишга рози бўлиб, катта йиғилишда сўз беради. Қўйчилик отарларида аҳвол ниҳоятда оғир эди. Қиши қаттиқ келганлигидан ўша йилиёқ қийинчиликларга дуч келди. Отарларда ем-хашак йўқ, қўй-қўзиларга қўйхоналар йўқ. Бори ҳам яроқсиз, илма-тешик эди. Чўпонларнинг аҳволи ҳам ёмон. Улар томчи ўтиб турадиган ертўлаларда бутун оиласи билан яшар ва ишлар эдилар. Чўпонларда қадимий қирғиз ўтовлари йўқ эди. Чорвалорлар учун ниҳоятда зарур бўлган иссиқ ва қулай ўтовларни йўқотиш кераклиги ҳақида, бу эскилик сарқитлари эканлиги ҳақидаги айрим кимсаларнинг сўзига ишониб бир вақтлар ёшлар мажлисида аҳмоқона нутқ сўзлаганидан уялиб, ўз-ўзини койиб юради. „Узоқ яйловларда ўтовларсиз чорвачилик қилиб бўлмас экан. Қўчма чорвачилик учун ҳали ўтодан дурустроқ бошқа ҳеч нарса ўйлаб топилмаганлигига қарамай, уни нега қоралаганинга энди ўзи ҳам ҳайрон қоларди. Ҳар бир кичик бўлаги аждодларнинг асрий тажрибасидан ўтган ўтвон ўз ҳалқининг ажойиб кашфиётини эканлигини у нега кўра олмаган экан?“ (1-жилд, 309-бет.)

Хуллас, шароит ночорлиги, ем-хашакларнинг етишмаслиги натижасида қўй-қўзилар нобуд бўла бошлайди. Айниқса, тўл

пайтида қўзилар қирилади. Танабой эса бутун оиласи билан туну кун, уйқу билмай, лой кечиб меҳнат қилади. Лекин қўзиларни сақлаб қола олмайди. Янги туғилган қўзиларга иссиқ жой, она-ларига ем-хашак бўлмагач, асраб қолиш қийин бўлади. Ҳаёт қанчалик оғир, қанчалик мураккаб бўлмасин Танабойнинг мешин иродасини бука олмайди, аксинча, у ноҳақликка, адолат-сизликтинка, мансабпаратликка қарини муросасиз курашчилигича қолиб муваффақиятсизликларнинг туб сабаблари ва уларни бартараф этиш учун бош қотиради, турли ўй-хәёлларга чўмади: „Танабой чўлда айланиб юриб ўйлар, бироқ ўз шубҳаларига жавоб топа олмас эди. Шунла ўзларининг бир вақтлар қандай қилиб колхоз тузга бошлаганликлари, халққа баҳтли турмуш ваъда қилганликлари, одамларнинг нималарни орзу қилганликлари эсига тушиб кетарди. Ўша орзуларнинг рўёбга чиқиши учун қанақа курашишди! Ҳамма нарсани ағдар-тўнтар қилиб ташлашиди, эскиликка зарба беришиди. Дастлабки пайтлар турмуш ёмон эмасди. Агар манави лаънати уруш бўлмаганида яна ҳам яхшироқ яшаган бўлишарди. Энди-чи? Урушдан кейин мана неча йиллар ўтиб кетди-ю, ҳамон хўжаликни эски ўтвовдек ямаб-яққаб ётибмиз. Бир жойини ямасанг, бошқа жойидан йиртиғи кўриниб қолади. Нима учун? Нима учун колхоз ўша пайтлардагидек ўзингники эмас, гўё бегона? У вақтларда йиғилиш нимага қарор қилса — шу қонун эди. Қонунни ўзлари қабул қилишган ва уни бажариш кераклигини билишарди. Энди эса йиғилиш қуруқ гапдан иборат бўлиб қолди. Сен билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Колхозни гўё колхозчиларнинг ўзлари эмас, кимдир таишқаридан бошқараётгаидек“ (I-жилд, 319—320-бетлар).

Худди шундай оғир шароитда район партия қўмитаси томонидан вакил қилинган район прокурори Сегизбоев колхоз парткоми Жўра Саёқов билан келиб қолади. Сегизбоев аҳволнинг оғирлигини, қўзилар нобуд бўлишининг сабабини текшириб ўтирмасдан, Танабойни ҳақорат қилади — халқ душмани, сени жойинг турма, дейди. Меҳнатнинг оғирлигидан ва прокурорнинг ноўрин сўкишларидан тоқати тоқ бўлган Танабой Сегизбоевни паншаха кўтариб қувиб ҳайдайди. „Янги ҳаётнинг равнақи учун курашган, шиорий ақида учун ҳатто акасини сургун қилиб юборган Танабой, мана энди Сегизбоевлар

яратган бюрократик машина даҳшати оллида лол бўлиб турали. Сегизбоевтарни ўзи яратганини англамайди. Улар ўзининг онг-сизлиги ва беғуборлигидан униб-ўсиб чиққанлигини тушунмайди¹.

Натижада Танабойнинг иши партия бюросида муҳокама қилинади. Сегизбоев чўпон Танабойнинг иши ҳақида, қолаверса район вакилини ҳақорат қилгани, қувиб ҳайдагани ҳақида ахборот беради. Райком котиби Қашқатоев ҳам маълум бир максадни назарда тутиб Танабойни қоралайди, Сегизбоевдан ҳайикқанлиги учун унинг тарафини олади. Йиғилишда Танабойнинг хатти-ҳаракатларини фақат бир киши — район газетасининг муҳаррири Каримбеков қувватлаб чиқади. У колхозчи, чўпон, кекса коммунист Танабойни ноҳақдан ҳақорат қилиб, таҳқирлагани учун район прокурори Сегизбосвнинг ўзини ҳам муҳокама қилиш масаласини кўяди. Мажлисда Танабойга сўз беришганда, у гапиришни истамайди. Сегизбоевни нима учун ҳақорат қилганилиги, тинимсиз меҳнат қилиб, меҳнати қадрланмаганини айтиб, ўзини оқлашни лозим кўрмайли. Одатда, ҳаётда қанчадан-қанча эзгу ишларни амалга оширган айрим кишилар апа шу ишни қилдим, деб айтгиси, писанда қилгиси келмайди, аксинча, халқ, жамоатчилик ўзи билиб олар, леган андиша билан кифояланадилар. Хуллас, мансабпаст тўраларнинг иожўя хатти-ҳаракатлари, алолагсизликлари туфайли Танабой партия сафидан чиқарилади.

Танабой Бакасов ишининг райком бюросида муҳокама қилиниши қиссанинг кульминацион нуқтасини ташкил этади. Айни шу ўринда Танабой билан Каримбековларнинг ҳаётга мунисабати-ю, мансабпаст Олданов, Қашқатоев, Сегизбоевларнинг мавқси ўртасидаги конфликт ҳал этилади.

„Танабой партия билетини олиш учун қўйнига қўл солали. Орага чўккан жимлика у анча ивирсили. Унинг паргбилети фуфайкаси, костюми остидаги чарм халтачада бўлиб, буни Жайдар тикиб берган эди. Бу халтачани Танабой қайин ўтказиб, елкасига осиб юради. Хуллас, у халтачани чиқариб, ундан кўксининг ҳарорати билан илиган партия билетини олди

¹ И. Faфurov. Икки ҳаёт. // Чингиз Айтматов навечно в сердцах узбекистанцев. — Т.: „NOSHIR“. — 2008, 195- бет.

ва Қашқатоевнинг совуқ, ярқироқ столи устига қўйди. Сўнг ҳатто узи ҳам совуққа қотгандек жунжикиб кетди“ (1-жилд, 376-бет).

Партбилетини топшириб чиққач, Танабойнинг кўнглига ҳеч нарса сифмайди. У одамлар юзига ҳам қаролмайди. Отига ми-ниб тоққа қараб равона бўлади. Орқасидан чопиб стиб борган ўртоги Жўрага ҳам қайрилиб қарамайди. Бундай бўлишига гё Жўра ҳам сабабчи эди. Уни кўй боқинига ундан ҳам Жўра эди-ку.

Ўртоғининг партиядан ўчирилиши хаста Жўрани бутунлай йиқитали. Унинг юрак хасталиги кучайиб, ётиб қолали. Ўқишдаги ўғли Шомансурни ва Танабойни ҳам чақиртиради. У эса келишни истамайди. Шунда Танабойнинг хотини Жайдар уни зўрлаб юборади. Танабой келганда Жўра узилган эди. Жўрани дафн этгач, унинг ўғли Шомансур Танабойга отасининг васиятини, яъни Жўранинг партбилетини райкомга Танабой олиб бориб топшириб қўйиши ҳақидаги васиятини айтади. Танабой Жўранинг партбилетини олиб райком секретари Қашқатоев кабинетига кирмоқчилигини айтганда, у қабул қилмайди. Партбилетни ҳисобга олиш бўлимига топшириб кетишини айтади. Омали чопмаган Танабой шу кўйи уйига бориб, хотини Жайдарга Жўранинг вафот этганини айтиб йиғлайди. Хотини ҳам унинг дардини тушуниб, дўсти Жўра дафнидан қайтган эри учун ҳалқ орасида кўпдан бери куйланиб келинаётган ғамгин марсия, яъни овчининг ўзи отиб қўйган ўғлига бағишлаб айтган марсия — „Кекса овчининг қўшиғи“ни қўбизда куйлаб беради. Куй аслини олганда, моҳият эътибори билан, қаҳрамонга берилган психологик тавсифнома бўлиб, у Танабойнинг ўша ондаги руҳий ҳолатини, ички изтироблариги ёритишда бир восита ҳисобланади. Таниқли адабиётшунос ва танқидчи Л.Якименко „О поэтике современного романа“ мақоласида „Описание мелодий находит прямое соответствие с душевным состоянием Танабая. Описание мелодии, в сущности, психологическая характеристика героя“¹ деганда жуда ҳақли эди.

Темир қўбизнинг юракни эзувчи титроқ оҳангиги янграйди. Гё ё шамол алам билан увлаетгандек, гё ё бир одам далада мунг-

¹ Единство. Сборник статей о многонациональной советской литературе. М., 1972, 227-бет.

ли ашула айтиб, йиғлаб югураттандек, атрофдаги ҳамма нарсалар эса нафасини ичига ютиб сүкүт сақлаб турғандай ва фәқат инсоний қайғу-ҳасрат нола чекаёттандек эди. Гүё у югурап ва ўзининг қайғу-алами билан қаерга бош уришни, бу сокин ва кимсасиз ерда изтиробларини кимга айтиб, күнглини қандай бўшатишни билмас ва унга ҳеч ким ҳам жавоб бермасди. У йиғлар ва ўзини ўзи тингларди. Танабой хотинининг у учун „Кекса овчининг қўшиғи“ кўйини чаластганини англайди...

Фақат шундан кейингина муаллиф Танабойнинг руҳиятига монанд равишда ёш овчи ҳақидаги эртакни баён этишга ўтади:

*Мен сени ўлдирдим, ўғлим Қорагул,
Ҳолимга ким йиғлар, ўғлим Қорагул,
Тақдир жазолади, ўғлим Қорагул.
Қисмат ўч олди, ўғлим Қорагул,
Овчилик касбига, ўғлим Қорагул,
Оҳ, нега ўргатдим, ўғлим Қорагул?
Күш-ҳайвонни қийратдинг, ўғлим Қорагул,
Жониворларни отдинг, ўғлим Қорагул,
Ҳар бир тирик мавжудот, ўғлим Қорагул,
Дастингдан ўлса наҳот, ўғлим Қорагул.
Ёлғиз қолдим оламда, ўғлим Қорагул,
Ҳеч бир инсон шу дамда, ўғлим Қорагул,
Йигимга солмас қулоқ, ўғлим Қорагул,
Мен сени ўлдирдим, ўғлим Қорагул,
Жонингга қасд қилдим, ўғлим Қорагул...*

(1-жилд, 395—396-бетлар).

Кўринадики, қирғизларнинг қадимги маросим қўшиқларини эслатувчи мазкур қўшиқ, яъни овчининг ўз ўғлини отиб қўйиб, унинг жасади тепасида айтган видолашув қўшиғи сингари Танабойнинг ўз номатлуб хатти-ҳаракатлари учун қадрдан дўсти Жўрадан кечирим сўраши ҳам эмоционал руҳ билан сугорилган. Демак, „Она түяning бўталоғини излашдаги оҳу зори“ ҳам, „Кекса овчининг қўшиғи“ ҳам асарда бежиз келтирилмаган, албатта. Уларга юқорида айтиб ўтганимиздек, психологик маъно юқлатилган. Натижада, асарнинг таъсирчанлиги кучайтирилган. Повестдаги Танабой ва Жўра ўртасидаги дўстлик алоқалари ҳам

чинакам инсоний, бегараз заминда юзага келган бўлиб, ҳеч қандай тасодифлар бу дўстликни бузишга қодир эмас.

Ууман олганда, бир маслакка, мақсадга эга бўлган ва даврнинг шафқатсиз фожиаларини бошидан кечирган ушбу тимсоллар ўзига хос индивидуал характер хусусиятлари билан бир-бирларидан кескин равишда ажralиб турадилар. Танабой чапдастроқ, тезоброқ, шошқалоқроқ бўлса, Жўра босиқ, сермулоҳаза киши. Бу ҳар икки дўст умр бўйи бирга ишлаб, колхоз тузумини мустаҳкамлашга хизмат қилишди. Ҳаёт жараёнида икки дўст ўртасида айрим англашилмовчиликлар бўлишига қарамай, улар бир-бирининг дилини оғритмай, қадрдан бўлиб яшадилар. Шунинг учун Жўра сўнгги нафасида ҳам Танабойни тилга олиб, ўзининг партбилетини райкомга олиб бориб топширишни унга ишонади. Танабой ҳам дўстининг бу васиятини адо этади.

Жўра ахлоқан пок, алолатли, диёнатли инсон бўлиб, Танабойга қараганда турмушдаги у ёки бу воқсалардан чуқурроқ хулосалар чиқаради. Бошқача айтганда, у ҳар бир нарсага жуда эҳтиёткорлик билан ёндашишни ўзига одат қилиб олган эди. Бу жиҳатдан Жўра Танабой характеристидаги кемтикликни тўлдираётганга ўхшаб кетали.

Танабой Бакасов ва унинг ажралмас дўсти, сафдоши, ҳаётнинг чексиз машққатларини бошидан кечириб, оғир юрак хасталигига дучор бўлган Жўра Саёқвлар фожиасида оддий меҳнаткаш инсон руҳининг маънавий юксаклиги, ахлоқий соғлиги ўқувчини ўзига мафтун этса, котиб Қашқатоев, прокурор Сегизбоев, раис Олданов сингари расмиятчи мансабдор шахслар образлари маънавий тубанлиги, қашшоқлиги, худбин, разиллиги билан китобхонда нафрат туйғуларини алантгалаатади.

Хулоса қилиб айтганда, „Алвидо, Гулсари!“ повестида Танабой Бакасов тақдири орқали, унинг меҳнати ва кураши орқали Иккинчи жаҳон урушидан кейинги тикланини даври, янги ҳаёт манзараси ҳаққоний тасвирланган.

„ОҚ КЕМА“НИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Чингиз Айтматов ҳар бир янги асарида ҳастимизга янги мавзу, янги foялар, янги образлар оламини олиб кириши билан бирга янги тасвирий-услубий йўлларни кўллаш орқали ас-

римизнинг долзарб ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-маънавий муаммоларини дадил кўтариб чиқади. Алибнинг „Оқ кема“ (1970), „Соҳил ёқалаб чопаётган олапар“ қиссалари ҳам шундай асарлардан бўлиб, ўзининг юксак реалистик тасвири билан кишини foятда ҳаяжонлантиради. Мазкур асарларда рамзий-фалсафий мазмуннинг тобора чуқурланниб борганини кўриш мумкин.

„Оқ кема“¹ том маънодаги foявий, бадиий ҳалқчил асардир. Ҳалқчиллик — санъат ва адабиётнинг балийлигини белгиловчи муҳим фазилатлардан бири. Бадиий асарининг ҳалқчиллик характеристи, биринчидан, ҳалқ ҳаётининг энг долзарб масалаларини ўртага қўйиш, ҳар бир воқеа-ҳодисани ҳалқ манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашиб, илғор дунёқараш ва юксак foявийлик асосида ёритиш, иккинчидан, кенг ҳалқ оммаси учун тушинарли бўлган бадиий тил ва услубдан, раинг-баранг шакси ва жанрлардан самараати фойдаланиши каби муҳим принциплар билан белгиланади. „Оқ кема“ қиссасини ана шу талаблар нуқтаи назаридан ёндашиб таҳтил ва талқин этишига ҳаракат қилалими.

Улуғ рус рассоми Репин ўзининг навбатдаги нодир асарига нуқта қўйгач, „Менинг энг яхши асарим ҳали олдинда“ дейишини яхши кўрар экан. Чуқур мазмун касб этган бу иборани Ч.Айтматов ижодига ҳам тўла татбиқ этиш мумкин. Ёзувчи асардан-асарга ўтган сари янгидан-янги маҳорат чўққиларини эгаллаб борди. Унинг ҳар бир асари, шу жумладан, „Оқ кема“ („Эртакдан сўйг“)² қиссаси Айтматов ижодида алоҳида бир воқеа, бадиий кашфиёт бўлди. Бошқача айтганда, асар foявий-бадиий теранлиги билан жаҳон адабиётида яратилган машҳур асарлар қаторидан муносиб ўрин олди ва „Жамила“ қиссаси сингари

¹ „Оқ кема“ „Новый мир“ журналининг 1970 йил 1-сонида, „Шарқ юлдузи“ журналининг эса 1972 йил, 3—4-сонларида босилган.

² „Оқ кема“... Дарвоқе, нима учун оқ кема? Ёзувчи бу ном билан нимани пазарда тутаяпти: Бола тасаввурила оқ кема ёргулик, гўзаллик тимсоли, адолат рамзи. У иккита эртакка ишонади: биринчиси, буваси айтиб берган халоскор она буғу хусусилаги эртак бўлса, иккинчиси, ўз хаёл оламида яратилган оқ кема ва унга балиқ қиёфасида сузиг бориши ҳақидаги афсоналир.

муаллифга оламшумул шұхрат келтирди. Бу мұхтасар, аммо мұраккаб асар қитобхонлар оламини тұлқинлантириди, йигинларда, гурунгларда мұҳокама этилиб, танқидчиларни адабий мунозараларға чорлади.

„Оқ кема“ ҳали күпчилик томонидан зұтироф этилишидан анча олдин, Чингиз Айтматов ўз нұқтаи назарини қаттық туриб ҳимоя қыларкан, шундай деб ёзған эли: „Бу ерда инсонпарварликнинг, мұруваттаннынг мезони — инсоннинг табиатта муносабатидир. Худди шу муносабатдан ахлоқий проблема — вижлон проблемаси келиб чиқади ва у инсоннинг әнд мұхым фазилаттаридан бири сифатида унинг бошқа барча мавжудотлардан фарқылы эканлигини күрсатып туралы... Виждон ва инсоний бурч сифатида принцип даражасыга күтарилған ва уни мәнсимаслик ёвузынка хизмат этиш демеклір... Умрибоқий маңынавий бойліктарнинг ҳаёттій долзарбелиги ҳам мана шунда“¹. Новатор салъаткорнинг бу дадыл сүzlари қаққонийлигини ҳаёттінинг ўзи тас-лиқлади.

Асар босилиб чиқиши билепқ үнлаб тилларга таржима қилинди. Ўз даврининг нұфузли нашрлари — „Правда“, „Комсомольская правда“, „Литературная Россия“ газеталарыда қатор тақризлар әзілген қилинди. „Литературная газета“ эса ўз саҳиfalарыда мазкур қисса юзасидан көнт миқсса мұҳокама ўтказды.

„Оқ кема“ қисссаси юзасидан узоқ давом этган мунозараларда ҳам худди муаллифнинг „Жамила“ повестидағи сингари илиқ ва аччиқ гаплар айтилди, айниқса, марказий қаҳрамон Боланинг ўлеми ҳақыда турли-тұман фикрлар баён этилиб, муаллиф ва унинг асари шағыннан тағына тошлари ёғдирилди. Муаллиф бу сафар ҳам ўз эътиқолига, дүнёқарашига содиқ қолған ҳолда касбдошларининг хато қарашларини ўзининг „Зарурий аниқлик учун“ („Необходимые уточнения“) номли мақоласыда мантиқан асослаб беради ва бу баҳс редакцияннинг қисқача холосаси биләп якуланди. Бу ўринде асар ҳақыда билдирилған фикрларни таҳдил қилишга ҳожат йўқдир.

Лекин хамир учидан патир леганларидес, биргина мактубни келтириб ўтайлик:

¹ „Литературная газета“, 1970 йил, 29 июль.

„Бир вақтлар „Навоий“ романы менга... ҳамдард бўлган эди... Энди менинг „овунчим ҳам, қувончим ҳам“... „Оқ кема“ бўлиб қолди. Мен бу китобни бир неча марта қайта-қайта ўқисам дейман. Негаки... бу шунчалик „кatta майдон“ки, унлаги нарсаларнинг ҳаммасини бирданига ақл кўзи билан илғаб ололмайди, киши. Улуғ мутафаккирларнинг асарлари, ҳикматлари асрлар оша янада ёруғ юлдузлар сингари порлаб ўз жамолини ёрқинроқ намосиң қилаётганидек, бу асарнинг қадри ҳам кундан-кун ортиб борали деб ўйлайман“, — деб ёзди Самарқанд вилояти, Хатирчи районидаги 18-ўрта мактабнинг адабиёт муаллими Юсуф Ҳақбердиев.

Шундай қилиб, „Оқ кема“ қиссаси жуда катта эмоционал кучга эга бўлиб, Ч.Айтматов ижодида муҳим маънавий-ахлоқий бир босқичидир.

Муаллифнинг „Бўтакўз“ қиссасида мамлакагда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш қулратли иқтисодий-сиёсий плацдарм, улкан камолот мактаби эканлиги, „Биринчи муаллим“да ўқитувчининг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, баркамол авлод тарбияси, „Алвило, Гулсари!“да шахс эрки, инсоннинг ҳақ-хуқуқи, танқид жамиятни ҳаракатга келтирувчи куч эканлиги талқин этилган бўлса, „Оқ кема“ повестида табиатни муҳофаза этиш муаммолари қаламга олинган. Табиатни асраш бизнинг замонамизга келиб инсоният олдидаги энг долзарб, глобал масалага айланди. Бу бораадаги саъй-ҳаракатлар изчил олиб борилаётгани шундан далолат беради. Дарҳақиқат, бу масала фақат иқтисодий масала бўлиб қолмай, балки ижтимоий-ахлоқий масала сифатида ҳам кўндаланг турган ҳозирги пайтда, табиатнинг чинакам жонкуяр ҳимоячиси бўлган бу адабнинг ижоди, айниқса, катта аҳамият касб этади. Инсон ва табиат проблемаси хусусида гапиргандга шуни айтиши жоизки, Чингиз Айтматов М.Пришвин, А.Платонов, К.Паустовский, Л.Леонов каби рус ёзувчиларининг ҳам энг яхши анъаналарини муносиб давом эттирди. Шуниси диққатга сазоворки, мазкур масаланинг халқаро миқесда нечоғлик долзарблигини ҳаётнинг ўзи тасдиқла-мокда. Демак, юқорида қайд этилганидек, „Оқ кема“ қиссасида ифодаланган асосий масала — инсон ва табиат муаммоси ва ундан келиб чиқадиган ахлоқий масалалар зўр ҳаққоният билан акс эттирилган.

„Оқ кема“ қиссасига юксак бадийлик бахш эттан мұхым омиллардан бири шундаки, Чингиз Айтматов ижтимоий ҳәёт ҳақидаги қарашларын холосаларини бирон үринде ҳам яланғоч ҳолда баён этмайди. Муаллиф ўз қаҳрамонлари характерини чизар экан, уларнинг жонли инсон эканини, бинобарин, уларнинг ҳеч қайсиси инсонга хос бўлган фазилатлару заифликлардан холи эмаслигини унутмайди. Буларнинг барчаси қиссада характерлар мантиғи воситасида инкишоф этилади. Демак, бундан кўринадики, муаллиф ҳар бир персонаж тасвирида, айниқса, унинг ички дунёсини, руҳий кечинмаларини чизишида қотиб қолган схемалардан қочади ва турфа хил ранглардан кенг ва самарали фойдаланади. Муаллиф воқеаларни, асосан, Бола тилидан ҳикоя қиласи. Бинобарин, қиссанинг бош қаҳрамони ҳам Бола.

Асарда тасвиirlанишича, авлодларнинг энг яхши анъаналари руҳида тарбияланаётган ва юксак ахлоқий фазилатларни ўзила шакллантирастган гўзал, хушиғеъл, ёқимтой, очиқ кўнгилли етти яшар боланинг виждони ҳали ҳеч нарса билан заҳарланмаган табиатдай мусаффо. У ҳәёт тўғрисидаги тушунчаларни, инсон ва унинг юмушларини ўзининг ана шу беғубор — соғ виждони билан қабул қиласи. Ана шу виждон тарозисида ўлчайди. Унинг мурғак қалби ҳеч қандай ёлғонни, ҳеч қандай ёвузликни қабул қиломайди, аксинча, ҳәётдаги жуда кўп чигал саволларга жавоб излайди. Лекин бу саволларга тайин бир жавоб топа олмай қийналали. Натижада бир муаммо иккинчи-сими келтириб чиқаради. Бола эса ҳәётга „бала кўзи“ ва ўзининг маъсум руҳий дунёсига яқин бўлган бувасининг „нуқтаи назари“ билан қарайди. Ўқувчи нурдай тоза орзулар оғушида яшовчи, Она буғу ҳамда Оқ кема ҳақидаги эртакларнинг эртак эмас, балки чин эканига астойдил ишонган ва уларнинг рӯёбга чиқишига кўз тутган Болани севиб қолади ва унга бўлган мұхаббати чексиз оргади.

„Оқ кема“ қиссасида ҳикоя этилган воқса қирғиз тупроғида — Сантош дарасида кечади. Даранинг бир томонида Қоровултоғ бўй чўзиб, шу тоғдан хушманзара Иссиккўл кўриниб туради.

„Қайси бир вақт кузда Иссиккўлдан Сантош ўрмонига бориб қолдим, — деб ёзган эди муаллиф, — у ерда пичан ташиёт-

ган шофёрга йўлиқдим. У менга бу ерга қаердан дир икки бугу (марал) келганини айтиб берди. Буғунинг бирини отиб олишибди-ю, иккинчиси қочиб қутулиб кетибди. Энди у бу ёқларга сира қайтиб келмаса керак“... — деди шофёр афсусланиб. У менга ўзлари тунаган ўрмонбесгининг уйини ҳам кўрсатди. Шундай қилиб, мен „Оқ кема“даги бола яшаган уйга тўғри келдим”¹. Китобнинг ёзилишига турткى бўлган бутун воқеа ана шундан иборат. Демак, асар ҳаётда рўй берган воқеа асосида ёзилган.

Ёзувчилик ижодкордан катта ҳаётий гажрибани тақозо этади, албатта. У ҳаётда турфа хил кечинмаларни бошидан кечиради. Айтайлик, оч-ялангоч, ночор бир кимсанинг руҳий оламини ҳаққоний чизиш учун очлик нималигини билиш ёки қор босиб қолган киши кечинмаларини ифодалаш учун, ҳеч бўлмаганда шу мудҳиш ҳолатни тасаввур эта олиши керак, албатта. Кипп ўзи билмаган, кўрмаган ҳодисаларни ёсса, на ўқувчини ишонтира олали, на ёзганлари уни ҳаяжонга солади. Ана шу нуқтаи назардан қараганда ҳалқ дарди билан яшаш, ҳаётнинг ички тўлқинлари-ю, бутун икир-чикирларигача мушоҳада этиш Айтматов ижодининг бош принципи ҳисобланади.

Энди асосий масалага, яъни асар таҳтилига ўтайлик.

Дарадаги ўрмоғ қоровулхонасиning аъзолари — қўриқхона бошлиғи Ўразкул Болажонов, унинг хотини Бекай хола, қайнатаси Мўмин бува; Мўмин буванинг набираси — етти яшар Бола ва буванинг кейинги хотини — Кампир; ўрмон ишчиси Сайдаҳмад ва унинг хотини Гулжамоллардан иборат. Булардан тапқари, ушбу манзилга келиб-кетувчи совхоз шофёри Кулибек, автолавка сотувчиси — Ўразқулнинг ошиаси Кўкатойлар бор. Ана шу ўн киши, шунингдек, Жаласойдаги муаллима аёл қиссанинг асосий персонажлари бўлиб, улардан Мўмин бува, унинг ота-онасиз қолган набираси — биринчи синф ўқувчиси бўлмиш Бола ва Ўразкул бош қаҳрамонлардир. Ҳар бир персонажнинг ўз хулқ-автори, ўз эътиқоди ва фалсафаси, ўз манфати ва ички дунёси табиий, ишонарли бир тарзда очиб берилган.

Мўмин бува ва Бола қиссадаги ижобий кучлар, Ўразкул ва унинг ҳамфикрлари салбий кучлар гуруҳини ташкил этади. Бу

¹ Ч.Айтматов. „Қыргызстан маданияти“, 1972 й. 27 апрель.

икки гурух эстетик ва ахлоқий жиҳатдан бир-бирига қарама-қарин қутбларда жойлашған бўлса-да, Бескай хола, Сайдахмад, Гулжамол, кўчма дўкони сотувчиси — йигит Ўразқұлнинг кўл остида, унинг амрига биноан иш тутсалар ҳам, уларда ижобий ва салбий сифатлар ҳам мавжуд; бошқача айтганда, бу тўрт образ соғ салбий характерга эга эмас. Шунингдек, Қулибек образи бутун моҳият эътибори билан Мўмин бува ва Бола билан ҳамфир ҳамнафас эканлиги назарда тутилмаса, қиссанинг бадиий ғоясини тўла англаш мутлақо мумкин бўлмай қолади. „Оқ кема“ қиссанинг бадиий мукаммаллиги шу даражада юксакки, бу ҳақда тўла тасаввур ҳосил қилиш учун асарни бошидан охиригача синчковлик билан қайта-қайта ўқиб чиқиш зарур.

„Айтматов асарларида, — деб ёзган эди филология фанлари доктори, профессор Файбулла ас-Салом, — ҳар гал „косанинг тагида ним косаси“ бўлади. „Оқ кема“да ҳам ҳар бир матн остида қанлайдир муддао, „ост матн“ бор. Шу туфайли ушбу қиссани обдан ўйлаб мутолаа қилинмаса, ёхуд аксинча, уни ўқиб чиққандан сўнг „бўлиб ўтган“ воқеалар хусусида жиљдий ўйлаб кўрилмаса, яъни муаллифнинг муддаоси „ақт қўзи билан илғаб олинмаса“, китобни умуман ўқиб ўтиришининг ҳам ҳожати қолмайли. Чунончи, қиссада рўйирост айтилмаган, аммо „назарда тутилган“ муддао — ҳар бир оиласининг бузилишидан даставвал фарзандлар жабр кўрадилар (бу ўринда эса Бола ҳалок бўлади) — деган тезис асосида ҳажман ушбу қиссадан бир неча баравар катта илмий таъқиқот ҳам яратиш мумкин эди. „Оқ кема“ эса ўзининг ана шундай қисқалиги, яъни унда ҳамма нарсанинг „айтилмаганилиги“ билан маънолор ва қимматлидир“.

Ёзувчи ўз дунёқарашини, тасвирланаётган воқеаларга муносабатини одатда қаҳрамоннинг хатти-ҳаракати орқали, қаҳрамоннинг руҳий кечинмаларини тасвирлаш орқали билдиради. Ёзувчининг бадиий маҳорати қанчалик юксак бўлса, унинг асарларидаги тил ранг-баранглиги ҳам, асар мазмунини ифодалаш, образларни гавдалантириш, китобхон қалбига етказиш ҳам шунчалик кучли бўлади. Модомики шундай экан, бадиий асарнинг поэтик тили ҳам эмоционал ифодали бўлмоғи керак. Бу эса асарнинг ғоявий йўналишини ҳам, ёзувчининг руҳий кай-фиятини ҳам намоён этади.

Бадиий асар тили хусусида сўз юритиб, А.С.Пушкин ёзган эди: „Аниқлик ва қисқалик — бу насрнинг биринчи фазилати. У тафаккурни ва яна тафаккурни тақозо этади“¹. Чингиз Айтматов — сўз сеҳргари. Муаллиф асарларининг тили лўнда, ихчам, чиройли, жозибали, самимий лиризм билан суғорилганлиги учун ҳам севадилар. У ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларни танлаб, саралаб, умумлаштириб, типиклаштириб олади, ўз қаҳрамонлари руҳий оламига, персонажларнинг ҳис-туйғуларию мураккаб кечинмаларига чуқур кириб боради. Бу ҳолатни лоақал „Оқ кема“ қиссасининг бош қаҳрамони Боланинг тақдири билан боғлиқ воқеалар тасвирида, айниқса, яққол кўриш мумкин. Қисса ўга қисқа ҳажмда ёзилган бўлиб, асар тилининг соддалиги, ширадорлиги, образлилиги, рангдорлиги, ҳар бир сўз, ибораларнинг аниқлиги ва ўз ўрнида қўлланилганлиги билан ажralиб туради.

Айтматов ижоди асардан-асарга сайқал топиб, юксалиб борганлигини таъкидлар эканмиз, бу ўринда унинг услуби ҳам муттасил чуқурлашиб, гўзаллашиб борганлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Хусусан, унинг кейинги асарлари: „Оқ кема“, „Соҳил ёқалаб чопаётган олапар“ қиссалари, „Қиёмат“, „Кассандра тамғаси“ („Охирзамон нишоналари“), „Кулаётган тоғлар“ („Мангу қайлиқ“) романларини олиб кўрайлик. Чуқур фалсафа, қайноқ ҳис-туйғулар, рамзий образлар, мусиқавийлик, манзарадорлик... бунинг устига мураккаб синтаксис, нотаниш, янги луғатлар, файриодатий сўzlар бирикмалари ва ҳоказо. Бу эса, ўз навбатида, адид асарларини таржима қилиш қийинчилигини ҳам орттиради.

„Оқ кема“ қиссасининг муҳим фазилатларидан бири, унда реализм билан романтиканинг, реал ифодалар билан рамзий усуулларнинг, ҳаёт билан эртакнинг узвий бирикиб кетганлигидир. Ана шуларнинг ҳаммасини ягона бир бадиий ғояга бирлаштирувчи куч Шоҳдор она буғу образидир. Бошқача айтганда, она буғу тўғрисидаги ҳалқ ривояти повестнинг умумий образ системасида етакчи мавқени эгаллаб, конфликтни ҳал қилишнинг ўзига хос йўлини ҳам олдиндан белгилаб берган.

Қисса етти қисмдан иборат бўлиб, унинг тўртишчи қисми бутунисича Шоҳдор она буғу ҳикоясига бағишиланган, бу қисм

¹ А.С. Пушкин. Полн. собр. соч. в 6-ти т., т.5. М., 1950, 14- бет.

Эртакдан бошланиб, ҳаётий ҳақиқат билан якутланади. Лекин эртак соф эртак бўлмай, у мозийдан, халқ тарихидан, қирғизларнинг эрк ва озодлик учун олиб борган тинимсиз ва мардонавор курашиларидан сўзлайди. Бу жанглар тарихи эса халқпинг она табиати, унинг ўзига хослиги ва гўзаллиги билан чамбар-час боғланиб кетади. Кўпгина асарларда табиат ҳодисалари, табиат ва ҳайвонот оламига оил леталлар чукур рамзий маъно ташибидилар, асар фоясини очишда муҳим аҳамият касб этадилар. Шоҳдор она буғу ана шу она табиатнинг бир фарзанди, унинг бир қисми, айни пайтда халқ эртагининг ўлмас қаҳрамони ва нафосат рамзи сифатида талқин этилади. Асар воқеала-ри ана шу Шоҳдор она буғу ҳамда унинг насллари билан боғлиқ ҳолда берилади. Шоҳдор она буғу қирғиз халқининг халоскори, руҳи, тимсоли сифатида гавдаланади. Шоҳдор она буғу бирданига уч маъниони ифода этади: биринчидан, у ҳам табиий ҳаёт, яъни табиат ҳодисасидир; иккинчидан, у халқ эртагининг афсонавий қаҳрамони; учинчидан эса, у халқ эстетик идеалининг бир ифодасидир, яъни нафосат ва гўзаллик рамзидир. Бундан Шоҳдор она буғунинг ҳаёт ва нафосат рамзи сифатида реалистик бадиий мазмунга сингдирилганлиги ва реализмга хизмат қилиши ойдинлашади. Бу кутиги кишилар қандай яшамоқда, уларнинг табиат ва инсонга муносабатлари қандай — бу масалалар „Оқ кема“ қисссасининг сюжет чизигини белгилайди.

Айтматов асарларида тарихий ва замонавий мавзулар бирбири билан уйғунлашиб, бири иккинчисини нурлантириб туради. Бу асарларда талқин этиладиган мавзунинг ўзи ҳам шунчаки тасвир этилмасдан, юқорида қайд этилганидек, афсоналарга, эртакларга, ривоятларга ўраб берилади. Бошқача айтганда, эртак, афсона ва ривоятлар ёзувчи учун жонли поэтик ҳақиқат бўлиб, ундаги бадиий мушоҳаданинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳам худди ана шунгуда намоён этилади. Ёзувчи буғунги кутининг муҳим масалаларини қаламга олар экан, халқ оғзаки ижодининг эпик-фалсафий имкониятларидан ҳам самарали фойдаланган. Ч.Айтматов ижодида кўп қўлланиладиган бу ўзига хос хусусият унинг асарларининг жозиба кучини ва эстетик қимматини оширишида муҳим роль ўйнаган. Унинг „Оқ кема“ қисссаси айниқса бунга яққол мисол бўла олади.

Маълумки, Чингиз Айтматовнинг ўзига хос жиҳатларидан бири адабиёт ихлосманли, юридик фанлар доктори, профессор Акмал Сайдов айтганидек, анималист ёзувчи эканлиги билан боғлиқдир. Дарвоҳе, унинг асарларида бургут, ит, от — Гулсари, балиқ — волида, бўрилар — Акбара ва Тошчайнар, тuya — Қоронор, қор қоплони, Шоҳдор она буғу каби кўплаб жониворлар образи яратилганки, улар худди инсонлардек характер даражасига кўтарилиган. Бу образлар тимсолида, бир томондан, инсон руҳиятидаги мураккаб ички кечинмалар инъикиси ўз аксини топган бўлса, иккинчи томондан, замон, инсон ва табиат ўртасидаги ўзаро алоқа янгича талқин этилади. Бу ўринда „Оқ кема“ қиссасидаги Мўмин бува Болага айтиб берган Шоҳдор она буғу ҳақидаги „эртак“ка эътиборни жалб этайлик:

„Кирғизларнинг қадимий юрти Энасой (Енисей) соҳилларидаги ялпи қирғиндан омон қолган икки гўлакни — бола ва қизчани маҳв этиш учун ғазабга тўлган хон қирғиз зоти абадий ўчсин, ундан ном-нишон ҳам қолмасин учун гўдакларни ўлдиришни Чўтирибаймоқ кампирга буоради. Чўтирибаймоқ кампир болаларни дарёга ирғитиш оллидан:

— О, муazzзам Энасой дарёси! Сенинг қаъринига тоғни қулатса, у бир харсанглай жо бўлади. Агар юз йиллик қарағайни ташласа, уни чўпдай оқизиб кетасан. Кел энди шу икки қум заррасини — икки инсон боласини ўз бағрингга олгини. Уларга ср юзида жой йўқ. Сенга мен айтиб ўтиришим керакми, Энасой? Агар юлдузлар одамга айланиб қолса борми, уларга осмон торлик қилиб қолади. Агар балиқлар одамга айланиб қолса борми, уларга дарё ва денгизлар торлик қилиб қолади. Сенга мен айтиб ўтиришим керакми, Энасой? Ол бу болаларни, улоқтириб кет. Кўй, улар бу манфур дунёмизни гўдаклигига, тоза қалб билан, болалик ҳаёси билан, ёвуз пият ва ёвуз ишлар билан ўз номига испод келтиришига улгурмасданоқ тарк этишсин, токи инсон азоб-уқубатини кўриш ва бошқаларнинг ҳам ғам-аламига сабабчи бўлиш уларга насиб қилмасин. Ол буларни, ола қол буларни, қудратли Энасой...“ (2-жилд, 235—236-бетлар) деб илтижо қилиб турганда, ўз болаларидан ажralган Шоҳдор она буғу пайдо бўлиб, шу икки гўдак ҳаётини ўша кампирдан сўраб олади ва уларни Иссиккўл соҳилларига олиб келиб, бу ерда

тинч-тотув ва дүйсона яшашни васият қилади. Орадан йиллар үтгали. Бола бақувват йигит бўлали, қиз бўйга стади. Ниҳоят улар бир-бирлари билан қовушадилар. Орада фарзанд туғилади. Улар Шоҳдор она буғу шарафига тўнғич фарзандларини Буғубой деб аташади. Шу тариқа Буғубой авлоди кўпая боштайди. Шу даврдан бошлаб қирғизлар авлоди ўзларини Шоҳдор она буғу авлоди деб атайдилар ва Она буғуни муқаддас деб биладилар. Ватан лушмандарига қарши жангларда ҳам „Буғу“ номи билан ғалаба қиладилар. Ўшанда Иессиқкўл ўрмонларида кезиб юрадиган оқ шоҳдор буғуларнинг гўзаллигига осмондаги юлдузлар ҳам ҳавас қиладилар... Севикли маҳбубанинг гўзаллигини оқ маралнинг гузаллиги билан қиёслар эдилар. „Буғубой авлодининг ошибтошиб кетган машхур бир бойи то ўлгунига қадар шу одат сақланиб қолди. Ўғиллари унга катта маърака қилишди... Мангу уйқуга кетган шавкатли оталари Шоҳдор она буғу авлодидан эканлитини ҳамма билиши учун унинг қабрига буғу шоҳини ўрнатишни ўйлаб топишди... Шоҳни қабр устига ўрнатиш учун усталарга фармон беришади... Деярли ҳар бир киши ўрмонларла оқ буғуларни овланига тушиб кетди. Буғубой авлодидан бўлган ҳар бир киши ўз ажлодлари қабрига буғу шоҳи ўрнатишни бурч деб билар эди... Ана шундан бошлаб Иессиқкўл ўрмонларида буғуларга қирон келди“ (2-жилд, 240—241-бетлар). Кейинги авлод буғуларни кўришдан маҳрум бўладилар. Улар Шоҳдор она буғу ҳақида фақат эртак энгитар ҳамда унинг шоҳларини мақбара ва қабрларда кўтардилар, холос. Бу холоса асло эртак эмас, балки ҳаётдир.

Кўриниб турибдики, „Оқ кема“ қиссасидаги романтика, эртак ва рамзий усуслар реализмга бўйсундирилган бўлиб, ҳаётий воқеа-ҳодисаларни бадиий ифодалашга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам „Оқ кема“ қиссасига „Эртакдан сўнг“ деган кичик сарлавҳа кўйилган, яъни бу қисса эртак эмас, балки эртакдан кейинги реал ҳаёт ва унинг рамзидир. „Оқ кема“ эртагининг ўзи ҳам соғ эртак бўлмай, Боланинг хаёлидир, унинг хаёлий орзуладидир. Бу хаёл ва орзулар Болада Сантош дарасидаги Коровултог чўққиларидан Иессиқкўлни томоша қилиш жараённида туғиладики, бу энди эртак эмас, балки борликнинг айнан ўзидир. Ф.Достоевский ёзганидек, „фантастика реал воқелик билан шу қалар омухталашиб кетсинки, сиз унга қарийб ишо-

нинг“. Демак, асарда тасвирланган турли воқеа-ҳодиса ва манзаралар заминила жиддий ҳаёт ҳақиқати ётади. Муаллиф Бола руҳиятини шу қадар самимий, табиий тасвир этадики, қиссалаги ана шу воқеа-ҳодисалар тасодиф экани ўқувчининг хаёлита ҳам келмайди. Бу ўринда яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, асар қаҳрамони Боланинг ички дунёсини очишда Шоҳдор она буғу очқич вазифасини ўтайди.

„Оқ кема“да, — деб ёзди танқидчи Л.Якименко „Дружба народов“ журналининг 1971 йил 6-сонида босилган „Хозирги замон романлари поэтикаси ҳақида“ сарлавҳали мақоласида, — афсона асар сюжети структурасига сингдириб юборилган. Она буғу ҳақилаги ёзувчи томонидан ҳикоя қилинган эртак қўриқхонага яна қайтиб келган буғуларнинг реал тарихи сифатида давом эттирилади. Бу эса Бола учун Она буғунинг одамлар орасига қайтиб келиши эди. Реал воқелик ва афсона бири иккинчисига ўтиб туради, ҳаётнинг узлуксизлиги, инсоннинг тарихий турмуши афсона орқали тасдиқланади... Афсона ёзувчи учун замонавийликни тушунишда бир восита ролини ўтайди“.

Шундай қилиб, қўлимиздаги қисса эртак ҳам, мавхум символик асар ҳам бўлмай, чинакам реал ҳақиқатдир.

Асарда ифолаланган фалсафий муаммолар, юқорида айтиб ўтганимиздек — эртак ва ҳаёт, инсон ва табиат, мозий ва замона, гўзаллик ва бадбинлик, эзгулик ва ёвузлик, хокисорлик ва шафқатсизлик, меҳнатсеварлик ва текинхўрлик, инсонпарварлик ва ваҳшийлик, ёзувчи ва воқелик — булярнинг ҳаммаси алибнинг ўткир қалами орқали замондошларимизнинг эстетик ва ахлоқий идеаллари нури-ла мунаввар этилган бўлиб, китобхонни қаттиқ ҳаяжонга солади. Қисса халқнинг юксак идеаллари — миллийлик ва умуминсонийлик масалалари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тасвирланади.

Қиссанависнинг эстетик позицияси эртаклан шакл ва услуб сифатида фойдаланишга йўл очган, чунки бу позиция ҳаёт ва нафосатга гаянади. Чунончи, қиссадаги Бола образи бўлмаса, бадиий шаклдаги романтик унсур ҳам бўлмайди. Романтик унсур Бола образини эмас, балки аксинча, Бола романтик элементни белгилайди. Хуллас, Бола образининг, шунингдек, бошқа образларнинг ҳаётйлиги қисса бадиий шаклининг реалигини белгилаб беради. Биз бунда мазмун билан шаклининг нақа-

дар уйғуныгинаи, бадий яхлитлигини, бир бугунлигини күрамиз.

„Оқ кема“ асарида тасвир этилган ҳәёттүү ҳолисаларда воқелик билан гүзәллик бир бутунликни ташкил этади. Воқелик нинг гүзәл ва хунук, зиддиятли томонларини ифодаловчи күчлар бир-бирига қарама-қаршидир. Бир томонда Мүмин чол (лақаби — Чаңқон), Бола, Кулибек, муаллима аёл; иккинчи томонда эса Ўразқул, Кампир (Мүмин буванинг кейинги хотини), Кўкатойлардир. Ўразқул — ёвузлик тимсоли, у қаллоб, сурбет, ҳўқизсифат одам. У ғам ва жаҳолатдан эсанкираб қолган. Ўразқул қаршисидан чиққан Бола (хотинининг жияни)га бирор илиқ сўз айтмолмайди, яъни шундай сўз айтишга ички куч тополмайди, ҳасад исканжасида йиглаб юборади... Ҳасад бор жойда инсоф, адолат, диёнат завол топали, балбахтилик эса ҳукм суради. Ўразқул баҳтсиз хотини Бекай ҳолани ваҳшийларча ҳақоратлайди, хўрлайди, чала жон қилиб ўлгунча калтаклайди. Қайнотаси Мүмин бувани ҳам худди шундай энг тубан сўзлар билан ҳақорат қиласди, эзади. Жазаваси гутиб ҳатто уни „эгасидан калтак еган садоқатли ит“ ҳолига келтиради. Бекай хола ва Мүмин бувалар эса барчасини кечираверишади. Ўразқул шундай лейди: „Одамларни издан чиқариб юборишди. Замонлар бўлган-ку, ахир бошлар учиб кетган, ҳеч ким чурқ этмаган... Энди-чи? Ярамасларнинг энг ярамаси ҳисобланган мана шу чол ҳам лабдурустдан тап қайтаришни ўйлаб топди. „Хўш, хўш, эмакла, оёғим осгига, эмакла, — бадҳоҳлик билан кулди Ўразқул“ (2-жилд, 301-бет). „Чинакам талант яратган ҳар бир қиёфа — тин“, деган эди В.Г.Белинский. Ўразқул ана шундай типларнинг ёрқин намунасидир. Бу жиҳатдан Ўразқул образини „Жамила“даги Усмон, „Сомон йўли“даги Жекшенқул, „Бўтакўз“даги Абубакир, „Алвидо, Гулсари!“даги Иброҳим тимсоллари билан қисслаш мумкин.

Ўразқул ҳеч ким билан, заррача бўлса-да, ҳисоблашмайдиган шундай бир қабиҳ маҳлуқки, унга панд-насиҳат қилиш эшакнинг қулогига аzon айтиш билан баробар. Бошқача айтганда, Ўразқул — жаҳолат ва ваҳшийлик, тубанлик ва разолат, нодонлик ва ёвузлик рамзилир. „Бундай кишиларни кечириш керак эмас. У ярамас, паст одам. Бу ерда унинг кераги йўқ. Усиз ҳам яшай оламиз“, дейли Бола. Ачипарлиси шунлаки, „Ўраз-

қулдек кишини аллақачон дарёга ташлаш пайти келганингиң ҳеч ким пайқамайды“. Бу — ёзувчининг ўз баҳоси. Ўразқулнинг ким эканлиги, айниқса, унинг она буғу шохларини сугуриб олиш эпизодида яққол күзга ташланади: „Шохни осонликча олиб бўлмасди. Маст Ўразқулнинг болтаси нишонга бориб тегмасди, бу эса баттар унинг жаҳлини чиқаарди. Калла ғула устидан думалаб тушди. Шунда Ўразқул уни ердаёқ чопа бошлиди. Калла сирғалиб чиқиб кетаверар, Ўразқул болта кўтарганча унинг орқасидан чопиб юрарди... Киприк қоқмай бақрайиб турган Шоҳдор она буғунинг кўзлари болтадан ўзини олиб қочмасди. Калла аллақачон лой ва тупроққа беланган бўлса ҳам, кўз қорачиғи мусаффолигича боқиб турарди, афгилан, у ўзини ўлимга маҳкум этган шу ёруғ жаҳонга тилсиз, унсиз ҳайратда қолиб, ҳамон боқиб тургандек эди... Болтанинг тифи кўзга кўндаланг келиб текканда Бола сесканиб кетиб қичқириб юборди. Очилиб қолган кўз чаноғидан қоп-қора қуюқ суюқлик оқиб тушди. Кўз сўнди.

— Мен бундан зўрроқ каллаларни ҳам майдалай оламан! Бундан бошқа шохларни ҳам сугуриб ола биламан! — деб жазаваси тутиб бўкиради Ўразқул гуноҳсиз калладан нафратланганча“ (2-жилд, 308—309-бетлар). Мана сизга Ўразқулнинг туриш-турмуши-ю, ҳақиқий қиёфаси.

Аммо, манфур ва мурдор ўразқулларни йўқотиш осон эмас, чунки унга ўхшаган ёзувлар гўзал қалбли одамлар устидан ҳукмон. Улар яхшиларни оёқ ости қиласидилар, масхаралайдилар, чунки соғдил эзгу ниятли мўмин чолларнинг ҳали курашга қобилиятсизлигити яхши биладилар. Мўмин чол — эзгулик тимсоли, ўз номи билан мўмин, у ўз ҳақ-хуқуқини, инсонийлик шаънини ҳимоя қила олмайди. Мутеликнинг ўзи энг катта иллат даражасига айланган. Ч. Айтматов мўмин чолларнинг мўминлигини, сусткашу итоаттўйлигини алам билан тасвирлайди, тобелик психологиясини фош этади, китобхон кўнглида бундай мўминликка қарши нафрат уйғотади, ўқувчини муросасизликка, курашчанликка даъват этиб, энди биқиқ муҳитда яшаб бўлмаслигини таъкиллайди. Умуман олганда, Мўмин бува ҳалоллик, покизалик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, меҳрибонлик, соддалик ва мўмин-қобиллик рамзи сифатида талқин этилган. Лекин у ҳеч кимдан рўшнолик кўрмайди. Мўмин бобо ўзи-

нинг қирғизларнинг афсонавий онаси бўлмиш Шоҳдор буғу ҳақидаги эртаги билан Болани ажлодларининг олижаноб анъаналари руҳида тарбиялайди — унинг ёш қалбига табиатга, одамларга муҳаббат ургуларини сочади. Мўмин бувага хос бу фазилатлар болакайнинг биллурдай тиник, беғубор қалбida биринчидан, эзгу ниятларни, олижаноб фикрларни туғдирса, иккинчидан, Ўразқул сингари виждонсиз, тошбағир шахсларга нисбатан нафрат ва кураш туйғуларини аланталатади. Қиссада тасвиirlанганидек, тирик етим қолган Бола отасини ҳам, онасини ҳам эслай олмайди. Уларни бирор марта кўрган ҳам эмас. Отаона ҳам фарзандларини йўқлаб келмаган. Мўмин бобонинг айтишича, Боланинг отаси ёш хотинини, норасида фарзандини ташлаб кетган. Сўнгра онаси болани бобосига қолдириб, бошқа бир томонга бош олиб кетган. Шу-шу улар ғойиб бўлишган. Айтишларича, Боланинг онаси шаҳарда тикувчи, турмуш қуриб бола-чақали бўлиб кетган, отаси эса аллақандай кемада матрос бўлиб хизмат қиласмиш. Унинг ҳам янги хотинидан болалари бор эмиш. Боланинг билгани шу холос. Бола ўзи севган Қоровултоғ чўйқисила туриб дурбин билан узок-узокларни олазарак бўлиб кузатали, отаси ишлаётган „оқ кема“ни интизорлик билан кутади. Унинг ҳаёт, одамлар ҳақидаги мурғак хаёллари, беғубор орзулари, Ўразқул каби кимсаларнинг қабиҳ қилмишлари, бобоси Мўмин чолнинг итоатгўйликларидан эзилиб изтироб чекишлари, ўзи учун муқаддас жонзотга айланган Шоҳдор она буғунинг шафқатсизларча отиб ўлдирилишидан қон йифланшлари улкан ёзувчига хос буюк бир эҳтирос билан тасвирланган. Бола қалбидаги олижаноб эзгу ниятлар билан бирга баттол, бадкирдор, ҳасадгўй Ўразқулга нисбатан нафрат, қаҳр-ғазаб туйғлайлигандан, орзу-мақсадларини тушуниб, дард-аламларига малҳам бўладиган кимса деярли топилмайди, ҳатто унинг борлигини ҳам унугдилар. Шунинг учун ҳам ажойиб-ғаройиб ҳаёллар оғушига чўмган мурғак қалб уни энг кўп „тушунадиган“ нарсалар — мактаб, портфель, дурбин, „танк“, „бўри“, „эгар“, „ётоқ тия“ номи билан аталган харсангтошлар, шунингдек, чақириканак, жингил ва бошқа гиёҳлар дунёси, айниқса, Шоҳдор она буғу билан ошно бўлади, тил топишади, дилдан сухбатлашади ва яна ҳижрон ўтида ёниб қовурилган Бола бу жой-

ларни буткул тарк этиб „оқ кемада“ матрос бўлиб ишлаётган отаси сари талпинади ва сувга ғарқ бўлади. Хуллас, муаллиф бу билан оиланинг бузилиши туфайли тентираб қолган ва бир оғиз ширин сўзнинг гадоси бўлган севимли қаҳрамони одамохун Боланинг изтиробларига шерик бўлади ва уни ўзи билан ўзини сұхбатга тортиб, шикаста қалбини бир лаҳза бўлса-да ғам-андухдан фориг этмоқчи бўлади.

Шундай қилиб, китобхон асарни тин олмай ўқишида давом этар экан, ундаги воқеалар шиддатли тус олиб, Мўмин бобо, унинг набираси Бола ва маънавий тубан кетган шахс Ўразқул ораларидаги конфликт тобора тараанглаша боради. Ўқувчи сабр косаси тўлган ва жаҳғи отига минганди Мўмин бува, нима бўлса бўлсин-у, ишқилиб тепкини босиб юбормаса — буғуни огиб қўймаса деб, нафасини ичига ютганча жон ҳовучлаб турди. Ниҳоят воқеа шу ерга етганда ўта беозор, самимий ва ҳақгўй бўлишига қарамай қизи, набираси тинчлиги ва осойишталиги деб ўзгаларнинг таҳқир ва таъқибларидан тоқати тоғ бўлган Мўмин бува ўзи буюк эътиқод қўйған мұқалдас Шоҳдор она буғудан кечирим сўраб туриб, уни отиб ўллериади! Аслини олгандага жиноятчи (Мўмин бува) — жиноятчи эмас, балки уни шу йўлга бошлаганлар жиноятчи. Мўмин бува эса жиноятнинг беихтиёр иштирокчисидир, холос.

Қозоқ ёзувчиси Анвар Олимжонов асар ҳақида фикр юритар экан, Мўмин бува томонидан Шоҳдор она буғу отиб ўлдирилганидан сўнг бу ёруғ оламда зулматдан ва қотил Ўразқулдан бошқа ҳеч нарса қолмайди-ку, бу ёзувчининг ўзбошимчалигини деб ёзган эди. Ч. Айтматов эса ўзининг асари муҳокамаси якунига багишланган „Зарурий аниқлик учун“ номли мақоласида мунаққидга шундай эътироҳ билдиради: „Йўқ, ундаи эмас, қадрдон дўстим Анвар, ҳали бу ёқда ўқувчи қолаяпти-ку... Албатта, одамлар ҳар хил сабаблар тазиёки остида ўз вижданлари билан муросасозлик қилмаганларида жуда улуғ иш бўлар эди, — деб ёзади у. — Ҳайҳот, инсоният, чамаси, ҳамма одамларни бундай „ожизлик“дан қутқариш учун ҳали жула кўп файрат қилиши керак“¹. Хуллас, Шоҳдор она буғунинг Мўмин чол томони-

¹ Чингиз Айтматов. В соавторстве с землею и водою... Фрунзе: Кыргызстан, 1978, 133- бет.

дан отиб ўлдирилиши ёки Боланинг ҳалокати қанчалик кўнгилсиз воқса бўлишидан қатъи назар, бу эпизодлар мантиқий жиҳатдан асосланган. Асар воқсалари ривожи ҳам шуни тақозо этар эди.

Зулм ва қабоҳатга нафрат билан қараш Мўмин бувала ҳам, Болада ҳам забун ҳолатдадир. Қулибек эса адолатсизликка қарши ладил курашади. Қулибек характеристига хос жангварлик ва курашчанлик фазилатлари ижобий кучлар томонидан қозонилиши муқаррар бўлган ғалабанинг ўзига хос тимсолидир. Шунга кўра, Бола ҳеч қачон руҳий тушкунликка берилмади. Аввало, шуни унутмаслик керакки, олижаноб буғулар зотидан бўлган Мўмин бува Боланинг доимий ҳамроҳи, меҳрибони ва раҳнамосидир. Қулибек эса Шоҳдор она буғу авлодининг садоқатли ва ҳалол вакили сифатида аввалбошданоқ Бола билан бирга яшаб, кейин ҳам шу авлоднинг давомчиси бўлиб қолаверади. Бола билан ҳаминафас кишилардан Қулибеккина Ўразқулни енга оладиган, унинг юзига бутун ҳақиқатни айта оладиган бирдан-бир киши эди. Фожианинг шафқатсиз зарбасига дуч келган Бола ёвузликка зарба бера оладиган кучни Қулибекда кўради, унинг тасаввурида Қулибек кўлида автомат билан пайдо бўлади-ю, ҳамма жиноятлари учун Ўразқул ва унинг ҳамтовоқларини уйдан ҳайдаб, тепкилаб чиқаради. Ўразқул эса деворга суяб, отмоқчи бўлади. Шунда Ўразқул эмаклаганча дейди: „Ўлдирма мени, менинг ҳеч кимим йўқ-ку, ахир. Оlamda танҳоман. На ўғлим бор, на қизим...“ Бола эмас, Ўразқул ёлғизликка маҳкумдир. Бола инсонпарварлик ва олижаноблик эътиқодида изчил қолиб, фожиага дуч келган олчоқ Ўразқулни ўлдирмасликка рози бўлади. Лекин унинг „бу ердан кетишини ва ҳеч қачон қайтиб келмаслигини“ талаб қиласди. Шунда Ўразқул кўрқа-писа, лўқиллаганча қоча бошлайди. Бироқ, Қулибек уни тўхтатади: „Тўхта! Сенга айтадиган охирги сўзимиз бор. Сенда ҳеч қачон бола бўлмайди. Сен ёвуз ва ярамас одамсан. Сени бу ерда ҳеч ким ёқтирумайди. Ўрмон ҳам, биронта дараҳт ҳам, ҳатто бир дона гиёҳ ҳам сени севмайди. Сен фашистсан. Сен бу ердан умрбод кет. Қани тезроқ бўл!“ Ўразқул олди-кетига қарамай ютуради. Қулибек унинг орқасидан: „Шиель! Шиель!“, дея хахолаб кулар ва яна наҳима солиш учун автомагидан ҳавога қараб ўқ узарди“ (2-жилд, 313-бет).

Кўриниб турибдикি, Ўразқулнинг фарзанд кўрмаслиги ва умуман ёлғизлиги тақдири азал бўлмай, балки ёвузлиги ва „фашистлиги“нинг оқибати ҳамдир. Демак, Ўразқулнинг фарзандсизлиги салбий кучларнинг ёлғизлик рамзи ҳамлир. Ўразқулнинг адолат зарбасидан қочиб қолиши — салбий кучларнинг мағлубиятини, Кулибекнинг қаҳқаҳаси эса Мўмин бувалар ғабасининг тантанасини ифодалайди. Аммо булар — Боланинг хаёли эди. Хаёл бўлганда ҳам тўла рўёбга чиқишни мұқаррар бўлган хаёл эди: чунки бу хаёлни амалга оширишга қодир бўлган қудратли ва навқирон куч — қулибеклар ҳаётнинг чинакам қаҳрамонларилир.

Бу ўринда шуни таъкиллаб ўтмоқ керакки, алабиётшунос Д.Стариков томонидан аввалроқ билдирилган, кейин эса („Дружба народов“ журнали, 1971 йил, 6-сон) танқидчи Л.Якименко томонидан яна тақрорланган қуйидаги танқидий мулоҳазага ҳам қўшилиб бўлмайди. Гап „Оқ кема“ қиссасининг хотимаси устида бормоқда. Асарнинг хотимаси хусусида Л.Якименко шундай танқидий мулоҳазани ўртага ташлайди: „Ўйлайманки, Ч.Айтматов ўз асарининг хотимасини жуда яхши якунлаган деб бўлмайди... Менинг назаримда, Боланинг ўлими, даставал, психологик жиҳатдан далилланмаган... ҳаёт инстинкти бу ёшда энг фожиали вазиятлардан ҳам кучлироқдир. Етти ёшли бола табиати қанчалик аламзада ва қанчалик таъсиричан бўлганда ҳам унинг ўз-ўзини ҳалок қилиши шундай далиллашга муҳтож эдики, бундай далилларни ёзувчи ҳаётда учратиши мумкин эмас эди“¹.

Бизнинг назаримизда, Л.Якименконинг мулоҳазасига қуйидаги икки асосий сабабга кўра қўшилиб бўлмайди. Биринчидан, танқидчи ҳаёт билан алабиётга айнан бир нарса деб қараяпти, бунда у ҳаётнинг алабиётга нисбатан белгиловчи роль ўйнашига асосланяпти, бироқ, санъаткор яратган бадиий оламнинг ўзига хослигини назардан қочирмаяпти. Иккинчидан, етти ёшли Боланинг психологик хусусиятлари нуқтаи назаридан ҳам „Оқ кема“ қиссасининг хотимаси ажаб бир санъаткорона тарзда ҳал қилинган. Ахир, Бола ўз-ўзини ҳалок қilmайди, балки ўз муҳитидаги барча мараз ва иллатларни рад этади, ўзига хос

¹ Л. Якименко. „Дружба народов“, 1971 г., № 6.

исси күтәради. Ўз солда хаёли билан ёвуз одамлар ўртасида яшашдан кўра балиққа айланиб гўзал, маънавий бир куч сифатида сувда эркин сузиги юришни афзал кўради. „Ўз-ўзини ҳалок қилиш“ билан „балиқдек сузиги кетиш“нинг ер билан осмонча фарқи бор. Балиқдай тўла жавлон уриб сузишни ёки қушлардек кўкда парвоз этишни хаёл қилиш ва шу хаёлга реал тарзда ингилиш етти ёшли болаларнинг психологик кайфиятларига жуда мос келади. Бу жиҳатдан атоқли адабиётшунос Б.Назаров: Она буғунинг ўлдирилиши натижасида барча орзу-умидлари чилпарчин бўлган Боланинг балиққа айланиб, „оқ кема“га стиши мақсадида сувда сузиги кетиши рамзига ёзувчи тоза умид ва чин инсоний юксакликни, маънавий тубанликка қарши исённи, баркамолликни улуғловчи катта эстетик маънони сингдирган, деганда жуда ҳақли эди.

Боланинг асло ва ҳеч қачон руҳий ёлғизлика юз гутмаслигини, Мўмин бува ва Қулибек доим у билан бирга эканини таъкидлар эканмиз, Бола балиқдай „сузиги кетгач“, китобхон унинг орзулари билан яшайди, бу эзгу орзуларнинг ушалиши учун курашга бел боғлади. Қиссанинг сўнгида „Биз нима қиласмиз?“ деган саволга ўрин ҳам қолмайди, чунки китобхон ана шу ижобий кучлар қаторига интилади, бу эса санъаткорнинг асосий муудаоси ва ажойиб муваффақиятидир.

„Оқ кема“ қиссасидаги ижобий ва салбий образларнинг жойлашуви ва курашлари гўзаллик ва бадбинликнинг рамзий ифодалари сифатида намоён бўлади. Бунда гўзаллик ҳам, хунуклик ҳам ўз муносиб шаклига эга. Зотан, гўзаллик Мўмин бувада, Болала ва Қулибекда — мазмунан ҳам, шаклан ҳам ўзига хос ва ҳаётга муносибdir. Албатта, бу гўзаллик бекаму кўст ва мутлақ эмас. Бекаму кўст ва мутлақ гўзаллик — эртакларга хос. Ҳагто Шоҳдор она буғунинг гўзаллиги ҳам бенуқсон эмас. У стихияли гўзаллик ёки гўзалликнинг стихияли тимсоли бўлгани учун ўз қотилларидан узоқлашиш ўрнига, унга яқин келали ва ўлимга маҳкум бўлади. Лекин бундай гўзалликнинг шакли хунук бўлиб қолмайди, чунки гўзаллик шаклининг хунуклашуви (Шоҳдор она буғунинг ўлдирилиши) гўзалликни емирувчи кучнинг рӯёбга чиқиши натижасидир. Ҳақиқатан ҳам, қиссада Ўразқул бошлиқ салбий кучлар хунуклик тимсоли бўлибгина қолмай, гўзалликни (масалан, Шоҳдор она буғуни, Болани ва

Мўмин бувани) емирувчи ёвуз куч ҳамдир. Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, айрим китобхонлар қиссада ҳалол, пок, адолатпарвар инсонлар эмас, балки ёвуз ниятли кимсалар ғолиб чиқали, маъсум, одамохун Бола эса курашда ўзини ўзи ҳалок этали, итоаткор, ожиз банда Мўмин чол ғам-андуҳ ўтида ёниб алойи тамом бўлади. Модомики шундай экан, муаллиф қисса хотимасида Ўразқулни қамоқقا олиб. Мўмин бувани нафақага чиқариб, Болани эса мактаб-интернатга юборса бўлмасмиди, деган саволни бералилар.

„Йўқ, — деган эди бунга жавобан муаллиф. — Ҳаёт ҳақиқати китобхонларни овутадиган эртак эмас, балки уларнинг кўзларини очиб кўядиган, аччик, шафқатсиз сабоқдир... Ҳаёт мантифи, характер мантифи боланинг ўлимини тақозо қиласди. Мўмин чолнинг мағлубияти ҳам шу билан изоҳтанади... Бироқ Мўмин чол Она бугуни ўлириб, ҳалқига хиёнат қилли, ўзига хиёнат қилди, барча ҳалол муқаддас ақидаларни осқ ости қилди, деб уни қора бўёққа чаплаб ташланини ўз олдимга мақсал қилиб қўймаганимай, инсон ҳалокатига унинг ўзигина сабабчи эмас. Жамият ҳам кишилар тақдиди учун жавобгардир, одамнинг тубан кетишига муайян шарт-шароит таъсир кўрсаталики, бунга санъаткор бефарқ қараши мумкин эмас...“

Салбий кучларнинг емирувчилик фаолиятига асосланиб, қиссадаги ижобий кучларнинг ёрқин истиқболи ва шаклини кўрмаслик — асардаги гўзаллик билан хунуклик диалектикаси ни пайқамаслик бўлар эди. Зотан, гўзал мазмун ҳам, гўзал шакл ҳам салбий кучларни тарқ этиб, ижобий кучлар оламида макон қуради. Ижобий кучларнинг бош тимсоли Бола бўлганидан бутун борлик, жумлалан, табиат унинг кўзи билан кўрилади ва баҳоланади. Шу аснода Боланинг ҳаётбахш ўлими ҳам қиссада мантиқан далилланган бўлиб, ҳаёт ва нафосатни тасдиқланашга, ижобий кучлар ғалабасини мустаҳкамлашга хизмат қиласди. Асарда илгари сурилган бу катта фоя қиссанинг хотимасидаги қуйидаги сўзларданоқ яққол англашилиб туради:

„Сен сузив кетдинг. Минг афсуски, Кулибекнинг келишини кутиб турмадинг. Иккяловинг бирга кетган бўлардиларинг. Одидида, йўлда эса, ҳеч кимга кўринмасдан Шоҳдор она бугу слайд учиб борарди. Бироқ сен уни кўра олган бўлардинг... Энди

шуни айтиш керакки, сенинг гўдак қалбинг нимани похуш кўрган бўлса ҳаммасини рад этдинг. Менинг овунчим ҳам, қувончим ҳам шунда-да. Сен бир чақнаб сўнган яшин каби ҳаёт кечирдинг. Чакмоқларни само чақади. Само эса абадийдир. Менинг овунчим ҳам, қувончим ҳам шунда-да. Инсондаги гўдаклик вижданни худди уруғдаги илк куртакнинг ўзгиши, куртаксиз уруғ униб чиқмайди. Биз оламга келмасдан илгариёқ, токи туғилиш ва ўлиш бор экан, ҳақиқат тантана қилиб келмокда“ (2-жилд, 318-бет). Мухтасар қилиб айтганда, муаллиф эзгулик, гўзаллик тимсолига айланган қаҳрамони — севимли „Бола“ сининг журъат-жасорати билан фахрланар экан, бу мурғак жоннинг миллионлар қалбидан муносиб жой олишига ишонч ҳосил қилиб кўнгли таскин топади.

„Оқ кема“ қиссасининг бадиий хусусиятлари ва ёзувчининг унда мужассамлашган эстетик идеали ҳақида фикр юритилар экан, асарда акс этган умумисонийлик ва миллийлик муаммосига ҳам тўхталиб ўтиш жоиздир.

Машҳур авар шоири Расул Ҳамзатов ўзининг бир мақоласида бадиий алабиётдаги миллийлик ва интернационаллик тушунчалари ҳақида тўхталиб, шундай дейди: „Бу ўринда икки тушунча бир-бирини рад этмайди, аксинча, тўлдиради. Шохлар томирлар билан, жилгалар ларёлар билан боғлиқ бўлганидек, бу тушунча ҳам бир-биридан ажралмайди...“¹ Демак, яратилажак асарнинг миллий заминда бўлиши мұҳим аҳамиятга эга. Зоро, ҳар қандай санъат асари ўзи мансуб ҳалқнинг бой маънавий маданияти, қадриятларининг ажралмас бир мулкига айланади. Унга шу ҳалқнинг дунёқарashi, интилишию орзу-армонлари жо бўлиши, ҳар бир деталда унинг ишораларини акс эттира олиши эса сағъаткорлан алоҳида маҳоратни талаб этади.

Сағъагда, алабиётда миллийликни кеңг маънода тушуниш мумкин. Гап шундаки, тасвиirlанаётган воқеалар ва уларга муносабатда миллий руҳ сезилиши керак. Лекин ёзувчининг асар ёзишдан мақсадини белгиловчи фоя, фикр барча миллатлар учун ҳам дахлдор бўлиши керак. Яъни асарнинг миллий заминда умумисоний муаммоларга қаратилиши унлаги зарурият даражасини кенгайтиради.

¹ „Ўзбекистон маданияти“ газетаси, 1972 йил 17 ноябрь сони.

Маълумки, адабиётшунослик фани биринчи марта Аристотель томонидан „Поэтика“ асарида кўтарилган характер муаммосига кўп асрлар давомида алоҳида эътибор берисб, бадиий ала-биётда ёрқин миллий характерлар яратишга ёзувчиларни даъват этиб келади. Санъат асарида миллий характерлар бетакрор инди-видуал характерга эга бўлиб, айни пайтда, бу хусусиялар маълум бир миллий, ижтимоий, тарихий вазиятда шаклланган бўлади. Ана шу муҳит ва шароитнинг ҳаққоний тасвири орқали ёзувчи қаҳрамонининг характерини миллий тип даражасига кўтаради.

Чингиз Айтматовнинг деярли барча асарлари, шу жумладан, „Оқ кема“ қиссаси бадиий адабиёт олдилаги ана шу талабга тўла жавоб бера олади, деб айта олиш мумкин. „Оқ кема“ Чингиз Айтматов асарларининг чўққиларидан бўлиб, том маънода ҳақиқий миллий қиссадир. Зеро, қиссадаги барча воқеалар қирғиз ўтовларида ва қирғиз оиласарида содир бўлади, қаҳрамонлари эса соф қирғизона ўйлайдилар, ҳаракат қиладилар. И.С.Тургенев айтганидек, „Миллийликдан ташқарида санъат бўлиши мумкин эмас“. Шу нуқтаи назардан қараганда Ч.Айтматовнинг ақл-заковати, миллий тафаккури ва бадиий дили ниҳоятда юксак бўлиб, унинг ўзида қирғиз халқининг характеристи, табиати, руҳияти, образли фикрлаш тарзи, тил ва тафаккур олами мужассамлашган.

Қиссадаги ижобий образлар гуруҳи халқининг илғор ва навқирон кучлари бўлиб, миллатнинг умуминсоний мазмунини ўзида акс эттиради. Чинакам миллийлик мана шундадир. Қиссадаги саъбий образлар гуруҳи эса миллатнинг қолоқ ва чиркин кучлари бўлиб, уларни умуминсоний мазмун ҳам рал этади. Бинобарин, асардаги чинакам миллийлик умуминсонийликнинг кўринишидир. Буіда чинакам умуминсонийлик миллий шаклла қарор ғопади ва юксалади. Чингиз Айтматов „Заминни куршаган шабадалар“ сарлавҳали мақоласида таъкидлаганилек, умуминсоний вазифалардан ташқари, ҳар бир алабиётнинг ўз миллий вазифалари ҳам бор, алабиётни миллийликдан жудо этиш конкретликдан, бинобарин, реализмдан жудо этиш демакдир. „Ҳар бир алабиёт миллий заминда туриб умуминсоний мазмун сари интилмоқда“¹. Ҳозирги замон ўқувчиси, қайси

¹ „Литературная газета“, 1973 йил, №34.

миллатга мансуб бўлишидан қатъи назар, Гомер ва Фирдавсийни, Шекспир ва Низомийни, Навоий ва Гётени, Бальзак ва Пушкини, Лев Толстой ва Абайни, Горький ва Ҳамзани катта қизиқиши билан ўқийди. Бу — фақат бугунги куннинггина талаби, ҳодисаси эмас. Адабиётнинг энг яхши намуналари, қайси мамлакатда ва қайси халқ томонидан яратилмасин, бутун дунёда севиб ўқилади. Бунга сабаб мазкур ижодкор асарларининг миллийлигидан ташқари, умуминсоний ва байналмилал характерга ҳам эга эканлигидир.

Миллийлик чинакам умуминсонийликка хизмат қиласи, умуминсонийлик кўпроқ мазмун сифатида, миллийлик эса мазмун билан бир қаторда, шакл сифатида намоён бўлади. Ёзувчи бундай натижага ўз халқи ҳаётини, қирғиз миллатининг ўзига хос миллий ва маҳаллий хусусиятларини атрофлича ўрганиш, чуқур таҳлил этиш асосида эриша олган. Мўмин бува ва Бола ҳаёти, уларнинг характеристи, тақдери, бир томондан, Ўразқул ва Сайдлаҳмадлар ҳаёти, тақдери, иккинчи томондан, шу хуносани тасдиқлайди. Лекин Чингиз Айтматов атоқли санъаткор сифатида қирғиз миллий ҳаётидан ҳамма билганларини атрофлича ёритавермайди, балки ўз асарининг эстетик программасини ҳал этишга зарур бўлган воқеа-ҳодисаларнигина ишга солади. Ҳақиқий санъаткорнинг ҳар қандай яхши асари унинг донишмандлигининг гувоҳи бўлибина қолмай, айни чоғда унинг муайян эстетик қарашлари ва бадиий маҳоратнинг ҳам муносиб ифодаси бўлмоғи лозим. „Оқ кема“ қаҳрамонларининг миллийлиги уларнинг тарихан ҳаққонийлиги ва ижтимоий жиҳатдан янги жамият кишилари эканлигини пайқаб олишга имкон берали. Қиссани эътибор билан ўқиган китобхон буни осонгина сеза олади. Чунончи, Мўмин бува ўз қирғизча қалпогини ўрмончиларнинг расмий фуражкасидан афзал кўради. Шоҳдор она буғу инсонлар учун ўз шохидаги қайниндан ясалган бешик келтиради. Шоҳдор она буғу икки гўдакни Иссикқўл соҳиллариға келтиргач, уларга шундай тилак билдирали: „Мана шу янги ватанингиз бўлади... Минг йиллар тинч-тотув яшанглар... Ҳа, сизларнинг авлодингиз яшайди, кўпаяди. Сизлар келтирган тилни авлодлар унутишмайди. Уларга ўз она тилларида сўзлаш ва куйлаш ёқимли бўлади. Инсонларга қандай яшаш лозим бўлса, шундай яшанглар“ (2-жилд, 238-бет). Мўмин бува Болага айтиб

берган бир ҳикоясини шундай хулосалайди: „Она юрт қүшиги учун одамлар жонини беради“.

Энг катта бойнинг дағн маросими қаламга олинар экан, ёзувчи азада йиглаш ва айтишувга маҳсус тўхталади; баҳшилар тилидан ҳалқнинг эстетик ва ахлоқий идеалларини баён этади. Улар, жумладан, қуидагилардир: 1) „Одамлар ақи үрнига бойлигини кўз-кўз қилишса, бу қандай ярамаслик“. 2) „Ҳофизлар ҳамду сано ўқишида баҳслашса, қандай ярамаслик, улар кўшиқ-чидан қўшиқ кушандасига айланишиади“. 3) „Бойлик — такаббурликни, такаббурлик эса — телбаликни туғдирали“. 4) „Пул ҳукмрон бўлган жойда эзгу сўзга ўрин йўқ, гўзалликка ўрин йўқ“ (2-жилд, 240—241-бетлар). Шундай қилиб, „Оқ кема“ қиссасида ҳалқнинг эстетик идеаллари, гўзаллик ҳақидаги орзулари, миллийлик ва умуминсонийлик муаммолари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тасвирланганки, бу хусусият ҳам мазкур асарни ҳаёт ва нафосат тимсоли деб баҳолашга яна бир далилдир.

„Инсон тақдири ҳақида ёзилган ахлоқий-фалсафий бу қисса, — леган эди филология фанлари доктори, профессор Файбулла ас-Салом, — афсуски, ижобий қаҳрамонлар: донишманд чол ва олижаноб Боланинг „тўла“ мағлубияти билан тугайди. Муқаддас буғуни шу ҳалоскор шоҳдор ҳайвон тимсолига азалдан сифиниб келган Мўмин ўз қўли билан отиб ўлдиради! Начора! Биз „мен“ хоҳлаган нарса эмас, балки бор нарса — ёзувчи томонидан ҳаётий воқсалар асосида яратилиб мукаммат санъат намунаси даражасига кўтарилиган асар асосида фикр юритамиз. Лекин шуни барада айтиш керакки, шаклан ижобий қаҳрамонлар жиддий тазийк ва таҳлика остида ўз эътиқодларига қарши иш қилиб қўйсалар-да, амалда ҳаёт ҳақиқатини ҳимоя қилувчи соғлом, забардаст кучлар борлиги, куч ва истиқбол „ғолиб“ келган ўразқуллар тарафида эмас, балки бири жисман ва иккинчиси руҳан маҳв этилган Бола ва чол тарафида эканлиги ушбу қиссани ҳаётдан беҳдирувчи эмас, балки, аксинча, ҳаётга чорловчи, ҳаётбахш асар, ҳаёт қўшиғи деб баҳолашга тўла асос беради“. „Оқ кема“ қиссаси гарчи фожия билан, бош қаҳрамон Бола ва ҳаёт рамзи бўлган Она буғунинг ҳалокати билан тугашига қарамай, унда келажакка ишонч руҳи барада янграб туради. Асар буғунги кунда ёзувчининг „Жамила“ ва

бошқа қўпчилик асарлари сингари миллионлаб китобхонлар қалбини зabit этиб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, „Оқ кема“ қиссаси foявий, бадий юксак асар бўлиб, унинг сюжети, композицияси, образлар тизими рисоладагидай — ҳамма-ҳаммаси жой-жойида. „Жамила“ қиссаси сингари жаҳон адабиётининг олтин хазинасига қўшилган ушбу асар ҳам ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол қилиб тарбиялашда муаллимлик ролини ўташи шубҳасиздир. „Оқ кема“ жаҳон кезмоқда...

СОҲИЛ ЁҚАЛАБ ЧОПАЁТГАН ОЛАПАР

Юксак инсонпарварлик анъаналари, инсон тақдири, унинг келажагини халқ тақдири билан узвий боғлиқ ҳолда тасвирлаш, фалсафий олам теранлиги Чингиз Айтматовнинг „Соҳил ёқалаб чопаётган олапар“ („Пегий пёс, бегущий краем моря“) қиссасида ўзига хос бир йўсинда ёрқин ва ҳаққоний гавдалантирилган. Муаллиф „Соҳил ёқалаб чопаётган олапар“ қиссасига (1977) қадар бошқа халқлар ҳаётига мурожаат этмаган эди. Айтматовнинг ҳар бир асари — ўзи бир кашфиёт бўлганидек, унинг „Соҳил ёқалаб чопаётган олапар“ қиссаси ҳам олға ташланган яна бир янги қадам бўлди. Асарнинг жозибаси, фазилатлари нимада? Аввало, мавзунинг янгилиги долзарблиги ва қамров доирасининг қонглигидадир.

Асар воқеаси очиқ денгизда ривожлана боради. Аникроқ қилиб айтганда, Узок Шарқ ва Сахалинда яшовчи аҳолиси унча катта бўлмаган нивих халқининг миллий — ўзига хос ҳаёти билан танишамиз. Асада ҳаётни фалсафий-бадий талқиқ этиш ўта кучли. „Аслида бу қиссани, — деган эди муаллиф, — мен „ўзимни бир синаб кўрай“, деб ёзган эдим. Ёзувчи фақат ўз адабиёти, ўзи яшаб турган жойи миқёсида ўралашиб қолмаслиги керак. Бошқа халқлар ҳаёти, афсоналари, фикрлаш тарзи, образлар воситаси ҳам баъзан катта гаплар айтиш имконини берали“¹.

¹ Чингиз Айтматов. Ёзувчи ва замон. Қаранг: Адабиёт ва замон. — Тошкент, Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981 йил, 334- бет.

Ёзувчи Охота денгизи соҳилларида яшовчи нивих халқи ўртасида тарқатган бир ривоятни асар сюжетига асос қилиб олган. „Оқ кема“ қиссадидаги сингари „бу қиссада ҳам афсона ва реал ҳаёт тасвири қўшилиб, аралашиб кетади, — деб ёзали филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комилов бу хусусла фикр юритиб. — Асотир ва туш, табиат кучлари ҳақидаги ибтилоий тасаввурлар патриархал жамоа кишиларининг характерларини яратиш, ўзларини табиатнинг бир бўлаги деб билиб, унга сифинган, ундан мадад олган ва табиат билан доимо курашиб қелган одамларнинг турмуши тарзини акс эттиришга кўмаклашишдан ташқари, табиат ва инсон орасидаги муносабатларни ҳам янгича талқин қилишга олиб қелган. Шундай усул туфайли қисса-истиора даражасига кўтарилган бу асар айни вақтда қисса-достон ҳамдир. Достон бўлганда ҳам драматик достон, насрый тилда ёзилган мунтазам ва мустаҳкам ички ритмга бўйсуналигани, ботиний лирик-публицистик интонацияга эга достон. Бу ритм қиссага алоҳида руҳ багишлаган. Серэҳтирос мусиқа аввалида вазмин, салобат билан янграйди, кейин бора-бора кучайиб, шиддат касб этади, руҳий қийиноқ ва изтироблар пўртанасини алангалатадиган авжли, қуюқ оҳанглар босиб кела бошлайди, сўнгра охирида яна ёргулик, нурни қалбга индирадиган фараҳли куй янграгандек бўлади“².

Ҳар бир инсон наслининг давоми бутун халқ ҳастининг давоми, ҳар бир инсон наслининг инқирози бутун халқ наслининг инқирози. Бу фалсафий муаммо қиссада ифодаланган жуда кўп фалсафий, маъниавий, ахлоқий муаммоларнинг бир қиррасигина, холос. Асарда тасвирланишича, балиқчилар оиласидаги барча эркаклар — Ўрхон бобо, унинг ўғиллари Милгун ва Эмрайин, ҳатто гўдак набираси — Кириск ҳад-худудсиз денгизга овга чиқиб кетиш арафасида. Ёзувчи овга оғланиш маросимини жуда катта миллий байрамдек тасвирлайди. Чунки, халқ эътиқодича, меҳнатнинг бошланиши — ҳаётнинг бошланиши, оиласинг барча орзу-умидлари — шу овнинг нагижасига боғлиқ. Оиласинг энг кенжаси — жажжи Кирискнинг ҳаётида биринчи марта катталар билан овга бориши эса байрам устига байрам. Бола бу кун қачон келишини кутавериб, тунларни бе-

² „Ўзбекистон адабиёти ва санъати“. 1984 йил 27 июль.

дор ўтказган. Айниңса, кичкінгіні катта деңгиз сафарига йүллаётган онайизорнинг қувончұ ҳаяжонларини айтмайсизми. Ҳуллас, Кириллка ҳам ҳунар ўргатиш, овга ўргатиш вақти келганди. Ҳудди шунинг учун жамоа оқсоқоли Үрхон бобонинг ўзи бош бўлиб, яна энг яхши овчилардан иккитаси, яъни Кириллнинг отаси Эмрайин билан амакиси Милхунни ёнига олиб, катталарнинг кичиклар олдидаги, бу гал эса кичкінгі Кириск олдидаги муқаллас, эзгу бурчларини бажариш учун сафарга чиқиши. Бола шу кундан бошлаб, умрининг охиригача, қувончли кунларда ҳам, кулфатли кунларда ҳам деңгиз билан дўст тутиниши керак. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган азалий ҳаёт қонуни бу. Ҳаёт шу асосга қурилган.

Демак, бола умрида биринчи марта катта деңгиз овига чиқиши. Чор атрофни ҳадсиз-худудсиз, аввалию охири йўқ маҳобатли деңгиз қоплаб олган, у тобора қалин туман ичидаги ғалаён кўтариб қутурмоқда. Очлик ва ташналиқ балосига рўбарў келган қабиладошлар тенгсиз ва тинимсиз отишиб ҳолдан тойланларидан сўтіг охирида бирин-кетин ўзларини сувга ташлаб ҳаток қиласилар.

„Балиқилар деңгиз ичкарисига бир оз сузишлари билан орқада, соҳилдаги қоя — олапар итга ўхшайдиган қоя қирғоқ бўйлаб чопиб, уларни кузатаётгандек кўринади. Балиқилар шамол, бўронда йўлдан адашганларида ҳам ана шу „олапар“ни мўлжалга олиб, манзилларини топиб олишарди.

Ёзувчи асарнинг ластилабки саҳифаларида мана шу манзараларни шошмасдан, реалистик услубда тасвирлайди. Аммо ҳақиқий ҳаётда бўлганидек, мана шу қувончли дамлар асносида бўлғуси даҳшатли фалокат оҳанглари билинг-билинмас „янграй“ бошлайди.

Поёнсиз кўз илғамас кенгликлар. Атрофда фақат сув, сув, сув... ва бош узра булатли осмон... Кечалари эса юлдузларга қараб, қаёққа бораётганингни билиб олишинг мумкин... Даҳшатли фалокат бошланади. Деңгиз устини зим-зиё туман қоплаб олади. Балиқилар аллақачон йўлни йўқотишган. Қайиқда ғамланган озиқ-овқат эса саноқли, бир-икки кунга етади, холос. Айниңса, чучук сув тугаши — ўлим деган гап. Бахтга қарши, қопқора рутубатли туман эртасига ҳам, индинига ҳам, ундан кейин ҳам тарқамайди. Борлик гўё мангу зулмат ичилада қолган.

„Шу заҳотиёқ туман гүс тоф күчкисидай даҳшат билан ёпирлиб, уларни чексиз зулмат гирдобига фарқ қилиб юборди. Шу лаҳзадаёқ улар бир оламдан бошқа оламга тушиб қолишиди. Шу лаҳзадан бошлаб на осмон, на денгиз, на қайиқ қолди. Улар энди ҳатто бир-бирларининг башараларини ҳам кўришиолмасди. Шу лаҳзадан бошлаб улар ўз тинчларини йўқотган эдилар — денгиз кутураётган эди. Пўртанаалар қайиқни дам баландга, дам пастга иргитар, дам юқорига, дам тўлқинлар орасида ҳосил бўлган сув ўраларига улоқтириб ташларди. Тошқин ва чайқалишлардан овчиларнинг кийимлари шалаббо бўлиб, оғирлашиб кетди. Лекин, энг ёмони, қуюқ туман ичидаги қолган одамлар атрофида нималар борлигини сезишмас ва кўришмас, денгизда нималар бўлаётганилигини, нима чора кўриш кераклигини билмай гаранг эдилар! Фақат бир нарса, у ҳам бўлса, таваккалига сузиш, қайиқ ағдарилиб кетмаслиги учун бир амаллаб кўр-кўронада ҳаракат қилиш қолган эди, холос. Энди қайиқни қандайдир мўлжалга қараб ҳайдаш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Тўлқинлар қайиқни хоҳлаган кўйига солиб, истаган томонига элтиб ташлаши мумкин эди...

Кириск ўйғонганида, ўтган тунлардагига кўра унча совқотмай ухлаганини сезди. Устига отасининг камзули ёпиб қўйилганди. Бола кўзини очиб, бошини кўтарди — қайиқда отаси йўқ эди. У қайиқни кўзлан кечириб, бир сесканиб тушди-ла, даҳшат билан ўкириб йиғлаб юборди, туманли денгизнинг кимласиз саҳросини аламли қайғуга тўлдирди. Унинг умидсизлик ва дард-аламга гўла фарёди узоқ вақтгача тинмади. У ҳолдан тойгунча роса йиғлади, кейин хириллаб, қайиқ тубига йикилди ва бошини қайиқ деворига ура бошлади. Бу фарёд унинг оталар олдидаги қарзи, унинг меҳр-муҳаббати, унинг қайгуси ва марсияси эди...

Кириск ўзининг ухлаб қолганидан ўкиниб ҳўнграб йиғларди. Ухлаб қолмаганда отасига тиш-тирноги билан ёпишиб уни ўзини денгизга ташлашига йўл қўярмиди. Ундан кўра ўзини шумашъум гирдобга улоқтирса бўлмасмиди!”¹

Асар билан танишган ҳар бир ўқувчи дарров жаҳон адабиётининг дурдона асарларидан бири, Эрнест Хемингуэйнинг „Чол

¹ Чингиз Айтматов. Соҳил ёқалаб чонаётган оланар.Faфур Гуломномидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984 йил, 37, 38, 70-бёлгар.

ва денгиз“ қиссасини эслаши турган гап. Түғри, бу ерда ҳаёт воқеаси, вазият жиҳатидан озми-күпми ўхшашлик бор. Инсон сабр-матонатини қўрсатишда ҳам Хемингуэйга яқинлик бор. Аммо, шу билан ўхшашлик тамом. Чингиз Айтматов асарида тамомила бошқа муаммолар акс этган. Ҳатто, қаҳрамонлар ҳаракат қилаётган, яшаётган, курашаётган вазият ҳам ўзгара бошлиди. Аччиқ ҳаёт ҳақиқати тақозосига кўра, оиланинг энг кексаси, улуғи Ўрхон бобо ўғиллари ва невараларининг яшави учун ихтиёрий равишда ўзини ўлимга маҳкум қиласи. Чол ўлими орқали ҳам фарзандларига сабр-матонат, ирода ва мардликдан сабоқ беради. Аммо, кошкийли қолганлар бу ўлим эвазига, не-не машаққатлар билан ҳам ёруғ дунёга чиқиша олса? Афсуски, бочкалаги сўнгги қултум сув ҳам тугатланаяпти. Ҳаёт давомчиси, келажак даракчиси — болани сақлаб қолиш учун очлик, сувсизлик натижасида ҳолдан тойиб ожиз қолган ўғиллар ҳам бирин-кетин ўзларини сувга чўқтиришади. Улар ҳастдан кетастиб, оила насли қирилиб битмаслигига, боланинг омон қолишига умид боғлашади. Мурғак бола ва зим-зиё коинот. Улар ўргасидаги ҳаёт учун кураш манзаралари, қаҳрамонларнинг ички кечинмалари ёзувчи томонидан романтик бўёқларда сањъаткорона тасвириланадики, бу қиссанинг ҳаётйлиги, ҳаққонийлиги ва таъсирчанлигини оширган. Бонқача айтганда, ёзувчи бутун бир халқининг қирилиб йўқолиш арафасидаги фожиасини тасвиirlар экан, ҳеч қандай сентименталь, йиғлоқиликка мояил бўёқлар ишилатмайди. Ёки аксинча, соxта баландпарвозликка ҳам берилмайди. У, ҳақиқат мезонидан келиб чиқиб, мардона, матонатли оҳанг танлайди. Ниҳоят, асар охирида бола ёруғликка чиқади.

„Соҳил ёқалаб чопаётган олапар“ (1977) қиссаси ҳам эълон қилиниши билан қизғин баҳсларга сабаб бўлди. „Литературная газета“ мухбирининг Чингиз Айтматов билан суҳбатда: „Сизнинг кейинги асарингиз баъзиларга, жумладан, Лев Аннинскийга негадир эртак бўлиб туюляпти, бирорлар сизни реализмдан чекиняпти, деган фикрда, шунинг нима дейсиз?“ деган саволига қуидагича жавоб берган эди: „Йўқ! Ҳақиқат, ҳақиқат ва фақат ҳақиқатни айтиш — менинг шиорим, эътиқодим. Шуниси ёмонки, баъзи ўқувчилар (бу нарса менга келаётган айрим хатларда ҳам кўринади) ҳозирги реализмнинг маънавий-

эстетик мазмунини тор ва юзаки тушунишяпти. Улар қундалик турмушта ўхшатиб тасвирланмаган, ҳозирги ҳаётни ҳисоботга ўхшатиб, хронологик тартиб билан қайд этмаган асарларнинг ҳаммасини „эртак“ деб, бошқача айтганида, мавхумот, уйлирма деб эълон қилишга тайёр“.

Яна бир ўринда, Чингиз Айтматов, рус реализмининг чўққиларидан ҳисобланган Гоголнинг „Ўлик жонлар“ асари ҳақида гапириб, уни рамзийлик ва муболаганинг илоҳий базми, поэтик тасаввурнинг чексиз ёнгини деган эди. „Гоголнинг реализми одамни сеҳрлайди, уни эртак — аллегориявий (тимсолий) образ — қанотли уч от қўшилган учар араванинг ҳаралантирувчи руҳига бизни ишонишга мажбур қиласиди“. Газета мухбири ёзувчи билан баҳслашар экан, соғ фантастик ёки романтик асар қонунлари билан реалистик асар жанрининг хусусиятлари кескин фарқ қилишини айтади. Чингиз Айтматов бу фикрга қўшилиш билан бирга, қонунларга қаттиқ спишиб олиш ҳам яхши эмаслигини тушунтиради ва бу тўгрида атоқли шоир Маршакнинг ажойиб сўзларини келтиради: „Гоголни қайта-қайта ўқиганимизда шунга ишонч ҳосил қиласизки, чинакам реализм муаллифдан ҳам, ўқувчидан ҳам энг дадил поэтик тасаввурларни талаб қиласиди. Баъзи натуралист ёзувчиларнинг хира милтиллаган шамидан кўра фантастиканинг бир лаҳзали чақмоқлари ҳаётни, воқеликни равшанроқ ёритади“. Мана шу баҳсада ёзувчи „Соҳил ёқалаб чопаётган олапар“нинг Хемингуэй асарига ўхшашлиги ҳақилаги фикрларга ҳам жавоб бериб ўтган эди. „Чол ва дентиз“ қаҳрамони ҳам, „Соҳил ёқалаб чопаётган олапар“ қаҳрамони ҳам балиқ билан сухбатлашади, бу ўхшаликнинг сабаби шуки, одамлар энг қийин дамларда ўzlарининг табиат фарзанди эканлигини билиб қолишади. Улар ўлим олдиди ҳам ўз ажодларининг бошлиғи Она балиқни қарғамайлилар, балки буюк аждодларига муносиб эканликларини исботлайдилар. Уларнинг ўлеми олдидаги ҳаёти ўzlари англамасалар ҳам гўзалликка, поэзияга айланади.

Авватроқ, мунаққил Лев Аннинский „Соҳил ёқалаб чопаётган олапар“ асарини „ортиқча безаклари, шарқона бадиияти“ учун қорағаган эди ва ўз фикрини исботлаш учун Лев Толстойнинг „Уруп ва тинчлик“ романи бутунлай оддий тасвир-

лардан иборат эканлигини айтган эди. Чингиз Айтматов бу фикрга жавоб бериб, ёзган эди: „Агар буюк санъаткорнинг ҳар бир сўзи қудратли руҳнинг ифодаси бўлмаганида, ҳар бир сўзи замира умуминсоний, маънавий тажриба, олий ҳақиқатга ўжарларча интилиш бўлмаганида, Толстойнинг ўзи фавқулодда инсоний эҳтиросларнинг қурхонаси бўлмаганида „Уруш ва тинчлик“ ҳам бўлмас эди. Журъат қилиб айтаманки, буюк санъаткор олами „ғиштлардан қурилган эмас“.

Чингиз Айтматовнинг бу ва шунга ўхшаш фикрларидан куриниб турибдики, у ўзидан аввал яратилган буюк маданий, бадиий меросни чуқур тушуниб, англаб ўзлаптиргани — руҳий оламини бойитгани учун ҳам ўша бебаҳо хазиналар қаторида тура оладиган шоҳона асарлар яратишга куч ва имкон топа олган эди.

ИИСОН МЕҲНАТ-ЛА БУЛОКДИР

*Вақтни зое этма, меҳнат қил,
Меҳнатни саодатинг калити бил.*

Алишер Навоий

Ажойиб қиссалари билан шуҳрат қозонган ва мазкур жанр ривожига катта ҳисса қўшган улкан алиб Чингиз Айтматов ўзининг янги-янги романлари билан ҳам ўқувчиларини хуппуд этди. „Жамила“, „Биринчи муаллим“, „Сарвқомат дилбарим“, „Алвидо, Гулсари!“, „Сомон йўли“, „Оқ кема“ каби санъат асарларининг ҳар бири алиб ижодида, унинг юксак маҳорат сирларини эгаллашидаги алоҳида ловоивларни ташкил этиши билан бирга, бу ажойиб қиссалар муаллифнинг биринчи романни — „Асрни қаритган кун“ („Бўронли бекат“)нинг яратилишига кучли замин бўлиб хизмат қиласи.

„Алвидо, Гулсари!“ ва „Оқ кема“ сингари баркамол қиссаларини қамраб олган мұхим ҳаётий материалларнинг қўлами ва уларнинг бадиий юксак даражада тасвирлаб берилиши жиҳатидан роман жанрига киритиш мумкин эди, бироқ ёзувчи ҳали бунга ўзини тайёр деб билмади, ижоднинг мураккаб ва юксак чўққиларини эгаллашда давом этди. „Асрни қаритган кун“

(„Бўронли бекат“) (1980) романи¹ орқали эса ана шундай юксакликка кўтарила олди. Хуллас, ушбу асар билан Чингиз Айтматов ижодида роман палласи (Сувон Мели) бошланди. Бундан сўнг яна уч роман — „Киёмат“, „Кассандра тамғаси“ („Охирзамон нишоналари“) ва „Кулаётган тоғлар“ („Мангу қайлиқ“) яратилди. Лекин унинг илк романни айрича муваффақият қозонди, у нафақат алиб ижодида, балки умумжаҳон адабиётида юксак босқич бўлди.

Мазкур роман китобхонлар ва танқидчилар муаллифнинг ижодий йўналишида асосий жанр повест эканлигига ўрганиб қолган бир вақтда, кутилмаганда дунёга келди. „Асрни қаритган кун“ — „одатий“ асарлардан бўлмай, муаллиф ижодида ҳам мисли кўрилмаган бир янгилик эди. Унда макон ва замон, табиат ва инсон, жамият ва шахс, инсоний ва заминий ҳодисалар талқини ниҳоятда бир-бирига чирманиб кетган. „Асрни қаритган кун“нинг жанр хусусиятини аниқлашда мазкур асарнинг ўзига хос (специфик) жиҳатларидан, ички моҳиятидан, сюжет йўналишидан, образлар системасидан ва мазмуннинг кенглигидан келиб чиқилган ҳолда белгиламоқ лозим. Бу, албатта, алоҳида масала.

Маълумки, адабиёт гўзалликни, эзгуликни, адолатни қарор топтирувчи энг кучли воситалир. Бошқача айтганда, ҳайти инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларига мослаштириб қайта қуриш адабиётнинг азалий орзусидир. „Асрни қаритган кун“ романнада кўтарилган туб масалалардан бири ҳам ана шундалир. Романин ўқир эканмиз, космик асрдаги улкан планетар бўронларнинг гувоҳи бўламиз. Бошқача айтганла, ёзувчи афсона ва фантастикага эрк берали. Муаллифнинг ўзи ёзганидек,

¹ Ушбу роман рус тилида „И дольше века длится день“ (Буранный полустанок) номи билан аталиб, дастлаб ўзбек тилига „Асрға татигулик кун“ деб ағдарилади. Орадан вақт ўтиб романнинг қирғизча нашри — „Қылым карытаар бир кун“ чоп этилгандан сўнг унинг ўзбекча номи ҳам, аслиятга амал қилинган ҳолда „Асрни қаритган кун“ тарзида ўзгартирилши (муаллиф). Адаб айрим асарларини аввал қирғиз тилида ёзиб (масалан, „Сомон йўли“, „Сарвқомат дилбарим“ ва бошқалар), сўнг ўзи рус тилига таржима қилди. Баъзи асарлари эса, аввало рус тилида ёзилиб (масалан, „Оқ кема“, „Алвидо, Гулсари!“ ва бошқалар) сўнг қирғиз тилига ўгирилди.

„Қанчалик эплай олганимни билмайману, лекин мен ўз қаҳрамонимни бутун мамлакат, жумлаи жаҳон ва боз устига космос билан сирқирра алоқалорликда тасвирладим“¹. Муаллиф учун энг муҳими, китобхонии йўлашга мажбур этиш, уни ҳаяжонлантириш, таъсирантиришидир.

Асар қаҳрамонлари Эдигей Жонгелдин, Казангап Асанбов, Абутолиб Қуттибоевлар ҳаётда не-не қийинчилик, адолатсизлик, кулфату кўргилик ва ҳатто, фожиаларга дуч келмасинлар, барибир тўғри йўлдан тоймайдилар, имонларини йўқотмайилилар, адолат ва ақл билан иш юритиб меҳнат жараёнида шаклланадилар. Чунки, улар қалбила юксак эътиқод, диёнат, вижлон борки, муаллиф уларни жуда таъсирили ва ҳаққоний ёритган.

Азал-азалдан маълумки, меҳнатсеварлик инсон қалр-қимматини белгиловчи мезонлардан биридир. Шу маънода асар бош қаҳрамони уруш қатнашчиси, кейинчалик эса оддий темир йўл ишчиси Эдигей Жонгелдин том маънодаги меҳнат кишиси сифатида талқин этилади. Энг муҳими — у ишчининг янги типи. Одамларнинг айтишича, у заминни елкасида кўтариб турганларнинг бири. „Эдигей Бўрон образи менинг меҳнат кишисини ҳамиша ўзининг қаҳрамони қилиб олган реализм адабиётининг асосий ақидасига бўлган муносабатимдир“², — деган эди адабнинг ўзи. Демак, романнинг асосини ана шу етакчи фоя, яъни инсон ва меҳнат муаммоси ташкил этади.

Табиийки, бадиий адабиёт учун меҳнат мавзуи ҳамма давр, ҳамма замонларда энг шарафли мавзу бўлиб келган, меҳнат кишиси эса доим унинг марказида турган. Меҳнат мавзуи „Фарҳод ва Ширин“ каби ўлмас достонлар, „Уруш ва тинчлик“, „Она“ каби гениал асарларнинг асл маъноси ва бош гоясини ташкил этган.

„Асрни қаритган кун“ романнада тасвир этилган воқеалар, асосан, Қозогистоннинг ҳайҳотдек Сариўзак даштидаги хилватгоҳда, асар қаҳрамонларидан бири геолог олим Елизаров айтганидек, „тарихнинг аллақачонлар унутилган китоби“ —

¹ Ч. Айтматов. Собр. соч. в семи т. Том 7. М., 1998. 115- бет.

² Чингиз Айтматов. И дольше века длится день. Роман. — Фрунзе: Кыргызстан, 1981, 5- бет.

Бўронли деб ном олган темир йўл бекатида — миттигина „овулча“ да кечали. Бекатда бор-йўғи олти хоналон истиқомат қиласди. Ана шу олти овулдошлардан икки хоналон, хусусан, икки қаҳрамоннинг ҳаёт йўли, яъни Казангап Асанбоев билан Эдигей Бўрон яшाइтган ва курашастган синов майдони — Бўронли тесмیر йўл бекати асарнинг асосий тасвир объекти ҳисобланали.

Эдигей билан Казангап аслида Орол қозоқларидан бўлиб, ажралмас лўстлар. Узоқ йиллар давомида Бўронли бекатида бирга яшаб, иссиқ-совуқни бирга тотиб, қайфу-қувончларини бирга баҳам кўришган дўстларнинг иноқлашиб кетишининг боиси ҳам шундан эди. Муаллиф воқеа-ҳодисаларни, ўз foявий қарашларини Ватан ва халқ хизмати, баҳт-саолати йўлида жонбозлик кўрсатган ана шу кишилар ҳаёти, фаолияти орқали ифодатайди. Улар мансабдор кишилар ҳам эмас, балки кўпчилик қатори олдий заҳматкашларидир. Уларни маънавий юксакликка, камолотга кўтарган куч ҳам она-Ватанга, бунедкор меҳнатга чексиз муҳаббатларидир. Бу foя романнинг пафосини ташкил қилиши билан асарнинг мағзига, характеристларнинг моҳиятига сингдирив юборилган.

Казангап деганда қўз ўнгимизда ҳаст тўфонлари минг бир чириқдан ўтказган, ўз ватанидан узоқда яшаб, ўзга юртларни кезиб, қанчадан-қанча меҳнат машаққатларини чесиб, одамлар қалбига, шуурига умил-ишонч уругини қадаб, зиё бахш этган чин инсон образи гавдаланади. У қаерга бормасин, қандай юмуш билан банд бўйласин, мардонавор меҳнати билан шуҳрат қозонали. Чунончи, у бошига оғир кунлар гуниб, ҳаёти хавф остила қолган кезларда, яъни „кулоқнинг ўғли“ деб элакдан ўтказиб, турли уйлирмалар билан қораламоқчи бўлганларида Мирзачўлга келиб жон сақлайди. Олти йил мобайнида Мирзачўлда яшаб, дастлаб, зовур қазииди, сўнг трактор ҳайдайди, бригадирлик қиласди, шу ерда Бўкей исмли қорақалпоқ қизи билан турмуш қуради ва ниҳоят донгдор нахтакор бўлиб, мўл ҳосил стиштиргани учун жумҳуриятимизнинг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланади. Ниҳоят у замоннинг зайли билан Бўронли бекатига келиб қолади.

Асарда тасвирланишича, ёшини яшаб, ошини ошаб, умриннинг сўнгги кунларини кечираётган Казангап кунларнинг бирида қалрдан ватани Орол билан сўнгги бор дийдор кўри-

шиб, видолашынга боради. Бироқ ўзи сингари суви қуриб бо-раётган денгизни күриб лили сиёх бўлади, чуқур ўйга чўмади: „Боришмагани маъкул экан, боришга боришли-ю, хафа бўлиб қайтиб келишили, — деб ёзади муаллиф. — Денгиз суви тортилиб, тобора камайиб кетибди. Денгиз ёқалаб, соз тупроқли та-қир йўл бўйлаб ўн чақиримча йўл юришганидан сўнг аранг сувга яқинлашиб боришиди. Ўшанда Казангап: „Орол дунё турганча турар эли, энди, мана, шу денгиз ҳам қурияпти, одам умрини гапирмаса ҳам бўлали“, деган эди. Ўшанда у яна бундай деган эди: „Эдигей, сен мени Она Байитга дафн этасан. Денгизни эса сўнгги бор кўриб, хайр-хўшлашиб туришим!..“¹

Асар ана шу суюги меҳнатда қотган, камтарин, ажойиб инсон Казангапни дафи этиши тараддуллари тасвири билан бошланиб, романнинг сўнгидаги маросим фожия устига фожия билан тугайди. Янада аникроқ қилиб айтганда, Казангапнинг жасади ўзи васият қилиб кетганидек Сариўзак қозоқларининг муқаллас аталмиш қадимиий Она Байит² қабристонига дафн этилиши керак. Она Байит қабристонининг муқаддаслиги шундаки, бу маконга ажлодларнинг волидаи муҳтарамаси Найман она дафн этилган. Найман она ким? Манқуртликка қарши исён кўтарган ва ёвуз душман — жунгжантлар гаъсирида манқуртга айлантирилган ўғли Жўломон томонидан отиб ўлдирилган онайизор тимсолидир. Шу-шу бу жой Она Байит деб юритидали. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, бу ҳудудга космодром жойлаштирилгани боис дафи этиши қатъий ман этилган. Нима қилиш керак? Қайси замонда уйдан олиб чиқилган жasadни яна уйга қайтариб олиб кетишган?

„Ёзувчи бугун асар давомида фантастик усулда космос ва космодром муаммоларига китобхон диққатини ўқтин-ўқтин жалб этишини бежиз эмас, — деб ёзали атоқли адабиётшунос олим Б.Назаров. — Бу бир жиҳатдан ердаги оддий инсоний муаммолар ҳал бўлмаётгани ҳолда, коинотни забт этишлек ютоқиши-

¹ Чингиз Айтматов. Романлар. Асрга татигуллик кун, Қиёмат. — Т.:Faafur Гулом номидаги Алабиёт ва санъат нашриёти, 1989 йил, 42-бет.

² Она Байиг номидаги иккинчи сўз „байит“, аслида майит (ўлик лекани), бу ўринда онанинг жасади кўмилган жой маъносини англагади (муаллиф).

нинг нечоғлик авж олганига, ергина эмас, осмон талапи бўла бошлаганилигига ишора бўлса, иккинчи томондан миллий қадриятлар, ватан ва замон муаммосига бориб боғланади. Гап шундаки, бийдай чўлда бўлганига қарамай, космодромга ажратилган ҳуудла экани учун қанчалан-қанча чақирим жойдан олиб келинган марҳум Казангапга ўз она тупроғидаги Она Байит қабристонидан икки газ ер беришмайди¹.

Жасални қўмиш учун расм-русумларни бажо келтириш арафасида Эдигей Худога муножот қиласи: „Мен Сенинг мавжудлигингга, менинг шууримда барқарорлигингта имон келтиришни истайман. Калима қайтариб Сенга илтижо қиласар эканман, аслида, Сен орқали ўзимга мурожаат этаман...“

Кўриниб туриблики, Эдигей Ҳақ таолога топинса-ла, амалда ўзига ўзи мурожаат қиласи, чунки унинг кўнглида туғилган, унга ўхшаганларнинг дилида пайдо бўлган шубҳаю гумонларни ўзларидан бошқа ҳеч ким ҳал этишига қодир эмас.

Бу ўринда кичик бир чекиниши қилиб айтиш жоизки, „Асрни қаритган кун“ романни тулки тасвири билан бошланади: „Эдигей тулкини тош билан уриб ўлдирмоқчи бўлганида, бу яна Казангапинг арвоҳи бўлмасин, деб ўйланиб қолади. Эҳтимол, Казангап ўлганидан сўнг кимсасиз, хувиллаган кулбасида ёлғиз қолгани зерикиб, тулкига айланган ва қадрлон дўсти Эдигейни кўргани келтандир. ...Тфу! Алаҳсираяпманни ўзи?“² Шунда — дафи маросими тугалланиши арафасида — асарнинг хотимасида осмону фалакда қанот қоқиб сайр қилиб юрган қуш — Оққуйруқ қалхат пайдо бўлади. У уймалашиб юрган одамларни кўриб ўзича фикр юритади... Образнинг мазмун ва моҳияти, ҳаёт ва ўлим ўртасидаги узлуксиз қураш Эдигейнинг ички кечинмаларида ўзининг инъикосини топган. „Оlam ўлгандан сўнг руҳи нимагадир айланиши рост бўлса, унда мен чумолига эмас, балки оққуйруқ қалхатга айлана қолайин. Негаки, ҳув осмондаги қалхатдек Сариўзак узра қанот қоқиб парвоз қилиб, юксаклардан қадрдан заминимизга суқланиб қарайин. Вассалом“¹.

¹ Б.Назаров. Чингиз Айтматов. Ўзбек адабиёти, 11-синф учун дарслик. — Т.: „Ўқитувчи“ нашириёти, 1995 йил, 343-бет.

² Ч. Айтматов. Асрга гатигулик кун, Қисмат. Романлар. — Т.: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашириёти, 1989, 22-бет.

Таъбир жоиз бўлса, Эдигей фалсафани ўқимаган. Турмуш уринишилари туфайли, ҳатто, ўрта мактабни тугатишга ҳам улгурмаган, жайдари донишманд. Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, „Қиёмат“ романининг қаҳрамони Авдий Каллистратов эса диний фаолиятга чоғланган. Шунга қарамай, улар нимаси биландир бир-бирига жуда яқин — афтидан, ҳаётга муносабат, адолатга ташналик, эзгулик туйғуси уларни яқинлаштируса керак. Мутлақо бегона бўлишларига қарамай, Эдигей билан Авдий туташ тақдирлардир.

Шундай қилиб, бутун онгли ҳаётини эзгуликка бағишилаган ҳалол ва покиза инсон Казангап учун бу дунёю у дунёнинг бағри торлик қиласди. Натижада сўнгги манзил — табаррук қабристонларидан маҳрум этилиб, таҳқирланган мотам аҳли Казангапни поёнсиз ёввойи сахро — Сариўзакнинг қоқ ўртасидаги Малақумдичоп жарлиги тепасига дафи этиб қайтадилар.

„Замин нақадар поёнсиз, сенга эса бир парча ер шу ердан насиб этган экан... — деб изтироб чекади марҳумни лаҳадга қўяётиб Эдигей Бўрон. — ...Инсонга буюрганининг қанчалик кўп ва қанчалик озлигига қаранг!“ (Ўша асар, 275-бет).

Машхур француз мутафаккири Д.Дидро таъкидлаганидек: „...характерлар шароит билан белгиланади“². Шу билан бирга характерлар йўналишини белгилайдиган ижтимоий мұхит асардаги образларининг индивидуаллигини ҳам таъминлайди.

Романда талқин этилган барча муаммолар, хусусан, тарихнинг мураккаб ҳодисалари, асримизнинг улкан ҳақиқати, бутун башариятни ҳаяжонлантираётган, ташвишига солаётган муаммолар асарнинг иккинчи етакчи қаҳрамони, оддий меҳнаткаш инсон — Эдигей тақдирни орқали балий инкишоф этилган.

„Абадий ва ўткинчи ҳодисалар доим тўқнашиб турадиган бу дунёда, — деб ёзган эди адиб, — меҳнаткаш одам мен учун шахсияти, бой маънавий дунёси ва даврининг қай жиҳатларини ўзида мужассамлаштиргани билан ҳам қизиқарли ва муҳимдир. Шу боисдан, Эдигейни ўзим яшаб турган замондаги олам чар-

¹ Ўша асар, 274-бет.

² Д.Дидро. Избранные произведения. — М. — Л.: ГИХЛ, 151. 206-бет.

хининг меҳварига, мени ҳаяжонга солаётган муаммоларнинг марказига қўйиб тасвирлашга интилдим”¹.

Ёзувчи айтганидек, Эдигей Бўрон образида бугунги кун киписининг бой маънавий дунсси, унинг олижаноб орзу-умидлари, ташвиш ва ҳаяжонлари ёрқин бўсқларда акс эттирилган. Қаҳрамоннинг ҳаёт йўли ўкувчи қалбини ларзага солиб, ўзига ром этиб олади. Шу гариқа оддий шахс, камтарона касб эгаси Эдигей чиндан ҳам асримизнинг улкан одамига, давримизнинг етук қаҳрамонига айланади. Эдигей Бўроннинг энг яхши хислатларидан бири, муаллиф қайд этганидек, унинг меҳнатсеварлигидир. У дўсти Казангап сингари қанчадан-қанча машақ-қатларга, турмуш фожиаларига дуч келмасин, ҳаёт тӯфони уни қайси томонга итқитмасин, Эдигей буларнинг барчасини сабртоқат билан, зўр матонат билан енгиб ўтади, бартараф этади, олга интилишда, курашда давом этади.

„Инсон айни меҳнатда ва фақат меҳнатда буюkdir. У меҳнатни қанчалик жон-дилдан севар экан, унинг ўзи ҳам шунчалик улуғвор, ишлари ҳам шунчалик маҳсулдор ва гўзал бўлади“², деган эди М.Горький. Меҳнат чиндан ҳам инсон ҳасти-нинг ўзаги, маъно-моҳияти. Меҳнат орқали инсон ўзлигини намоён этади, турмуш тарзини белгилайди, охир-оқибат ўзи-дан ном-нишон қолдиради. Меҳнат самаралари боис жамиятда ўрнини топади. Шуни ҳам айтиш жоизки, баъзи асарлардаги-дек, меҳнатни инсон ҳаёти, фаолиятининг ягона компоненти қилиб, меҳнат қилишдан бошқа ингилиши йўқ қаҳрамонни намуна қилиб кўрсатиш бутунги кун талабига жавоб бера олмайди.

Эдигейнинг меҳнатсеварлиги унинг юксак инсонпарварлик хислатлари билан уйғунлапиб кетади.

Инсонпарварлик Чингиз Айтматов ижолида бош ғоявий йўналишdir. Алиб инсонпарварликка зид, одамзод ҳаётига зарар етказувчи ҳар қандай манфий ҳодисага қарши аёвсиз кураш олиб боради. Бюрократизм ёзувчи асарларида изчил ва чукур фош этилган ижтимоий иллатdir. Бу иллат одамларнинг

¹ Чингиз Айтматов. И дальше века длится день. Роман. — Фрунзе: Кыргызстан, 1981, 5- бет.

² М. Горький. Собр. соч. в 30-ти т., т. 17. 190- бет.

истеъдоди, эътиқоди, орзу-умидларини барбод этиб қолмасдан, балки кишининг ўзини ҳам жисмонан маҳв этади. „Алви-до, Гулсари!“, „Оқ кема“, „Асрни қаритган кун“ каби асарлар бу фикрнинг бадиий исбогидир. Алибнинг „Асрни қаритган кун“ романида бу мавзу айниқса чуқурлаштирилади, янги жиҳатлари очилади. Эдигей ўзининг том маънодаги одамийлиги, маънавий юксаклиги билан, инсонга бўлган чексиз меҳр-муҳаббати, садоқати билан китобхон кўз ўнгидан ёрқин гавдаланади. Ҳар қандай шароитда ҳам ўзгаларнинг бахти, фаровонлиги ҳақида қайгуриш ва уларга ёрдам беришга ҳамиша тайёр туриш Эдигей учун ҳамма нарсалан муқаддас. Эдигейнинг барчага бирдек, яъни ўз фарзандларига, қариндош-уруғларининг болаларига, айтайлик, Абутолибнинг дилбандларига меҳрибонлик, фамхўрлик кўрсатишнида инсоний ҳиссиётлари қанчалик барқ урса, адолатсизликка, нопокликка, инсофизликка, шахс эркини, нафсониятини, номусини оёқ ости қилиб келган мансабпастларга, шу жумтадан, инсонийликдан деярли маҳрум бўлиб қолган Собитжон ҳамда роботга айланаб, ақл-фаросатдан четда қолган Тансиқбоевларга нисбатан нафрати шунчалик алангланади.

Эдигейнинг ҳаёти оғир уруш йилларида ҳам, тинчлик даврида ҳам унга яқин бўлган ва бўлмаган одамларнинг кундалик ҳаёти, турмуш ташвишлари ва уларга яқиндан ёрдам бериш билан тўла. Буни, айниқса қадрдон дўсти, темир йўл ишчиси Казангапни дафи этиш маросимида ёки сўзи билан иши бир, кўҳча қадропи, ажойиб инсон — рус олими Елизаров билан бирга урушнинг бутун мусибатларини бошидан кечириб, шахсга сифиниш даври қурбони бўлган ва тақдир тақозоси билан Бўронли bekatiга келиб қолган ўта софди, ҳалол ва дийнатли инсон, география муаллими Абутолиб Куттибоевнинг яхши номини тиклашда, унинг оила аъзоларига бўлган самимий муносабати ва муҳаббатида яққол кўриш мумкин.

Маълумки, асарда Абутолиб Куттибоев ва Зарифалар оиласи бошига тушган оғир қийноқлар, чексиз кулфатлар — шахсга сиғиницининг ипсон тақдиридаги ҳалокатли оқибатлари, ўчмас излари ҳаққоний гавдалантирилган. Абутолиб фожиаси тарихи битилган саҳифаларининг ўзи яхлит бир санъат асаридек киши қалбини жунбушга келтиради ва романнинг энг таъсирили, ҳаяжонли қисмларидан ҳисобланади.

Бу ўринда шуни айтиб ўтиш жоизки, муаллифнинг „Чингизхоннинг оқ булути“ қиссаси „Асрни қаритган кун“ романининг узвий қисми бўлиб, у маълум сабабларга кўра романнинг дастлабки нашрларига киритилмай қолган эди. Аникроқ қилиб айтганда, мазкур қисса муаллифнинг 7 жилдлик сайланма асарларининг З-жилдига киритилган „Асрни қаритган кун“ нусхасидан ўрин олган бўлиб, унда машъум тузум сиёсати туфайли ўз жонига қасд қилган Абутолиб Куттибоев саргузаштлари янада батафсилоқ ҳикоя қилинган. Мазкур қиссанинг романга унинг таркибий қисми сифатида киритилиши асар сюжети ва композициясининг янада такомиллашуви ва ғоявий-бадиий юксаклигини таъминлаган.

Яна Эдигей образига қайтайлик. Муаллиф Эдигей характеристики, унинг улкан маънавий дунёсини бутун тафсилотлари билан тасвирлаб берган. Гарчи у оддий разъезд ишчиси, катта шов-шувга сабаб бўлган қаҳрамонлик намуналарини содир этмаган бўлса-да, умуман олганда унинг ишларини ҳақли равишда қаҳрамонлик намунаси деб айта олиш мумкин. У ўз эл-юрти ютуқларидан қанчалик қувонса, расмиятчиликдан, нопоклик ва ноҳақликдан шунчалик куйиб ўртанади. Унинг кўз илғамас қаҳрамонликларга тўла маънавий ҳаёти, фаолияти шундан далолат беради. Ч.Айтматов Эдигей тимсолида унинг инсон шаъни, қадр-қиммаги ҳақидаги тасаввурларини бадиий мужассамлаштирган. Биз кўпинча адабиётда том маънодаги ижобий қаҳрамонлар образи етишмаслигини айтамиз. Эдигейни эса ҳар қандай сунгъий идеаллантиришдан холи бўлган ҳақиқий ижобий қаҳрамон образи, дейиш мумкин.

Маълумки, бурч, диёнат муаммосини тасвирлашнинг ўзи бадиий асар учун бирдан-бир мақсал эмас ёки баъзи асарлар-дагидек, меҳнатни инсон ҳаётининг ягона компоненти қилиб, меҳнат қилишдан бошқа интилиши йўқ қаҳрамонни бизга на-муна қилиб кўрсатиш бугунги кун талабига жавоб бера олмайди, демак, ёзувчи инсонни (қаҳрамонни) ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида кўрсатиши керак. Л.Толстой сўзлари билан айтганда, „асар инсон қалби ҳақидаги ҳақиқатни талқин этишга қаратилган тақдирдагина чинакам бадиий қиммат касб этади“. Буни биз асаддаги Элигей, Казанган каби қаҳрамонлар образи тал-

қинила куришимиз мүмкін. Чунки улар умуминсоний әзгуғоялар билан яшаб, ана шуғоялар учун курашадилар.

„Асрни қаритган күн“ — ғоявий-бадиий юксак асар. Унинг бадиий сюжети ва композицион тузилиши ҳам кенг күламли ва шу билан бирга ғоятда ихчам бўлиб, биз унда кўпгина воқеа-ҳодисаларни ўз ичига олган сюжет чизиқларини кўрамиз: Эдигей—Казангап, Эдигей—Абутолиб, Эдигей—Елизаров, Эдигей—Собитжон, Эдигей—Үккубола, Эдигей—Зарифа, Эдигей—Қоранир, Эдигей ва кекса оқин Раймали оға, бошқалар — буларнинг ҳар бири ўзича тугал, ўзича мукаммат бир қисса бўлиб, ҳар бир персонажнинг ички ва ташқи олами, дунёқараши табиий, ишонарли бир тарзда очиб берилган. Ҳудди шунингдек, бу эпизодларнинг ҳар бири, ўз навбатида, асар бош қаҳрамони Эдигейнинг ҳаёти, фаолияти билан узвий алоқадор бўлиб, унинг образини янада жоғили, жозибали чиқишига хизмат эттирилган ва асарнинг бош сюжет чизигини — ғоясини ташкил этган. Асардаги бошқа кичик сюжет чизиқлари ҳам ана шу бош сюжет чизигини бойитишга қаратилган. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, романдаги Қоранор образи асарнинг бошидан то охиригача иштирок этади ва унинг барча сюжет чизиқларини бир-бирига узвий боғлашда „воситачилик“ ролини, қолипловчи образ ролини ўтайди. Бундан кўринадики, асарнинг бош қаҳрамони Эдигей Жонгелдин руҳий ҳолатини Қоранор тимсолисиз тўла тасаввур этиш мүмкін эмас.

„Икки эпик ривоят, — деб ёзади таниқли адабиётшунос олим Сувон Мели, — манқурт ва Найман она ҳақидаги Сарийзак афсонаси ҳамда Раймали оға ва Бегимойнинг фожиъ севгиси ҳақидаги нақл ушбу қатламга моҳирона сингдириб юборилган. Улар, ўз навбатида, асосий воқеий ўқ — Эдигей Бўроннинг ҳаёт йўли, хусусан, дағғи маросими билан структур алоқадорликда яшайди. Буни иккинчи ўрам структура ёки структура ичидаги структура дейиш мүмкін. Бунда қуйидаги маъно чизиқлари: манқурт Собитжон — лейтенант Таисиқбоев, Раймали оға — Эдигей, Бегимой — Зарифа кўзга ташланади. Кейинги икки жуфтлик Эдигей ва Зарифа орасидаги сўнгсиз ҳижрон билан якун топған севгига қайғули шуъла ташлайди“.

Ч. Айтматов қайд этганидек, „Агар асар ўқувчини ҳаяжонга солмаса, унинг эстетик дунёсини бойитолмаса, унинг яхши-

ликка ва ёмонликка муносабатини ўткирлаштира олмаса, унда нималар айтилмасин, қандай ўта фойдалы ва ўта мұхим фикрлар изҳор этилмасин, қандай мавзу ва масалалар қўйилмасин, у ҳақиқий санъат асари бўла олмайди. Бутун олам тортишиш қонунини менсимаслик мумкин бўлмагани каби, санъатнинг бу қонунини ҳам назар-писанд этмаслик мумкин эмас. Мазмун ва шакл бирликда санъат асарининг моҳиятини ташкил этувчи икки категориядир¹.

Демак, бадиий асарнинг қиммати, унинг ҳаётийлиги ва эстетик аҳамияти ижодкор илмий тафаккури даражаси ва ўз қарашларини бадиий формада бера билиш маҳорати билан ўлчанар экан, муаллиф ўзи айтган ана шу сўзларига умри бўйи амал қилиб яшади. Бундан кўринадики, ҳақиқий санъаткорнинг шакл хусусида олиб борган ҳар бир иши мазмунни мукаммаллаштиришга қаратилган бўлади. Мазмунга хизмат қилмайдиган шакл кўринишлари бадиий ижодда бамисоли бсхуда отистган пахтаванд ўқдир.

Роман композицияси, қурилиши, барча қисмларининг бирбири билан боғланиши пишиқ, пухта бўлиб, у қисмлар яхлит бир бутунликни, мутаносиблигни ташкил этади. Ёзувчи асарида акс эттирган характерлар билан уларни белгиловчи шароитлар ўртасидаги муносабатларни, шунингдек, у характерларнинг ўзаро муносабатларини тасвирлар экан, уларнинг турмушидаги ҳолатини тўғри тушуниб олган ва асарда тўғри кўрсатиб берган. Тасвирланган барча воқеалар ҳаққоний бўлиши билан бирга, уларнинг киши характерини очишга, асар асөсий гоясини ифодалашга мутаносиблиги ҳам ҳаққоний, типик берилгандир. Булар „Асрни қаритган кун“ романни композициясининг бадиий жиҳатдан юксаклигини кўрсатали. „Асрни қаритган кун“ романнинг мазмуни билан шакли шу маънода бир бутунликка эга бўлган гўзал асар намунасидир.

Ёзувчининг бадиий маҳорати қанчалик юксак бўлса, унинг асарларида поэтик тил ранг-баранглиги ҳам, асар мазмунини ифодалаш, образларни бадиий гавдалантириш, уларни китобхонлар қалбига жо этиш ҳам шунчалик кучли бўлади. Кискалик, ихчамлик истеъодонинг дояси дейдилар. Муаллифнинг

¹ „Литературная газета“, 1971 йил 7 июль.

ҳар бир асарыла бўлганидек „Асрни қаритган кун“ романыда ҳам сўзга ўта тежамкорлик билан ёндашилганини кўрамиз. Бир сўз билан айтганда, романнинг тили ширави, солда ва равон. Асар тилининг бу фазилати, энг аввало, адабнинг табиийликни таъминлаши билан ўлчанади. Чунки умуман ижодда, хусусан, тилда табиийликни таъминламай туриб, образлиликни юзага келтириб бўлмайди. Негаки, „Асрни қаритган кун“да ёзувчи ҳар бир нутқ воситасини шароитни, қаҳрамонлар савиясини, интилиш ва дунёқарашини назарда тутган ҳолда қўллагани учун табиийликни таъминлай олган. Ёзувчи бу бош омилини ҳар бир ҳолатга, қаҳрамонлар характерини тўлароқ гавалантиришга меъёри билан татбиқ этади. Натижала, тасвирда давр аломатлари намоён бўлади, персонажларнинг хусусиятлари ёрқин гавдаланади. Мисол учун асардаги икки образни таққослаб кўрайлик. Асарда тасвирланишича, покиза инсон Казангапнинг ўғли, аллақайси „катта идора“лардан бирида мансабдор шахс бўлиб турган Собитжон — фирт манкурт. Собитжон учун пупити наноҳи оламохун Казангапнинг ўлими ҳам аҳамиятсиз. У отасини тиригига шод, ўлганида ҳам обод этмаган экан, Эдигей бундан қаттиқ таажжубланади, изтиробга тушади: „Одамларга нима бўлган ўзи! — дея газабланди Эдигей. — Уларга ўлимдан бошқа ҳамма нарса муҳим! — Бу фикр Эдигейнинг ич-этини тирнарди. — Модомики, уларга ўлим аҳамиятсиз экан, демак, улар ҳаётнинг ҳам қадр-қимматига етмайди. Ундай бўлса, яшашдан мақсад нима, улар нима учун яшайдилар?“ Хуллас, асарда Собитжон тимсолида бюрократия, худбинлик, ўзибилармонлик каби иллатлар кескин фош этилган. Эдигей Собитжондан Она Байит қабристонини унинг ўз қонуний эгаси бўлган овулдошларига қайтариб беришда ёрдам кўрсатишини илтижо қилганида, у шуидай жавоб беради:

— ...Менинг оиласам, ишим, бола-чақаларим бор. Нимага энди шамолга қарши чоптиришим керак? Бу ердан қилинган битта кўнфироқ туфайли орқамга бир тепиб ишдан ҳайдасинларми?

— ... Орқамга бир тепиб ишлан ҳайласинларми, ледингми?! Бундан чиқди, сен фақат орқанг учун яшаб юрган экансан-ла!

— Сен эса нима деб ўйлагандинг? Бу сенга осон. Ким бўпсан? Ҳеч ким. Бизлар эса орқамиз учун яшаймиз. Оғзимизга ширинроқ луқма тушсин, деб шундай яшаймиз.

— Э, ҳа! Илгарилари бош учун эъзозлашарди, бундан чиқди, энди орқаларинг учун эъзозлашар экан-да“!

Мана шу икки нутқ, диалог ҳеч бир таҳлилсиз, изоҳсиз мазкур шахсларнинг икки хил дунёқарашига, маълум мақсадга эга бўлган икки хил муҳит кишилари эканлигини кўрсатиб турибди. Зоро, уларнинг нутқига асл ният ва интилишлари санъаткорона сингдирилган.

Адабиёт инсон руҳий оламини кашф этар экан, ижодкор маҳорати ҳам бевосита инсон қалбининг кечинмаларини қай даражада ҳаққоний тасвирлай олиши билан белгиланади. Зоро, инсон ва унинг табиати, руҳияти товланишларини кашф этишда санъат турларининг биронтаси адабиёт билан тенглаша олмайди.

Маълумки, ҳар бир ижодкор ўзига хос истеъдод соҳиби экан, у инсон руҳияти манзараларини фақат ўзига хос, бошқаларга ўхшамайдиган тарзда кашф этади. Чунки табиатда айнан бир хил, бир-бирига ўхшаш гул ҳиди ёки булбул хониши бўлмаганидек, ўхшаш инсон руҳиятини топиш ҳам мумкин эмас.

„Ҳар қандай характер ҳам тип бўлавермайди, — деган эли В.Г.Белинский, — аммо чинакам талант яратган ҳар бир қиёфа тип ҳисобланади. Тип моҳият эътибори билан типик характердир, бу характернинг юксак кўриниши катта бадиий умумлашмадир“². Тип муайян тоифага хос муҳим хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган мукаммал адабий образ, бадиий ёрқин ва тўла тасвирланган характердир. „Бўтакўз“даги худбин Абубакир, „Оқ кема“даги қаллоб Ўразқул, „Асрни қаритган кун“даги ёвуз кучлар — „лақма“ собитжонлар, лейтенант тансикбоевлар, „чагиркўз“ терговчилар, манфур абиловлар, шунингдек, „Қиёмат“ романидаги афъюнгарлар бошлиғи Гришан ва унинг одам қиёфасидаги муртад ҳамтовоқлари — петрухалар, обер кандаловлар, бозорбойлар, узоқбойларнинг ҳар бири санъаткорона яратилган ўзига хос типлардир. Улар жамиятдаги ортиқча кимсалар — фақат бугуни учун яшашга қодир. Улар бор жойда ҳаёт завол кўради, қиёмат қўпади. Ч.Айтматов асарларида типларнинг бир

¹ Чингиз Айтматов. Асрга татигулик кун, Қиёмат. Романлар. — Т.:Faafur Fуломномидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989 й., 277-бет.

² Русские писатели о литературном труде, том 1, Ленинград, 1954, 518-бет.

нече тоифалари мавжуд бўлиб, улар индивидуал қиёфалари жиҳатидан бир-бирларидағ фарқ қылсалар-да, моҳият эътибори билан ҳамоҳангдирлар. Афсуски, бизнинг замонамиизда ҳам тор шахсий манфаатларини деб ўзидан бошқани тан олмайдиган бундай субутсиз, товламачи тўралар, манкуртлар истаганча топилади.

Яна мавзуга қайтиб айтиш керакки, Ч.Айтматовнинг ижобий қаҳрамонлари қалби кенг, ички дунёси foятда бой, ўз ишига, эътиқодига қатъий ишонган кишилардир. Шунинг учун ҳам улар ҳар қандай қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтадилар. Адибнинг „Юзма-юз“ асаридаги Саида, „Бўтакўз“даги Камол, „Жамила“даги Жамила, Дониёр, „Сарвқомат дилбарим“даги Бойтемир, „Биринчи муаллим“даги Дўйшэн, Олтиной, „Сомон йўли“даги Тўлғаной, „Оқ кема“даги Мўмин бува, „Эрта қайтган турналар“даги Султонмурод, „Соҳил ёқалаб чопаётган олапар“даги Ўрхон ва Кириск, ниҳоят юқорила фикр юритаётганимиз „Асрни қаритган кун“ романидаги Эдигей ва Казангаплар ана шундай матонатли, жасур кишилар тимсолига киради. Айниқса, Эдигей ёзувчи ижодида мазкур асарлардаги образларнинг тажассуми сифатида алоҳида ўрин эгаллайди. Ёзувчи бу образ орқали ўзида бунёдкорлик foяларини ташувчи янги инсон идеалини эҳтирос билан, завқ-шавқ билан, санъаткорона тадқиқ этган. Муаллиф Эдигей образини ҳар томонлама мукаммат кўрсатишга алоҳида аҳамият беради. Зотан, бу образ тўғрилиги, соғдиллиги, самимилиги, жасоратлилиги билан Чингиз Айтматовнинг айнан ўзини эслатади. Дарҳақиқат, кўпчилик улкан санъаткорлар сингари Чингиз Айтматов ҳам ўзида мавжуд бўлган олижаноб фазилатларни севимли қаҳрамони Эдигейга сингдирган. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Эдигей ҳаётий реал образ бўлиши билан бирга, унда инсонда учраб турадиган ожиз томонлар ҳам йўқ эмас. Чунончи, у хотини Уккуболовни қалблан севгани ҳолда қўлиниси Абутолибнинг рафиқаси Зарифага кўнтил кўяли ва муҳаббат дардига мубтало бўлиб қолади. Бундан ташқари, жаҳл отига миниб жони-дилидан яхши кўрган түяси Қоранорни асоссиз калтаклашда ҳам унинг ожизлиги сезилиб қолади ва ҳоказо. Бу жиҳатдан у „Алвидо, Гулсари!“ қиссасидаги Танабой образини эслатади.

Муаллиф олдинги асарларида бўлгани каби „Асрни қаритган кун“ романида ҳам мифларга, афсоналарга, эртакларга,

ривоятларга, қаҳрамонлик қўшиқларига хос мотив ва сюжетларга таянади. Мифологик сюжет асарнинг бадиий тўқимаси билан уйғунлашиб, ундаги эмоционал оҳангни ва гоявий йўналишни белгилаб беради. Бу асарида ҳам ҳаљ օғзаки ижоди — афсона, эртак ва ривоятлар ёзувчи учун замонавийликни тушунишда бир восита вазифасини ўтайди.

Араб адабиётининг йирик намояндаларидан бири Журжий Зайдоннинг таъбири билан айтганда, асарга афсона, эртак, ривоят ва севги қиссаларини киритишдан мақсад китобхонни зериктириб, толиқтириб қўймасдан, уни охиригача ўқиб чиқиши учун қизиқиши уйғотишдир. Шу нуқтаи назардан қараганда, муаллиф гарчи, бевосита, севги мавзусига бағишланмаган асарлари, шу жумладан, „Асрни қаритган кун“ романида ҳам азалий ва абалий мавзу севги-муҳаббат ҳақидаги ривоятларга мурожаат этади ва замонасининг машҳур оқини Раймали оға ва унинг сеҳрли санъатига топинган ҳамда унинг изидан боришга қатъий онт ичган ошиқу бесқарор қиз Бегимой тўғрисидаги ривоят воситасида инсонга қанот баҳш этувчи ўтли муҳаббатнинг мўъжизакор қудратини мадҳ этади. Раймали оға ҳақидаги ривоят „Асрни қаритган кун“ романни сюжети билан уйғунлашиб кетган ҳолда ўзи бир мустақил асар, гўзал бир новелла сифатида ҳам характерлидир.

*Қоратовдан кўч келар, кўч келганда
Қўлимни ечиб юбор, инижоним Абдилхон.
Олатовдан кўч келар, кўч келганда
Қўлимни ечиб юбор, қийин жоним Абдилхон.
Соролани жойладинг, оёқ-қўлим бойладинг,
Сендан хўрлик кўришни ўйламабман, идо жон.
Қоратовдан кўч келар, кўч келганда,
Олатовдан кўч келар, кўч келганда
Қўлимни ечиб юбор, инижоним Абдилхон.
Эрки-ла учиб кетсин танадаги тирик жон...*

*Қоратовдан кўч келар, кўч келганда
Сарбозорга етмасман, Бегимой.
Олатовдан кўч келар, кўч келганда
Сарбозорда кутма мени, Бегимой.*

*Сарбозорда сен билан мен жирлашолмам яйрашиб,
Соролам ҳам жойланди, оёқ-қўлим бойланди.
Қоратовдан кўч келар, кўч келганда
Олатовдан кўч келар, кўч келганда
Сарбозорда кутма мени, Бегимой.
Руҳдай енгил фалакка учиб кетгум,
Сени суйиб васлингга қачон етгум...*

Ёки бўлмаса, худди шунингдек, Она Байит афсонаси орқали меҳнаткаш ҳалқининг ўтмишда нақадар оғир ҳаёт кечирганлиги Найман она ва унинг ўғли манқурт — Жўломонлар эпизодида ғоятда ҳаяжонли тасвирланган.

Маълумки, инсонни хотирадан, ақлидан оздириб, инсонийлик хусусиятидан маҳрум этиш — бу даҳшат, болам деб зор қақшаган онайизорнинг ақлдан оздирилган ўғли томонидан шафқатсизларча отиб ўлдириши эса ундан ҳам даҳшат. Дунёда фарзанд доғидан ҳам оғир жудолик бўлмаса керак. Диљбандидан жудо этилган муштипар она ўғлини ақлдан оздириб, манқуртликка дучор этган „ҳайдар кокилли“ босқинчи жунгжантарни¹ лаънатлади: „Сени боқиб турган заминдан маҳрум этиш мумкин, мол-дунёдан маҳрум этиш мумкин, ҳатто инсонни ҳаётдан маҳрум эгиш ҳам мумкин, бироқ одамни хотирасидан маҳрум этишни ким ўйлаб топли экан?! Ё раббий, агар оламда бор бўлсанг, бандаларингга бу ёвузликни қандай рано кўрдинг. Ер юзида усиз ҳам ёвузлик каммиди?“ (ўша асар, 119-бет) дея исён кўтаради ва:

*Тулубин келиб исказан,
Бўтаси ўлган бўз мояман...²*

марсиясини айтиб бўзлаб йиғлайди. Она қалбидан отилиб чиқкан аламли дод-фарёд оҳангি кимсасиз, ҳал-худудсиз Сариўзак даштини ларзага солғандай янграб туради.

¹ Жунгжантар ким? Манқуртлар ҳақидаги ривоятга кўра қадим замонларда Сариўзак ерларини забт этган келгинди босқинчилар (*муаллиф*).

² Туянинг боласи ўлганида, сут бермай қўймасин, деб бўталогининг терисига сомон тикиб, онасига кўрсатилади. Шунда ҳайвоннинг меҳри товланиб елининга сут келади (*муаллиф*).

Маҳмудхўжа Беҳбудий „Ойна“ журналида манқурт сўзини кўйилагича шарҳлайди: „Қабиласининг исмини ва етти отасининг отини билмайдургонларни „кул“ — „марқуқ“ дерлар“¹. Демак, ўзининг тарихий илдизларини унуглан одам — манқурт ҳеч қачон тўлақонли инсон бўла олмайди. „Манқурт ўзи нима? — леб ёзади адабиётшунос Сувон Мели, — одамдан, одам материалидан ясалган жонивор. Лекин у жонивор ҳам эмас. Жонивор тантрининг азалий ҳукми билан яралган табиий хилқат, манқурт эса золим одам мазлум одамдан (ҳар иккаласи ҳам одам!) ясаган мудҳиш маҳлуқ“.

Таникли адабиётшунос олим И.Ҳаққулов „Ўзбекистон адабиёти ва санъати“ газетасининг 1988 йил 12 февраль сонидаги „Манқурт талқини“ мақоласида эса манқурт сўзи, манқурт атамасининг мазмун ва моҳиятини Алишер Навоий ва Ч.Айтматов асарлари мисолида атрофлича изоҳлаб берган. Бу масалала бизга йўлланган саволларни назарла тутиб, уларга жавоб тариқасида ушбу мақолани тўла ҳолида келтиришни маъқул кўрдик.

„Чингиз Айтматовнинг „Асрни қаритган кун“ романи чиққанидан сўнг „манқурт“ сўзи кўпчиликнинг тилидан тушмай қолди. Манқуртлик — куллик, машъум куллик. Бу ҳодиса романда бундай нақъ қилинган: ривоятга кўра, қадим замонда жунгжантлар леган босқинчилар ўтган экан. Улар туркий халқларнинг ҳам ерларини босиб олишибди. Жунгжантлар асир тушган жаңгчиларни ё кул қилиб ўзга ўлкаларга сотиб юборишпаркаи ёки уларга нисбатан беҳад оғир жазо чорасини қўллар эканлар. Бу жазо тутқуннинг бошига териқалпоқ тортиш қийноғи экан. Одатда, бундай жазога еш асир йигитлар маҳкум этиларкан. У шўрликларнинг соchlари дастлаб тақир қилиб қирилар, сўнг янги сўйилган түяният бўйин терисидан тайёрланган қалпоқча бошларига қопланаркан. Бундай азобга гирифтор бўлган кул ё ўлиб кетар, ё бир умрга хотирасидан ажралиб, ўтмишини эслолмайдиган манқуртга айланар экан. Инсоний қадр-қимматини фаҳмлай олмайдиган бундай маҳлуқлар фақат хўжайинига қуллук қилиш, у буюрган топшириқларни миқ этмай бажаришдан нари ўтмас экан. Унга қорни тўйса, бас. Шу — байрам. У хўжасининг олқишига сазовор бўлса, кифоя. Шу — зафар. „Кул-

¹ „Ойна“ журнали, 1914 йил, 23-сон, 340-бет.

дор учун энг даҳшатли нарса — қултарнинг исёни. Ҳар бир қул сиймосида исёнкорлик руҳи яширинган“. Манқурт бундан мустасно. Манқурт учун исён кўтариш, бўйин товлаш бутунлай ёт. Ахир, унда Ватан гўйғуси бўлмаса, ҳурлик нималигини идрок этолмаса. Хотирасизликда ҳайвондан-да баттар аҳволда бўлса. У қандай қилиб бош кўтаради? Қандай қилиб қасос туйғусига эришади? Унга энг оғир, фоятда таҳқирли ишларни буориш мумкин. У бажараверади. Манқурт топшириқ қутиб яшайди. Ҳукм берилса бўлди: у — жаллод. Ўз яқинларини ҳам ўлдираверади. Чингиз Айтматов Найман онанинг манқурт ўғли томонидан қандай ўлдирилганлигини батафсил тасвиrlаганки, бунда манқуртлик моҳияти тўла очилгандир. Умуман олганда манқурт атамаси билан боғлиқ бўлган эпизод асарнинг энг таъсирчан ўринларидан ҳисобланади.

Инсоннинг инсонлигини белгилайлиган, бошқарадиган асосий құдрат ХОТИРА саналса-ю, уни шундан жудо этишса? Қандай бедодлик!..

Манқурт ривояти қалбга ларза солади. Кишини оғир муню-ҳалаларга чорлайди ва қонуний савол ҳам туғилади: „Қадим замонларда чиндан шунаقا воқеалар бўлганми? Ёки у ёзувчининг тасаввури маҳсулими?“ Мен бу саволларга Навоийдан жавоб тоғдим. Навоий фикрларига таяниб ҳукм чиқариладиган бўлса, биринчидан, туркӣ ҳалқлар қайсилир давларда босқинчиларнинг хотирани ўлдириш жазосига дучор этилганга ўхшайли. Иккинчидан, манқурт тўғрисида Навоий фикр билдириб ўтган экан. Албатта, Навоийда Чингиз Айтматовдаги умум лапитириш йўқ. Лекин аниқ ишоратлар бор. Мана ўша гаплар:

*Фалак бошингға қоплаб ит терисин,
Сен они жаҳлдин деб кишу санжоб.
Ажаб йўқ, одамлиғни унумтсанг,
Ўзунгни бўйла ит чармида асроб.*

Бу сатрларда Чингиз Айтматов ифодалаган ўша машъум ҳодиса — манқуртлик моҳияти сўзланган. Тўғри, Навоий „манқурт“ сўзини ишлатмаган. Аммо улуғ шоир хогирасиз йиртқичнинг ўзига унинг кимлигини гўё шарҳлаган. Навоий талқинидағи манқуртнинг бошига „ит териси“ қопланган. Бироқ, у жо-

хиллиги туфайли уни бошқа жонзотлар — қуилуз ва санжоб териси деб фаҳмлаётир. Унинг ўз одамлигини эсидан чиқарганига ажабланмаслик керак. „Ит чарми“даги манқуртнииг итга айланиши шубҳасиздир. Чингиз Айтматов: „Манқурт худди ит каби фақат эгасини танийди. Бонқалар билан иши йўқ“, дейли. Демак, бу фикр Навоий назарда тутган манқуртга ҳам мос келади. Навоийда „босқинчи“ ўрнида „фалак“ тилга олинган. Бунинг сабаби шунда бўлса керакки, шоир жоҳил ва итоаткор манқурт кимсаларга ҳаётда жуда кўп дуч келган. Шу сабабли буни фалак қилмиши сифатида ифодалаган. Навоий бир байтида ёзади:

*Кимники инсон десанг инсон эмас,
Шаклида бир, феълида як сон эмас.*

Улуғ шоирнинг „Кимники инсон десанг инсон эмас“, деган сўзлари шакли инсону феъли ҳайвон, яъни бошига „ит териси“ қопланган манқуртларга қаратилгани шубҳасиздир“.

Ниҳоят, манқурт сўзи, атамаси хусусида муаллифнинг ўзи Мухтор Шохонов билан қилган суҳбатида қуидагиларни баён этади. Ўқувчидаги тўла тасаввур қолиши учун матнни тўла келтирамиз: „Бундан ўн аср муқаддам куйланган ва ўшандан бўён қаҳрамонлик, ватанпарварлик қомуси бўлиб келаётган „Манас“ эпосида илк бора манқуртлик тўғрисида гувоҳлик берилган. Эпосда шундай парча бор: кичкинтой Манас асов кучга эга, жангари бўлади. Бундан ташвишга тушиб қолган маҳаллий ҳокимлар пинҳона тил бириттирадилар. Яъни келажакда Манас халқ йўлбошчиси бўлмаслиги учун уни ёшлигига манқуртга айлантириб қўймоқчи бўладилар:

*Болани асирга олайлик,
Бошига хом терини ёпиши тирайлик.
Сўнг, юртимиизга элтиб қурғурни
Олти аймоқ қалмиқ бир бўлиб,
Боғлаб адабини берайлик!*

Олтмисинчи йилларнинг ўрталарида таниқли манасчи-оқии Саёқбой Қоралаевдан „манқурт“ ва „шири“ сўзларининг эти-

мологик маъносини сўраган эдим. Ҳурматли оқсоқол хийла вақт ўйланиб, сўнг бундай деганди:

— Қалим замонларда, қирғизлар билан қалмиқлар орасида тинимсиз қонли урушлар кетаётган даврларда рақиблар молҳолни талон-тарож қилишдан ташқари, одамларни асир қилиб ҳам олиб кетардилар. Сўнг асиrlар кул сифатида сотиб юбориларди. Асир хожаси қарамоғида подавонлик қилиб юрса-да, лекин эртами-кечми, барibir, қочиб кетиши мумкин эди... Жисмонан вояга етган навқирон пайтида асир олинган одам беш йил, кўпи билан ўн йил тутқунликка бардош беради. Ке-йин ҳар қандай инсон боласи каби унинг кўнглида ҳам астасекин норозилик уйғонади, қўллари ўз-ўзидан қурол-яроғ излаб қолади, хаёлида қўзғолон пишиб етилади. Бўлажак қўзғончини олдиндан тушовлаб қўйишнинг бирдан-бир ёки бирламчи воситаси — уни манқуртга айлантириб сақлаш ҳисобланарди. Бунинг учун, энг аввал, асиrnинг соchlари таг-туги билан устарада қириб олинарди. Сўнг асиrnинг бошига янти сўйилган түя терисидан ёки мол терисидан қийқим кийдириларди. Мол терисининг қийқимини қирғизлар „шири“ дейишарди. Терининг чаккага тушиб турган қисми гир айлантирилиб хомтеридан тўқилган чилвир билан тағиб боғланади. Асир икки томонлама азоб исканжасига тушиб қолади. Дастваб, аста-секин қурий бошлаган тери бужмайиб, бош чаноғини сиқаверади; сўнгра янги ўсиб чиққан соч толалари терини тешиб ўтишга ожизлик қилиб, йўналишини ўзгартиради ва минглаб итналар бош терисига санчилади: шу тарзда вақт ўтиши билан асаб тизими ишдан чиқади ва хотира йўқолади. Бошига шири кийдирилган асиrnинг оёқ-қўллари боғланиб, сувсиз-овқатсиз ҳолла жазирама қуş остига ташлаб қўйилади. Бир-икки ҳафтадан сўнг асир ё ўлиб қоларди, ё манқуртга айланарди. Агар ўлса, азобларлан қутулиб кетарди; тирик қолса, иш қуролига айланарди: ўз исмини ҳам, насл-насабини ҳам, ўтган кунларини ҳам эслай олмасди, фақат хўжайнининг ҳоҳиш-иродасига бўйсуниш кераклигини биларди, холос.

Мустабид тузум ҳукм сурган даврда бутун жамиятга, ҳаммамизнинг дунёқарашимизга мафкуравий шири кийдириб қўйилди. Шу йўсин ҳамма ва ҳар бир киши қаттиқ бўйингтуроқ асосида ягона тузум манфаатларига итоат эттирилди. „Асрни

қаритган кун“ романнимнинг хомаки режаси шу асосда юзага келган”¹.

Хуллас, манқуртликни фош этиш фояси билан сүфорилган „Асрни қаритган кун“ романни „Оқ кема“ қиссаси сингари на эртак ва на рамзий асар бўлибгина қолмай, балки юксак маҳорат билан эртак ва рамзийлик оҳангларига чулғаб берилган чинакам ресал ҳақиқатдир.

Асарда образлар, манзараалар, воқеа-ҳодисалар гоятла таъсирли, кучли ички ҳаяжон билан тасвиirlанади. Энг муҳими, роман қаҳрамонлари ўзларининг индивидуал хусусиятлари билан ёрқин образлар даражасига кўтарилиган. Ч.Айтматовнинг ҳар бир қиссаси унинг санъат сирларини эгаллашидаги алоҳида довонлар экани хусусида айтиб ўтган эдик. „Асрни қаритган кун“ романни билан муаллиф яна бир улкан довон кучди. Бу жиҳатдан севимли адабимиз Одил Ёкубовнинг қуйидаги образли сўзлари жуда ибратлидир: „Қиёмат“ ва айниқса, „Асрни қаритган кун“ уни бутун жаҳон алабиётининг гаройиб ёзувчиси Габриэл Маркесга тенг миқесга олиб чиқди... Чингиз менга Ҳимолай тоғининг Жомолунгма чўққисини забт этишига киришган альпинистларни эслатади. Фарқи фақат шуидаки, Жомолунгмани забт этишига аҳд қилишган ўнлаб, баъти юзлаб забардаст альпинистлар бу чўққини забт этолмай, орқасига чекингайшар ёки фожиали ҳалок бўлганлар. Чингиз ҳақида эса бутун ҳеч иккисианмай айтиши мумкин: у санъат соҳасида бу осмонгўпар чўққини забт этди!..“²

* * *

Юқорида айтганимиздек, ёзувчи учун бунёдкор меҳнатини тасвиirlашидан кўра муқаддасроқ нарса йўқ. „Чинакам бадиий асар ишлаб чиқариш соҳаларига қараб ажратилмайди. Унинг бир умумий предмети — азалий ва абадий предмети — инсон ва унинг ички олами, жамиятдаги ўрни, кураши ва меҳнатидир“³,

¹ Чингиз Айтматов, Мухтор Шохонов. Чўққида қолган овчининг оҳу зори. — Т.: „Шарқ“ нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти, 1998 йил, 140—141- бетлар.

² Одил Ёкубов. Алиб ва чин инсон. „Ўзбекистон адабиёти ва санъати“, 2004 йил 18 июнь.

³ Чингиз Айтматов. В соавторстве с землею и водою... Фрунзе: Кыргызстан, 1978, 92-бет.

деган эди муаллиф. Ижобий ва салбий образлар масаласига ҳам худли шу нуқтаи назардан қарамоқ керак. Санъаткорнинг ўз асарлари бунинг ерқин далили бўла олади. Уларда меҳнат мавзуси етакчи, марказий мавзу сифатида кенг ва чукур бадиий таҳлил этилган. Дарҳақиқат, Айтматов қаҳрамонлари — меҳнат, фаолият кишилари — ўқитувчи-зиёлилар, шоғёрлар, тракторчилар, колхозчилар. Уларнинг руҳий олами нақалар кенг, мусаффо, гўзал; фикр-туйгулари нақадар олижаноблир. Ася, Асилбой бобо, Саида, Жамила, Дониёр, Дуйшэн, Олтиной, Камол, Сувонқул, Тўлғаной, Алиман, Қосим, Танабой ва Жўра, Бойтесмир, Эдигей, Казангап, Султонмурод, Ўрхон ва Мўмин бувалар мажбурият учун, шон-шуҳрат ортириш учун меҳнат қилмайдилар, меҳнат улар учун завқ-шавқ манбаи, қувонч манбаи, гўзал ҳаёт, фаровон турмуш манбаи бўлиб қолган. Улар шоиришимиз Алишер Навоий таъбири билан айтганда, меҳнатни саодат калити деб билган ҳазрати инсонлардир.

Маълумки, уруш йилларида фронтдаги сингари фронт орқасидаги меҳнат ҳам бениҳоя оғир эди. Аммо бундан ҳеч ким нолимайди. Чунки кишилар меҳнат қилиш билан бирга айни вақтла босқинчи ёвларга қарши курашаётганини, урушда ғала-ба тақдирни миллионлаб жангчиларнинг кураши сингари фронт орқасидаги ҳар бир кишининг жасорати ва матонатига, қизғин меҳнатига боғлиқ эканлигини чукур ҳис қиласр эдилар. Шунинг учун ҳам улар жангчиларга мададкор бўлиш учун, ғалабани тезроқ яқинлаштириш учун қўлни қўлга бериб, кунни тунга улаб ишлаган эдилар. Замондошларимизнинг бу жасорати, меҳнатдаги қаҳрамонлиги ёзувчининг „Жамила“ ва, айниқса, „Сомон йўли“ қиссаларида ўзининг гўзал поэтик ифодасини топган.

Инсон ва меҳнат мавзуси эскирмайдиган марказий мавзу экан, гап ана шу мавзуни янги образларда беришда, унинг қираларини янги бўёқларда кўрсатишда қолган. Меҳнат адаб асарларида бошқа мавзулар сингари ўзига хос услугда, яъни кўпроқ лирик ва романтик бўёқларда тасвирланади.

„Жамила“ қиссасининг қаҳрамонлари Жамила ва Дониёрлар меҳнатни foят севадилар, ўзларини меҳнагдан ташқарида ва меҳнатсиз тасаввур қила олмайдилар. Чунки улар меҳнат жараёнида бир-бирларининг қалбларига йўл топалилар. Бир-бир-

ларига бўлган самимий ҳурмат, меҳр-муҳаббат ва садоқат туйғуларининг тарбияланишида ҳам, икки ёш қалб тўрида яшириниб ётган чин севги, инсонга бўлган чексиз муҳаббаг туйгуларининг юзага қалқиб чиқиши ва кун сайин қанот ёзишида ҳам меҳнатининг улуғвор кучи ва қувончини ҳис этадилар. Ана шу биргаликдаги эркин меҳнат ва соғ севги уларга мислсиз кучкуват ва илҳом бағишлиайди, ҳар қандай ёски удумлардан юксакликка кўтаради, ҳатто жангу жадал йилларидаги машаққатли ишлар ҳам уларга завқ бағишилайди. Қиссада Жамила ва Дониёрларни таъриф ва тавсифлаштирилади. Бу ўринда шуну таъкидлаб ўтмоқ жоизки, ҳатто бош мавзу муҳаббат („Жамила“ ва „Сарвқомат дилбарим“)ни куйлаган асарларини ҳам шартли суратда меҳнат тасвиридан ажратиб қаралса, улар бир ёқлама ва чала бўлиб қолар эди.

„Жамила сарвқомат, бежирим аёл эди“. У меҳнатда янада гўзалроқ кўринарди. „Жамиланинг хагти-ҳаракатларида аллақандай жўшқинлик, эркакларга хос фазилат бор эди“. Йилки боқиши, арава ҳайдашми, ўроқ ўришми, хуллас, „Ҳар бир ишга астойдил киришиб кетаверар эли“. Айниқса, Жамила ғалла юкланган қопларни юқорига кўтариб чиқаётганда „Дониёр кўзининг қири билан унга тикилиб қоларди. Ҳар ким ўзи билан ўзи овора бўлиб, кўпчилик иш билан алаҳсиб, буни пайқамайди, деб ўйлайди шекилли. Аравакашлар қийқириғи, от-араваларнинг кўплигидан станциянинг худди бозорга ўхшаб кетган тўстўполон ҳовлисида Жамила қанчалик қийналмасин, сира бўш келмай слиб-югуриб ишлаганидан, қаҳқаҳа уриб кулганидан у ҳаммадан ажралиб, кўзга яққол ташланиб турарди. Жамила арава четига қўйилган қопларни кўкрагини кериб елкасига оларкан, қоп-қора, қўнғир соч ўримлари ерга тегай-тегай деб кетарди“ (1-жилд, 79-бет).

Ч. Айтматов меҳнат жараёни ва меҳнат манзараларини ўз ҳолича, мустақил равишда бермасдан, балки қаҳрамон характеристининг муайян ҳолатдаги етакчи қиррасини бўрттириб кўрсатиш билан боғлайли. Бу ҳол айниқса Дониёрнинг етти пудлик қопни икки букилиб зинада (трапда) юқорига кўтариб чиқиши манзарасида ҳаяжонли тасвиранганд: „Бир куни хирмонда араваларга юқ ортаётуб янгам билан бирга етти пудлик катта бир

қопни Дониёрнинг аравасига ташладик-да, устидан бошқа қолларни бостириб қўйдик. Қани нима қилар экан, деб ўйладик ўзимизча... Дониёр қопни кўтариб борар экан, устидаги оғир қоп елкасига мишиб олган бало-қазодай уни багтар босар, Дониёр эса трапдан юқорига юқ тортиб чиқиб кегаётган отек илгарилаб борарли. У чайқалиб йиқиладигандек бўлса, шартта тўхтаб, куч тўплар, кейин яна олдинга қараб интиларди. Дониёрнинг орқасидан келаётган одамлар ҳам ноилож у тўхтаганда тўхтаб, у юрганда юришарди. Уларнинг ҳам тинкаси қуриб, қора терга ботиб кетишганди... Улар тойғоқ йўлдан гёё бир-бирларига кўринмас ип билан боғлангандек турнақатор бўлиб жим боришаради. Борди-ю, биттаси тойиб кеттудек бўлса, бошқалар ҳам хароб бўладигандек туоларди. Уларнинг индамай қадам ташлашларида, бир хил чайқалишларида кучли ғайрат ва шижаат, ҳамкорлик сезилиб турарди: Дониёрнинг орқасидан келаётган аёлнинг оёғи чалишиб, йиқилишига сал қолди-ю, шунда ҳам у ўзига эмас, Дониёрга худодан малал сўраётгандек унга раҳмдиллик билан термулиб қарайди. Мана, оз қолди. Дониёр яна бир зўр берса мэррага етадигандек кўринарди. Лекин Дониёр яна гандираклаб, ярадор оёғи унга итоат қилмай қўйди. Агар у елкасидаги қопни ташлаб юбормаса, ўзи ҳам қулаб кетиши мумкин эди“ (1-жилд, 81—82-бетлар). Бу манзарада инсоннинг меҳнатдаги қадр-қиммати, улуғворлиги ва маънавий гўзаллиги ёрқин ифода этилган.

Меҳнат кишилари фаолиятини улуғлаш ва меҳнатни поэтиклиштириш „Сомон йўли“ қиссасида зўр балий куч билан талқин этилган. Кекса она билан она-Ер ўртасидаги рамзийлик, айни замонда самимий инсоний суҳбатлар муаллифга тарихнинг энг ҳаяжонли, энг даҳшатли воқеаларидан бири — Иккинчи жаҳон уруши эпизодларини кенг, фалсафий мушоҳада қилишга ва кейинги давр ҳақидаги, тинч-тотувлик ҳақидаги, кишилар ўртасидаги чуқур гуманизм ҳақидаги ўй-фикрларини баён этишга имкон берган. Инсонни улуғлаш, инсонга бўлган чексиз муҳаббат асарнинг барча саҳифаларида маҳдиядес янграб туради. Асарнинг бош қаҳрамони Тўлғаной уруши туфайли кўп кулфатларни бошидан кечиради. Бироқ у тушқунликка бериlmайди. Ватан учун, элу ҳалқ учун, ғалаба учун, дунёниг барча яхшилиги учун, ер юзидағи энг олий зот — инсон-

нинг барҳаётлиги учун, бу улуғ номнинг мангу ўчмаслиги учун яшашга, курашга қатъий бел боғлайди. Тўлғаной инсонга бўлган чексиз муҳаббати билан, ана шу инсоннинг яшаши, порлоқ келажаги йўлида кўрсатган мислсиз жасорати билан бу номни шарафлайди, безайди ва шу билан фахрланади: „Худди ўша кезларда, — дейди Тўлғаной, — бригалирлик қилиб, элнинг аччиқ-чучугини бирга тотиб, кўпчиликни эплаб, бош-кўз бўлиб юрганимдан ҳозир ҳам фахрланаман, ҳозир ҳам уни завқ билан, миннатдорчилик билан эслайман. У бўлмагандан балки, мен аллақачон майишиб, аллақачон мудраб, аллақачон уруш тўполонлари ичилда оёқ ости бўлиб кетар эдим. Қиличини яланғочлаб келган ёвга қарши зарба беришнинг ягона йўли курашида, меҳнатда эмасми“ (2-жилд, 133-бет).

Тўлғаной характеристини қабартиб кўрсатувчи бундай юксак гуманистик хусусиятлар қаҳрамонона ҳаётни, унинг стакчи тенденцияларини тўғри ва чуқур ҳис қилишдан, ўз инсонлик бурчи, қадр-қиммати учун, инсоннинг шарафи учун курашишдан келиб чиққан. Ёзувчи қаҳрамон характеристидаги ана шу асосий стакчи қирраларни биринчи планга чиқариб тасвирлайди.

Ёзувчи тасвирлаган ҳар бир меҳнат эпизодида „Меҳнат билан топилган нон ширин бўлади“ мақолининг чуқур бадиий талқини ётади. „Комбайнни тўхтатиб ариқдаги сувга қўлини ювгандан сўнг Қосим ҳам келиб ўтирди. У чарчоқ ҳолда секин нон ушатар экан:

— Иssiққина экан, қани ол, опа. Янги буғдойнинг нонини биринчи бўлиб татиб кўр, — деди.

— Бисмилло, — деб нондан олдим-у, чайнаётиб аллақандай бир янги таъм, янги ҳидни сездим. У ҳил — комбайнчи қўлининг ҳили — сомон, қорамой, темир ушлаган қўлларнинг ҳили эли. Ноннинг ҳар бир тўғрамидан ўшандай керосин ҳили ҳам келиб турарди, бироқ умримда шунчалик мазали нон смаган эдим, чунки у нонни ўғлимнинг меҳнаткаш қўллари ушатиб берган эди, у нон кўпчиликнинг нони, шу даврала тўпланишиб ўтирган кишиларнинг гопган нони эли“ (2-жилд, 110-бет).

Сомон, керосин, қорамой, темир ҳиди анқиган ноннинг қанчалик „мазали“ бўлиши ҳаммага маътум. Бироқ Тўлғаной учун уйда ишламай ўтириб, оқ уннинг нонини ейишдан кўра,

мөхнат қучоғида жавлон уриб етиштирилган, пешана тери билан яратылган бир бурда нон бекініс даражада айло. Буни ёзувчи шундай маҳорат билан ифодалайди, ҳатто керосин ва қорамой ҳили анқиб турған ноңдан ҳам ўзгача, мөхнатсыз умргузаронлик қилиб юрган кишилар тасаввур ҳам қила олмайдиган ажыб бир таъм, маза ва табийи бир ҳил кашф қиласы. Ёзувчи бу билан ажойиб мөхнат гүзалигини, унинг завқ-шавқи, хузур-халоватини жонли, образли гавдалантирган.

Ёзувчи услубининг ўзига хос яна бир характерли жиҳатига эътиборни жалб этайлик. Чунончи, муаллиф муайян бир предмет, ҳодиса ёки тушунча асосида турли хил контекст яратып, уларга тоғыз бергенде, тоғызып калып, оның мәннен көрініштегі қараша менен салынады. Масалан, юқорида қайд этганимиздек, темир ва нефть ҳиди ижобий маънода, күтарилик мөхнат гаштини эслатувчи восита сифатида ишлатылған бўлса, худди шу ҳид „Бўтакўз“ қиссаныда бошқача маънно, бошқача мазмун касб этади. Яъни қиссада муаллиф воқеаларни романтик руҳда ривожлантирап экан, Анорхой даштида ўзлаштирилаётган кўриқ ерларла дала-даштнинг азалий „эгалари“ бўлган кийикларни тасвирилаган.

„Кийиклар ҳайдалган ернинг чеккасига келиб, нефть ва темир ҳиди анқиб турған шудгорга ўтишга журъят этолмай, таққа тўхтаб қолишди. Улар кумуш ранг товланган ой нурида шу бўйича қимир этмай узоқ туришди. Шохлари тарвақайлаб кетган эркак кийик, яғрини пастроғи урғочи кийик, ойдинда иккаласининг ҳам катта-катта кўзлари ялтираб турарди. Енгил бошларини сергаклик билан юқори күтариб, бир-бирининг пинжига кириб туришарди. Улар шу тарзда узоқ қотиб турдилар. Кийикларнинг бу туриши: даштиликка нима бўлди, эски сўқмоқ йўллар қаёққа йўқолди, қандай куч бу ерларни ағдар-тўнтар қилиб ташладийкин, деяётгандек эди.

Улар ҳайдалган ердан ўтишга журъят этишолмади. Орқага қайтишди, хипча белларида ойнинг кумуш шуъласи хисл акс этиб турарди“ (2-жилд, 33—34-бетлар).

Бунда нефть ва темир ҳиди кийикларни ҳуркитувчи, сергаклантирувчи бир восита вазифасини бажарган. Бу ҳид инсон мөхнатининг шартли символи. Кийикларнинг инстинктив ҳараратидан ҳам ёзувчи маълум стилистик маънно топишга ҳаракат қиласы: кийиклар эски, таниш сўқмоқ йўлларни топа олмайди.

дилар, бахмал гилам билан безангап кўм-кўк ерни қандайдир бир қудратли куч ағдар-тўштар қилиб ташлаганидан „ҳайратла“ қоладилар. Ёзувчи тақдим этган, аммо талқин этмаган бу „од-лий“ табиий тасвир китобхонда чукур таассурот қолдиради: гўё кийиклар ҳам асрлар бўйи мудраб ётган кенг, бепоён чўлларга инсон қадами етганлиги, инсон қўли чўлни бўстонга айлантирастганлигига „танг бўлиб“, одамзод иродасига ва унинг куч-кудратига „таҳсин ўқиётгандай“ киши қалбини ҳаяжонлантириб юборади.

Ч. Айтматов типик характерларни типик шароитда тасвирлаш учун энг майда унсурлардан ҳам самарали фойдаланган. „Санъатда, — леган эди Л.Н.Толстой, — ҳеч қандай майдачуида нарсаларга эътиборсизлик билан қараш ярамайди. Чунки баъзи вақтларда илиниб қолган тугмача ҳам қаҳрамон ҳаёти-нинг маълум томонини ёритиб юбориши мумкин“¹. Чингиз Айтматов Л.Н.Толстой айтганидек, майда-чуида нарсаларни ҳам назар-эътибордан четда қолдирмайди. Бошқача таъбир билан айтганда, муаллиф янги техника асрида яшаб, эски удумларни, урф-одатларни аста-секин тарқ этиб бораётган янги ҳазрати инсонни, унинг бунёдкорлик фаолиятини янада жонлантириб, қабартириб кўрсатиш учун нон, сомон, керосин, қорамой, темир каби аниқ, лўнда, ёрқин ва образли чизилган бадиий деталлардан бир восита сифатида самарали фойдаланган. Бу жиҳатдан муаллиф: „Бизда энлилика турли миллат вакиллари ҳаётнинг кўплаб жиҳатлари ҳақила умумий нуқтаи назар, умумий баҳолаш, умумий қиссанлаш ва ўлчов мезонларига эга. Айтайлик, қирғиз адабиётида „миллий ўзлик“нинг „мажбурий“ алломатлари — тезак тутуни, қимиз ва қўй терисининг ҳили билан қиёматгача завқланмаймиз-ку... Бугунги кунла ҳаётни тарқ этаётган, йўқолиб бораётган нарсалардан кўра механизацияланган ва маънавий турмуш суръати билан боғлиқ бўлган бензин, машина, тракторлар ҳили бизга хийла яқинроқдир“ деганда жуда ҳақли эди.

¹ И. Сергеенко. Как живёт и работает Л.Н.Толстой. Москва, изд. 2-ое, 1928, 65- бет.

ОГОХЛИККА ДАЪВАТ

Эндиликла турмушимизнинг барча жабҳалари тубдан қайта қурилмоқда, асосийси — инсон руҳияти, фикрлапш йўсини ўзгармоқда, бусиз том маънода янгиланиш, яшарин амримаҳол. Зотан, ҳар қандай омилнинг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам инсонга келиб тақалади.

„Бугуғи мураккаб ва таҳликали замонда, — деган эди муҳтарам президентимиз Ислом Каримов, — ёзувчининг башариятнинг эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишига қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда“.

Инсоннинг халқ, Ватан, авлодлар олдидағи, замин ва замон олдидағи масъулияти гояси ёзувчи ижодида марказий ўринни эгаллайди. Тўлғаной („Сомон йўли“), Танабой („Алвидо, Гулсари!“), Саида („Юзма-юз“), Сеит ва Дониёр („Жамила“), Дўйшэн ва Олтинон („Биринчи муаллим“), Эдигей ва Казантап („Асрни қаритган кун“), Камол („Бўтакўз“), Султонмурол ва Чекиш чол („Эрта қайтган турналар“), Ўрхон бобо, Эмраин ва Милгун („Соҳил ёқалаб чопаётган олапар“), Авдий Калистратов, Исо Масиҳ ва Бўстон („Қиёмат“), Филофей Крильцов, Борк („Кассандра тамғаси“) — образлари тинчлик, осоишишталик йўлида, адолат, ҳақиқат йўлида, инсониятнинг баҳтсаодати ва келажаги йўлида жон фидо қилган мардонавор курашчилар тимсоли сифатида гавдалантирилган.

Ўз-ўзидан маълумки, ҳар қандай воқеа бадиий таҳлил қилинмаса, қуп-куруқ фактлар йиғиндисига айланниб қолади ва қаҳрамонлар маънавий оламини очишга хизмат қилмайди. Шунуктаи назардан қараганда „Асрни қаритган кун“, „Қиёмат“, „Охирзмон нишоналари“, „Кулаётган тоғлар“ („Мангу қайлиқ“) романларидаги қаламга олинаётгани одам ва олам ҳақидаги муаммолар бадиий мантиқ асосида реал, теран ва атрофлича таълқин этилган.

Адибнинг „Асрни қаритган кун“ романидан сўнг дунё юзини кўрган катта эпик асари — „Қиёмат“ ҳозирги кунда бутун башариятни ташвишга солиб ўйлантираётган глобал муаммолардан ҳисобланган гиёҳвандлик, имон-эътиқод масалаларига бағишлиланганлиги билан аҳамиятлиdir.

Мазкур роман илк бор „Новый мир“ журнали (1986 йил 6, 8—9-сонлари)да эълон қилинди, сўнгра „Шарқ юлдози“ (1987 йил 8—10-сонлари)да чоп этилди. Адиб „Шарқ юлдози“га йўллаган мухтасар мактубида романнинг номи қирғиз тилида — „Қиёмат“, русчала „Плаха“ дей атаганини алоҳида таъкидлайди. Ўзбекчада ҳам „Қиёмат“ дейиш жоиз. Шундай ҳам бўлди.

Романда қаламга олинган воқеа-ҳодисалар, ўртага қўйилган муаммолар қайта қуриш даврининг энг долзарб масалалари билан ҳамоҳанг бўлиб, уларда қаҳрамонларнинг мураккаб, чигал тақдирлари, қалб тутғёнлари ўқувчини ҳаяжонга солади, ўйга толдиради. Қаҳрамонлар қисмати воситасида эса ёзувчи яшашнинг маъноси, инсоннинг инсонлик шаъни, бурчи, масъулияти, эътиқоди масалаларини кўтаради, китобхонни улар ҳақида ўйлашга, мушоҳада юритишга, баҳсга чорлайди. „Қиёмат“ романи, — леган эди муаллиф, — бу менинг дардларим, ҳасратларим, ташвишларим, тутғёнларим. Маълумки, дунё жар ёқасида турибди, инсоният қайси йўлдан бормоқда? Инсониятни, цивилизацияни омон-эсон сақлаб қолиш мумкинми? Мумкин бўлса, қандай қилиб? Менинг романим ана шу умуминсоний ташвишлар ҳақида“.

Асар юзага келиши биланоқ „Литературная газета“, „Литературное обозрение“, „Октябрь“ каби кўплаб газета ва журнallарнинг саҳифаларида қизгин муҳокама ва мунозаралар бошлиниб кетали. Умуман олганда, асарда қамраб олинган макон ва замоннинг миқёси ниҳоятда кенг. Унда пайғамбар Иисус Христос, бизнингча айттагида ҳазрати Исо ҳаёти билан боғлиқ икки минг йиллик бутун бир тарихий даврининг мазмуни, мундарижаси, зиддиятларию йигирманчи аср охирларида руҳонийлар семинариясида таҳсил олиб бутун ҳаётини эзгуликка бағишилаган Авдий Каллистратовнинг ёвуз душманлар томонидан Мўйинкум даштида саксовулга чормих қилиб кетишилрагача бўлган давр воқеалари ҳаққоний ёритилган.

„Асар икки мингинчи йилнинг боши билан икки мингинчи йилнинг охирини туташтиргандай бўлди, Айтматов имон учун икки минг йиллик курашнинг мазмунини шу кичик асарга жойлаштириб беролли. Ҳамма ҳалқларнинг ўз авдийлари, ўз бўйстонлари, ўз исолари, ўз акбаралари, ўз қўчқорбоевлари, ўз

бозорбоевлари бор. Ҳамма халқларнинг маланий тарихлари марказида имон учун кураш гуради.

Имон жаҳондаги барча халқларнинг тарихларини бир-бирiga яқинлаштиради.

Имон учун кураш — умуминсоний гоядир. Ўғирлик, пора-хўрлик айrim халқлар учун бутунлай тушунарсиз бўлиши мумкин. Лекин имон барча халқлар, барча одамлар учун тушунарлидир.

Имон одам боласини ҳалокатлан сақлади.

Имон бузилганда унинг биринчи жабри табиатга тушади. Романда тасвирланган улуғ Мўйинкумдаги қирғин ва қувғин мана шу имонсизлик туфайли рўй беради. Имонсиз муносабатлар туфайли она табиат оромсиз бўлиб қолди. Одамзоднинг заминдан, шу сув, ҳаводан ўзга паноҳи йўқ. Бизнинг замонамизга келиб ана шу паноҳ ҳавф остида қолди. Замин, ҳаво, сув — одамнинг беписандлиги ва ақдисизлигидан титрай бошлади. Қаранг, Акбара билан Тошчайнар қандай паноҳсиз. Авдий паноҳсиз. Исо паноҳсиз. Бўстон паноҳсиз.

Ҳамма нарса гўё омонат. Ҳамма нарса гўё тубсиз зулмат чоҳ оғзига келиб қолган... Ҳамма нарса романда безовта титроқ ва харосонлик ичида¹.

Романнинг асосий қаҳрамонлари ва персонажлари талайгина бўлиб, уларнинг аксарияти қисматида, юқорида қайд этиб ўтилганидек, қиёмат кечали, фожиага учрайдилар. Муаллиф романда Ф.Достоевский реализмiga хос бўлган ижодий йўл — жамиятнинг юқори табақалари — ҳукмдорлари томонидан „хўрланган ва ҳақоратланган“, инсонлик қадр-қиммати оёқости қилинган „кичик“ одамларни ҳимоя қилади. Бу бечоралар ҳаёти жиноятчиларга қарши тенгсиз кураш олиб борган ва паст табақа вакили, ҳуқуқсиз, эзилган бўлса ҳам, ўз инсонийлигини йўқотмаган ёш, соддадил, ўйчан йигит — романнинг етакчи қаҳрамонларидан бири Авдий Каллистратов образи орқали очиб берилган. Кўп планли романнинг сюжет йўналишларидан бирида гиёҳвандлик ва унинг савдосига гирифтор бўлган дого-

¹ И. Faфurov. Оромсиз дунёда. // Чингиз Айтматов навечно в сердцах узбекистанцев. — Т.: „NOSHIR“. 2008 йил, 197—198-бетлар.

ли, жирканч шахс — Гришан бошчилигидаги жиноятчилар гурхининг машъум ишлари тасвирланади. Романда очиқ айтилмаган бўлса-да, сезилиб туриблики, ҳақиқий жиноятчилар, аслини олганда, булар эмас, балки жамиятнинг юқори табақаларига мансуб бўлган „қонун ҳимоясидаги“ ўғрилардир. Гришанлар гуруҳи эса жиноят йўлига кирган кичик бир тўда, холос. Авдий Каллистратов жиноятчиларни „разолат чоҳидан холос этиб“ ҳалол меҳнат, ҳақ йўлга қайтариш учун ўз ҳастини курбон қилишга ҳам рози бўлади. Натижада у гиёҳвандлар томонидан ўлар ҳолатга келтириб дўппосланади. Романдаги барча сюжет чизиқлари ичида, шубҳасиз, энг мураккаб, жафокаш образ — Авдий етакчи ўринни эгаллайли.

Авдий соф ниятли инсон. У Худога, динга бутун вужуди билан ишонади. Аммо унинг фикрича, шу вақтгача инсоният тасаввурнида мавжуд бўлиб келган Худо эскирган. Бинобарин, унинг эътиқодича „ҳаммабоп, замонавий“ янги Худо кашф этиш керак. Кўринадики, Авдий аввал диний семинарияда худо изловчи сифатида таҳсил олган бўлса, энди Худога содиқлик гоясидан воз кечиб янги ғоя, янги Худо изловчи йўлига ўтади. Хуллас, „асрлар бўйи қотиб қолган фикрларни ўзгартириш, ақидабозликдан қутулиш, инсон руҳига Худони англицида ҳурлиқ бериш ва Худони инсон борлигининг энг олий зухуроти деб билиш“ Авдийнинг дин ва Худо ҳақидаги қарашларининг асосини ташкил этади. Бундай қараш эса, эски черков ақидалариға ҳам, янги жамиятнинг тутган йўлига ҳам монелик қилар эли. Унинг диний семинариядан ҳайдалишига ҳам ана шу куфрона фикрлари сабаб бўлади. Унинг ўйлашибча: „тақдир эртами, кечми, барибир, менга ўз қарашларимни одамларга маълум қилиш учун имконият беради ...“, „Инсониятнинг тарихий тараққиёти жараёнила ва унга боғлиқ ҳолда Худо категорияси ҳам вақтга кўра ўзгаради, ривожланади“ деб қарайди. Аслини олганда Авдий худо изловчи эмас, аксинча, ҳақиқат изловчи мураккаб образ сифатида гавдаланади.

„Чингиз Айтматов асарда ўз бадиий таҳайюлини эркин қўйиб, — деб ёзади адабиётшунос олим Б.Назаров, — бизнинг замонамиизда Мўйинқум чўлларида ваҳший Обер-Кандаловчилар содир этаётган сайғоқлар қирғинини тасвирлайдими, Ис-

сиқкўл атрофидаги Бўстон ишлайдиган чорвачилик совхози чўпонлари ҳаётини акс эттирадими, воқеаларни „Учқудуқ“ совхози теварагидаги нашазорларга олиб ўтадими, — уларнинг барчасида иштирок этувчи қаҳрамонларнинг кимлигини билдирувчи бош ва етакчи хусусият сифатида имон муаммосига эътиборни қаратади. Шу фикрдан келиб чиқиб „Қиёмат“ романининг бош қаҳрамони Исо ҳам, Авдий Каллистратов ҳам, Бўстон ҳам ёхуд Акбара ва Тошчайнар ҳам эмас, балки уларнинг барчасини бирлаштириб турувчи имондир, деб айтиш мумкин... Бўлмаса Исо йўлдан қайтмасмиди, Авдий Фикрини ўзгартирмасмиди, Бўстон муросага келиб яшамасмиди?“¹ Хуллас, ёзувчининг имон ҳақидаги қарапашлари Авдий Каллистратовнинг қуйидаги сўзларида ўз ифодасини топган: „Имон нене авлодлар бошидан кечирган азоб-уқубатларнинг меваси, имонга эришмоқ учун минг йиллар ва ҳар кун машаққат чекмоқ керак“.

Адаб асарнинг foявий мазмуни, ижтимоий салмоғи ҳамда бадиий нафосатини кучайтириш мақсадида Авдий Каллистратов тақдирига оид сюжет чизигига ёндош равища насроний дини ақидаларининг асоси бўлган „Инжил“да таъкидланганидек, бутун гуноҳкор одамларни охират азобидан халос қилиш учун ўзини оғир қийноқларга ва ўлимга тутиб берган Иисус Христос — Исо Масиҳ ва унинг айловчиси Рим империяси прокуратори Понтий Пилат билан боғлиқ узоқ ўтмиш воқеаҳодисаларини кент кўламда гавдалантиради ва, айниқса, Исо Масиҳ образини яратишга алоҳида аҳамият беради. „Христиан динида Исо пайғамбар сиймосида мушоҳада учун катта имкониятлар мавжуд, — деб ёзган эди муаллиф, — менинг аждодларим сифиниб келишгандан ислом динида эса ундан сиймо йўқ. Муҳаммад — жафокаш эмас. Тўғри, у ҳам оғир кунларни бошидан кечирган, азият чеккан, лекин у foяси туфайли чормихга тортилмаган, кейин одамларнинг ана шу гуноҳини ҳам мутлақо кечирмаган... Исо пайғамбар ҳозирги замон кишиларига дилимдаги муқаддас гапларимни айтиш имкониятини яратди. Шунинг учун камина, ўз ижодимда унга тўқнаш келдим. Нима

¹ Ўзбек адабиёти. II-синф учун дарслик. — Т.: „Ўқитувчи“, 1995 йил, 347, 348, 349-бетлар.

учун биш қаҳрамон қилиб Авдий Каллистратовни танлаганимнинг боиси ҳам шунда¹.

Тарихдан маълумки, янги (милодий) эранинг бошланишида Рим империясига тобе бўлган Иудея мамлакатида халоскор Исо Масиҳ кўплаб ҳалқлар, шу жумладан, юнон-рим мушриклари ҳам сифинган кўпхудолик эътиқодига қарши чиқиб, яккахудолик динини тарғиб қилган. Рим империясининг Иудеядаги ноиби — ўта шафқатсиз прокуратор Понтий Пилат сўроқ-жавоблар пайтида Исо Масиҳни ўлимдан сақлаб қолиш учун „сўзингдан қайтсанггина бошингни халос этасан“ деб „муросага“ чақирганда ҳам у яккахудолик таълимотидан сира қайтмаган. Исо Масиҳ золимлар, ҳукмдорлар, имонсиз коҳинлар қиёматда жазоланиб, дўзахга ташланишини башорат қилиши баробарида, бечора, етим-есир, камбағал, эзилган одамларга „Сизлар жаннатийсиз“ деб хушхабар берган. (Шу сабабли Исо Масиҳнинг ҳаёти, фаолияти қиёмат, охират ҳақидаги Худо томонидан билдирилган сўzlари жамланган муқаддас китобни „Инжил“ ёки „Хушхабар“ леб атасади). Маҳаллий яҳудийлардан бўлган бой, зодагонлар ва коҳинлар Исони қатл этишни Понтий Пилатдан талаб қиласилар. Понтий Пилат имон-эътиқод масаласида журъатсизлик кўрсатади. Рим империяси ҳукмдорлари Исони ҳалиқ тинчлигини бузувчи, халойиқни исёнга чақирувчи деб устунга — чормихга парчинлашга ҳукм қиласи.

Романда жуда кучли бадиий таъсирчанлик билан тасвирланган бу воқеа XX асрда Қозоғистон даштларида гиёҳвандлар ва ёш йигит Авдий тақдирида ажиб бир тарзда ўз давомини топгандай бўлади. Охир-оқибатда ёш афюнгарларга қарши тенгизиз кураш олиб борган Авдий Каллистратовни Мўйинқум даштида дарахтга худди чормих қилгандай осиб кеталилар.

Исо Масиҳни хочга тортиш воқеаси Ч.Айтматовдан ярим аср илгари яшаб ижод этган буюк рус адиби Михаил Булгаковнинг „Уста ва Маргарита“ номли романида ҳам кенг миқёсда ёритилган. Бу асар бадиий қуввати, нафосати, фалсафий-гоявий теранлиги билан кўпчилик адиблар қатори Чингиз Айтматов

¹ Чингиз Айтматов. Ё ҳаёт, ё мамот. „Ёшлик“ журнали, 1986 йил, 10-сон, 64-бет.

ижодига ҳам кучли таъсир кўрсатган. Иккала ёзувчи асарида ҳам Иисус Христос билан Понтий Пилатга катта ўрин берилгани бўлиб, ҳар икки романда мунштарак ва фарқли томонлар бор. М.Булгаков асарида XX асрнинг 20—30-йилларида Москвада шўроларнинг, даҳрийликни асос қилиб олган коммунистик мафкуранинг курбони бўлган даҳо мутафаккирларни таъқиб этиш ҳаётнинг оддий кундалик меъёрларига айланастгани аччиқ киноялар, кесатиқлар билан кескин фош этилади.

М. Булгаков асrimизнинг энг мураккаб даврини — йигирманчи йиллардаги оғир шароитларни тасвирилашда бу образларга алоҳида эътибор берди ва қўйма характерлар яратди, — деб ёзали адабиётшунос олим А.Кулжонов, — Ч. Айтматов эса романда ҳаётимизнинг турғун даврини, саксонинчи йилларнинг бошларидаги воқеликни тасвир этди. Булгаков романи сюжетида мифологик воқеалар ва афсонавий қаҳрамонлар фаолиятини тасвирилаш марказий ўрин тутади. „Қиёмат“ („Кунда“) эса унлай эмас. Ч.Айтматов асарида ҳозирги реал воқеалар ва қаҳрамон фаолиятини тасвирилашда баъзан кўхна ривоятларга, сирли афсоналар, фантастик сюжетларга таянади, холос. Булар бежиз эмас, албатта“.

Дарвоқе, Ч.Айтматов асарларида ўзгача тасвирини кузатамиз. Яъни унда тобора техника тараққиётига эришиб, мураккаблашиб бораётган бу лунёда эътиқодсизлик, диёнатсизлик, маънавий қашшоқлик, лоқайдлик, бир сўз билан айтганда, эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги кураш каби муаммолар глобаллашиб бораётганлиги чукур ташвиш ва безовталик билан қайд этилади. Ёзувчи мазкур асарда инсониятни келажакда кутаётган даҳшатли муаммоларни, мудҳиш манзараларни, шўро турмуш тарзини кўкларга кўтарган жамият тараққиётининг сўнгги босқичларидаги ўта зиддиятли жараёнларни қизиқарли балий лавҳаларда тасвиirlар экан, тарихий даврлар, маконзамонлар, турли таълимотлар ва инсонлар тақдирини бир-бира гита мантиқан боғлайди, уйғунлаштиради. „Мен, қиёмат-қойим деганда дунёни атом бомбалари билан кунпаякун қилиб юборишини тушунмоқ даркор, демоқчи эмасман, — деб ёзган эди муаллиф, — лекин яққол кўриниб турган ана шу хавф-хатар мени, тўқиб чиқарилган, диний-мистик маҳшардан эмас, ўзимизни ўзимиз гирифтор қилишимиз мумкин бўлган ва аслида

ҳам қиёмат-қойимнинг ҳили келаётган дунёвий ишлардан курқиши лозимлиги ҳақида бонг уришга чорлади^{“1”}.

Асарда тасвиrlанган Ола Мўнгу музлик тоги ва Мўйинкум даштларида бўлиб ўтаётган воқеа-ҳодисалар, Иисус Христос ва Понтий Пилат ўртасидаги инсон, дин, эътиқод ҳақидаги баҳс-мунозаралар, миллий-озодлик ҳаракати вакилларининг умумлашма образи — қўроши Гурам Жухадзе бошчилигидаги гуруҳ ва бу гуруҳ таркибиға кириб олган жоссус Сандро ёки ожиз, нотавон бўри Акбара (Оқ Барра) ва Топчайнар ҳамда Авдий Каллистратов, Бўстон Уркунчиев образлари тасвиrlанган сюжет чизиқлари қайси бир жиҳатлари билан бир-бирига боғланган ва бири иккинчисини тўллиради, бойитади, барча сюжет чизиқларининг ниҳоясида эса фожиавий қисмат ва тақдирлар ётади. Чунончи, Иисус Христос (Исо алайҳиссалом)нинг якка худолик динини тарғиб қилганилиги, илоҳий, инсоний ва тарихий қарашлари учун чормих қилиниши, инсонийлик қиёфасини йўқотган афюнгарларга қарши тенгсиз кураш олиб борган ва янги Худо кашиф этмоқчи бўлган диний семинарчи, соғниятли олижаноб инсон Авдий Каллистратовнинг Мўйинкум даштида ваҳшийларча қатл этиб кетилиши, „Олтovлон ва сттинчи“ балладасидаги қўроши Гурам Жухадзе ва унинг йигитларининг айғоқчи Сандро томонидан қириб ташланиши, виждори азобида қовурилган Сандронинг пировардида ўзини ўзи отиб ташлаши, шунингдек, Ола Мўнгу тогидаги тубсиз музлик ўқонига оти билан ғарқ бўлган бегуноҳ Эрназар қисматида ҳам, кўз қорачиги — норасида фарзандини олиб қочаётган аламзада бўрини отаман деб, кутилмаганла ўз ўғли Кенжашни бирга қўшиб отиб қўйган Бўстон Уркунчиевнинг қисматида ҳам, шум ниятда ёвузлик йўлига кирган худбин Бозорбой саргузаштларида ва ниҳоят ўқувчининг меҳрига сазовор бўлган Акбара ва Топчайнарларнинг тақдиррида ҳам қиёмат қўпади — ҳамма-ҳаммаси фожиага учрайдилар. Муаллиф айтганидек, „ҳаёт шундай қурилганки, эзгулик ҳар доим тақчил, ёвузлик эса ҳаминқадар, ошибб-тошиб стибди“. Муаллиф асар аввалида, барча соғниятли кишилар аҳил, ҳамжиҳат бўлиб бирлашганларида ва

¹ Чингиз Айтматов. Ё ҳаёт, ё мамот. „Ёшлик“ журнали, 1986 йил, 10-сон, 64-бет.

курашғанларида қиёмат күпмаслиги, фожиа устига фожиа юз бермаслиги, олижаноб инсон Авдий, Гурам ва унинг йигитлари, Эрназар, Кенжаш ва бошқалар омон қолиб, ўз „орзу-ниятларига етишлари“ ҳам мумкин эди, деган холосага келади.

Адид ҳаётдаги мудҳиши ҳодисаларнинг юзага келишига асосий сабаб табиат ва жамиятда мавжуд бўлган меъсрларнинг, мутаносибликнинг қўпол равишда бузилаётгани, ижтимоий тангликлар, инсонларнинг номатлуб, номуносиб хатти-ҳаракатлари — маънавий инқироз, лоқайдлик, ёвузлик, зўравонлик, ўз инсоний моҳиятидан чекиниш эканлигини таъкидлар ёкан, унинг олдини олиш учун жумлаи жаҳон ҳамжиҳатлика — биргалашиб курашиши зарурлигини алоҳида уқтиради.

Чингиз Айтматовнинг мақсад-муддаосини, бадиий ниятини, концепциясини тўғри ва мукаммал тушуниш учун китобхондан чукӯр билим, идрок ва юксак эстетик маданият талаб қилинади. Унинг асарларини эскича ўлчовлар, эскича мезонлар билан ўлчаб бўлмайли. Ч.Айтматов асарларида қаҳр ва муҳаббат, висол ва ҳижрон, соғинч ва ўқинч туйғулари бир-бири билан мураккаб бир тарзда, айни чоғда уйғунашган ҳолда намоён бўлади ва муаллифнинг аксарият асарларида бўлгани сингари ушбу романида ҳам рсал воқеалик билан фантастика ақл бовар қилмайдиган даражала омухталашиб кетади. Алиб тасвирлаётган оддий воқеалар замирида катта фалсафа ва ҳикмат ётганинги тасаввур қилиш учун асардаги Гурам Жухадзе ва унинг йигитлари тасвирланган „Олтоворон ва еттинчи“ балладасидаги Ватан таърифини, „Ватан билан видолашув“ эпизодини эслани кифоя. Асарда грузин миллатининг маънавий сиймосини, Ватан тушунчасининг теранлигини ҳеч ким бу қадар содда, аниқ ва жозибадор таърифламаган бўлса керак.

90-йилларнинг ўрталари, яъни муаллиф ижоди камолот чўққисига кўғарилган йилларда унинг навбатдаги романи — „Кассандра тамғаси“ („Охирзамон нишоналари“) (1995) яратилади. Мазкур асар ҳам адиднинг бошқа кўпчилик асарлари сингари ўқувчилар орасида, адабий жамоатчиликда катта қизиқиши уйғотади, қизғин мунозараларга сабаб бўлади. Кўпчилик асарни Айтматов фалсафий, фантастик қарашларининг улкан маҳсули, юксак чўққиси деб баҳоласа, баъзилар, унинг моҳиятига етмасдан, бадиийликдан йироқ, ҳеч кимга кераги йўқ,

ёзувчининг кутитмаганда алаҳисирави, дейишгача бориб етдилар. Бунга Б.Бондаренконинг „Наш современник“ журналида эълон қилинган „Насл-насабини билмаган Чингиз“ („Чингиз, не помнящий родство“) сарлавҳали мақоласини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Ёзувчи романда грек (юнон) мифологиясидаги бир ривоятдан ижодий фойдаланиб, ўта замонавий — ижтимоий муаммаларни ёритар экан, бугунги лоқайдлик, ёвузлик, ваҳшийлик уруғларининг келажакда мудҳии оқибатларга олиб келишини космик юксакликдан башорат қиласди ва инсониятнинг эртаниги куни ҳақида ҳозир, шу бугун бош қотиришга чақиради.

„Ҳар қандай жиноят, ахлоқсиз ҳатти-ҳаракат ирсият ўтлоқларида қайта униб чиқиши фаслини кутиб ётади. Охир-оқибат, аслидан кўра юз чандон, минг чандон ёвуз, тажовузкор куч юзага келади ва унга гуноҳкор ҳам, гуноҳсиз ҳам лучор бўлади... Менинг романдаги мақсадим — тарихдан ҳикоя сўйлаш эмас, китобхони эътиборини келгусига қаратиш, хавотирнинг олдини олини учун тегишли чоралар кўриш эди“. Чингиз Айтматовнинг „Кассандра тамғаси“ асаридан (қирғизлар уни „Шайтоннинг эн тамғаси“ деб ўғиришган) англашиладиган асосий маъно — шу.

Янада аниқроқ қилиб айтганда, романнинг мазмунни қуидагича: Иккинчи жаҳон уруши йиллари, субҳидамда бир аёл туғилган чақалогини адёл устидан қоп-матога ўраб, болалар уйининг эшиги олдига, қор устига ташлаб кетади. Андрей Крильцов деб ном олган ташландиқ бола ўта зеҳили бўлиб улғаяди, мактаб ва тиббиёт институтини тугатгач, генетик олим ва академик бўлиб етишади. У ўқиб юрган кезларида ёк сунъий одамлар авлодини яратиш шайдосига айланса боради ва бу соҳада ақл бовар қилмайдиган натижаларга ҳам эришади. Бундай „кашфиист“ коммунистик партияниң дикқат марказида ва ҳомийлигига эди. Партия МКнинг мафкуравий ишлар котиби Вадим Петрович Конюханов „кашфиётчи“ Крильцов билан бўлган сухбатда олим ишига юксак баҳо бериб шундай дейди: „Бутун дунёда коммунизм ғалаба қозонипи учун бизга ота-онаси но маълум, сунъий стиштирилган иксзурриётлар керак. Иксзурриётлар феномени сиёсий жиҳатдан ҳайрон қоларли даражада порлоқ истиқболга эга. Бу шундай ўткир куч бўладики, у биз-

дан фарқли ўлароқ, орқа-олдига қарамасдан, қўрқинч ва шубҳа нима эканлигини билмасдан бутун дунёда коммунизм галабаси учун курашади. Оила ва бошқа қариндошлиқ алоқаларини эски, зўравонлик дунёсининг қолдиқлари сифатида, худди ана шу иксзуристлар, тарих ахлатхонасига улоқтиради... Болалар сунъий йўл билан, ота-оналарсиз бунёд этилади, тегишлича тарбия қилинали... Иксзуриётларнинг, шубҳасиз, афзаликла-ри шундаки, улар... коммунистик байналмилатнинг зарбдор кучи бўлиб қолади ва худди ана шу одамлар Фарбга ҳал қилувчи зарба беражак!“¹

Охир-оқибат асарнинг марказий қаҳрамони Андрей Андреевич Крильцов, қилмиш-қидирмиси деганларидек, сон-саноқсиз иксзуриётларни дунёга келтирганидан, демак, ўз ихтиросидан ўзи даҳшатта тушиб тавба-тазарру қиласи ва „энди менга ерда жой йўқ“ леганча ҳалқаро экспедиция таркибида космосга парвоз қиласи. Илмий экспедиция ишлари якунлангач, у Ерга қайтишдан бош тортуб, фазодаги орбитал станцияда қолади ва ўзини самовий роҳиб Филофей деб атаб, умумсайёра миқёсида кузатувлар олиб боради. У ўтмишда қилган гуноҳларини ювиш ниятида, инсон табиати ва тақдиридаги ёвузликнинг келиб чиқиши, намоён бўлиши ва оқибатларини ўрганишга аҳд қиласи. Унинг тадқиқотлари эса кутилмаган натижаларга олиб келади.

Филофейнинг аниқлашича, она қорнидаги ҳомила ўз мавжудлигининг дастлабки ҳафталаридаёқ келажак тақдирини идрок қиласар экан. Агар унинг пешанасига ёвуз шахс бўлиб яшаш ёзилган бўлса, ҳомиланинг ўзи туғилишни истамай, бўлажак онасига белги бераркан. Бу белги ўша ҳомиладор аёлнинг пешанасида кичкина доғ-холтамга шаклида намоён бўларкан (Филофей бу доғни „Кассандра тамғаси“, шундай белги бераётган ҳомилани эса „кассандра-эмбрион“ деб атайди). Аммо вақт ўтиши билан кассандра-эмбрион ўз тақдирига кўнтар ва Кассандра тамғаси ҳам йўқолиб кетаркан. Филофейни ташвишлантирган асосий нарса — кейинги йилларда шундай эмбрионларнинг бутун сайёра бўйлаб кўплаб учраётгани эди.

¹ Чингиз Айтматов. „Охирзамон нишоналари“. Аттишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашристи. — Т.: 2007 йил, 137—138-бетлар.

Шу сабабли олим-роҳиб одамларни бу ҳолатнинг сабабларини аниқлаши ва оқибатларини бартараф этишга чорлаб, Рим папасига очиқ хат ёзали, унинг бир нусхасини чоп ғиши учун „Трибюн“ газетасига юборади. Шу билан бирга, Ердагилар умумий аҳволни яхшироқ англаб этишлари учун сайёрага зондажнурларни йўналтиради. Мутлақо хавфсиз бўлган бу нурлар таъсирида Кассандра тамғалари ёниб-ўчиб, аниқ кўрина бошлайди.

Бироқ Ер юзи аҳолиси — олимлардан тортиб кассандра-эмбрионли ҳомиладор аёлларгача — унинг бу қарашларини қабул қилмайди, Ерликлар Филофейга лаънатлар ўқиб уни космосдан уриб туширишни талаб қиласидилар. Америкалик башоратчи олим Роберт Борк эса Филофей кашфиётига хайриҳоҳлик билдиргани учун жунбушга келган оломон томонидан шафқатсизларча ўлдирилди.

Буларни кўрган Филофей ўзини гуноҳкор санаб, Ердагилар билан ўтказилган матбуот анжумани пайтида тавба-тазарру қиласиди. Шу сұхбатда ҳам ўз фикрини билдириб, одамларни огоҳликка чорлайди: „Кассандра аломати — нуқсон ҳам, иснод ҳам эмас. Асло, мен тушунтириб бердим: бу кассандра-эмбрионнинг одам боласида авлоддан-авлодга жамғарилиб борилаётган ёвузликка муносабати, бу биз билан сизни огоҳ қилаёттир. Дунё охир бўлишининг сабаби ўзимизда — Кассандра тамғаси ана шундай нишонадир...“¹

Сўнгра у ҳалқ олдидаги тавба-тазарруси самимий эканлигига ишонч ҳосил қилишлари учун ўзини ўлимга маҳкум этади: тўғридан-тўғри эфир пайти, телезэкранлар қаршисидаги миллионлаб кишилар кўзи олдида очиқ фазо қаърига йўл олади. „Кассандра тамғаси“, асосан, ана шу зиддиятли воқеалар асосига қурилган асаддир.

Асар билан танишган китобхон гўски алибнинг „Эй, одамлар, Аллоҳ сизга ўзининг беҳисоб сифатларидан бири бўлмиш яратувчиликни баҳш этган бўлса, нега уни сунистехмол қилиб ўзингизча одам яратишга уриниб тирикликтнинг мангу барқа-

¹ Чингиз Айтматов. „Охири замон нишоналари“. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. — Т.: 2007 йил, 206—207-бетлар.

рорлигига раҳна солаяпсиз? Ер силкинишлари, экологик фо-
жиалар, ядро синовлари, яқин қавмлар ўртасидаги қатлиом-
лар, жиноятчилик, терроризм, гиёхвандлик, фоҳишабозлик
каби бало-қазолар етмагандай, яна сунъий одам яратиш билан
Яратувчининг ишларига аралашаяпсиз? Бу ҳаракатларингиз
билин Унинг қаҳрига учрамайсизми?“ деган хитобини эшпит-
гандек бўлали. Бундай мудҳишилларни тилга олар экан, ёзув-
чи одамларни инсофга, адолатга, лиёнатга чақиради ва улар-
дан огоҳ бўлишга, имон, эътиқодга даъват этади.

Антик адабиётда, юнон мифологиясида Кассандра образи
анчагина машҳур бўлиб, у тақдир маъбудаси саналади. Тангри
Аполлон гўзал ва оқила Кассандрани севиб қолади. Лекин Кас-
сандра тангри Аполлоннинг севгисини рад этади. Бундан ғазаб-
ланган Аполлон гарчи Кассандрага келажакни башорат қилиш
истеъдодини инъом этган бўлса-да, пировардила „сенинг ба-
шоратингга одамлар ишонмасин“, деб дуойи бал қиласди. Маса-
лан, Кассандра Троя шахри ҳалокатини башорат қиласди. Лекин
трояликлар бунга ишонмайдилар. Ч.Айтматов ҳам одамларни
имонсизлик, диёнатсизлик, ахлоқсизлик, маънавий манқурт-
лик ва лоқайдликлардан йироқ бўлишга ундейди, ўз маърифий
башоратларини илгари суради.

Муаллиф мазкур асарида ҳам „Қиёмат“ романидаги синга-
ри Ер куррасида бутун инсониятга таҳдид соластган низо, жан-
жаллар, наркомания билан ёшлиарни заҳарлапидан мўмай даром-
мад олаётган наркобизнес вакилларини, мафиябозлик, қирғин
урушларини ақлга сифмайдиган салбий ҳодисалар деб қоралай-
ли, бутун инсониятни бундай даҳшатли фалокатлардан огоҳ-
лантиради.

Чингиз Айтматов орадан ўн йил ўтиб жаҳон китобсеварла-
рига тақдим этган сўнгти асари — „Қулаётган тоғлар“ („Мангу
қайлиқ“, 2006) романи билан ўзининг сўнгги сўзини айтиб,
бетакрор ижодига охирги нуқтани қўйишга муваффақ бўла олди.
Шуни ҳам айтиш керакки, адилнинг қалбida ушалмай қолган
қат-қат орзу-ниятлар ўзи билан бирга кетди. Ҳаёт деганлари шу
бўлса керак...

Ўз анъаналарига содик қолган ёзувчининг ушбу асарида ҳам
умумжаҳон миқёсида фикрлаши, яигиланаётган дунёда азалий
қалриятларни сақлаб қолишга унловчи даъвати акс эттирилган.

Асарни ўқир эканмиз, дастлаб, унда Айтматов ижодига хос шаклий анъаналар кузга ташланади — романнинг икки хил номланиши; замонавий воқеалар билан бирга қалимий афсона сюжетининг ёнма-ён олиб борилиши; инсониятнинг келажаги учун қайгуриш; инсон ва табиат бирлиги тасвири; жониворлар обrazининг ҳам худди инсонлардек характер даражасига олиб чиқи-лиши; инсон руҳиятидаги ички қарама-қаршиликтар инъико-си... Шу билан бирга, унда замонавий муаммолар — ҳар томонлама глобаллашиб бораётган бозор иқтисодиётининг кишилар маънавиятига турлича таъсири, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик оқибатила келиб чиқаётган оламишумул оғатлар ташвиши ҳам қаламга олинган. Романдаги ҳар бир жумла, ҳар бир сўз ўз ўрнида қўлланилганлиги, образлар тилининг аниқ, равшанлиги, жонли — жозибадорлиги, вазиятга мос жумла қурилишлари китобхонни ўзига жалб этмасдан қолмайди, шу жиҳати билан ўқувчини асар воқеалари ичига олиб киради, қаҳрамонлар билан бирга қору муз кечиб фикрлашга, қувончу қайгуришга, инсон фаолиятининг мулҳиш оқибатларини ўз шурида туйишга ундейди.

Мухтасар қилиб айтганда, асар инсон тақдиридаги ўта мурракаб кечмишу жумбоқларни тамомила янгича, ўзига хос бадиий-фалсафий талқин ва таҳлил этганлиги билан қимматли-дир. Бу ҳолни асарнинг дастлабки жумлалариданоқ англаб олиш мумкин: „Ҳаммага ҳамиша тааллуқли бўлган бир беистисно ҳақиқат борки, тақдирнинг нима эканини, туғилишиданоқ пешшанасига нима ёзиб қўйилганини ҳеч ким олдиндан билолмайди, кимнинг қисмати қандай — ҳаётнинг ўзи кўрсатали, акс ҳолда тақдир қанақасига тақдир бўлсин... Оlam яратилгандан бери, жаинатдан қувилган Одам Ота билан Момо Ҳаво замонидан буён ҳамиша шундай бўлган, тақдирнинг сир-асрорлари ҳаммамиз ва ҳар биримиз учун асрлар оша, куима-куп, соат-ма-соат, дақиқама-дақиқа, ҳар лаҳзада жумбоқлигича қолаे-тири...“

Романнинг асосий воқеалари Тяньшан тоғларида содир этилиб, унда замоннинг зайди билан икки тақдир, икки жонзот — асар бош қаҳрамони таниқли журналист Арсен Саманчин билан йиртқич ҳайвон — қорли тоғлар қоплони Жаабарснинг тақдирлари тўқнаш келиб қолади ва уларнинг чексиз изтиробла-

ри, саргузаштлари самовий боғланишда параллел қўйиб тас-виранади.

Асар бош қаҳрамони — таниқли ёзувчи-журналист Арсен Саманчин болалигидан эшишиб келгани — қорли довонда кўзга кўринувчи сароб — Мангу қайлиқ ҳақидаги афсона асосида ўз севиклиси — хонанда Ойдана Самаровага атаб опера ёзмоқни ният қилади. Аммо Ойдана бир продюсернинг сўзига кириб, уни тарк этади ва ўз юксак санъатини шоу-бизнесга алмаштиради: ресторонлар, стадионлар ва ҳоказоларда куйлашга ўтади. Руҳан эзилиб, севги ўтида қовурилган Арсен эса аламига чидай олмасдан ҳамма нарсадан воз кечиб, ўзи туғилиб ўстган қадррон тоғли қишлоғига бош олиб кетади, у ерда эса амакиси тоқقا келаётган икки нафар саудиялик миллиардер учун қирилиб бораётган ҳайвон зоти — қор қоплонини овлашни уюштираётган бўлали. Арсен Саманчин амакисининг таклифига кўра уларга таржимонлик қилишга рози бўлади, аммо унинг асосий мақсади — шу йўл билан қуролни қўлга киритиб, Ойданани йўлдан оздирган продюсердан қасд олиш эди. Бироқ муаллиф айтганидек, тақдир тақозосини ҳеч ким олдиндан айтишга қодир эмас. Бошқача айтганда, асар қаҳрамони бу ерда сўнгги муҳаббати, сўнгги ажал соатлари кутиб турганини билмасди... Қорли довонда у худли ўзи каби ёлғизланиб қолган, тўдасидан ҳайдалган яна бир жондор — кекса қор қоплони билан тўқнаш кела-ди...

„Кулаётган тоғлар“¹ асари бу — Мангу қайлиқ ҳақидаги буюк оқиннинг сўнгги қўшиғи, реал ҳаёт билан афсоналарга йўғрилган ўлмас санъат асари бўлиб қолди.

Мухтасар қилиб айтганда, Чингиз Айтматовнинг энг яхши қиссалари сингари инсон тафаккури ва маънавиятини бойитувчи „Асрни қаритган кун“, „Қиёмат“, „Кассандра тамғаси“ („Охирзамон нишоналари“), „Кулаётган тоғлар“ („Мангу қайлиқ“) каби бадиий баркамол романлари ҳам ижтимоий па-

¹ Ўрни келганда шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, биз мазкур ишимиизда муаллифнинг сўнгги романлари, шу жумладан, „Кулаётган тоғлар“ романини, вақт имкониятига кўра атрофлича таҳдил ва тадқиқ этишга улгурмадик. Китобдаги бу каби етишмөвчиликлар, нуқсонлар келгусида албатта ҳисобга олинади.

фоси, фоявий-бадиий теранлиги билан кишилар қалбини ҳаяжонлантиримоқда. Эндиликда бу асарлар бутун башариятни лоқайдлик, ёвузлик, ваҳшийлик оқибатларидан огоҳ этиб, уларни эзгуликка даъват қилмоқда.

АДАБИЙ ДЎСТЛИГИМИЗ – АБДИЙ ДЎСТЛИГИМИЗ

Чингиз Айтматов янги типдаги санъаткор сифатида доимо ижтимоий ва адабий ҳодисаларнинг моҳиятини англаб олишга, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишга интиларди. У доимо янгилик изловчи, ҳаётдаги прогрессив ўзгаришларга пешвоз чиқувчи адигина эмас, айни вақтла, бутун талантини, кучкүвватини ана шу янгиликларни, ҳастдаги илғор тенденцияларни кенг оммалаштиришга сафарбар этган толмас курашчи, журъатли санъаткор ҳам эди. Бу ҳол уни, биринчидан, бадиий наср соҳасида юксак погонага кўтарган бўлса, иккинчидан, уни атоқли жамоаг арбоби сифатида танидти.

„Мен учун, — деб ёзган эди адаб, — давримиз санъатининг бош масаласи — бу ҳақиқий гуманизм масаласидир... Шубҳа йўқки, гуманизм ҳамиша, ҳамма даврларда ижтимоий фикрнинг нишони, муҳим аломати бўлиб келди; бироқ менимча у ҳозир, бизнинг давримизда янгича мезон, янгича аҳамият касб этаётир. Давримизнинг гуманистик прогрессив адабиёти инсонга унинг улуғворлигини, фақат ўз интеллекти ва унинг ҳосилаларида кўринадиган улуғворликни эмас, балки инсонга хос барча хислат ва фазилатларнинг мажмуюи бўлган, қадимда одамлар уни оддийгина қилиб „қалб“ деб атаган нарсанинг улуғворлигини ҳамиша ҳормай-толмай эслатиб туриши керак“¹.

Чингиз Айтматов ўзбек ҳалқи, ўзбек китобхонларининг ҳам садоқатли дўсти, ардоқли биродари эди. Унинг деярли барча бадиий асарлари ўзбек тилига юксак савияда ўтирилиб, неча ўн минглаб нусхада қайта-қайта нашр эгилиб, аллақачонлар ўзбек китобхонларининг ҳам дил мулкига айланган. Замондош адиллар орасида ҳали ҳеч бир ёзувчининг асарлари ўзбек алашибётида бу қалар кенг шуҳрат қозонмаган, десак муболага бўлмайди.

¹ „Известия“ газетаси, 1973 йил 9 июль.

Чингиз оға ўзбек халқининг шаън-шавкатини ҳамишиа баланд тутиб, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборидан қувончларга тўларди. У ўзининг қатор балий асарларида, хусусан, илмий-назарий, публицистик мақолаларида ўзбек халқи, унинг бой маданияти, адабиёти, кўхна тарихига оид ютуқлари ҳақида ҳаяжон билан, қардошлик меҳри билан тўлиб-тошиб сўзлаган сўзлари ҳамон ёдимизда: „Ўзбек халқининг тақдирини ўз тақдиримдан ажратиб қаролмайман“; „Агар Ўзбекистоннинг ҳамма пахтасини жамулжам қилиб, вагонларга ортиладиган бўлса, Ердан то Ойга қадар етадиган эшелон зарур бўлгани ҳақида очеркларимда ҳикоя қилганман. Бунинг сира муболага жойи йўқ“, деган эди муаллиф.

1985—88 йилларда „пахта иши“, „ўзбеклар иши“ деб тўқиб чиқарилган түхмат натижасида Ўзбекистонга ва унинг халқи шаънига бўхтонлар ёғдирилдики, Ўзбекистон ва ўзбеклар ҳақида бир оғиз илиқ сўз айтиш амри маҳол бўлиб қолган бир пайтда Чингиз оға ўзбек халқи шаънига илиқ гаплар айтди, иззат-нафси лат еган халқининг руҳини кўтаришга ҳаракат қилди.

Ёки 1990 йилда Ўш ва Ўзганида қонли тўқиашувлар содир бўлганда ҳам Чингиз оға ўзининг холис ва ўқтам овози билан бизга ҳамдам, ҳамдард ва ҳамнафас бўлди. Икки туркий қавмни бир-бирига гижгижлаган ёвуз кучлардан огоҳ бўлишга чақириб, „Известия“ газетасида эълон қилинган „Жаҳаннам узра қарғалар фарсади“ мақоласида бу машъум воқеани ўзи шундай шарҳлаган эди: „Биз тарихни қанчалар ўзимизга маъқул томонга буришга урипмайлик, у ҳеч қачон аслидагидан бошқача бўлиб қолмайди. Миллий низолар шуниси билан кўрқинчлики, ҳар бир тараф одамлар бошдан кечираётган азоб-укубатларни фақат миллий белгига кўра, ўз йўқотишлари ва даъволарига кўра қабул қиласи. Шу билан бирга, кўр-кўронга ўч олиш истаги ўз-ўзидан жўп уради, бу бениҳоя даҳшатли бир юкумли қасаллик — нафрат вабосини урчитади. Нафрат вабо каби урчиғанлан сўнг, худди тоғдан тушган сел оқими янглиғ бир зумда асрлар давомида шаклланган ақл-илрокни босиб-янчиб, суриб кетади. Халқнинг фожиаси бу. Шунда қасос олишга интилган тарафлар ўртасига тушган ҳар ким улар учун ҳам, булар учун ҳам душманга айланади. Яраситиувчининг фожиаси ана шундай...

Ўша куни ёқ Чкалов номидаги аэродромдан бир гурух ўртоқлар билан ҳарбий самолётда учиб кетдим. Тошкентга қўниши миз биланоқ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Одил Ёкубов билан телефонда боғландим. Биз учрашдик. Тайёрагоҳнинг ўзида шошилинч кенгаш ўтказдик. Вазият кундай равшан эди: икки қардош халқ бир-бирининг ёқасига ёпишиб туришарди. Қарама-қаршиликни қандай қилиб бартараф этиш мумкин? Кутгилмаганда аланг олиб кетган низони қандай йўсиnda гўхтатиб бўлади? Бизни ана шундай муаммолар қийнар эди. Ҳар бир соатда янги хабар етиб келарди, юракларимиз ўртаниб, амалий ҳаракатта шошилар эдик.

Тез орада менинг келганимдан хабар топган Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов аэропортга етиб келди. Ҳар доимгидек муайян бир масалага бутун дикқат-эътиборини жамлаган, ҳаракатчан, файратли эди. Яккана-якка чин дилдан гаплашдик... Каримов билан гапимиз бир жойдан чиқди. У менинг фикр-мулоҳазаларимни батамом қўллаб-қувватлари ва самолёт зина-поясига қадар кузатиб қўйди.

Қалимлан қон-қардош бўлган икки халқ ўргасида пайдо бўлган нифоқни бартараф этиш борасила ўшанда Ислом Каримов улкан давлат арбобига муносиб бўлган ақл-идрок, донолик намунасини кўрсатди“.

Яна тарих ҳақида сўз юритиб, Чингиз ога шундай бир ажойиб муқоясани келтирган эди, яъни тарихла кўхна Византия Қалим Русга қандай таъсир кўрсатган бўлса, қадим ўзбек маданияти, адабиёти ҳам Марказий Осиёга шундай таъсир этганини мамнуният билан қайд этади. Биргина шу далилнинг ўзи ҳам алломанинг ўзбек халқига, унинг буюк маданияти ва адабиётига бўлган камоли эҳтироми ва муҳаббатининг ёрқин тимсолидир.

Адаб Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари зиёлиларининг таъсис қурултойида сўзлаб, маънавий бирлик ҳақида, халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги ҳақида ғоят куончаклик билан, деган эди:

„Биз, адабиётчилар, янги тарихий шароитда янги муаммоларга дуч келдик. Адабиётнинг бугунги вазифаси кечаги ўтган кунимиздаги вазифадан, зиёлининг жамият олдидаги ўрни ва масъулияти кечагидан тамомила фарқ қиласди. Ҳаёт, одамларнинг гурмуш тарзи, ўй-фикарлари тамомила ўзгариб кетди. Ҳозир,

айтиш иммокинки, биргина Ўзбекистон ёки Қирғизистонда эмас, бутун миңтақада, бутун дүнёда ўзига хос тозариш жараёни давом этмоқда. Ўзликни англаш, ўзликка қайтиш фасли бораётир. Тамойиллар ҳам, гаомиллар ҳам ўзгарди. Миллий, умуминсоний қалриятлар қайтадан қаддини тикламоқда. Куриб қолаёзган булоқлар, чашмаларнинг кўзлари очилмоқда. Умумбашарий тафаккур оинг-шууримизга сингмоқда. Бундай шароитда адабиёт ўзгармай қолиши мумкинми? Мумкин эмас! Адабиёт энди чинакамига ҳалқчил, миллатпарвар, маънавий тарақ-қиётилизмининг садоқатли хизматкори бўлиши керак. Аладиёт учун, сўз учун шундай бир тарихий имконият вужудга келди. Буни кўлдан бой бермайлик...

Сир эмаски, — давом этади Айтматов, — авваллари биз, зиёлиларнинг борди-келдиларимиз, ижодий мулоқотларимиз яхши эди. Ютуқларимиз, ўй-хаёлларимиздан боҳабар эдик. Декадалар, маданият кунлари ўтиб турарди. Энг яхши асарларимиз, романлар, қиссалар, драмалар, шеърий китобларни таржима қиласардик. Киночиларимиз, рассомларимиз бир-бирларига жуда яқин эди. Энди-чи? Буларнинг ҳаммаси деярли тўхтаб қолди. Ҳозир ўзбек адабиётида, хусусан, ёш ўзбек адиллари ижодида қандай ютуқлар бор, улар не мавзуларни қаламга олмокдалар, қандай янги йўналишлар мавжуд — бундан биз томондаги тенглошларингизнинг хабари йўқ. Ва, аксинча, бизда нима гап, ёзилаётган, чоп этилаётган асарларнинг мазмуни, ғоявий-бадиий савияси қандай — буни сизлар билмайсизлар. Бу кетишда бир-бирилиздан жуда узоқлашиб кетамиз. Бир-бирилизни танимай қоламиз. Бориб-бориб, бир-бирилизга ишончсизлик. ҳадик кўзи билан қараш бошланади. Мен асло бўрттираётганим йўқ. Бепарво юраверсак, бир-бирилизга интилмасак, шу даражага тушишимиз аниқ. Бу — тузатиш қийин бўлган катта маънавий фожия бўлади...“

Адабининг жон куйдириб айтган ушбу сўзлари ҳозирги кунимиз, ҳозирги адабиётимиз учун қанчалик мухим, қанчалик долзарб эканлигини изоҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Зоро, Чингиз оға айттанидек, ҳар бир миллий адабиётининг ютуқлари бошқа қардош ҳалқлар адабиётлари билан алоқаларнинг қангчалик яқин ва жонли эканлигига боғлиқдир. Адабиётлар дўстлиги миллий адабиётимизнинг янги парвозларига, янги равнақига гаров бўла олади.

Чингиз Айтматов дунёнинг ҳар бир бурчагидаги мухлисли-
ри билан, шу жумладан, Жазоир, Венгрия, Франция, Куба,
Бельгия, Люксембург ва бошқа бир қанча хорижий мамлакат-
ларда сафарда бўлиб, ўзининг таниш ва нотаниш китобхонла-
ри билан учрашиб турарди. У Осиё ва Африка мамлакатлари
ёзувчиларининг конференцияларида, санъатнинг жамият ҳаёти-
лаги ўрни ҳамда вазифаларига бағишлаб ўтказилган ҳалқаро
йиғинларда, адабий анжуманларда, кинофестивалларда, китоб-
хонлар конференцияларида иштирок этарди. Ҳудди шунингдек,
у аксарият ҳолларда Москва, Олмаота, Тошкент шаҳарларида-
ти дўст-биродарлари билан мулокотда бўлиб турарди. Айниқса,
„Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон“ мавзуи ўз мазмут-мундари-
жасига кўра жуда хилма-хил ва ранг-барангдир.

Чингиз Айтматовнинг ҳалқимиз шаънига айтган кўпдан-
кўп самимий дил сўzlари, Миртемир, Зулфия, Одил Ёқубов,
Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва
бошқа шоир, ёзувчиларимиз ижодига берган юксак баҳоси ҳали-
хануз ёдимиизда ва биз учун қадрлидир.

Адабиётшунос олим, Чингиз Айтматов ижодининг нозик
тадқиқотчиларидан бири Файбулла ас-Салом ўзининг „Мен сув
ичган дарслар“ китобида Айтматовнинг Ўзбекистонга, ўзбек
ҳалқига меҳри-ю, ўзбекларнинг Чингиз оғага бўлган муҳабба-
тини жуда чиройли тасвирлайди: „Дунёда нима кўп, ёзувчи кўп.
Зўр, иқтидорли, инсон қарабини ларзага соловчи соҳиби қалам-
лар ҳам оз эмас. Аммо улар орасида Чингиз Айтматовчалик
оқибатлисини, фақат ёзувчи сифатида эмас, балки ҳалқимиз-
нинг дўсту қадрдони сифатида бундай Одамохунни топиш қийин.
Бугун марказий матбуот (собиқ Иттифоқ матбуоти дейилмоқ-
чи) зўр бериб „ўзбеклар иши“ ҳақида оғиз кўпиртириб ёзиб
турган бир пайтда... у қайгуимизга қайгудош, елкамизга елка-
дош, бағримизга бағирдош бўлиб, жумҳуриятимиз, унинг меҳ-
наткаш одамлари ҳақида бор ҳақиқатни айтишга журъат этди.
Унинг ўзбек элига ишонч тўла дилкушо сўzlарида ачиниш,
изтироб, таассуф... туйғуларини илғадик... Юз йиллар ўтар, ўзбек
ҳалқи Чингиз Айтматовнинг бундай гурур, таскин ва ҳамлард-
лик билан айтган ҳалим сўzlарини унутмайди. Унуполмайди.
Дориломон кунларда нима кўп, ҳар хил дўст, оға, қардош,

биродар кўп. Бироқ, айтадилар-ку, „Мол дўстинг бошқа, жон дўстинг бошқа“ деб... Чингиз ўзбек халқининг жон дўсти¹“.

Ёки Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Чингиз оғанинг улкан дўсти Одил Ёкубовнинг самимий, илиқ сўzlари эътиборлидир: „Бизнинг ошнолигимиз, дўстлигимиз ярим асрлик синовдан ўтган, — деб ёзган эли у, — бир-биримизнинг диёrimизда тез-тез бўлиб, ўзбек-қирғиз дўстлиги ҳақида, алабий-маданий алоқаларимиз тўғрисида бир неча бор юракдан сухбатлашганимиз.

Атлоҳ таоло менга бир неча йил шу улуғ инсон билан ёнмаён туриб ишлапни насиб этди. Мен буни тақдирнинг бир инояти леб биламанки, шу давр мобайнида мен дўстимнинг ижолидан ташқари шахси, ички дунёси, табиати ҳақида муайян тасаввурга эга бўлдим. Орамиздаги илиқлик янада теранлашли, самимиятга самимият қўшилди. Энг муҳими, у ғоят камтар инсон бўлиши билан бирга, умумжаҳон адабиётининг билимдони. Бизнинг ўтмишимизни ҳам, ҳозирги адабий жараёнимизни ҳам жуда яхни билган машҳур донишманл, сўнмас қўёш эди“.

Бу жиҳатдан аллома олим, академик Воҳил Зоҳидовнинг қўйидаги сўzlари Одил оғанинг сўzlари билан жуда-жуда уйгуланиб кетали: „Биз у билан кўплан бери дўстмиз, қаторқатор мамлакат ҳамда шаҳарларда, ҳар хил анжуманиларда кўришганимиз, сухбат қурганимиз ва ҳар гал унинг бир олам билимига, камтарлиги ҳамда самимилигига, умуман, улуғларга хос ажойиб фазилатларига қойил қолганимиз.

...Мен юқорила уни бизнинг адабимиз, дедим. Ҳа, Чингиз Тўракулович ижоли алоҳида тақдир ва характерга эга бўлган нодир сиймоларданлар. У қирғиз халқигагина мансуб бўлмаслан, ўзбекнинг ҳам улкан, жонажон ва эъзозланган фарзандларидан биридир. Унинг деярли барча асарлари ўзбек тилида нашр этилган ва адабиётимиз хазинасидан, санъатимиз саҳналаридан жой олган. Бунинг устига, у ўзбек халқи бадиий маданиятининг бой тарихи ва ҳозирги тараққиёти билан жуда яқиндан қизиқади, катта муҳаббат ва фаҳр билан қарайли, ҳозирги ул-

¹ *Fайбулла ас-Салом*. Мен сув ичган дарёлар. — Т.: „Ёш гвардия“ нашриёти, 1990 йил, 157—158-бетлар.

кан ёзувчиларимиз билан ижодий ҳамкорлик ва самимий дўстлик алоқаларини кандо қилмай давом эттириб келади”¹.

Чингиз Айтматовнинг ёрқин сиймоси ҳақида сўз борар экан, адаб таваллудининг 50 йиллик тантаналарида интирок этганим тасаввуримда гавдаланаверади.

Азим Тошкент шаҳрининг ҳозирги Амир Темур хиёбони бекати билан шундокқина тулашиб кетган „Ўзбекистон“ меҳмонхонасининг муҳташам биноси ёнинасидамиз. 1978 йилнинг 20 октябри. Йигирманчи асрнинг машҳур ва севимли адиларидан бири Чингиз Айтматовнинг 50 ёшга тўлиши муносабати билан унинг туғилиб ўсган диёри Талас водийсидаги Шакар овулида ўтказиладиган тантаналарда қатнашиш учун тўпланган дўстлар давраси: Зиёд Есенбоев, Одил Ёқубов, Шукрулло ака, тиббиёт ходими, профессор Шабот Хўжаев, камина Асил Рашидов ва бошқалар гурунглашмоқдамиз. Суҳбатимиз мавзузи — Чингиз Айтматов.

Ўз ижоли билан дунёга донг таратган Чингиз оға, 50 ёшлик таваллудини Марказнинг ҳашнатли залларида, республиканинг турли амалдорлари иштирокида даблаба билан бошламай, ўзи туғилиб ўсган оддий овулда ўтказишни зиёда кўрди. Бу эса болаликларининг гувоҳи, ўзи билан бирга ўсган оддий маҳалла одамларига, оға-онаси ўсган тупроққа улкан муҳаббати ва ўтганларнинг руҳини шол этиш нияти эди.

Сафар айёми ҳам яқинлашиди. „Кетдик!“ дели оқ фотиҳа бериб сафаримиз сардори муҳтарам Одил ака. Итоат-ла йўлга равона бўлдик. Биз тушгани машина ҳайс-ху дегунча шаҳардан узоқлашиб, янтоғу ёвшанзорлар билан ястаниб ётган қозоқ ва қирғиз даштлари бўйлаб қушдай учиб борарди.

Мана, Чингиз оғанинг гўзал маскани — мўъжазгина Шакар қишлоғига ҳам етиб келдик. Юбилей тантаналарига узоқ-ёвуқдан келаётган меҳмонларнинг кети узилмайди. Улар гўё азим дарё янглиғ қишлоқ сари оқардилар. Қиппоқ тарихила ҳали бунчалик одам йигилмаган бўлса керак. Тумонат ичиди биз кўноқлар сафи ҳам белгиланган базмгоҳлардан бирини эгалладик. Тантанали кеча бошланди. Ҳамманинг чехрасида қувонч

¹ В. Зоҳидов. Жаҳон адабиёти зарварақлари. — Т.: Faфур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980 йил, 230-бет.

порларди. Мөхмөнлар юбилияр шаънига икки оғиз ширин калом айтишга ошиқарди. Камина ҳам йиғилиш арафасида истихола қилиб ўтирасдан Чингиз оғанинг пинжига бориб, икки оғиз салом-алигу қутловдан сўнг Жizzахда ўтказиладиган таъзия маросимига боришим зарурлигини айтиб, узр сўрашга журъат этган эдим. Шуни ҳисобга олган бўлсалар керак, биринчилар қатори сўз беришди. „Чингиз оға, тақдир тақозоси билан ажо-йиб, ўлмас асарларингизни таржима қилиш шарафига муюссар бўлган эканман, тўйга-тўёна деганларидек, бу улуғ айёмда фур-сатдан фойдаланиб ўзбек тилига таржима қилинган ва аллақачонлар ўзбек халқининг маънавий мулкига айланган 2 жилдик асарларингизни тантанали равишда катта қувонч билан тақдим этаётганимдан беҳад мамнунман. Сизга соғлик-саломатлик тилаб, қўкўпар Олатов келбатли ижодингиз тобора юксалаверишига тилаклошмиз“, дедим. Айтган гапим шу бўлди. Чингиз оға китобларни хушнудлик билан қабул қилиб, самимий миннатдорчилик билдирилди.

Сўз навбати истеъодли шоиримиз, Чингиз оғанинг қадр-лон дўстларидан бири Шукрулло акага берилди. Давра сукут сақлагандай. Шукрулло ака вазмии юриб, минбар сари яқинлашар экан, бироз ўйланиб қолди, сўнг: „Чингизнинг 50 ёшли тўйига келган мөхмөнлар ҳам, у ҳақда сўзлашни ният қилгандар ҳам жуда кўп. Ўзбекистондан келган дўстларим қатори менинг ҳам икки оғиз сўзлашим табиий“, лея сўзни муҳтасар қилиб, Чингиз оғага бағишиланган „Чўққи устида қуёш“ („Қадаҳ“) шеърини ўқишига киришли:

ЧЎҚҚИ УСТИДА ҚУЁШ

(Қадаҳ)

Ҳайратга солади баъзан чўққилар,
Денгиз ўртасидан чиққан тик қоя...
Илоҳий мўъжиза сингари улар
Ҳайратга солади билониҳоя¹.

¹ Билониҳоя — бениҳоя (*муаллиф*).

Буюк чўққиларга чиқмоқлик учун
Осонми, қанчалар сўқмоқлар кезмок!
Денгиз қоясига етмоқлик учун
Осонми, долғалар ичидагу сузмоқ!

Нега хавф-хатар, шунча машаққаг?
Коинот сирини изламоқ нечун?
Бир коса қимиз-у бурда нон билан
Хаёт лаззатини тотиш-ку, мумкин!

Талас тоғларининг ён этагида
Лойдан от ясаган оддий бир гўдак,
Уни тулпор қилиб ўз хаёлида
Буюк чўққиларга бўлганми етмак!

Она тупрогидан ҳаммомпин ясад
Ўз ишидан ҳайрон бўлганда бир дам,
Гўдак хаёлинни бир нафас қамраб,
Мафтун қилғанмикин ташвишили олам!

„Оқ кема“лар шунда кўринганмикан,
Кўринганмикин шу чоқ сувлар онаси!
Жамилалар дарди туғилғанмикан,
Чин сўз Танабойнинг мунгли таънаси!

Бугун денгиз оша, уммонлар оша,
Қирғиз „Оқ кема“си сузиб юрибди.
Қаерга бормайин „Гулсари“ эса,
Юксак чўққилардан боқиб турибди.

Денгиз тепасида туман тарқалар,
Қуенда ярқирап олис чўққилар,
Эллик йил йўл босган дарғани бу он
Юз йиллик сафарга чорлайди улар!.

(1978 йил)

¹ Шукрулло. Қасосли дунё. — Т.: „Ўзбекистон“, 1994 йил, 145—146-бетлар.

Ана шу сатрлардан сүнг қарсак садолари янгради, адиб билан ишор құтоқлашиб, үпиша кетди. Шукрулло ака шеърни әхтирос билан ўқир экан, алиб асарларида месъерига етказиб тас-виirlанған турфа хил образлару ранг-баранг манзаралар: Талас тоғлары шойила лойдан ог ясад буюк чүққиларга, космик юксакликка интилған мурғак боланинг одам ва олам ҳақидаги орзуумидларию ўй-ташвишлари ҳам, тинчлик, осойишталык тимсолига, эзгу ниятлар рамзига айланған „оқ кема“ пинг ойдин йўли ҳам, осмон билан сўйлашган Олатов чўққиларининг ярқираши ҳам, мовий Иссиккўл тўлқинларининг мавжланиши ҳам, бутун замину замон ташвишларини елкасига ортган, тиниб-тиичимас Эдигей ва Танабойларнинг девқомат қиёфалари ҳам, шўх ва шодон, чўпон қизи Жамиланинг жасорати ҳам, учар қушни эслатувчи Танабойнинг кўши қаноти, бутун элу оламга донг таратиб, унга шон-шуҳрат келтирган Гулсарининг садоқати ҳам — ҳамма-ҳаммаси худди кино тасмасига гуширилгандай кипи кўз ўнгига бирин-кетин гавдаланарди. Шоирнинг майин ва салобатли овози эса шууру қалбларга ёқимли куй таратётгандай эди.

Узун ганинг қисқаси, ўзбек биродарларининг юқорида севимли адиб шаънига айтган дил сўзларининг ўзиланоқ иккала ҳалқ сўз санъаткорларининг бир-бирлари билан қанчалик яқин, қанчалик самимий дўст ва оға-ини бўлиб кетгандарини гасавнур қилиш қийин эмас, албатта.

* * *

Бугунги кунда Айтматов асарларининг ўқувчилари қанчалик кўп бўлса, унинг асарлари асосида ишланған фильм ва спектаклларни томоша қилган санъат муҳлислари сопи утдан ҳам кўпроқдир. Чунончи, „Жамила“, „Биринчи муаллим“, „Сарвқомаг дилбарим“ (экранда „Довон“ ва „Мен — Тяньшан“), „Бўтакўз“ (экранда „Жазирама“), „Сомон йўли“, „Ативило, Гулсари!“, „Момо ср“, „Оқ кема“, „Эрта қайтган турилар“, „Соҳил сқалаб чопаётган олапар“ каби асарлари экранлаштирилган бўлиб, уларни қанчалаб томошабинлар кўрмаган дейсиз. „Сомон йўли“, „Сарвқомат дилбарим“ қиссалари ҳамда К.Муҳаммаджонов билан ҳамкорликда ёзган „Фудзияма тепалигига чиқиши“ номли драматик асарлари эса театрларимиз саҳ-

наларидан намойиш этилди. „Оқ кема“ қиссаси асосида яратылған кино асари учун Ч. Айтматов иккинчи бор (1977) Давлат мукофотига сазовор бўлди. Юксак санъат намуналари ҳисобланган ушбу саҳна асарлари, биринчидан, томошибинларимизнинг руҳий олами ва маънавий камолотининг юксалишига улкан ҳисса қушган бўлса, иккинчидан, Чингиз Айтматов номини Шекспир, Шиллер, Эврипид, Софокл, Л.Толстой, Р.Тагор сингари жаҳон классиклари билан бир сафга қўши.

Ч. Айтматов ижоди ўрта мактабларда, олий ўкув юртларида қанчалик севиб ўрганилаётгани, адабиётшуносларимиз томонидан унинг асарлари қанчалик тадқиқ этилаётганлиги ҳақида гапириб ўтираса ҳам бўлади.

Чингиз Айтматов ўз мактабини яратган адиб. Унинг маҳорат мактабидан энлиликла жаҳондаги қанчадан-қанча ёш адиблар сабоқ олмоқдалар, ижод сирларини ўрганмоқдалар. Ўзбек алиблари ҳам бундан мустасно эмас, албатта, улар ҳам Чингиз оғани ўз устозларидан бири сифатида ардоқлайдилар. Чунончи, ҳаётдан ўтиб кетган Мирмуҳсин, Одил Екубов, Пиримқул Қодиров, Суннатулло Анибоев, Сайдулло Кароматов, Ўлмас Умарбеков, Шукур Холмирзаев, Тоғай Мурод ва бошқа айrim ёзувчиларимиздан сўнг Хайдариддин Султонов, Муҳаммад Али, Учқун Назаров, Ўткир Ҳошимов, Тоҳир Малик, Даҳаҳон Нурий, Раҳимжон Отасев, Мурод Муҳаммадлўст, Эркин Аъзам, Олим Отакон, Алишер Ибодинов, Шойим Бўтаев, Нурали Қобул, Ўқтам Ҳакимали, Нормурод Норқобилов, Назар Эшонқул сингари кўплаб насривисларимиз алибининг маънавий месросидан, хусусан, реалистик проза соҳасидаги катта тажрибасидан ижолий баҳраманд бўлиб келмоқдалар. Бу эса галдати ишланиши лозим бўлган атоҳида бир мавзудир.

Ч. Айтматов ижоди ва унда ифодаланган ажойиб фазилатлар ҳозирги кунда жаҳон миқёсида кенг ва қизиқин билан ўрганилмоқда. Биргина Францияда, Польшада, Германияда ёзувчининг ижоди юзасидан ўнлаб илмий тадқиқотлар, номзодлик ва докторлик ишларининг ёзилаётганлиги бунинг ёрқин далилидир. Германияда Ч.Айтматов ижоди ҳақида Лейпциг университетининг профессори Роланд Опицнинг илмий асари босилиб чиққан. Парижлик қиз Одил Аршамбо „Қирғиз прозаси

тараққиётида Чингиз Айтматовнинг роли“ деган мавзуда докторлик диссертациясини ёзган ва ҳоказо.

„Жамила“ повести республикамиизда етти марта нашр этилди. Кўпчилик асарларини ўз ичига олган „Сарвқомат дилбарим“ тўплами уч марта нашр бўлди. „Сомон йўли“ тўплами, „Алвидо, Гулсари!“, „Оқ кема“ китоблари қайта-қайта босилиб чиқди. „Шарқ“ нашриёт-матбаа акционерлик компанияси бош таҳририяти 2006 йилдан бошлаб, адиднинг уч жилдлик асарларини чоп этмоқда.

Чингиз оғанинг халқлар биродарлигини мустаҳкамлаш йўлидаги катта хизматлари юксак баҳоланиб, у 1997 йили Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг олти йиллиги муносабати билан „Дўстлик“ ордени билан тақдирланди. Шунингдек, 1998 йилда эса адид муҳтарам Президентимиз Фармони билан „Буюк хизматлари учун“ орденини олишга сазовор бўлди. У қардош халқлар алабиётлари намояндалари орасида ушбу улуғ мукофотга мушарраф бўлган ягона адидбидир. У, шунингдек, улкан хизматлари учун „Меҳнат Қаҳрамони“ деган юксак унвонга мусассар бўлди. Айни пайтда, Неру мукофоти лауреати, Польшанинг „Табассум“ ордени нишондори ҳамда халқаро мукофот — „Тилла зайдуи новласи“ соҳиби эди.

Қирғиз халқининг ва адабиётининг номини бутун дунёга танитган Чингиз Тўракулович Айтматов ижоди айни гуллаган чоғда, 2008 йилнинг 10 июнида Германиянинг Нюрнберг шифохонасида ўпка яллиғланиши хасталиги билан бу оламни тарк этди. Адиднинг хоки Қирғизистонга келтирилиб, Бишкек яқинига отасининг хоки қўйилган „Ота Байит“ қабристонига дафн этилди. Шарқ донишманди, аллома санъаткор, ҳақиқат ва адолат, гўзаллик ва эзгулик кўйчиси Чингиз Айтматовнинг номи мантуга ўчмагайдир. Илоҳим, охирати обод бўлсин.

Ч.Айтматовнинг вафоти муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг йўллаган таъзияномасида сувчи ижоди юксак баҳоланади:

„Атоқли адид, мутафаккир, жамоат ва сиёсат арбоби Чингиз Айтматов воқеаликни бадиий образларда ёрқин акс эттириб, ҳистийгуларимиз ва кечинмаларимизга теран таъсир ўтказиб, ўз асарлари билан жаҳон адабиёти ҳазинасига улкан ҳисса қўшган адид-

дир. У ўзининг бутун ҳаёти ва ижоди билан ҳалқлар дўстлиги ва ҳамжиҳатлиги, маданиятларниң бир-бирини ўзаро бойитиши ҳамда маънавий қадриятларниң ривожланиши учун курашиб келди.

Чингиз Айтматов ўзбек ҳалқига ҳамиша дўсту қалдрон эди ва шундай бўлиб қолади. У ўз Ватанига садоқат ҳамда фидойи-лик билан хизмат қилиш тимсоли сифатида хотирамизда мангу яшайди“.

Чингиз Айтматов ўлими бутун инсоният учун тенгсиз йўқотиш бўлди. Қанчалаб ихлюсмандлари, сафдошу замондошлари Чингиз Айтматов ўлими муносабати билан марсиялар бигишиди.

(Буюк адиб Чингиз Айтматов вафоти муносабати билан)

Буюклиқ ҳам ўз-ўзидан келмаган,
Руҳиятлар чарчоқ нима, билмаган,
Тахайюлнинг фалсафаси ўша кез,
Бўхтонларни назарига илмаган.

Барчасига чидалинг-ку, синмайин,
Уммонлардек тўлиб-тошдинг кун сайин,
Ютугингни тортиқ қилдинг элингга,
Юртим дея елдек слдинг тинмайин.

Тоғлар аро садо келди йироқдан,
Энасойим тўлди алам-фироқдан,
Ўттиз ёшида улусингни улуғлаб,
Воқиф қилдинг илм леган чироқдан.

Шарқу Фарбни ўз измингга қаратдинг,
Олатоғдай буюк ҳайкал яратдинг,
Осиёга, Оврупога ибратдир,
Зиё тўла экиб кетган дараҳтинг.

Сени дедим: кенг оламнинг юраги,
Миллатларнинг эгилмаган тираги,
Ер юзига эзгулик деб бонг урдинг,
Курашларда ерга тегмай курагинг.

Тушларимда дилдан суҳбат қуриб тур,
Китобхонлар ҳар жумлангдан терар дур.
Рұхинг кезиб турғанила, илтимос,
Она юртта гоҳо назар солиб тур.

*Умар Султонов,
Қыргызстан халқ шоюри.
Қыргызчадаң Ҳайдарали
Убайдуллаев таржимаси.*

Чингиз Айтматов бетакрор истеъдод соҳиби, беназир инсон эди. Ватанин севмоқ иймондандир, булбул чаманин севар, одам ватанин, деганларидек, ўз ҳалқи, ватани ва адабиётини севган, унга чин күнгилдан ва жон-дилдан хизмат қилган мұътабар зот, буюк адиб Чингиз Айтматовнинг шоми ва руҳи мангу барҳастдир. Унинг даврлар синовидан ўтиб келастан ажайиб, ўлмас асарлари бугунги кунда янги еш авлоднинг онг-шуурида ўзига муносиб жой олмоқда, қалбига завқ-шавқ багишламоқда.

Йиллар, асрлар ўтиши билан инсон күрки-гўзаллиги у ёқла турсин, ҳатто алл тоғлар ҳам, инсон даҳоси яратган маҳобатли обидалар ҳам ҳусн-тароватини йўқота боради. Фақат буюк даҳолар яратган ва даврлар синовидан ўтган ўлмас асарларгина мангаликка дахлордир. Бундай асарлар асрлардан-асрларга ўтадики, улар йиллар шамолига дош бериб, маънино-моҳиятини асло йўқотмайди, Чингиз Айтматовнинг бой адабий мероси, у яратган санъат асарлари ҳам ана шундай асарлар сирасига киради.

Чингиз Айтматов фаолияти орқали биз, аввало, алабиётнинг жамиятлаги ўринини, вазифасини кенгроқ ва чуқурроқ тушунамиз. Яхшидан боғ қолади, дейли ҳалқимиз. Шу маъниода у қолдирган қутлуғ адабий, маданий мерос келгуси авлодлар учун ҳам маънавиятдан сабоқ берип шубҳасиздир. Ижодиёти чексиз уммондек бу муҳтарам зотнинг шахсини, ҳар бир асарини, ижтимоий-сиёсий фаолиятини ўрганиш айтматовшунослик олдидә турған ғоят муҳим вазифалардандир.

ХАЁТ – АДАБИЁТ – ТАРЖИМА

Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, филология фаплари доктори, Халқаро Бобур мукофоти совринцдори, профессор Файбулла Саломов билан сұхбат.

А.Рашидов: Атоқли адид, қардош қыргыз халқынинг улкан намояндаси, нафақат туркій халқдар, балқи бутун жағон китобхонларининг севимли ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг барча асарларындағы реалистик маданияттың нур таралып турады. Унияттың күп қиррали ижоди ҳақида мороқ билан гапириш мүмкін.

Ф.Саломов: Чингиз Айтматов ижодини шартлы равишида бир бўйстон деб олсан, уният гултожлари нималарда зоҳир бўлади?

А.Рашидов: Даставвал адидининг вақт талабига мувофиқ, шу кеча-кундуда айни етилган муаммоларни кўтариб чиқишида, асарларининг чуқур реализм ва юксак халқчиллик фояллари билан сугорилганида, деб ўйлайман.

Ф.Саломов: Айни муддао гапни айтдингиз. Шуниси кишини лол қолдирадики, у замона эҳтиёжларини жуда зийраклик билан пайқайди. Гўё давр ва халқ қалбига қулоқ солиб турган дошишманд сингари бўлажак ҳодисалар ҳақида пухта „бадији прогност“ берали.

А.Рашидов: „Алвидо, Гулсари!“да — шахс эрки, инсоннинг ҳақ-хуқуқи, танқид жамииятни ҳаракатга келтириувчи куч эканлиги хусусида баҳс қўйилган бўлса, „Оқ кема“да — виждон, табиатни муҳофаза қилиш, бунинг чуқур маънавий илдизлари, „Бўтакўз“да — мамлакатда қўриқ ва бўз срларни очиш қурдатли иқтисодий-сиссий плацдарм, улкан руҳий камолот мактаби эканлиги муаммолари қамраб олинган.

Ф.Саломов: Шуниси диққатта сазоворки, мазкур масалаларнинг исчоғлиқ долзарблиги, актуалитетини кейинчалик мамлакат миқёсида қабул қилинган қарорлар, муҳим хужжатлар, давлат арббларининг нутқлари ва бошиқа амалий гадбирлардан ҳам билса бўлади.

А.Рашидов: Бу эса Айтматов асарларининг ниҳоятда гаъсирчан тарбиявий аҳамиятга молик эканлигини белгиловчи бош омилдир.

Ф.Саломов: Хусусан, ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашида ёзувчининг қисса ва ҳикоялари, таржималари, улар асо-

сида яратилаётган кинофильм ва спектакллар бебаҳо манба бўлиб хизмат қилади.

А.Рашидов: Ўз асарларида маҳсус ёки муайян муносабат билан „мактаб ва оила“, „ўқитувчининг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни“, „таълимот, таҳсилот ва баркамол инсон тарбияси“ масалалари бадиий йўсинда талқин қилинишини ҳам Чингиз оға ижодининг эътиборга лойиқ жиҳати, деб биламан.

Ф.Саломов: Чингиз Айтматов қамрови кенг адиб. У қиссанавис ва ҳикоянавис, зуллисонайн адиб, таржимон, киносценарист, танқилчи, тарихчи, оташин публицист, жамоат арбоби.

А.Рашидов: Чорак асрлик адабий фаолияти, хусусан, „Жамила“ қиссасини чоп эттиргандан сўнг ўтган йигирма йил давомида Чингиз оғанинг ижоли муттасил ўсиб борли, шуҳрати оламга таралди. Эндиликда жаҳоннинг турли бурчакларида яшаёттан 83 миллият вакиллари унинг асарларини ўз она тилларида зўр мароқ билан ўқимоқдалар.

Ф.Саломов: Жаҳон адабиётида ёрқин истеъдодлар кам эмас. Улар орасида Ч.Айтматовнинг ўз ўрни бор. Мен бу ерда ёзувчанинг ўз услуби, ўз мавзуи, ўз образлар дунёси борлигини, факат шунигина назарда тутмайман. Чингиз оға кичик жанр — қисса ва ҳикоя жанрининг моҳир устаси. У бу жанрнинг катта имкониятларидан фойдаланиб, фавқулодда салмоқдор гаплар айтди ва катта муаммоларни ҳал этди. Айтганда ҳам, ўринлатиб, ишонтириб, қалбларни ларзага келтириб айтди.

А.Рашидов: Ҳа, бошқалар турнақатор қалин китобларда, катта-катта романларда „чиқаролмаётган“ муддаони у мўъжазгина ҳикоя ёки жажжи қиссада лўнда қилиб айтиб қўя қолади.

Ф.Саломов: „Жамила“, „Алвидо, Гулсари!“, „Оқ кема“, „Соҳил ёқалаб чопаётган олапар“ сингари қиссаларни ўқиганди, ажид бир ҳолат содир бўлади кишида. Уларда оқ қофоз саҳифасига ҳақиқат уруғи бирма-бир қадаб чиқилгандай, мухтасар бадиий матн ортида турган катта қалб эгаси сен билан яккамаякка, юзма-юз туриб гаплашаётгандай туюлади...

А.Рашидов: ...Ўқувчи сеҳрланганлай бўлади. Қизиги шундаки, кўз ўнгингда табиат жонлангандай, ҳаракатга келгандай, тилга киргандай, тасвирланаётган реал инсоний воқеаларга „муносабат“ билдираётгандай туюлади. Тасвирда қабариқлик, манзарадорлик пайдо бўлади. Китобхон шунчаки китоб ўқиёт-

гандай эмас, Қоратов дарасида, Аиорхой даштида, Тияньшан тоги этагида, Куркуровда, Нориңда, Ўша, Талас водийсида, Сантоңда, Иссиккүлда жонли одамлар орасида юргандай...

F.Саломов: Ёки Охота деңгизида, даҳшатли тўфон узра Ўрхон, Милгун, Эмрайин, Кириск билан бирга кичик, ясама қайиқда диққинафас бўлиб, томоги қақраб, сузиб кетаётгандай сезади ўзини.

Ҳали юқорида Айтматов услубининг бир фазилатини қайл этдик: қисқалик, таъбир жоиз бўлса, лисоний мухтасарлик. Ажид бир ҳолат: сўзлар қанча кам бўлса, маъно шунчак чуқур, фикр шунча маънодор. Шундай туюладики, унинг ижобий қаҳрамонлари Бола („Оқ кема“), Жўра Саёқов („Алвидо, Гулсари!“), Ўрхон, Эмрайин („Соҳил ёқалаб чопаётган олапар“) гапиришдан кўра кўпроқ мушоҳада юриталилар.

A.Рашидов: Яхши ёзувчи ҳамма гапни айтиб қўймаслиги керак. Агар асар „мурод-мақсалига етди“ қабилида иш тугаса, ўқувчига деярли ҳеч нарса қолмайди.

F.Саломов: „Оқ кема“, „Соҳил ёқалаб чопаётган олапар“ қиссаларини ўқир эканмиз, кўп гапириб, ифодалаб бўлмайлигани фикр ва маънони баъзан „инدامай айтиш“ мумкиндай, ҳатто бу таъсирчанроқ ва ишонарлироқ чиқадигандай ҳам кўринади. Айтайлик, бу икки асарга шундай „абадий мавзу“ асос қилиб олинган ҳолла, ғоят муҳим умуминсоний ғоя илтари сурилтадики, бу асосда мазмун ва мундарижа эътибори билан қалин роман, ҳатто кўп серияли романлар ҳам бутиёд этиш мумкин эди.

A.Рашидов: Ёзувчи қолипни бу қалар тор олишига қарамай, шу кунги реал ҳаётий воқеалар тасвиридан ташқари, асарга узоқ ўтмиш афсонаси, латифаларни ҳам киритишга имконият топади.

F.Саломов: Бу афсоналар эса замонавий руҳ билан суюғирилган.

A.Рашидов: Ёки, аксинча, замонавий ташвишлар тасвири ўтмиш афсонавий воқеаларининг „давомидай“ уланиб кетади. „Оқ кема“даги Шоҳдор она бугу, „Соҳил ёқалаб чонаётган олапар“даги Балиқ-волида афсоналарига китобхони жуда-жуда ишонгиси келади.

F.Саломов: „Оқ кема“да солдадил Бола „Командирлик командирнинг ўзига ҳам ёқса керак-а“, дейди. Бу „анойи гап“ гуюлса-да, ҳаётда шундай ўйловчи кишилар оз бўлмаса керак.

Холбуки, русларда „Мономахнинг бўрки оғир“ деган яхши гап бор. Айтматовнинг асарлари ҳам „силиққина“ яратилмаган, баҳслар, мунозаралар, ўз мавқеини ижодий тортишувларда ҳимоя қилиш орқали рўёбга чиқарилган. Шу хусусда сиз қандай фикрдасиз?

А.Рашидов: Фаолиятсиз жойдагина баҳс бўлмайди. Баҳс бўлмаган жойда эса тараққиёт нишонаси йўқ деган гап. Чамаси, сиз гапни „Оқ кема“ атрофига матбуотда бўлиб ўтган мунозараларга бурмоқчига ўхшайсиз.

Ф.Саломов: Турган гап, бу ерда матбуот саҳифаларида асар ҳақида илгари сурилган фикрларни батафсил таҳтил қилишининг иложи ва зарурати ҳам йўқдир. Лекин баъзи нарсаларга тўхталишга тўғри келади.

А.Рашидов: Эсингизда бўлса керак, бир киши ёзувчига антиқа „маслаҳат“ ҳам берган эди. Ўрозқулни қамоққа олинсин, Мўмин чолни пенсияга чиқарилсин, Болани эса болалар уйига топширилсин, деб. Албатта, санъат асарининг ўзига хослигини тушунмайдиганлар учраб туради. Бу унчалик хавфли эмас (кишилар мийиғида кулиб қўя қолади). Лекин, гоҳо туппа-тузук мутахассислар ёки адилларнинг ўзлари ҳам чалғитувчи гапларни айтадиларки, буниси ёмон.

Ф.Саломов: Аҳён-аҳёнда яна бир хил ғалатироқ фикрлар матбуотда пайдо бўлиб қолади. Уларда айтилишича, Чингиз Айтматов, шубҳасиз, бақувват ижодкор, аммо барча асарларни ҳам бир текис, зўр деб бўлмас эмиш.

А.Рашидов: Тоғларнинг қоялари ҳам бир текис бўлмайди. Бири паст, бири баланд. Лекин барибир, қоя — қоя-да!

Ф.Саломов: Қоялар бир текис бўлганда, у тоғ эмас, ясси теналик бўларди. Комил Яшин Чингиз ижодини қўкўпар Олатов чўққиларига қиёс қилганлиги бежиз эмас.

А.Рашидов: Бу хусусда қирғиз ёзувчиси Мар Бойжиевнинг куйидаги эътирофи жуда ажойиб (унинг сўзларини айнан келтираман):

„Айрим асарларни китобхон ва танқидчи сифатида идрок этганимизда, фавқулодла ҳодисаларнинг гувоҳи бўламиз, — деб ёзади у. — Айтматовни ҳаммамиз севамиз, унинг истеъоди ва маҳоратига қойилмиз. У барчага яқин ва тушунарли. Таъкидлаб айтаман, барчага. Ваҳоланки, бошқа қирғиз ёзувчиларининг ҳам

Қизиқ, ҳатто талантли асарлари борки, улар бизнинг ўзимизда муносиб бир тарзда эътибор топади-ю, республикадан ташқари чиқса, жарангламай қолади... Шу боисдан, қалам тебратаеттанимда, вужудимни турли шубҳалар чулғаб олади. Керакли нарсани ёзаяпманмикан? Шундай ёзиш им жоизми? Бу нарса менинг юртдошлиарим билан бирга, Қирғизистондан хорижда яшаётган одамларга ҳам маъқул бўлармикан, деган андишалар кечади хаёлимдан. Эҳтимол, шу вождан бўлса керакки, мен ҳозирги даврда яратилаётган асарларни кўп мутолаа қиласман. Бу менга халал ҳам етказали, кўмаклашади ҳам. Чунончи, Айтматовнинг тажрибасига келганда, бу менга халал берали. Халал етказишининг маъноси шуки, Айтматовдан кейин ёзиш мушкуллашиб кетади. Бир неча йиллар илгари ўзимнинг бир китобимни бошлаганлим. Шу орада ўзимни чоғлаб, бош қотириб юрган ҳам эдимки, „Алвидо, Гулсари!“ қўлимга тушиб қолди. Ўқиб чиқдим. Бошимни кўтармасдан, тин олмай туширдим. Ўқишига ўқиб қўйиб, тарвузим қўлтиғимдан тушили, ҳафсалам пир бўлди. Агар қўлимга қалам оладиган бўлсанм, ё шундай қотириб ёзишпим, ё бўлмаса супра-ўқловни йигиширишимга тўғри келарди“. Бироз қуириқда Мар Бойжисев яна такрорлайди: „Ёзман деса, ёзидиган нарсалар бор. Лекин Айтматовдан сўнг шўризиз қуриб қоляпти. Сабаби шуки, у юксалиб бораётган прозамиз тараққиётидан ўн йилларга „сакраб“ ўтиб кетди. Эндиликда бизнинг олдимизда нима ҳақда ёзиш кераклигидан кўра, қандай ёзиш керак, деган муаммо кўндаланг бўлиб қолди“.

Ф.Саломов: Шундай қилиб, бадий ижодда республика доирасидан ташқарига чиқиш масаласига қадалган эканмиз, Айтматов фаолиятининг яна бир ажойиб, фоят ибратомуз соҳаси зуллисонайнлик ва таржимага тўхталишга тўғри келади. Чунки устод адаб Комил Яшин таъбири билан айтганда, бадий асарни четга „экспорт“ қилишнинг бирдан-бир йўли таржимаири.

А.Рашидов: Чингиз Айтматов зуллисонайн ёзувчи, таржима борасида „ўз-ўзига хизмат қиласми“. Бунинг сабаби нимада? Худди шу савол билан адабнинг ўзига жуда кўп мурожаат этадилар.

Ф.Саломов: Бу Чингиз Айтматовнинг „жонига теккан“ сўроқ. Худди овқатланиб турган одамдан „Нега озиқланяпсиз?“ деб сўрагандай гап. Нима деб „тушунтиурса“ бўлади? Ёзувчи бундай

кезларда, „очиғини айтсам, бу иш менга хуш ёқади“, „икки тилда ёзмай туролмайман“, „қирғиз ва рус тиллари мен учун бамисоли икки — ўнг ва чап қўлимдай, бир қўл билан ишлаб бўлмайди“, „агар учинчи бир хорижий тил, масалан, инглизчани билганимда, албатта ўша тилда ҳам бирон нарса ёзган бўлардим“ қабилида, билса ҳазил, билмаса чин дегандай жавоб қиласди. Ўрнига ва одамига қараб, жиддий жавоблар ҳам тайёрлайди. „Бир-бирига яқин соҳалар қовушган жойда жуда қизик ҳодисалар рўй беради, — дейди у. — Икки маданият қовушган жойда зуллисонайн ёзувчилар пайдо бўладилар, улар икки тилни бирдай эгаллаганлар“.

А.Рашидов: Агар янгилишмасам, Чингиз оғанинг бу сўзларини унинг В.Левченко билан қилган сұхбатидан келтирдингиз. Худди ўша ерда у яна мана бундай деганди: „Зуллисонайнлик миллий маданиятнинг янги формаси сифатида воқе бўлади, тилни йўқотган тақдирда, миллий маданият тараққиети, мустақил маданият хусусида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Бу ерда жуда оқилона, кишиларнинг ҳар томонлама манфаатларини ҳисобга олган ҳолда иш кўриш лозим. Зуллисонайнлик миллий маданиятлар тараққиётига кўмаклашмоғи, лекин уни эзib кўймаслиги керак, зоро, истаган бир ҳалқнинг тили бу ҳалқ даҳоси билан бунёд этилган ноёб бойлигиdir. Тиллар йўқолиб кетиши мумкин, кўплари йўқ бўлиб кетди ҳам, лекин уларнинг пайдо бўлиши амри маҳол. Тилларнинг пайдо бўлиш даври такрорланмайдиган бўлиб ўтиб кетди энди. Борига бара-ка, борини сақлаб қолиш керак. Бу умуминсоний мулк“.

F.Саломов: Қизиги шундаки, Чингиз Айтматов „икки тил аро“ таржима қиласди, яъни қирғиз ва рус тиллари аро „тўғри“ ва „тескари“ ўтиради.

А.Рашидов: У рус тилида ёзар ва ўз асарларини қирғиз тилига таржима қиласар эди. Буни ўзининг она тили, ватан адабиёти олдидаги муқаллас бурчи деб билали.

F.Саломов: Ўз асарларини рус тилида ёзар ёхуд қирғизчада ёзилган ишларни русчага ўтирап экан, буни ўзининг интернационал бурчи деб тушунади. У рус тили миллий сзувларни кенг қамровли адабиёт бағрига олиб чиқадиган катта, ёруғ йўл эканини жуда чукур ҳис этади. Мен шу ўринда Чингиз Айтматов ижодий тажрибасининг ҳаётийлиги, ибраториумузлиги, таъ-

сирчанлигини забардаст ўзбек романнависи Одил Ёқубов фаолиятида кўришни истар эдим. У ўзининг „Улуғбек хазинаси“ номли жуда яхши романини Юрий Суровцев билан ҳамкорликда рус тилига таржима қилди.

А.Рашилов: „Улуғбек хазинаси“ ўзбек адабиёти майдонила содир бўлган бадиий кашфиёт эли, рус тилига ўгирилиши на тижасида энди ҳалқаро адабиёт хазинасини ҳам бойитди, лебайта оламиз.

F.Саломов: Дарвоқе, ана шу салмоқдор роман ҳақида биринчи бўлиб жуда яхши фикр билдирган, уни фақат ўзбек романчилигидагина эмас, балки бутун туркӣзабон адабиётда кувончли воқеа деб ғоят юқори баҳолаган адиб ҳам шу Чингиз Айтматов бўлди-да.

Энди ёзувчиларни таржима билан шуғулланишга ундангар зарурат ҳақида гапирайлик. Таржима ёзувчи ёки шоир учун шунчаки бир „хоҳиш“, „кўлғил хуши“ эмас, балки бўлак ҳеч қандай восита билан алмаштириб бўлмайдиган ҳаётий муҳим эҳтиёж, каттакон ижодий мактаб, ўзини ўзгаларга ҳам танитиш истагидан келиб чиқсан бирдан-бир имконият демакдир.

А.Рашилов: „Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон“ мавзуи ўз мазмуни ва мундарижаси ёътибори билан жуда хилма-хил, рангбаранг. У республикамизга турли муносабатлар билан тез-тез қадам рањида қиласи, алабий анжуман, кинофестивал, китобхонлар конференцияларида қатнашади.

F.Саломов: Тошкентда бўлиб ўтган Осиё ва Африка ёзувчилари анжуманида сўзлаган нутқида Ўзбекистон ва ўзбек ҳалқининг бой маданияти, кўхна тарихи, ўзбек адабиётининг равнақи ҳақида ҳаяжон ва қардошлик меҳри билан суғорилган сўзлари ҳамон кулоқларимиз остида жаранглаб турибди.

А.Рашилов: Хусусан, Тошкент телевидениесида унинг ажойиб шоир, улкан таржимоимиз Миртемир хотирасига бағишилаб гапирган сўзлари, „Манас“ таржимасида Миртемир оғанинг қилган ибратли ишлари, бу таржима ўзбек ва қирғиз ҳалқлари бузилмас лўстлигининг балий рамзи бўлиб қолганинги ҳақида сўзлагани ғоят таъсирчан нутқини жон қулоғимиз билан тингладик.

F.Саломов: Мана, олдимизда бир қанча китоблар таҳлапиб турибди. „Сарвқомат дилбарим“ (қиссалар) — 1964 — 69 йиллар, „Сомон йўли“ (повесть ва ҳикоялар) — 1965 й., „Атвило,

Гулсари!“ (повесть) — 1969 й., „Оқ кема“ (Эртакдан сўнг) — 1973 й., „Бўтакўз“ (қиссалар) — 1977 й. Ниҳоят, мана бу, ҳали босмахона бўғи шунлоққина анқиб турган икки жилдан иборат қиссалар ва ҳикоялар мажмуаси. Айтматовнинг аксари асарлари „Шарқ юлзузи“ журнали саҳифаларида ҳам босилиб чиқди. Сарҳисоб қилиб қарасак, алиб асарлари ўзбек тилида жами 128 босма табоқ ҳажмда 44500 нусхала чоп этилибди. Бунга журнал саҳифаларида босилган нашрлар ҳам қўшилса, Чингиз оғанинг қисса ва ҳикоялари ўзбекчада миллиондан зиёд нусхада жаранглаётгани аниқ бўлади.

Ўз таржималарингиз ҳақида фикрингизни билмоқчи эдим.

А.Рашидов: Очиги, бу ерда қўйилган масалаларнинг ҳаммасига жавоб беришдан ожизман. Аввало, мундарижа шу қадар кенгки, булар ҳақида батафсил гаплашадиган бўлсан, сухбатни бошқатдан бошлашга тўғри келган бўларди. Қолаверса, ўз таржималаримнинг „технологияси“, орттирган тажрибам ва бошқашар хусусида, таржимон сифатида, менинг гапиришим ўринли ҳам кўринмайди. Ҳар қалай, баъзи нарсаларни айтишим мумкин.

F.Саломов: Таржимала назария билан амалиётнинг бирбирига алоқалорлиги ҳақида нима дейишингиз мумкин?

А.Рашидов: Мана, сиз ўз мақола ва тақризларингизда „Оқ кема“даги Бола, „Алвидо, Гулсари!“даги Жўра Саёқов образларининг тил хусусиятларига доир аниқ кузатишларни келтириб ўтгансиз. Аслида, булар тасвирга эмас, балки таҳлилга алоқадор статистика ва мулоҳазалар.

F.Саломов: Тасвирнинг таҳлили, дейлик.

А.Рашидов: Майти, шундай дейлик. Лекин ёзувчи асарни ёзиш, воқеаларни тасвирлаш давомила, албатта, буидай филологик тақиқот билан маҳсус шуғулланмайди. У интуиция билан ёzáди.

F.Саломов: Лекин илмий таҳлилда шу тариқа текшириш шарт. Назариячи асарнинг „анатомияси“ни, ундаги ҳар бир узвни бирма-бир кўздан кечирали, текширали, „холатини“ аниқлайди.

А.Рашидов: Мен бошқа нарсани айтимоқчи эдим. Фақат назариётчи, стилист, адабиётшуностини эмас, балки таржимон ҳам ана шундай аниқ ишлапни ксрак, деб ўйлайман.

F.Саломов: Жуда тўғри фикр. Чунки бадиий таржима бу ижод ва илҳом билан бирга, филологик таҳлилга асосланган иш. Ёзувчи

филолог, мутахассис бўлиши шарт эмас, лекин таржимоннинг филологик ихтисосга ҳам эга бўлгани маъқул.

А.Рашидов: Бадиий таржима милтий мағданиятлар ҳамкорлигига хизмат қиласи, дейдилар. Ҳақ гап. Лекин дўстлик ва ҳамкорлик манфаатларига хизмат қитувчи шу таржиманинг ўзи ҳам, бошқа ҳар қандай ижодий иш сингари, турли соҳа кишилари — муаллифдан тортиб таржимон, танқилчи, мұхаррирлар ҳамкорлигига яратилади. Бу ўринда таниқли таржимон ва мұхаррирлар Миркарим Осим, Мирзиёд Мирзоидов, Илөс Муслим, Гулом Шоли, Холида Мансурова, Эркин Миробилов, Саидахмад Худойбергановларнинг хизмати ва кўмагини алоҳида қайд этмоқчиман.

F.Саломов: Дастрлабки, „Жамила“ни таржима қила бошлиган кунингиздан бошлаб икки томлик танланган асарлар наширигача босиб ўтилган йўлни мушоҳада этганда яна нималарни айтишни истардингиз?

А.Рашидов: Чингиз Айтматовнинг маҳораги асардан асарга ошмоқда, деймиз. Лескин, айни вақтда, унинг услуби муттасил мураккаблашиб ҳам бормоқда...

F.Саломов: Бинобарин, бунга мутаносиб ҳолда, Чингиз Айтматовни таржима қилиш қийинчилиги ҳам ортмоқда?..

А.Рашидов: Жуда. Ҳусусан, кейинги „Оқ кема“ ва „Соҳил ёқалаб чопаётган олапар“ қиссасини олинг. Фиж-гиж фатсафа, фикр, рамзий образлар, қайноқ ҳис-туйғулар, мусиқавийлик, манзаралорлик... Бунинг устига, мураккаб синтаксис, нотаниш, янги лугатлар, файриодатий сўз бирикмалари. Ва ҳоказо. Бу, ўз навбатида, таржимондан ҳам катта масъулият талаб қиласи.

„Ўқитувчилар газетаси“, 1978 йил 14 декабрь.

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВНИНГ АСЛ ТАРЖИМОНИ

Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Халқаро Бобур мукофоти совинидори Файбулла ас-Салом ва филология фанлари номзоди, доцент Сайди Умировнинг суҳбати.

С.У.: Бугунги баҳс қалбингизга яқин инсонлардан бири: ўзининг стмиш ёшини қаршилаётган қалрдан лўстингиз ва бирордарингиз Асил Рашидов ҳақида.

F.C.: Ҳа, бу мен учун ҳам байрам, ҳам ғалаба. „Дунёда лўст ортиргаган одам ўз-ўзига душман“, дейди гуржилар. Асилжон билан икковимиз шаффоғ, меҳр-оқибатли, мураккаб ва оғир дўстлигимизни ёмон кўзлардан асраб, қирқ йил мобайнила ўзимиз билан бирга олиб ўтдик...

С.У.: Негаки, бу дўстликка раҳматли Шароф Рашидовнинг ўзлари фатво ва кафолат берган эдилар-да. Шундайми?

F.C.: Баракалла, 1959 йил 22 декабрда ўзбекча-русча катта лутат чоп этилди. Шароф ака укасига: „Асилвой, бу луғатнинг босилиб чиқиши ўзбек маданияти учун катта воқеа бўлди. Академияга бориб, бирон билагон тилчи билан гаплашгин. Ана шу луғат ҳақида яхши бир тақриз ёзинглар“, дебдилар. Илмий раҳбарим Олим Усмон бизни танишириб кўйдилар. Биргалашиб катта бир тақриз ёздик. Дўсту қадрдончилигимиз шундан бошланди. Кейинчалик луғат устига қомус, қомус устига таржима қўшилиб, илмий ва ижодий ҳамкорлигимиз майдони кенгайиб кетди...

С.У.: Эшитувдим. Чингиз Айтматовнинг мароқли „Жамила“ қиссасини ўқиган академигимиз Воҳид Зоҳидов шогирди Асил акага: „Бу ажойиб-гаройиб асарни Сиз ўзбекчага таржима қилинг“, деб маслаҳат берган эканлар.

F.C.: Кўпчилик билмаган бир сирни айтайнин. Назаримда мен учун дўстим қанчалик адабиётшунос олим бўлса, ундан ўн, юз баравар зиёд таржимонга айланди. Шундай бўлдики, у менинг қиёфамда қанчалик ўзини кашф этган бўлса, мен ҳам унинг сиймёсида ўзимни танидим, билдим.

С.У.: Худли тақдирнинг ўзи Сизларни бир-бирингизга инъом этгандай. Сиз таржима назариячиси, ул кипи таржимон. Амалиёт билан назария қўшилган. Бунинг устига, ёмон одамга ёмон одам қўшилса, дунё бузилади. Яхшига яхши бақамти келса, олам чароғон...

F.C.: Ёмонлик, ҳасал, ғадорликнинг бети қурсин. Аммо эзгулик хусусида айтмасам бўлмайдиган гапларим бор. Кейинроқ тўхталаман... Асилжон таржима оламига боши билан шўнгиф кетди. Ўнгида ҳам, тушида ҳам Чингизни, асарларининг қаҳрамонлари: Саида, Дониёр, Асал, Жонтой, Илёс, Алибек, Самал, Тўлганий, Алиман, Танабой, Жўра, Эдигей, Казангап, Абутолиб, Зарифа, Найман она, Жўломон, Раймали оға, Бегимойни „кўрадиган“, улар билан „суҳбатлашадиган“ бўлиб қолди...

C.U.: Чингиз Айтматов асарлари таржималарининг 80—85 фоизи Асил ака қаламига мансуб. Рўзнома қолмади, ойнома қолмади, радио, ойнаи жаҳон, театр... Ҳамма ёқда — Чингиз, Чингиз... ёзувчи асар яратиб чарчамас, Асил ака уларни ўгириб толиқмасли... Аллақанча ҳикоя, қисса ва „Асрга татигулик кун“ романини икки-учи мартараб чоп эттирган. Агар улуғ ацибнинг Ўзбекистонда бу қадар кеңт танилишида икки чинакам фидойи таржимоннинг номини атанига зарурат бўлса, бири Асил Рашидов. Яна бири — Иброҳим Faфур.

F.C.: Тузуккина айтматовишунос бўлиб қолибсиз сизам, Санджон...

C.U.: Мен ҳам тушундим, нимага шама қиластганингизни. Матбуот саҳифаларини варақлаган киши амин бўладики, Ч.Айтматовнинг барча катта-кичик асарлари таржималарига Сиз тақризлар. Йирик-йирик мақолалар ёзиб боргансиз. Чингиз мавзуи сизнинг кўп сонли илмий талқиқотларингизга чуқур сингиниб кетган. Бу ёрқин адиб ўзбек адабиётида бутун даврни ташкил этали. Шунингдек, Сизнинг илмий фаолиятингизда ҳам бу мавзу жуда қамровлор ва қагта салмоққа эга. Бунинг сабаблари маълум. Теги зоотехник бўлган бу улкан истеъдол бутун туркийзабон алабиётларгина эмас, жаҳон адабиёти кўкида порлаган ёрқин, сўнмас бир юлдуз бўлиб майдонга чиқди.

F.C.: Тўғри. Лекин... Менинг Тўракул ўғли Чингиз Айтматов билан бошқа йўриқлардан ҳам ўз „ҳисоб-китобларим“ бор эди. Бу хусусда баҳсга ўтишиндан олдин, бошқа бир „дарл“ ҳақида икки оғиз гап айтсанам. Аввало, биз: Асил Рашидов ҳам, мен ҳам Чингиз оғага зўр ихлос қўйиб қолганлик. У мустабид тузум ҳақидаги ўз шафқатсиз ҳаққонияти, тимсоллари, ғоят ангиқа, гайриодатий, бетакрор тили ва услуби билан бизнинг ёнган юракларимизни аланга олдирган эди. Биз бамисоли шамдай

Эриб, унинг тубсиз-худудсиз ижодий оламига бус-бутун сингиб кетгандик. Нафақат Чингиз оға, ёнимдаги тиниб-тинчимас дўсту биродарим Асил Рашидовнинг қайта ярагувчилик фаолияти ҳам ўзига хос, интиҳойи менбоп „илмий-ижодий лаборатория“ эди. Узбек тилига ўгирилган қирғиз адиби китобларини биринчи бўлиб мен ўқир эдим. Таржимон менинг самимиятимга заррача шубҳаланмас, худди ўзига ишонгандай ишонарди.

Асилжон муаллиф ижодини ёнига ва бўйига қаричлаб ўлчаб чиққан, унинг нима деб ёзгани эмас, балки нима демоқчи эканини ҳам гоят нозик англар эди. Шунинг учун ҳам аслият матнини муқаддас билар, наинки ҳар бир жумла ёки сўз, баъзан ҳатто энг назарнigor ишора, борингки, тиниш белгилари устила ҳам жиддий бош қотирап эди. Мен бўлсан, аслиятта мумкин қадар эркинроқ, кентроқ, ижодийроқ ёндашишни талаб қиласардим. Баъзан иш, маслаҳат, таҳдил ва таҳrir эврилишила-рида қоқ тунгача қолиб кетардим уларницида.

Мазкур ўзига хос „машварату“, баҳсу мунозаралар мен „на-зариячи“га қанчалар озиқ берганини тасаввур ҳам қиломай-сиз, мулла Сайдижон. Бу шундай ўзига хос қўшалоқ ижодий жараён эдики, у мاشаққатли лаззат онларини энди ҳеч қачон такрорлаб бўлмайди. Бизнинг тортишувлар, иккиланишлар, ёхирослар, темир мағтиқ, таҳдил, лисоний-услубий ихтиро-ларимиз қорайиб-чатилиб, битилиб-ўчирилиб, топилиб-йўқо-либ битган қофозлар ичра кўмилиб қолиб кетди... Бу катта мак-таб эди.

С.У.: Қитмирона бир савол берсам майлими?

F.C.: Кўзингиздан сезиб турибман. Айтинг.

С.У.: Сиз таърифлаётган давр: олтмишинчи, етмишинчи, саксонинчи йиллар турғунлик мұхити, мустабид тузум, маънавий инқироз ва чиришнинг авжи гуллаган даври эди. Чингиз Айтматов „социалистик реализм“ адабиётининг кўзга кўринган намояндаларидан, шуролар даврида „шаклан милтий, мазмунан социалистик“ адабиётнинг „суянган төғ“ларидан бири саналарли. Шундай эмасми?

F.C.: Шаклан — шундай. Мазмунан — ундаи эмас. У ҳам „совет ёзувлчиси“ эди. Бироқ ўзининг мислсиз ҳаққонияти билан ўша мангуликка даъвогар, аслида чириб битган яккаҳо-кимликка даъвогар тоталитар тузумни маънавий-ғоявий гараф-

дан ичдан смирган сўз устаси. Очигини айтиб қўя қолай. Ўша даврда бориб турган журъатли ўзбек истеъдод соҳиби ҳам у илгари сурган foяни унингчалик маҳорат билан кўтариб чиқа олмасди. Кўкларга кўтариб мақталган „энг илфор“ рус адабиетида ҳам Чингиз Айтматовнинг „юки“ни кўтара оладиган бошқа бир дарғани топиш қийин. Бас, таржима йўли билан биз ўзимиз айта олмайдиган ларл-ҳасратларимиз, фам-андуҳларимизни Чингиз Айтматов тилидан барада айтдик. Тўғри, Чингиз Айтматов қизил мустабидлик замонида яшади. Ўз ижодида тоталитар тузумни инкор этди. У истиқлол даврининг буюк ёзувчиси, бизнинг замондошимиз бўлиб қолди. Ўтмиш фожиаларини англаб етишни истаган ҳар бир ёш китобхон бугун ҳам унинг ижодига бемалол мурожаат этиши мумкин.

С.У.: Тағин бир қалтис савол. Асарларининг қирғизча ва русча аслияти билан уларнинг таржималари ўртасига тенглик атомати қўйиб бўладими?

F.C.: Йўғ-э, нималар деяпсиз?.. Дунёда энг ночор аслият билан энг ўткир таржимани ҳам тенгглаштириб бўлмайди. Муаллифни фақат муаллифга тенглаштириш мумкин. Чингиз оға асарлари ўз даврининг ҳаққоний бадиий қомуси. Олайлик, сизнинг ўзининг билан энг чиройли рангли расмингизни ҳам ҳеч қандай қиёсга келтириб бўлмайди.

С.У.: Ундай бўлса, таржима санъати ҳақида шунча эҳтирослар нечун?..

F.C.: Оббо сиз-эй! Қаттиқ „олаяпсиз-у“... Тилимдан „илинтироқчи“ бўляяпсиз. Асарни бошқа миљлат, ўзга тил, бўлак миллий тафаккур суфрасила қайта яратиш, ижодий ўзлангиришининг бирдан-бир воситаси бу бадиий таржима. Моҳирона бажарилган таржима аслиятга чексиз яқинлашиб боради... Ажабким, ўзга тилда ёзилган юксак санъат намунасини бошқа тилда айнан ўзидай тақрорлаб бўлмайди. Лекин „афсунгар“, „хәёлпаст“, фидойи мутаржим мардум бундай мақсад-муддаодан возкеча олмайди ҳам. Лисоний-бадиий қайта яратиш санъати — таржима ўзининг худди шу ажиб хусусияти билан гўзал ва жозиб.

С.У.: Шунинг учун экан-да, Чингиз оға бирваракай икки гилда: русча ва қирғизча ижод қилиб, тоҳо ёзганиларини ўзи таржима қилиши...

F.C.: Ҳали айтмоқчи бўлганим: икки тилидик ва таржима, муаллифнинг ўз-ўзини таржима қилиши хусусиятлари қизиқарли, зиддиятли масала. Асил Рашидов рус тилидан пухта таржима қиласди. Бироқ муаллиф шу асарини қирғиз тилида ёзган, ё бўлмаса, аввал русча ёзиб, сўнгра ўзи қирғиз тилига афдарган бўлса-чи?

C.U.: Шубҳасиз, қирғизчадан ўзбек тилига таржима қилган маъкул. Чунки бизга рус тилидан кўра қирғиз тили яқин. Ҳар қалай, ўзбек қирғизни ҳатто таржимасиз ҳам тушунади. Иккаласи ҳам туркий тиллар оиласига киради... Қирғизлар девордармиён қўшни. Минг йиллар давомида ёнма-ён яшаб келган халқлар. Дили дилига, тили тилига туташиб кетган...

F.C.: Бари тўғри. Ҳамма шундай деб ўйлади. Амалда-чи? Жилла утдай эмас. Дуруст, ҳали сиз айтганингиздай, анча-мунча қулай томонлари ҳам йўқ эмас. Илло қирғизчадан ўгиришнинг „қулайлиги“ ҳар қандай моҳир таржимонни ҳам ўсал қилиб юборадиган бир талай жумбоқлар, жиддий нокулайликларнинг шоҳиди бўлганига қадар. Алдамчи „қулайлик чизиги“дан ўтганингдан сўнг, нарёғи тубсиз бир лисоний-ифодавий жарликнинг устидан чиқиб қоласан, киши... Олайлик, „жаз“ нима? Ҳамма билади: бу ўзимизнинг „ёз“-да. Йўқ, қирғиз „жаз“ деб баҳорни тушунади. „Бата“ нима? Пешонангни танғиб ҳар қанча ўйласанг-да, бу... ўзимизнинг „фотиҳа“ экани хаёлингга ҳам келмайди. „Паноҳ“ни қирғиз... „фаана“ дейди. Ол-а!

C.U.: Ҳуллас, Чингиз оғага ҳурмат юзасидан, Асил ака қирғиз тилини ҳам ўрганишга жазм қилган экан-да?

F.C.: Балли. Муаллифни ҳурмат қилган таржимон унинг она тилини ҳам ўрганади. Менда проф. К.К.Юдахин тузган ажойиб, қалин, 973 бетлик „Қирғизча-русча луғат“ бор эди. Бутун бир хазина. Дўстим Асилжон Чингиз оғанинг асарлари-ю, мен тақдим этган анов луғат асосида қирғиз тилидан „савол чиқазиш“ га тушиб кетди. Гоҳи пайтларда мен ҳам қирғизчани ҳижжалаб ўрганишимиға тўғри келди. Тасаввур қилингки, қаршимизда бениҳоя бой қирғиз тилининг „Бетпакдала“си ястаниб ётар эди...

C.U.: Ўн мартараб айтгансиз: „Таржиманинг қора нонини ейиш ҳар кимга насиб этавермайди“ деб. Ҳа, бадиий ижоднинг бу соҳасига ўзини бағишлигар инсон қанчалар саховатпеша, фидойи бўлиши керак экан. ...Шу ўринда буюк олмон фарзанди

Ҳётенинг сўзлари тилимга келади: „Кимки адибни билишни истаса, унинг ватанига борсин...“ Чингиз Айтматовнинг ватани — Қирғизистон.

F.C.: Эътибор қилинг: Чингиз — Қирғиз. Бир-бирига эш, ҳам-оҳанг, ҳамқояғия. Иккала сўз ҳам олти ҳарфдан таркиб топган.

C.U.: Ажаб.

F.C.: Шунача. Туркийлар орасида қирғизлар билан уйғурлар энг қадимий қавмлардан. Улар катта маданият соҳиблари, жаҳонга бир қанча улуғ мутафаккирларни етказиб берган халқлар эканини унутмайлик.

C.U.: Яна унутмайлик, устози авватий. Табаррук номлари жаҳон афкор оммасига танилган, дунё адабиётининг порлоқ юлдузларидан бирига айланган бу зоти калон ўзбекнинг ҳам ўз фарзандидай ардоқли. У халқимизга, Сизнинг таъбирингиз билан айтганда, қалбан, фикран, зикран яқин бир инсон. Ўзбекнинг борига бор, ўзига ёр, қайғусига қайғудош, ҳамларду ҳам-нафас бўлиб келаётган аллома-ю адиблардан.

F.C.: Хўб айтдингиз. Агар бу муғафаккир адибни яна ҳам „торайтирсак“, киндиқ қони тўкилган жой — Шакар қишлоғи бўлади. Ҳайратга лойиқ: ана шу „қандайлир“ Шакар айили, Хизр назарига тушган эканки, мавлюно Чингиз Айтматов туфайли дунё адабий харитасининг марказларидан бирига айланди. Бироқ булар, таъбир жоиз бўлса, адабининг заминий Ватани, она макони. Бундан ташқари, унинг адабий „ватан“лари ҳам бор. Булар: Қозоғистон, Орол, Ўзбекистон, Болтиқбўйи давлатлари, Гуржистон, тарихий Бобил, Фалястин ва бошқалар. Нарёғи — то ҳудудсиз коинотга қадар чўзилиб кетган кўз илғамас кенгликлар...

C.U.: Деса бўладики, Чингиз Айтматов — жаҳон фуқароси. Ватани — бутун дунё. Миллати — Инсон.

F.C.: Унинг тимсол ва қаҳрамонлари: Мўминтой, Бола, Она Бугулар; Акбара ва Тошчайшар (бўрилар); Найман она, Жўломон, Исо Масиҳ, Гурам Жўхадзе... Адабий-худудий жўғрофияси: Курраи замин, Само, Сув, Чўлу Саҳрою Тоғлар... Нега буларни санаяиман? Сабаби, шуларнинг барчаси: адабининг қаламига илингган қум заррасидан тортиб то Коинотнинг силсабил қатраларигача таржимоннинг ҳам тахайюрот оламидан сизиб ўтмоғи даркор. Агар балий сифим тор келиб қолса, таржимада муаллиф ўз қиёфаси ва адабий овозидан маҳрум бўлади...

С.У.: Ана шу масъулиятни Асил Рашидов тўла маънода ҳис эта олдими?

F.C.: Мен адибни беш тилда: қирғиз, рус, турк, татар, туркман тилларига қилинган таржималарда ўқиганман. Айта оламанки, Асил Рашидов билан Иброҳим Faфуровнинг ишлари туркиёна таржималар орасида алоҳила чараклаб ажралиб туради.

Масъулият хусусида. „Майдонга тушган алп манглайини қашимас“, дейдилар. Таржима шундай майдонки, на наслу насабинг, на илму амалинг, на унвону даражаларинг ёрдам бермайди.

С.У.: „Истеъоднинг 99 фоизи меҳнат“ дейишади...

F.C.: Бу гапга унчалик кўшилтмайман. Гарчи бунинг аксини ҳам даъво қилиб бўлмаса-ла. Мен деган бўлардим: „Истеъоднинг учдан икки ҳиссаси — меҳнат, бир ҳиссаси — илоҳий зако“. Айниқса, таржима маҳорати, таржимон иқтидорига тадбиқан дангал шундай деса бўлади.

...Яна масъулият бобида. Таржима санъатини нари қўйинг, борингки, бозор қоровули бўлишининг ҳам масъулияти бор. Таржима эса, Мирзакалон Исмоилий тили билан айтганда, икки Олам юки. Бу ерла ўз „бадиий вазни“ни тўгри чамалай олмаган қаламкаш номдор муаллифни ҳам, ўзини ҳам вазисизлик ҳолатига солиб қўяди.

С.У.: Асил аканинг таржимада қийналган, иккиланган, умидсизланган вақтлари ҳам бўлганми? Ё ҳамма вақт ўзини зўр деб билганми?

F.C.: „Ҳар қандай юмуртқалан ҳам Колумб ериб чиқавермайди“, деган гап бор. Эътибор қилинг. Воҳил Йўлдош ўғли Зоҳидовдай бир аллома Асил Рашидовга „Жамила“ қиссасини таржима қилишда оқ фотиҳа берган экан, бу зоти бокарамнинг Чингиз Айтматовга ҳурматими ёки ўз шогирдининг қобилиятига ишончими?

С.У.: Ҳар иккаласи ҳам.

F.C.: Сиз масъулият дейсиз. Таржимонинг қувончи сру кўкка сифмайди. Қачонки ўзи ўтираётган қиссадаги бирон сўзга, жумлага, мақол ёки ҳикматга муқобил бирон нарса топганида; муаллифнинг муддаосини рӯёбга чиқаза олганида; ярқираб чиқмаётган бирон жумлага кўнгилдагидай оҳор берганида... Бу жула қийин. Чунки таржима, кўпчилик ўйлаганидай, фақат тил муаммосигина эмас. Шу боис, ўзини ҳурмат қилган ҳар бир тар-

жимон, қўлига қалам ушлаган ва муаллифга юзма-юз келган ондан бошилаб, унда алланечук „қўркув“, иккиланиш, журъат-сизликка ўхшаш бир нарса пайдо бўлади. „Мен дунё танийдиган, номи олқину шуҳратга бурканган, афсонавор алп адид билан юзма-юз келиб бўйлашмоқчи ва беллашмоқчи бўляпман. Ё мен бунинг улласидан чиқаман, ё!.. Айтингки, У менинг кулимни кўкка совуриб юбормасин-да ишқилиб. Шошган ўрдакнинг аҳволига тушиб қолмасам бўлгани“.

Ниҳоят, мутаржимга самовотдан ногаҳоний бир далда журъат келади: „Э, таваккал, манов Чингиз оғадай беназир бир зот билан „жанг“ да майдондан чўлоқ бўлиб, икки оёқлаб оқсаб чиқиб кетганим тақдирда ҳам... мен голиб бўламан!“

Кафилик бера оламан: таржимонимиз „шошган ўрдак“ нинг ҳолига ҳам тушмади, қалом майдонидан „чўлоқ“ бўлиб чиқиб кетгани ҳам йўқ. Чингиз Айтматовнинг биринчи, муносаб таржимони бўлиб қолди.

(„Езуви“ газетасининг 2000 йил 9 февраль сонидан қисқартириб олинди.)

ХОТИМА ЎРНИДА

Асли касбим журналист, адабиётшунос, танқидчи, педагог. Таржимачилик эса фаолиятимнинг бир қирраси. Бироқ ижодий тақдиримда таржимачилик чукур из қолдиради, деб ўйлайман.

Маълумки, ҳар бир соҳала кишига сабоқ бериб, йўл-йўриқ кўрсатиб келган азиз, мўътабар устозлари бўлганидек, менда ҳам таржимачилик санъатига ҳавас уйғотган ҳурматли устозларим, яқин дўсларимнинг кўмаги, шубҳасиз, катта бўлган.

1954 йил Тошкент давлат университети физиология факультети бағрида ташкил этилган журналистика бўлимими битириб, полапон бўлиб, газеталарга ишга жойлашган кезларимиз... Шунда ҳам таржима билан шуғулланаман, деган ўй-фикр менда йўқ эди.

Гапнинг қисқаси — таржима бу ҳақиқий санъат эканлиги, унинг зиммасига юклатилган улкан вазифалар тўғрисида, қанчадан-қаингча сағъаткорлар бу мактабдан сабоқ олганликлари хусусида раҳматлик Шароф акам такрор-такрор гапириб берарди.

Демак, у киши бу ҳақда менинг қалбимга биринчи бўлиб ўт ташлаган эли. Иккинчидан, илмий раҳбарим ҳурмагли В.Й.Зо-

ҳилов биринчи даңлат сиҳатгоҳида (стационарида) даволанаётган эди. Қунларнинг бирида кўришга бордим. Домла аллақаңдай асарни берилиб ўқиётгандигининг устидан чиқдим. Асар домлани ўзига шу қадар мафтун этиб, сехрлаб олган эканки, рўпара келганимни ҳам сезмай қолди. „Ассалому алайкум, домла, даволанишлар қандай бўляпти, жуда ҳам китобга шўнғиб кетибсиз-ку“, дедим.

„Офарин, офарин, келдингми?“ деди. (Домла бу сўзни тез-тез такрорлаб туарли.) Дели-ю, ҳол-аҳвол сўрашиш ҳам бир ёқда қолиб кетиб, асарнинг таърифию тавсифи ҳақила сўз юритиб, унлаги ҳар бир персонаж, лавҳа, ҳатто ҳар бир ибора, ҳар бир сўз жонли, таъсирли, билур каби нурланиб мени ўзига шайдо этили, дея завқ билан тўлиб-тошиб сўзлаб кетди: „Асарни туни билан мижжа қоқмай ўқиб чиқдим, даволовчи врачларимдан ҳам танбеҳ эшилдим. Энг муҳими, энди ҳар қандай хасталиклар фориғ бўлиб, ўзимни кўкда парвоз қилиб юрган эркин қушдай сезяпман“.

Кейин билсам, домла тушмагур таниқли француз ёзувчиси Луи Арагоннинг „Культура и жизнь“ журналининг 1959 йил, 7-сонида чоп этилган „Жаҳонда энг гўзал севги қиссаси“ номли катта мақоласини, сўнг топтириб „Жамила“ қиссасини ўқиб чиққан экан.

Суҳбат охирида домла журнални тантанали равишда топширди ва ҳеч қандай иккиланмасдан уни таржима қилишимни буйруқ оҳангига менга юқлади.

Шу-шу, маданиятимиз арбоби, улкан академикнинг бир оғиз илиқ ва самимий сўзи билан Луи Арагондай санъаткорни ўзига мафтун этган жаҳонда энг гўзал севги қиссаси „Жамила“ни таржима қилишга киришдим. Тақдир тақозоси ва қолаверса устознинг бир оғиз сўзи мени Чингиз Айтматовнинг бадиий оламига олиб кирган биринчи даъват эди. Бу даъват менинг хотирамда бир умр сақланиб қолгай. Мана, бу жаҳони қиссанинг ўзбек халқининг маънавий мулкига айланганига ҳам ярим асрдан ошиби.

Қисса босилиб чиққандан сўнг орадан кўп ўтмай F. Фулом номидаги наприетда ҳурматли ёзувчимиз Абдулла ака (А. Қаҳҳор) билан учрашиб қолдим. У кини асарни бир нафасда ўқиб чиққандиги ҳақила мамнуният билан тапириб, таржимачилик инини тўхтатмасдан давом эттиришни маслаҳат берди. Устоз

алиб, сўз сеҳргарининг дилдан айтган бундай самимий, илиқ сўzlари менга далда берди, қанот бағишиллаи.

Учинчидан, таржимачилик фаолиятимда муҳим аҳамияг қасб этган омилларнинг яна бири — дўстим — қомусий олим, сўз устаси Файбула Саломовдир. У ҳар бир таржима юзасидан ўзининг самимий муносабатини ҳозиржавоблик билан билдириш фазилатига эга эди.

Тўртинчидан, Чингиз Айтматовнинг ватани — Қирғизистон. Чингиз оға билан ярим асрдан ортиқроқ давр мобайнида қадрдонлашиб кетган эдик. Алиб бизнинг ўлкамизда, камина эса қирғизлар диёрида бўлиб, адабий-маданий алоқаларимиз тўғрисида, хусусан, таржима санъати, муаммолари, сир-асрорлари хусусида неча бор диллан суҳбатлашганимиз ёдимда.

Шу ўринда истеъодли ёзувчимиз Ўткир Ҳошимовнинг қуидаги топиб айтган сўzlари ёдга кслади: „Балий асарини бир тилдан иккинчи тилга ўгирастган одам асар мазмунини эмас, унинг оҳангини, руҳиятини, туйғуларини ҳам таржима қилмоғи керак. Туйғу ва руҳни таржима қилиш эса анҷайин мураккаб жараён. Бунинг учун таржимон асар муаллифининг ҳаяжонларини теран ҳис қилиши, ўзида ҳам шоирлик ёки адиблик иқтидоридан озми-кўпми бўлиши шарт! Яъни, таржимон муаллиф билан жўр овоз бўлиб кўйлай олмоғи лозим“. Чингиз Айтматовнинг асарлари билан ошно бўлиш, улар билан тил топишиш, ёзувчимиз айтгандай „жўр овоз бўлиш“ мен учун осон кечмади, балки ҳар қандай машаққатли меҳнат сингари олам-олам вақт ҳамда куч-ғайрат талаб қилди. Энг муҳими, бу юмуш мен учун ўзига хос катта бир мактаб ролини ўтади. Таржимон — муаллифнинг садоқатли дўсти, деганилари рост. Менинг таржимачилик фаолиятимга бевосига муаллиф, яъни Ч.Айтматовнинг ўзи бош-қош бўлиб турди. Шу ўринда буюк олмон шоири ва мутафаккири Ҳётенинг сўzlари ёдимга келади: „Кимки адибни билишни истаса, унинг ватанига борсин...“ Йиллар ўтиб муаллиф асардан-асарга ўтган сари унинг маҳорати ҳам юксалиб, тасвирлаш усувлари, воситалари тобора боийиб, сайқал топиб, ранг-баранглашиб, соддаликлан теранлика, ихчамликдан қамровлиликка ўсиб, мураккаблашиб борастгани сир эмасди. Аммо ҳар гал адибнинг янги асарини ўқишга тутинар эканман, у мени ўзига оҳанрабодек торгиб олар ва мен

уни таржима қилишдан ўзимни тия олмасдим. Бу муаллиф билан таржимоннинг ҳамиша ҳамкор, ҳамнафас, ҳамлард, қисқаси узлуксиз ижодий муроқотда бўлиб туришини ҳам тақозо қиласди, албатта.

Таржима — ижод оламининг бир тури. У қитъалар масофасини яқинлаштириб, миллатни миллат билан, ҳалқни ҳалқ билан, тилни тил билан, дилни дил билан боғлайди, бошқача айтганда, миллий маданиятлар ҳамкорлигига хизмат қиласди. „Таржималар кўпинча асарнинг асл нусхасини ўқимаган ва ўқий олмайдиган кишилар учун қилинади; лекин энг муҳими шундаки, бир ҳалқнинг адабисти асарларининг бошқа ҳалқ тилига таржима қилиниши асосида ҳалқлар бир-бирлари билан танишадилар, ўз foяларини бир-бирлари орасида тарқатадилар, бу эса адабиётларнинг гуллаб-яшнашига, foявий тараққиётига сабаб бўлади“¹. Шуни ҳам айтиш керакки, таржиманинг ўзи ҳам, бошқа ҳар қандай ижодий иш сингари, турли соҳа кишилари — муаллифдан тортиб, таржимон, танқидчи, муҳаррирлар ҳамкорлигига яратилади.

Бу ўринда ўтган асрда ўзбек китобхонларини жаҳон адабиёти дурданалари билан ошно қилишга салмоқли ҳисса қўшган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Faфур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳор, Миртемир, Мирзакалон Исмоилий, Миркарим Осим, Малик Раҳмон каби атоқли адаб ва шоирларнинг хайрли юмуниларини давом эттирган ва давом эттираётган профессионал таржимонлик мактаби вакиллари Олил Шаропов, Қодир Мирмуҳамедов, Ваҳоб Рўзматов, Сотволди Йўлдошев, Шариф Толибов, Илёс Муслим, Мирзиёд Мирзоидов, Ҳасан Тўрабеков, Сайдадаҳмат Худойберганов, Эркин Миробидов, Иброҳим Faфуров, Низом Комилов, Маҳкам Маҳмудов, Раҳимжон Отаев, Тўлқин Олимов, Шоир Усмонхўжаев, Урфон Отажон, Ортиқбай Абдуллаев, Азиз Саид, Суюн Қораев каби таржимон ва муҳаррирларнинг хизматларини алоҳида қайд этмоқчиман.

Таржима хусусида сўз кетар экан, Чингиз Айтматовнинг таржималарим ҳақидаги қуйидаги сўzlари мен учун айниқса кимматлидир:

¹ В. Г. Белинский. Полн. собр. соч., Т. VIII. — М., Изд-во АН СССР, 1955, 264-бет.

„...Менга ихлос қилиб, китобларимни ўзбек тилига таржи-
ма қилган дўстларимга, — леб ёзган эди Чингиз Айтматов, —
айниқса алабиётшунос, таржимон Асил Рашидовга ташаккур
айтмоқчиман. Чунки менинг „Оқ кесма“, „Жамила“, „Алвидо,
Гулсари!“ каби бир қанча повестларимни Асилжон ўзбекчага
худди мен қирғиз тилида ёзгандай жарангли таржима қила олди.
Мана шунинг ўзи ҳам дўстликнинг куч-құдратидир“¹.

Тавалтудимнинг 75 йиллиги муносабати билан севимли ади-
бимиз Чингиз оғанинг жон дўсти Одил акага йўллаган бир мак-
тубида муаллиф яна шундай самимий қутлов сўзларини ёзган
эди: „Бизнинг телефон орқали сұхбатимизга мувофиқ, сенинг
саволинг бўйича қўйидагиларни маълум қиласман: муаллиф си-
фатида менинг ўзбек тилидаги асарларимнинг биринчи жиљи
бўйича муаллифлик гонорарига даъвогарлик қилмайман.

Бу ҳақда асарларимнинг таржимони Асил Рашидовни ха-
бардор қилишингни илтимос қиласман.

Яна Асил Рашидовга унинг 75 ёшта тўлиши муносабати
билан менинг самимий табрикларимни етказишингни сўрай-
ман. Асил Рашидовнинг истеъодии алабиётшунос сифатида
ижодий муваффақиятларини юксак қадрлайман ва ҳар доим
унинг ўзбек халқининг XX асрдаги машҳур фарзанди, совет
даврининг таниқли арбоби Шароф Рашидовнинг укаси экан-
лигини ёдда тутаман.

*Самимият билан Сизнинг Чингиз Айтматов.
2005 йил 21 апрель, Брюссель шаҳри “(имзо)².*

¹ Ю.Хамдамов. Дуслик құдрати. „Ёш ленинчи“. 1976 йил 17 апрель.

² Мазкур мактуб Одил Ёқубовнинг шахсий архивида сакланади.

Яна бир гап. Яқинда ҳаётдан күз юмған устоз ва шогирд — Чингиз Айтматов билан атөқли журналист Айвар Жўрабоевларнинг 2008 йил апрелда ёзувчининг хонадоноида ўзаро сұхбатлашганиклари ҳақидаги матн сақланып олганда маълум бўлди. Қуйидаги шу сұхбат матнидан биринчи бор парча берилмоқда¹.

— Чингиз Айтматов билан қачон ва қаерда бўлмасин учрашиб қолсак, адаб Асил Рашидов ҳақида сўраб, қайтишимда унга салом айтишимни тайинларди, — деганли Айвар Жўрабоев.

— Менинг, аввало, унинг истеъоди, айниқса таржимонлиги хайрон қолдирди. Асарларим кўп тилларга ўгирилган, аммо ўзбекчаси, айниқса, Асил Рашидов таржима қилган қиссаларим бошқача чиққан, бунга ўша йиллари Ўзбекистондан олган қатор мактубларим гувоҳ. Асил ака ҳар бир қаҳрамоним сиймосини ўзим тасаввур этгандек ошиқча бўёқларсиз очишга интилган ва бунга эриша олган ҳам. Қирғиз халқининг, айниқса шофёр, чўпон-чўлиқларнинг турмуши ҳақида битган қиссаларим шу қадар ёрқин ўгирилганидан доимо ўзимда йўқ шод бўлиб, таржимонга юрак-юракдан раҳматлар айтардим. Менинг ўзбек адабиётидан, муҳими эса қардош ўзбек китобхонлари қалбидан жой эгаллашимга Асил Рашидовнинг хизматлари бекиёс. Шуни қайта-қайта таъкидламоқчиманки, у, аввало, ҳар бир юмушга ўта масъулият билан ёндапади, қаҳрамонларимнинг тилинингине эмас, балки уларнинг дилини талқиқ этишга, тўғрироги эса, юрагини забт этишга уринади, кейин қирғизчани, айниқса, оддий халқ тилини мукаммал билади, шу боис ҳам у ўгирилган асарлар оригинали билан ҳамоҳангидир. Дастьлаб, улар қандай чиқди экан дея саволлар тузиб, Асил Рашидов ўгирилган айрим қиссаларимни янада синчиклаб кўриб, таржимоннинг маҳоратига лол қолувдим, бу биринчидан, иккинчидан эса, шу таржима асарларим менга ўзбек тилини чукурроқ ўрганишда кўмак ҳам берганидан беҳад мамнунман! Асил Рашидов иқтидорли таржимон бўлиб, менинг асарларимни ўзбек китобхонларининг дилига етказиш учун кўп куч сарфлагани учун

¹ Ушбу сұхбат матни Айвар Жўрабоевнинг шахсий архивида сақланади.

ҳар гал қувониб жўшардим. Шуниям таъкидламоқчиманки, у киши қирғиз тилини луғатлардангина эмас, ҳаётдан ўрганиб билиб олган, деган таассурот пайдо бўлади менда, бу эса таржимоннинг масъулияти қанчалар улуғлигини тасдиқлади.

Мен Асил Рашидовнинг камсўзлиги, самимилиги ва айникса камтарлигини хуш кўраман. Раҳматли акаси Шароф Рашидов қувфинга учраганида у ҳам қанчалар изтироб чеккани аниқ, лекин унлаги умид, эътиқод заррачаям синмаганини эшишиб, бундай иродаси кучли одам билан яна бир марта гуурландим.

Ана шунлай алиб ва таржимон дастлаб менинг ижодим билан ўзбек адабиёти ўртасида кўприк ясагани мен учун чексиз қувончдир.

Олатов куйчисининг бундай самимий, илиқ сўзлари биринчидан, умуман олганда, алиб асарларини таржима қилишга ва тадқиқ этишга бўлган иштиёқ, қизиқишимни ўн чандон оширган бўлса, иккинчидан, ёзувчининг ҳар бир янги асари таржимасига янада катта масъулият билан қарашта даъват этади. Мухтасар қилиб айтганда, юқорида санаб ўтилган асосий омиллар менинг таржимонлик фаолиятимнинг ўзагини ташкил этади.

„Адабиёт ёрдамида, — таъкидлаган эди Р.Тагор, — биз бошқа одамлар билан руҳий яқинлик ҳис қиласиз. Одамларнинг юрагини битта қилиб бирлаштирадиган юрак ўйлаб тошилган эмас. Бироқ бадиий адабиёт худди мана шу нарсага қодир“. Худди шунингдек, Чингиз Айтматов бир сұхбатида: „адабиёт турили миллат ва элатларнинг бошини бириктиради, керак бўлса қитъаларни қитъалар билан дўстлаштирили“, деганини эслайман. Шу маънода адабиёт, таржима — давр маҳсули, у халқлар ўртасидаги дўстлик кўпригига ўхшайди.

Ишимизнинг интиҳосида шуни айтмоқчиманки, Чингиз оғадек улкан санъаткор асарларини ўз тилимизга илк бор таржима қилиш баҳтига мусассар бўлган эканман, адабининг ҳаёт-баҳш мактабидан сабоқ олганимдан фахрланаман. Бу йўлда кимки менга бир оғиз илиқ сўз билан далда берган бўлса, миннатдорчилигимни билдираман ва уларнинг беминнат хизматлари олдида ўзимни доимо қарздор, деб биламан.

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ АСАРЛАРИ ВА У ҲАҚДАГИ КИТОБЛАР, МАҚОЛАЛарНИНГ ҚИСҚАЧА БИБЛИОГРАФИЯСИ

1. Айтматов Ч. Танланган асарлар. 2 жилдик, 2-жилд. — Т.: Faфур Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978 йил, 392-бет.
2. Айтматов Ч. Танланган асарлар. 1-жилд. — Т.: Faфур Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978 йил, 408-бет.
3. Айтматов Ч. Ёзувчи ва замон. — Т.: Faфур Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981 йил, 328—329-бетлар.
4. Айтматов Ч. Очерки, статьи и рецензии о творчестве писателя. Фрунзе, издательство „Кыргызстан“, 1975, стр. 15.
5. Айтматов Ч. В соавторстве с землею и водою... Фрунзэ, издательство „Кыргызстан“, 1978 г., стр. 75.
6. Айтматов Ч. Ёзувчи ва замон. // Адабиёт ва замон. — Т.: Faфур Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981 йил, 328-бет.
7. Айтматов Ч. Эрга қайтган турналар. — Т.: „Ёш гвардия“ нашриёти, 1988 йил, 77-бет.
8. Айтматов Ч. „Кыргызстан маданияти“, 1972 йил 27 апрель.
9. Айтматов Ч. И дольше века длится день. Роман. Фрунзэ, издательство „Кыргызстан“, 1981 г., стр. 5.
10. Айтматов Ч. Романлар. Асрға татигулик күн, Қиёмат. — Т.: Faфур Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989 йил, 42 ва 277-бетлар.
11. Айтматов Ч., Шохонов М. Чүкцида қолган овчининг охузори. — Т.: „Шарқ“ нашрият матбаа концерни бош таҳририяти, 1998 йил.
12. Айтматов Ч. Кулаётган тоғлар. Роман. „Жаҳон адабиёти“ журнали, 2008 йил XI—XII, 2009 йил I сонлар. И. Faфуров таржимаси.
13. Айтматов Ч. Чингизхоннинг оқ булути. Қисса. F. Fулом номидаги нашриёт. — Т., 2004 йил. И. Faфуров таржимаси.
14. Айтматов Ч. Ё ҳаёт, ё мамот. „Ёшлик“ журнали, 1986 йил, №10.
15. Айтматов Ч. Тўйнинг эртаси ҳам бор. „Ватан“ газетаси, 1995 йил, 22—29 сентябрь.
16. Айтматов Ч. Необходимые уточнения. // В соавторстве с землею и водою... Фрунзэ, издательство „Кыргызстан“, 1978 г., стр. 130-135.
17. Айтматов Ч. Точка присоединения // Беседу вел В.Левченко. „Вопросы литературы“, 1976 г., №8.
18. Азиз ўғли. Луи Арагон севгиси („Жамила“ қиссасини ўқиб...) Ўзбекистон адабиёги ва санъати газетаси, 2007 йил 26 январь.
19. Акматалиев А. Ч. Айтматов жана боордош элдер адабияти. Фрунзэ, „Илим“, 1988 г.

20. Акматалиев А. Истъод — барчага тегинчили муштарақ нөймат. „Ленинчил жаш“ газетаси, 1982 йил 4 аугуст.
21. Акматалиев А. Роль творчества Ч.Айтматова в развитии взаимосвязей и взаимообогащения современных литератур Киргизии и Казахстана. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Фрунзе, 1982 г.
22. Арагон Л. Самая прекрасная повесть о любви в мире. „Культура и жизнь“, 1959 г., №7, стр. 13.
23. Асаналиев К. Новая повесть Чингиза Айтматова. „Советская Киргизия“, 1966 г., 27 апреля.
24. Асаналиев К. Открытие человека современности. Заметки о творчестве Чингиза Айтматова. Фрунзе, 1968 г.
25. Ауэзов М. Путь добры! „Литературная газета“, 1958 г., 23 октября.
26. Барабаш Ю. Высокие цели творчества. „Правда“, 1965 г., 26 февраля.
27. Берзер А. Победа и поражение Ильяса. „Новый мир“, 1961 г., №4.
28. Бобулов К. Трудная переправа. (Заметки о творчестве Чингиза Айтматова). — В кн.: Литература и современность. М., Гослитиздат, 1962 г.
29. Богданов А. Правда материнская и правда народная. „Дружба народов“, 1963 г., №10.
30. Богданов А. Целесустримленным глазам... // Чингиз Айтматов. Очерки, статьи и рецензии о творчестве писателя. Фрунзе, издательство „Кыргызстан“, 1975 г., стр. 176.
31. Богданов А. Целесустримленным глазам... „Дружба народов“, 1964., №1.
32. Бочарова А. Вечная нить. „Литературная газета“, 1963 г., 3 августа.
33. Воронов В. Чингиз Айтматов. Очерк творчества. М., 1976 г.
34. Газим-Бег-Баганов. Люди, будьте справедливы! „Дагестанская правда“, 1966 г., 21 августа.
35. Гачев Г. В ускоренном движении литературы. „Вопросы литературы“, 1963 г., № 3.
36. Гачев Г. Чингиз Айтматов и мировая литература. — Ф.: издательство „Кыргызстан“, 1982 г.
37. Гачев Г. Любовь. Человек. Эпоха. Рассуждение о повести „Джамиля“ Чингиза Айтматова. М.: Советский писатель, 1965 г.
38. Глинкин П.Е. Чингиз Айтматов. Издательство Просвещение, Ленинградское отделение. Ленинград, 1968.
39. Горький М. Бадий ижод ҳақыда. Мақолалар түплами. — Т.: Бадий адабиет нашириети, 1960 йил, 15-бет.

40. *Горький М.* Соб. соч. в 30-ти т., т. 17. М., Изд. художественной литературы, 1952 г., стр. 190.
41. *Дементьев В.* Здравствуй, Танабай! „Литературная газета“, 1966 г., 7 июня.
42. *Дониёров Х., Каримов М.* Чингиз Айтматов асарлари ўзбек тилида. „Ўзбекистон маданияти“ газетаси. 1965 йил 21 июль.
43. *Ёкубов О.* Чингиз Айтматовнинг фалсафий башоратлари. // Чингиз Айтматов. Охирзмон нишоналари. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашристи. — Т.: 2007.
44. *Ёкубов О.* Буюк донишманд инсонни эслаб... // Чингиз Айтматов. Тоқлар қуластган замон (Абадий қаллик). — Т.: „VEKTOR-PRESS“, 2009 йил.
45. *Жұрабоев А.* Алибни сүнгі мәнзилге қуатув. // Чингиз Айтматов навечно в сердцах узбекистанцев. — Т.: „NOSHIR“. — 2008 йил.
46. *Зохидов В.* Давр адаби. // Жаҳон бадиияти зарнарақлари. — Т.: Fafur Fулом номидаги Алабиёт ва санъат нашриёти, 1980 йил.
47. *Ибрагимов О.* Адамзат асиретин айтип... // Чыңғыз Айтматов. Қыямат. Фрунзе, „Адабият“, 1988.
48. *Искандарова О.* Тирик жонни маҳв этма... (Чингиз Айтматовнинг „Қиёмат“ романидаги бир ҳикоя хусусида). „Ўзбекистон адабиёти ва санъат“ газетаси, 1992 йил, 3 июль.
49. История Киргизской советской литературы. — М.: Наука, 1970 г.
50. *Исааков С.* Поэтичность и искренность. „Молодежь Эстонии“, 1963 г., 3 марта.
51. *Караев С.* Об узбекском и киргизском переводах // Чингиз Айтматов навечно в сердцах узбекистанцев. — Т.: „NOSHIR“ — 2008 йил.
52. *Каташ С.* Здравствуй, белый пароход. „Звезда Алтая“, 1972 г., 2 мая.
53. *Кашкадамов И.* Сказанис о человеке. „Учительская газета“, 1962 г., 28 августа.
54. *Кедрина З.* Золотая жила. „Москва“, 1961 г., № 8.
55. *Коркин В.* Человеку о человеке. Заметки о творчестве Чингиза Айтматова. Фрунзе: Кыргызстан, 1974 г.
56. *Кузнецов М.* „Как сгебель от корней“. „Комсомольская правда“, 1963 г., 8 августа.
57. *Крымова Н.* Только бы вернулся отец..., „Дружба народов“, 1976 г., № 2.
58. *Крутин С.* Обида Танабая. „Дружба народов“, 1966 г., № 10.
59. *Лебедева Л.* Неразделенные контрасты. „Новый мир“, 1966 г., № 9.

60. *Лебедева Л.* Неразделенные контрасты // Чингиз Айтматов. Очерки, статьи и рецензии о творчестве писателя. Фрунзе, издательство „Кыргызстан“, 1975 г., стр. 294.
61. *Лебедева Л.* В поисках чудесного сплава. „Дружба народов“, 1961 г., № 9.
62. *Ломидзе Г.В.* В поисках нового. — М., 1963 г.
63. *Маркиш Д.* Земля его героев. „Литературная газета“, 1967 г., 22 ноября.
64. *Марков Г.* Современность и проблемы прозы. „Литературная газета“. 1967 г. 24 мая.
65. *Медовников С.* Диалектика постижения. „Вопросы литературы“. 1984 г., № 10.
66. *Медведев А.* Человечность в наступлении. „Искусство и кино“, 1977 г., № 5.
67. *Межелайтис Э.* День нынешний стучится в дверь. „Литературная газета“, 1961 г., 27 мая.
68. *Мелибоев А.* Янгиланаётган дунс ва алиб мастьулияти. „Жаҳон адабиёти“, 2006 йил, март сони.
69. *Мирза-Ахмедова П.* Национальная эпическая традиция в творчестве Чингиза Айтматова. — Т.: „Фан“, 1980 г.
70. *Мирза-Ахмедова П.* Восхождение к себе // Ковчег Чингиза Айтматова. Москва, Воскресенье, 2004 г., стр. 241.
71. *Мотяшов И. А* земля — вертится! „Москва“, 1966 г., № 8.
72. *Наидеев А.* Владыка мира. Москва, издательство Советская Россия, 1965 г.
73. *Назаров Б.* Чингиз Айтматов. // XX аср ўзбек адабиёти, дарслик. — Т.: „Ўқитувчи“, 1995 йил.
74. *Невская Б.* Прекрасная история любви. „Труд“, 1963 г., 23 мая.
75. *Поневшили И.* Счастье Джамили. „Правда“, 1961, 2 апреля.
76. *Новиков В.* Художественный поиск (О стилевом своеобразии повестей Ч.Айтматова „После сказки“ (“Белый пароход“), „Ранние журавли“, „Пегий пес, бегущий краем моря“) // Движение истории — движение литературы (наследие и стилевое богатство современной советской литературы) Москва, Советский писатель, 1982 г.
77. *Новиков В.* Идейно-эмоциональная выразительность стиля. „Вопросы литературы“. 1984 г., № 12.
78. *Норматов У.* Фош этиш санъати. „Ўзбекистон маданияти“ газетаси, 1971 йил 10 август.

79. *Озимитель Е.* „Дивясь величию нашего похода...“, „Литературное обозрение“, 1974 г., № 10.
80. *Оскоцкий В.* Хвала и хула. „Литературная газета“, 1963 г., 30 ноября.
81. *Оскоцкий В.* Герои и судьбы. О повестях Чингиза Айтматова. // В содружестве талантов. Москва: „Просвещение“, 1978 г., стр.199.
82. *Панкина В.* Родники. Литературная газета, 1962 г., 7 августа.
83. *Плисецкий М.* Поиски и достижения Чингиза Айтматова. „Радионское литературоиздательство“, 1963 г. № 6. (Перевод Нечестайло).
84. *Потапова К.* Сыновья земли. „Комсомольская правда“, 1963 г., 7 февраля.
85. *Радов Г.* Танабай, друг Айтматова. „Комсомольская правда“, 1966 г., 6 мая.
86. *Разумная И.* Санъаткорнинг олами. „Шарқ ўлдузи“, 1978 йил, №11.
87. *Рашидов А.* Севги гимнидан „Оқ кема“гача. „Совет Ўзбекистони“ газетаси, 1972 йил, 2-сон.
88. *Рашидов А.* Ёрқин истесьод. „Ўзбекистон адабиёти ва санъати“ газетаси. 1982 йил 22 октябрь.
89. *Рашидов А.* Олатов күйчиси. „Ўқитувчилар газетаси“, 1970 йил 11 июнь.
90. *Рашидов А.* Чингиз Айтматов мактаби. Низомий номидаги ТДПУ „Хозирги ўзбек адабиёти“ кафедраси илмий мақолалар тўплами. — Т., 2005 йил.
91. *Рашидов А.* „Оқ кема“нинг ойдин йўли. „Анъана ва замонавийлик“. Илмий тўплам. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. — Т., 2007.
92. *Рашидов А.* Чингиз Айтматов. Адабий портрет. // Сўнмас ўлдузлар. — Т.: Faфур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981 йил.
93. *Рашидов А.* Курашчан, ҳаётбахш қўшиқ. „Ўқитувчилар газетаси“, 1971 йил, 25 февраль.
94. *Рашидов А.* Ҳаёт ва нафосат рамзи. „Ўзбекистон маданияти“, 1972 йил 27 май.
95. *Рашидов А.* Ҳастлай сертўлқин. „Ёш ленинчи“, 1972 йил 1 июнь.
96. *Рашидов А.* Ўзбек адабиётининг катта дўсти (Ч.Айтматов 50 ёшда), „Совет Ўзбекистони санъаги“, 1978 йил, №12.
97. *Рашидов А., Саломов F.* Ҳаёт — адабиёт — таржима. „Ўқитувчилар газетаси“, 1978 йил 14 декабрь.
98. *Рашидов А.* Непокой настоящей жизни (личность и творчество Ч.Айтматова), „Звезда Востока“, 1973 г., № 12.

99. Рудов М. Писатель и время. „Советская Киргизия“, 1962 г., 12 декабря.
100. Сайдов А. Чингиз Айтматов — гениальный писатель современности. Новости Узбекистана. 2008 г., декабря.
101. Сайдов А. Чингиз Айтматов как дипломат // Чингиз Айтматов. Төглар қуластган замон (Абадий қаллик). Т.: „VEKTOR-PRESS“, 2009 йил.
102. Сайдов А. Афсонавий сузучи ва унинг охирги романни ҳақида // Чингиз Айтматов. Тоглар қуластган замон (Абадий қаллик). Т.: „VEKTOR-PRESS“, 2009 йил.
103. Сайдов А. Ярим асрлик тадқиқот. „Моҳият“, 2009 йил 25 февраль.
104. Сайдов А. Чингиз Айтматовнинг мангу қайлиғи. „Моҳият“, 2009 йил 24 июль.
105. Саломов F., Бобоев Т. Бизнинг Чингиз. „Совет Ўзбекистони“ газетаси. 1966 йил 17 июль.
106. Саломов F. „Оқ кема“ни ўқиб. „Совет Ўзбекистони“ газетаси, 1972 йил 14 май.
107. Саломов F. Она буғу ҳақида қўшиқ. „Тошкент оқшоми“ газетаси, 1972 йил 18 апрель.
108. Саломов F. Одамоҳун бола ҳақида қисса. „Тошкент ҳақиқати“ газетаси, 1972 йил 28 июнь.
109. Саломов F. Бадий таржима бадий ижодлар. „Ўзбекистон маданияти“ газетаси, 1962 йил 20 январь.
110. Саломов F., Бобоев Т. Услуб жилолари. „Ўзбекистон маданияти“, 1969 йил 12 сентябрь.
111. Саломов F. Мен сув ичган дарёлар. — Т.: „Ёш гвардия“ нашриёти, 1990 йил, 157—158-бетлар.
112. Салоҳиддинов У. Қалбларга яқин ижод таронаси. „Ўқитувчилар газетаси“, 1962 йил 9 сентябрь.
113. Салиев А. Светлыи талант. „Советская Киргизия“, 1963 г., 23 апреля.
114. Салахян А. О человеске чистом, как родник... „Дружба народов“ 1962 г., № 9.
115. Сейданов Х. Чингиз Айтматов ва ўзбек адабиёти. — Т.: „Ўзбекистон“, 1999.
116. Симонов К. Земная правда романтики. „Правда“, 1965 г., 18 декабря
117. Скобелев Э. Путь Танабая. „Октябрь“, 1967 г., № 2.
118. Селиверстов М. Откровения любви. Заметки о творчестве Чингиза Айтматова. Фрунзе, 1966 г.

119. Софронова В. Исповедь человека. „Литературная Россия“, 1963 г., 11 октября.
120. Сувон Мели. Бадий трагизм қирралари. (Чингиз Айтматовнинг „Асрни қаритган кун“ романы асосида). „Ўзбек тили ва адабиети“, 2002 йил, 2-сон.
121. Сувон Мели. „Асрни қаритган кун“ романи бадий структурасининг айрим хоссалари. „Ўзбек тили ва адабиёти“, 2010 йил, 2-сон.
122. Татауров Н. Открытие человека в человеке. „Учительская газета“, 1978 г., 12 декабря.
123. Турсунов Т. „Момо ер“. „Ўзбекистон маданияти“ газетаси, 1965 йил 15 декабрь.
124. Тихонов Н. Пафос гворчества — жизнь народа. „Правда“, 1968 г., 10 ноября.
125. Тоҳур Қаҳҳор. Ўзбекнинг Чингизи. // Анқара. „Қардош қаламлар“ — Евросис сузувчилар ўюнмасининг журнали. 2008 йил, №19.
126. Тюрин В. Люди прекрасной души. „Новгородская правда“, 1963 г., 17 февраля.
127. Умиров С. Ковчег Чингиза Айтматова. „Труд“, 2004 г., 24 сентября.
128. Файзулаев О. Ёзувчининг илмий фантазияси. „Жаҳон адабиёти“, 2005 йил, июнь сони.
129. Хайлов А. Повесть верности. „Сибирские огни“ 1966 г., №10.
130. Хорошихин В. Повести гор и степи. „Правда Востока“, 1963 г., 2 июля.
131. Чалмаев В. Литература судьбы народной. — Москва, Знание, 1966 г.
132. Чалмаев В. В поисках жар-птицы. Молодая гвардия, 1962 г., № 3.
133. Чиров Д. Постигая мудрость жизни... „Дальний Восток“, 1977 г., № 11.
134. Чингиз Айтматов навечно в сердцах узбекистанцев. (Книга воспоминаний). — Т.: „NOSHIR“ — 2008.
135. Шарафутдинова М. Ч.Айтматов и узбекская литература // Филология масалалари. — Т., 2004, № 4, 9-12- бетлар
136. Шарипова Ш. Алабий алоқалар. „Ўзбекистон маданияти“ газетаси, 1977 йил 22 апрель.
137. Шарипова Ш. Чингиз Айтматов ва ўзбек адабиёти. „Ўзбекистон маданияти“ газетаси. 1978 йил 8 декабрь.
138. Шодиев Н. Ассалом, оқ пароход. „Тошкент оқшоми“. 1970 йил 26 май.

139. Шукрулло. Қадаҳ. „Ўзбекистон маданияти“ газетаси, 1978 йил 8 декабрь.
140. Эльсберг Я. Литература, объединяющая людей. „Правда“, 1968 г., 19 января.
141. Юсупов Ҳ. Асрға татигулик умр. „Нур“ газетаси, 2008 йил 19 июнь.
142. Якименко Л. О поэтике современного романа. „Дружба народов“, 1971 г., № 6.
143. Яшин К. Саодат күйчиси. // Чингиз Айтматов. Танланган асарлар, 2 жилдик, 1-жилл. — Т.: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978 йил.
144. Қораев С. Инсониятни огоҳ этувчи асар. „Халқ сўзи“, 1995 йил 21 ноябрь.
145. Қораев С. Кассандра тамғаси нима? „Миллий тикланиш“, 1996 йил 16 январь.
146. Қулжонов А. Санъаткор олами. „Ёш ленинчи“, 1978 йил 12 декабрь.
147. Қулжонов А. Шарқ шухрати. Гулистан, 1988 йил.
148. Faфurov И Эски ва янги ривоятлар. // Чингиз Айтматов навечно в сердцах узбекистанцев. (Книга воспоминаний). — Т.: „NOSHIR“. 2008.
149. Fуломов Б. Машҳур қисса саҳнада. „Ўзбекистон маданияти“ газетаси, 1978 йил, 14 ноябрь.
150. Ҳасанов Б. Бесубор қалб қушиғи. „Ёш ленинчи“, 1964 йил 15 декабрь.
151. Ҳазратқулов М. Саҳна ва экран жилоси. „Ўзбекистон маданияти“ газетаси, 1978 йил 8 декабрь.
152. Ҳамдамов Ю. Дўстлик қудрати. „Ёш ленинчи“ 1976 йил 12 декабрь.

МУНДАРИЖА

И.Фафуров. Асил муаллим — таржимон ва тадқиқотчи (Сўз боши)	4
Чингиз оға чамани (Муқаддима ўрнида)	8
Чингиз Айтматов — моҳир ҳикоянавис	28
Ҳаст билан юзма-юз	40
Жаҳонда энт гўзал севги қиссаси ёхуд насрда битилган достон	53
Ноёб тақдирлар ёхуд йўқотилган севги	69
Замондошларимизнинг маънавий гўзалиги	81
Чашма сувидек мусаффо	90
Камолот сари	101
Садоқат мадҳи	122
„Оқ кема“нинг ойдин йўли	137
Соҳил сқалаб чонаётган олапар	161
Инсон меҳнат-ла буюклир	167
Огоҳликка даъват	195
Адабий дўстлигимиз — адабий дўстлигимиз	210
Чўққи устида қуёш	217
Ҳаёт — Адабист — Таржима (адабий сухбат)	224
Чингиз Айтматовнинг асл таржимони (адабий сухбат)	233
Хотима ўрнида	240
Чингиз Айтматов асарлари ва у ҳақдаги китоблар, мақолаларнинг қисқача библиографияси	247

Рашидов, Асил.

83.3(5Кир) Р31 Чингиз Айтматов олами/А. Рашидов; И. Фафуровнинг умумий гаҳрири остида. — 2-қайта ишлаб тўлдирилган нашри. — Т. „O'qituvchi“ НМИУ, 2011. — 256 б.

ISBN 978-9943-02-404-5

УДК: 821.512.133

ББК 83.3(5Кир)

АСИЛ РАШИДОВ

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ ОЛАМИ

Монография

*„O'qituvchi“ нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2011*

Муҳаррирлар: *Абдулла Ҳасанов*

Покиза Аъзамова

Бадиий муҳаррир *Гулчехра Шоабдурраҳимова*

Техник муҳаррир *Сурайё Набиева*

Мусахҳид *Тошпўлат Мирзаев*

Компьютерда саҳифаловчи *Нодира Аҳмедова*

Нашриёт лицензияси А1 №161 14.08.2009. Оригинал-макетдан босишга рухсат этилди 30.05.2011. Бичими 60×84¹/₁₆. Кетми 10,5 шиноли.

Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Офсет қозози.


Шартли б.т. 14,88+0,93 ч.б. вкл. Нашр т. 14,68+1,0 ч.б. вкл.

2000 нусхада босилди. Буюртма № 69-11.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг „O'qituvchi“ наприест-матбаа ижодий уйи. Тошкент — 129. Навоий кўчаси. 30- уи. // Тошкент, Юнусобод даҳаси. Янгишаҳар кўчаси, I- уи.

Шартнома № 07-82-11

620 e



Асил Рашидов 1930 йылнинг 1 январида Жиззах вилоятининг Жиззах туманига қараши Совунгарлик маҳалласида таваллуд тонган. Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетининг журналистика бўйимини тамомлаган. Таниқни алабиётшунос олим, моҳир таржимон. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ўқитувчи. „Леся Украинка”, „Инсон ва меҳнат мадҳи”, „Ишчи - қиссаларимиз қаҳрамони”, „Ўзбек қиссаларида меҳнат тасвири”, „Сўнмас юлдузлар”, „Эзгуликка баҳшида умр”, „Акам ҳақида”, „Чиниқиш мактаби”, „Чингиз Айтматовнинг бадиий олами” сингари монография ва рисолалари китобхонлар эътиборини қозонган.

Асил Рашидовнинг фаолиятида, айниқса, таржимачилик салмоқчи ўрин туради. Унинг Чингиз Айтматовдан ўғириан „Юзма-юз”, „Жамила”, „Сарвқомаг дилбарим”, „Бўтакўз”, „Ативдо, Гулсари!”, „Сомон нўли”, „Оқ кема”, „Эрта қайттан турналар”, „Асрни қаритган кун”, „Соҳил ёқалаб чопаётган олапар” каби гўзл таржималари аллақачон ўзбек ҳалқининг ҳам маънавий мулкига айланган.

Асил Рашидов ҳозирда қадрдан маскани — Низомий номидаги Тошкент Даъват педагогика университетида хизмат қилади.

© „O'qituvchi” NMIU
100206, Toshkent sh.
Yangishahar ko'chasi, 1.
Tel.: (+99871) 224-04-12
E-mail: info@oqituvchi.uz
Web-site: www.oqituvchi.uz

ISBN 978-9943-02-404-5

9 789943 024045